

МАВЛОНО  
ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

*Маснавийи*  
*Маънавий*

Олтинчи китоб

*Форсийдан*  
*Ўзбекистон халқ шоири*  
**ЖАМОЛ КАМОЛ**  
*таржимаси*

ТОШКЕНТ

مولوی، جلال الدین محمد بن محمد، ۶۰۴ - ۶۷۲ ق.  
[مثنوی. ترکی ازبکی]  
(مثنوی معنوی).

Masnaviii Ma'navii / Mavlono Zhaloliddin Rumii; Zhamal  
kamal takzhimasi. - والهدی: تهران، 13 = 20.

ISBN 964 - 8121 - 84 - 2 (ج. ۵)  
ISBN 964 - 8121 - 83 - 4 (ج. ۶)

ج.

انگلیسی.

فهرست نویسی بر اساس اطلاعات فیبا.  
ترکی ازبکی (خط سیریلیک).

فهرست نویسی بر اساس جلد های ۵ و ۶، ۱۳۸۳.

۱. شعر فارسی -- قرن ۷ ق. -- ترجمه شده به ترکی ازبکی. ۲. شعر ترکی ازبکی -- قرن  
۲۰ م. -- ترجمه شده از فارسی. الف. کمال، جمال، Zhamal, Kamal مترجم.  
ب. عنوان: Masnavii ma'navii

ج. عنوان: مثنوی. ترکی ازبکی.

۸ فا ۱/۳۱

PIR ۵۳۰۰ / آ ۳۸۲۵۲ ک ۸

ی ۱۳۰۰

کتابخانه ملی ایران

۸۲ - ۲۴۴۵۰

Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси  
Маданият ваколатхонаси  
Мавлоно Жалоліддин Румий  
MASNAVIIYI MA'NAVIIY

Олтинчи китоб

Ўзбек тилида

Форсийдан Жамол Камол таржимаси

«Ал - худо» халқаро нашриёти. Техрон - 2004 йил.

ISBN 964 - 8121 - 83 - 4

Нашр босма табоғи 22,0. Адади 1000. Бахоси келишилган  
нархда

انتشارات بين المللى الهدى

تهران - صندوق پستی: ۴۳۶۳ - ۱۴۱۵۵

تلفن: ۶۴۰۶۲۶۱ فاکس: ۶۴۰۶۲۴۰



نام کتاب: دیوان مثنوی معنوی دفتر ششم

تهیه و تنظیم: رایزنی فرهنگی ج.ا.ا. - ازبکستان

مترجم: جمال، کمال

نوبت چاپ: اول، ۲۰۰۴ م. ۱۳۸۳ ه. ش.

ناشر: انتشارات بین المللی الهدی

حق چاپ برای ناشر محفوظ است.

*Нарса йўқким, хориги олам эрур,  
Ҳар не истарсен, ўзингда жам эрур.*

*Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил,  
Кўз бўлурму ҳақни кўрмас бўлса ул...*

*Мавлоно Жалололдин Румий - жаҳон мумтоз адабиёти-нинг энг буюк сиймоларидан, башарият шоири деб шуҳрат қозонган забардаст алломадир. Мана, қарийб сақкиз асрдир-ким Мавлононинг номи тиллардан тушмайди, румиёна сатрлар эллардан элларга ўтиб, жаҳон кезади.*

*Алишер Навоий ул зоти шарифни устозлар устози деб атаган, Абдурахмон Жомий эса, у пайгамбар эмас, аммо пайгамбарлик китоби бор, деб улуглаган. Буюк немис файласуфи Гегель, мен ўзимнинг диалектика ҳақидаги таълимотимни Жалололдин Румийга суяниб, яратдим, деб эътироф этган. Мавлоно ҳақида Гёте, Лев Толстой каби буюкларнинг дил сўзлари ҳам тарих саҳифаларида ярқираб турибди.*

*Шубҳасиз, Жалололдин Румий ижодининг энг ёрқин дурдонаси унинг олти китобдан иборат «Маснавийи маънавий» асаридир. «Маснавийи шариф», «Маънавият денгизи», «Тасаввуф қомуси» деб донг таратган бу асарни чин маънода «Дунёнинг китоби» дейиш мумкин. Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, у - Ҳақ мадҳи, ҳақиқат таронаси, инсонни комил фалсафасидир.*

*Азиз китобхон, дарё тўлқинларидек тўхтовсиз оқиб келувчи сўнгсиз ҳикоят у ривоятлар ва улар замиридаги тегран ва улугвор ҳикматлардан бебаҳра қолмай десангиз, бу китобларни ўқинг. Ушанда сиз ҳам уларнинг завқига берилиб, бизга ўхшаб беихтиёр такрорлаб юрасиз:*

*Лабларига етсам ул дамсозни,  
Най каби мен сочгай эрдим розни...*

## МАСЪУЛ МУҲАРРИР ИЗОҲИ

Ушбу таржима «Маснавий»нинг энг мукамал нусхаларидан бири - эронлик машҳур мавлавийшунос олим, филология фанлари доктори Муҳаммад Истеълomий томонидан 7 жилдда тайёрланиб, 2000 йили Теҳронда нашр этилган нусхаси асосида амалга оширилди.

«Маснавий»нинг Муҳаммад Истеълomий томонидан тайёрланган матни асарнинг тўрт қадимги қўлёзма нусхалари - Қуниёнинг 668 ва 677 рақамли қўлёзма нусхалари, Қуниёнинг иккинчи нусхаси, Эрон Миллий Кутубхонасида 715 рақами остида сақланаётган қўлёзма нусха ва машҳур инглиз мавлавийшунос олими Р.Никелсон ҳозирлаган нашрга асосланади.

Мазкур нашрда «Маснавий» нинг 6 китоби, ҳар бир китобда мукамал изоҳлар, 7-жилдда эса «Кашф-ул-абёт», яъни асардаги барча байтларнинг мундарижаси берилган. Ушбу таржима ана шундай бир мўътабар нашр асосида амалга оширилганлиги билан ҳам эътиборга моликдир.



## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМ!

Бу - Маснавий дафтарлари, маънавий баёнотларнинг олтинчи жилдидир. Ваҳму иштибоҳлар қоронғулигини ёритгувчи, хаёлот ва шубҳа - гумонларни йўқликка сургувчи машъ-аладирким, уни ҳайвоний ҳис ила идрок этишнинг имкони йўқдир.

Зеро, ҳайвонлик мақоми - асфалуссофилиндыр.<sup>1</sup> Ул мақомда тургувчилар тубанлик оламига суврат бериш учун яратилиб, уларнинг туйғу ва фаҳмлари атрофига, шу чизиқдан нарига чиқилмасин, дея бир доира тортиб қўйилмишким, золика тақдирул - азизул - алим<sup>2</sup>, яъни, Тангри уларга адо этадиган ишларию боқиб, кўра биладиган жойларни белгилаб бермиш. Бўйлаким, ҳар юлдузнинг муайян манзили, ўз ҳаракат доираси бор. Шаҳар ҳокимининг ҳукми ҳам шаҳар доирасида амал қилур, ундан нарига ўтолмас.

Оллоҳ бизни бир ерда туриб қолишдан, кўрмасликдан, парда ортига ташланган қуллари каби парда ортида қолиш-ликдан ўзи асрасин.

Омин, ё Раббул олабийн!

---

<sup>1</sup> Асфалуссофилин - еттинчи дўзах.

<sup>2</sup> Барча олий нарсалани билгувчи Тангрининг тақдиридир бу.

## ДЕБОЧА

Эй ҳаёти дил, Ҳисомиддин, йигит,  
Жазб этар кўнглингни ул олтинчи жилд.

Жазб этаркан сен каби аллома ул,  
Ер юзин кезгай “Ҳисомийнома” ул.

Сенга пешкаш булгуси, эй маънавий,  
Бул китоб, яъни якуни маснавий.

Олти ёққа ул таратсин шуъла, нур,  
Кай ятуфа ҳавлаҳу ман лат ятур.<sup>3</sup>

- 5 Бешу олти бирла ишқнинг не иши?<sup>4</sup>  
Жазби ёрдин ўзга борму хоҳиши?

Балки бундан сўнгра бир дастур келур,  
Сўйланувчи рози диллар сўйланур.

Ул баёнотлар бўлиб равшан, аниқ,  
Ул киноятлар яна бўлгай дақиқ.

Сирга - сирдош, ўзгаси анбоз эмас,  
Розким мункирга етгай, роз эмас.

Баски, даъват айла, дер Парвардигор,  
Даъват айлар, ўзга не парвойи бор?

- 10 Кечди даъват бирла тўққиз юз йили,  
Қолди гафлат ичра лекин Нуҳ эли.

Нуҳ даъват этди, сўзни чекмади,  
Жим бўлиб, хилватга ўзни чекмади.

---

<sup>3</sup> Дунёни сайр этиб кўрмаганлар, сайр этиб, кўрсин.

<sup>4</sup> Бешу олти - беш туйғу, олти тараф.

Деди: итлар, майли, солсинлар сурон,  
Ортига қайтурму асло карвон?

Ерда итларнинг сурону қаҳридан,  
Кўкда ой тингайму бир дам сайридин?

Ит ҳуруркан, ой сочар оламга нур,  
Ҳар киши ўз касбига машғул бўлур.

- 15 Ҳар кишига хизматин бермиш қазо,  
Айламиш бир ишга банду мубтало.

Ит ҳуриб, ак-акда кўрсатгай кучин,  
Менки оймен, кўкда сузмасмен нечун?

Сиркага гар неча афзунлик етар,  
Шаккар ҳам шаккарлигин афзун этар.

Қаҳр - сирка, лутф - асалдир, ангубин,  
Иккисин қўшса, бўлур исканжабин.<sup>5</sup>

Сирка ортиб, тушса гар камроқ асал,  
Етказур исканжабинга бу халал.

- 20 Қавм тўкиб бошига сирка дамба-дам,  
Раббанодин Нуҳга етгай эрди қанд.

Қанд тўкарди Нуҳга ул дарёи жуд,  
Олам аҳли сиркаси эрди унут.

Минг кишига ким баробардир? Валий,  
Юз асрда бир келур Абдул Али.<sup>6</sup>

Ҳукми денгизга йўл очгайдир, танинг,  
Тиз чўкар олдида дарёлар анинг.

---

<sup>5</sup> Исканжабин, сиркангабин - асалга сирка қўшиб, тайёрланган шарбат

<sup>6</sup> Абдул Али - Ҳақ таоло қули.

Битта денгизмас, у денгизлар ҳама  
Чун кўраркан бу мисолу дамдама,

- 25 Чеккуси шарму хижолатлар чунон,  
Катгаси кичикка ёндашди, дебон.

Ул жаҳонга бул жаҳон ёндашса, ҳай,  
Бул жаҳон шарму уятдин сачрагай.

Ушбу сўз тордир қусурлик рутбати,<sup>7</sup>  
Хору хаснинг хос ила не нисбати?

Боғда зоғлар сайрашаркан эрта-кеч,  
Булбул ул хонишни тарк этгайму ҳеч?

Ҳар бирига бир харидор бор, аё,  
Бўйла бозордирки, яфъал мо яшо.<sup>8</sup>

- 30 Еб битирсам, дер, тиканни оташ ул,  
Масту сархушлар гизоси - атри гул.

Гар ўлакса биз учун расво эрур,  
Тўнғизу кўппакка ул ҳалво эрур.

Этса расволикни расволар талай,  
Сув ювиб ҳар дам, мусаффо айлагай.

Гар илонлардин заҳарлар сочилур,  
Гарчи аччиқ хотиринг хуфтон қилур,

Эсла бир болариларнинг борини,  
Бизга деб шайлайди бол омборини.

- 35 Гар заҳарлайдир заҳарлар дамба-дам,  
Бор, заҳарларнинг неча тарёқи ҳам.

---

<sup>7</sup> Рутбат - даража, мартаба.

<sup>8</sup> Оллоҳ не истаса, шуни қилур. Қуръони карим, Ол-и Имрон су-  
раси, 40-оятга ишорат.

Бул жаҳон жангдирки, кўргил, найлагай,  
Зарра бирлан зарра ҳам жанг айлагай.

Ул бири учгай баногоҳ ўнг тараф,  
Бул бириси сўлга учгай парпираб.

Паст-баландда кўр бу заррот хайлини,  
Кўр уларнинг жанги бирлан майлини.

Жанглари кечгай чу ошқору ниҳон,  
Бул тахолуф ул тахолуфдин нишон.<sup>9</sup>

- 40 Зарраким, мавҳ этди буткул офтоб,  
Жангига йўқ энди тавсифу ҳисоб.

Зарра бирлан бўлди мавҳ нафсу нафас,  
Жанги ҳам энди қуёшнинг жанги, бас.

Заррани тарк этди аъмолу суқун,  
Боиси - инно алайҳи рожеъун.<sup>10</sup>

Кечдик ўзликдин, қовушдик унга чин,  
Сут симирдик энг мусаффо сийнадин.

Йўлдин оздирмиш сени шайтону гул,  
Бас, усулдин очма сўз, эй беусул.

- 45 Жангимиз ҳам, сулҳимиз ҳам нур аро,  
Икки бармоқ амри бизга раҳнамо.

Жанги табъу жанги феълу жанги қавл,<sup>11</sup>  
Юз берар жузвлар аро қўрқинч, жадал.

Ушбу жанглар бирла қойимдир жаҳон,  
Сен аносирга назар сол, кўр аён.

---

<sup>9</sup> Тахолуф - зиддият.

<sup>10</sup> Байтнинг мазмуни: Заррани амал-ҳаракат, майлу қарор тарк этди, чиндан ҳам биз унга қайтгувчилармиз.

<sup>11</sup> Қавл - сўз.

Тўртта унсур - тўртта устундир, суянч,  
Ки жаҳон томига эрмишлар таянч.

Ул бирига бул биридир беомон,  
Сув олов зотига бергайму омон?

- 50 Халқ биноси зиддиятлар рангида,  
Биз мудом фойда-зиёнлар жангида.

Бир-бирига зид, мухалиф ҳолимиз,  
Таъсир ичра айрудир аҳволимиз.

Ўз йўлимда мунтазам этгум давом,  
Ўзгалар бирлан келишгаймен қачон?

Кўр менинг ҳолим аро лашкарларим,  
Бир-бири бирлан арода жангу кийн.

Кўр ўзингда қанчалар жангу сурон,  
Ўзгаларнинг жангини қўй, эй фалон.

- 55 Ҳақ сўзи жангу жадалдин қутқарур,  
Амният дунёсига ул еткарур.

Ул жаҳон боқий эрур, обод, бас,  
Таркибида зиддият зоҳир эмас.

Зид ила зиддан туғилгайдир фано,  
Зидки йўқ бўлса, қарор топгай бақо.

Йўқ баҳиштга зид, деди ул беназир,  
Гар қуёш йўқ эрса, қайда замҳарир?<sup>12</sup>

Барча рангларга шу беранглик тамал,  
Барча жангларга шу бежанглик тамал.

---

<sup>12</sup> Замҳарир – қаҳратон совуқ. Қуръони карим, Инсон сураси, 13 - оятга ишорат.

60 Ул жаҳонга, бас, суянгай бул равоқ,  
Васл ила топгай якун ҳажру фиरोқ.

Зиддиятлар ичра кўр ҳар зотни,  
Не учун ваҳдат туғар эъдодни?

Биз - бўлақларимиз, у тўрт издод - асл,  
Бизда феълин айлагай ижод асл.

Гавҳари жон ўртада тургай нуқул,  
Феълу ҳўйи - феъли ҳўйи Ҳақдин ул.

Жанг олур сулҳу омонлиқдин кучин,  
Чун Набий жанг қилди Тангри - Ҳақ учун.

65 Икки олам ичра голиб ул чунон,  
Шарҳига етмас сира фикру баён.

Мавжи Жайҳунни симирмоғинг маҳол,  
Яхшимас юрмоқ вале лабташнаҳол.

Маънилар дарёси жизибдир сенга,  
Маснавийдин бир ариқ очгил анга.

Бир ариқ оч Маснавийдин унга, бас,  
Маънавият денгизин кўр ҳар нафас.

Елки елпиб ул ариқни чайқатар,  
Сувда якрангликни ул пайдо этар.

70 Новдаларким силкинул, ларзонни кўр,  
Меваларким товланур, маржонни кўр.

Ҳарфу савту дам-ла сўз пайдо бўлур,  
Гар улардин кечса, ул дарё бўлур.

Сўйлагувчи, тинглагувчи, сўз фақат,  
Шул учовдин жон яралгай оқибат.

Нон берувчи, нон олувчи, нони пок,  
Тарк этиб суврат, бўлур охирда хок.

Лек йўқолмасдир сира маънолари,  
Уч мақомда айрилиб тургай бари.

- 75 Суврати хок бўлди, маъни ўлмади,  
Ким деса: бўлди, дегилким, бўлмади.

Олами руҳ ичра тургайлар басир,  
Гоҳ шаклли, гоҳ шаклсиз, мунтазир.

Амр ила сувратга киргайлар яна,  
Амр ила сувратни сургайлар яна.

Бас, “лаҳул халқу лаҳул амру”ни бил,<sup>13</sup>  
Халқ - суврат, амр - жондир, англагил.

От-да, отлиқ-да унинг фармонида,  
Уйдадир жон, тан эса айвонида.

- 80 Хоҳиши гар эрса миндирмоқ анинг,  
Амр этиб жонларга дерким ул: мининг.

Истаса жонларни юксалтмоқ нуқул,  
Ҳой, тушинг, деб амру фармон айлар ул.

Сўзки нозик тортди, лозиммас қалов,  
Бас, қалаштирма, пасайтиргил олов.

Қайнагай мўъжаз қозонлар ҳар нечук,  
Юпқадир идрок қозони ҳам кичик.

Поки субҳонийки, себистон қилур,<sup>14</sup>  
Олмаларни барг аро пинҳон қилур.

<sup>13</sup> “Халқ уникидир, амру фармон ҳам”. Қуръони карим, Аъроф сураси, 54-оятга ишорат.

<sup>14</sup> Себистон - олмазор.



85 Барг деган аслида сўздир, гуфтугўй,  
Остидин олма таратгай атру бўй.

Сен симиргил, ол думоғингга ани,  
Атру бўйи олмага элтгай сени.

Атру бўй ол, эҳтиёт эт ўзни, бас,  
То авомдин етмасин салқин нафас.

Етмасин жонингга дард, жисмингга суқ,  
Бир нафасдирким, зимистондин совуқ.<sup>15</sup>

Тош бўлиб қотмиш ва тўнгмишдир чунон,  
Қор уюмлардин эсар ел - қаҳратон.

90 Қор кафан ёпмиш, чу аҳвол бу турур,  
Тиғи хуршидинг, Ҳисомиддин, суғур.

Сирмагил шарқдин у сайфуллоҳни сен,<sup>16</sup>  
Кел, иситгил шул совуқ даргоҳни сен.

Ханжарин қорларга чексин офтоб,  
Сел бўлиб, тоғлардин оқсинлар шитоб.

Ул қуёш шарқий эмас, ғарбий эмас,<sup>17</sup>  
Кун ва тун айлар мунажжим бирла баҳс.

Дер: нечун нурлар таратсам кўкда мен,  
Қибла этдинг ўзга юлдузларни сен?

95 Ҳўш эмасму сенга ул қавли амин:  
Дар нубийким ло уҳиббул-офилин?<sup>18</sup>

---

<sup>15</sup> Зимистон - қиш.

<sup>16</sup> Сайфуллоҳ - Оллоҳнинг қиличи.

<sup>17</sup> Қуръони карим, Нур сураси, 35-оятга ишорат.

<sup>18</sup> Байтнинг мазмуни: нега ул ишончли эрнинг Қуръонда кечган  
“Мен ботганларни (сўнган нурларни) севмайман” сўзи сенга хуш  
келмади?

Қуллуқ айлаб ойга, бойлабсен камар,  
Ранжитур кўнглингни аншаққал-қамар.<sup>19</sup>

Шамс қораймоғига мункирсен тўлиқ,  
Шамс сенинг наздингда олийдир, улуг.

Ўзгарур, дейсан, шу юлдуздин ҳаво,  
Хуш эмасдир сенга иззан-нажм хаво.

Ойданам таъсирлироқ эрмасму нон?  
Эй басо нонким, қўпоргай танда жон.

- 100 Сув магар Зуҳродин эрмасму шитоб?  
Эй басо сувким, этар жисминг хароб.

Меҳри жонингда эмишким, сўз магар,  
Ул қулоғингдин кириб, бундан чиқар.

Таъсир этмас пандимиз сенга, бали,  
Таъсир этмас бизга ҳам пандинг вале.

Лек калит Ҳақдин келаркан, ўзга ул,  
Ки муқолид ус-самовот ундадир.<sup>20</sup>

Бул сухан ҳам худди юлдуздир, қамар,  
Етмаса Ҳақ амри, этмайдир асар.

- 105 Етса Ҳақ амри, сухан таъсир этар,  
Ул ваҳийдирким, қулоқларга етар.

Дер: келингиз бежиҳат дунё сари,  
Ёрмасин сизни ўлимнинг қашқири.

---

<sup>19</sup> “Ботаётган юлдузга қасам...” Қуръони карим, Ва-н-нажм сура-си, 1-оятга ишорат.

<sup>20</sup> Муқолид ус-самовот - осмоннинг калитлари. Қуръони карим, Зумар сураси, 63-оятга ишорат.

Бўйлаким ул равшану дурпош эрур,  
Олдида офтоб анинг хуффош эрур.<sup>21</sup>

Етти кўк қулдир, гадойидир анинг,  
Ой фалак узра адойидир анинг.

Айламиш Зуҳро-да хизмат ихтиёр,  
Муштарий олдида айлар жон нисор.

110 Қўлларин ўпмоқни истар ул Зуҳал,  
Лек ўзин кўрмас муносиб ҳеч маҳал.

Хизматин айлар фалакда Миррих ҳам,  
Ул Аторуд амри-ла сургай қалам.

Айлашур анжум мунажжим бирла жанг,  
Жонни эрмас, танладинг оламда ранг.

Жон ўшалдир, биз ҳама рангмиз, рақам,  
Фикри юлдузларга жондир бешу кам.

Фикри қайда? Нури покда кўр ани,  
Эй фикрчан, сенга сўйлармиз буни.

115 Кўкда ҳар юлдузга бордир гар макон,  
Лек бизим юлдузга тордир ҳар макон.

Улки ёндиргай, макон тутгайму ҳеч?  
Нурки сўнгсиз, ҳаддига етгайму ҳеч?

Ул фақат тамсил ва тасвир айлагай,  
Аҳли ишқ деб бўйла тадбир айлагай.

Кўрганинг-ул бемислдин бир мисол,  
Тош қотиб қолган ақлларга мадор.

---

<sup>21</sup> Хуффош - кўршапалак.

Ақли ўткирдир, оёғи, пойи сусти,  
Чун кўнгил вайрону лекин тан дурусти.

- 120 Ақли халқ дунё ишида - печ-печ,<sup>22</sup>  
Тарки шахват бобида лек - ҳеч-ҳеч.

Беҳадикдирлар чу даъво этсалар,  
Бесабрдирлар чу тақво этсалар.

Олим ул, илму ҳунарда худнамо,  
Лек ўзи оламга ўхшаб бевафо.

Унга тор худбинлик ичра шул жаҳон,  
Лек ўзи нондек томоқ ичра ниҳон.

Бул сифатлар яхшиликка юзланур,  
Яхшилик келгай, агарда изланур.

- 125 Айнигай эрлик суйи ҳам турса тек,  
Жони равшандир туташса жонга лек.

Ҳар жамодким юзланиб, қучгай набот,<sup>23</sup>  
Бахт огочи унга бахш этгай ҳаёт.

Ҳар наботким бул жаҳонда жон қучар,  
Ул Хизрдек оби ҳайвондин ичар.

Жон агар жононга юзни бергуси,  
Сўнгги йўқ оламда ўзни кўргуси.

---

<sup>22</sup> Печ-печ - ўрам-ўрам, яъни, кўп.

<sup>23</sup> Набот - ўсимлик.

БИР КИМСАНИНГ ВОИЗДАН, ШАҲАР ЯҚИНИДА,  
БАЛАНД ОҒОЧДА ЎЛТИРГАН ҚУШНИНГ БОШИ  
ФОЗИЛРОҚ, АЗИЗРОҚ, УЛУРРОҚМИ ЁКИ ДУМИ-  
МИ, ДЕБ СЎРАГАНИ. ВОИЗ УНГА ЎЗ ТУШУНЧА-  
СИ ИМКОНИ ҚАДАР ЖАВОБ БЕРГАНИ

Сўрди воиздин йиғинда бир киши,  
Эйки сен, мажлису минбар дониши,

130 Бир саволим бор, сўрайдирмен шу тоб,  
Мажлис ичра бер саволимга жавоб.

Ўлтирар бир қуш оғоч устида тоқ,  
Боши авлому, думими яхшироқ?

Деди: юзланса шаҳарга ул агар,  
Қуйруғидан боши афзалроқ бўлар.

Йўқ, агар бурса шаҳарга думни ул,  
Боши эрмас, қуйруғи афзал бўлур.

Қуш учар эрса, учар то ошиён,  
Болу пар инсонга ҳимматдир, инон.

135 Хайру шаррга ботса ошиқ ул магар,  
Хайру шаррмас, ҳимматига сол назар.

Оқ қанотли қарчиғай гар беназир,  
Сичқон овлар эрса, тубандир, разил.

Гар қаро қузгун севар подшони, бас,  
Эмди ул лочин эрур, қузгин эмас.

Одабий бир тос хамирдек қад билан,  
Кўкданам юксак, қуёшдан ҳам баланд.

Ҳеч “каррамно” эшитмишму фалак?<sup>24</sup>  
Ким эшитди? Одамий, ғамдин ҳалак.

140 Еру кўкка бердиму ул бегараз,  
Бўйла кўрку нутқу идроку ҳавас?

Кўкка юз очдингму, айтгил, ҳеч қачон  
Ҳусну аъмолингни ошкор айлабон?

Сен кўриб ҳаммомда сувратларки, сир,  
Шу кумушдек танни кўрсатдингми бир?

Кўркли сувратларга боқмай бир қиё,  
Тийра кўз кампирга бўлдинг мубтало.

Бойламиш кўнглингни не беихтиёр?  
Не эмиш - сувратда йўқ, кампирда бор?

145 Сенки жимсен, мен уни айлай баён,  
Ақлу идрок, туйғу ул, тадбири жон.

Гар ўсал кампирда жондин иштиёқ,  
Лек бу сувратлар баса жондин йироқ.

Кирса жон, жонингдин ургайлар сени,  
Зумда кампирдин айиргайлар сени.

Жон не эрмиш? Хайру шаррдин воқиф ул,  
Манфаатдин шод, зиёндин йиғлаюр.

Сирри жон улким, хабар имкони бор,  
Ким хабардор эрса, кўпроқ жони бор.

150 Таъсири жон баски огоҳлик эрур,  
Кимда ул мўл эрса, Оллоҳлик эрур.

---

<sup>24</sup> “Биз унинг қадрини юксалтдик, улуғладик”. Қуръони карим, Ал-исро сураси, 70-оятга ишорат.

Таъбдин айру бор яна жонлар кушод,  
Лек ўшал майдонда эрмишлар жамод.

Жони аввал бўлди даргоҳда аён,  
Мазҳаруллоҳ бўлди сўнгра жони жон.

Ул малойик ақл ила жон эрдилар,  
Янги жон келгач, анга тан бердилар.

Жон билан ул янги жонни кўрдилар,  
Тан бериб, хизматга ҳозир турдилар.

- 155 Лек Билиским, жондин айрилмишди ул,  
Эрди бир жонсиз жасад, ўлмишди ул.

Жони йўқди, ул сабаб жон бермади,  
Қўлидин бўлди жудо, бош эгмади.

Жон бутунди, узвига эрди шикаст,  
Тиклар ул узвини, парво айламас.

Ўзга бир сир бор, қулоқ борму магар?  
Қайда бир тўтики, тотгай ул шакар?

Қанд эмишдир, тўтийи хосларга шай,  
Тўтийи нодонлар унга боқмагай.

- 160 Дарвеши суврат на билсин ул закот,<sup>25</sup>  
Маънидир ул, фоилинмас, фоилот.

Ким Исо ҳангисига бермасди қанд,  
Қанд вале эшакка эрмасдир писанд.

Қанд агар мос келса эшшак ройига,  
Эгаси шаккар тўкарди пойига.

---

<sup>25</sup> Дарвеши суврат - сувратда дарвеш, сохта дарвеш.

Не эмиш “Нахтим ало афвоҳиҳим”<sup>26</sup>  
Англаб ол, йўлчига эрмиш кўп муҳим,

Сўнгги пайгамбар йўлининг ҳурмати,  
Тарк этар оғзингни ул муҳри, хати.

- 165 Анбиёлар муҳриким қолмиш эди,  
Барчасин ланг очди дини Аҳмадий.

Неча қулфлар қолмиш эрди, бизга сир,  
Очди ул “инно фатаҳно” бирма-бир.<sup>27</sup>

Ул шафедир ул жаҳону бул жаҳон,  
Бул жаҳони дин, у дунёи жинон.<sup>28</sup>

Бу жаҳон дер: йўлга бошла, шуъла соч,  
Ул жаҳон дер: ой каби чехрангни оч.

Фикру зикри ошкор ё ёширин  
Иҳди қавми иннаҳум ло яъламун.<sup>29</sup>

- 170 Ул нафасдин икки қопқа ланг шу тоб,  
Икки оламда дуоси мустажоб.

Бўлди Ҳотам ул жумардлик бирла, ҳай,<sup>30</sup>  
Бўйласи ҳеч бўлмамишди, бўлмагай.

Қимки устод эрса, дерсан унга то  
Ушбу санъат сен била топди адо.

---

<sup>26</sup> “Оғизларни муҳрлармиз”. Қуръони карим, Ёсин сураси, 65-оятга ишорат.

<sup>27</sup> “Чиндан ҳам биз очдик” Қуръони карим, Фатҳ сураси, I-оятга ишорат.

<sup>28</sup> Дунёи жинон - Жаннат дунёси.

<sup>29</sup> “Ё Раббим, қавмига тўғри йўл кўрсат, улар чиндан ҳам билмаслар”.

<sup>30</sup> Ҳотам - бу ерда, сўнгги пайгамбар, маъносида.



Ҳар муҳр очмоққа чун ҳотам ўзинг,  
Руҳ бахш этмоққа ҳам ҳотам ўзинг.

Ҳар ишоратким Муҳаммадин келур,  
Баски дил очмоғу гул очмоқ эрур.

175 Офаринлар ул муборак жонига,  
Офарин фарзандлари давронига.

Ул халифазодаларким, ҳар бири,  
Кам эмас, жону дилининг унсури.

Балки Бағдоду Ҳирот, Райдан улар,  
Асли наслига вале пайванд улар.

Гул бутоғи қайда ўсса, гул эрур,  
Май хуми ҳар қайда жўшса, май турур.

Гар қуёш мағриб тарафдин чиқса, бас,  
Айни офтобдир, бўлак офтоб эмас.

180 Айбчиларким шу ёруғ оламда бор,  
Барчасини кўр айла, эй Парвардигор.

Ҳақ демиш: хуффошни кўр этдим, сўқир,  
Кўрмагай токи мунаввар кунни ул.

Бўйла ноқисликка солдим мен атай,  
То қуёшнинг юлдузин ҳам кўрмагай.

ИМОН ЗАВҚИНИ ТОТМАГАН, СИДҚИ ЗАИФЛИК-  
КА ДАЛИЛ БЎЛГАН, ЮЗ МИНГЛАРЧА АБЛАҲЛАР  
ҲАР КУНИ ЙЎЛИНИ ТЎСТАН, НОМУСИ ЧИРИК,  
ИФЛОСЛАРГА ТАЪНА-ДАШНОМЛАР ЁҒДИРИШ.  
ЧУНОНЧИ, ЙЎЛИНИ ҚЎЙЛАР СУРУВИ ТЎСАР-  
КАН, МУХАННАС ЙЎЛДАН ЎТОЛМАГАНИ,  
ЧЎПОНДАН, БУ ҚЎЙЛАРИНГ МЕНИ ҚОПМАЙДИ-  
МИ, ДЕБ СЎРАГАНИ. ЧЎПОН, АГАР ЭРКАК  
БЎЛСАНГ, ШУ ҚЎЙЛАРНИНГ ҲАММАСИ СЕНГА  
ФИДО БЎЛСИН, АГАР МУҲАННАС БЎЛСАНГ,  
ҲАР БИРИ СЕНГА БИР АЖДАҲОДИР, ДЕБ ЖА-  
ВОБ БЕРГАНИ. БОШҚА БИР МУХАННАС  
ҚЎЙЛАРНИ КЎРАРКАН, ОРҚАСИГА ҚАРАМАЙ  
ҚОЧГАНИ, ЧЎПОНДАН БИР НИМА СЎРАСАМ,  
ҚЎЙЛАРИ МЕНГА ТАШЛАНАДИ, ДЕБ ҚЎРҚҚАНИ.

Кел, Зиёулҳақ Ҳисомиддин, аё,  
Эй жилойи руҳу султонул - ҳудо.<sup>31</sup>

Маснавийга манзилу машруҳ бер,  
Ҳар мисол, ҳар сувратига руҳ бер.

185 Ҳарфлари филжумла ақлу жон бўлиб,  
Борсин ул жаннат сари паррон бўлиб.

Чун улар руҳ оламидин келдилар,  
Сен туфайли ҳарфга маҳбус бўлдилар.

Бўлсин умринг ўйлаким умри Хизир,  
Жонфизову дастгиру мустамир.

Сен Хизир, Илёсга ўхшаб кез жаҳон,  
То замин лутфингдин ўлсин осмон.

Сўйлар эрдим васфи лутфинг беадад,  
Бўлмаса гар ул ёмон кўзлик ҳасад.

---

<sup>31</sup> Эй жонимнинг жилоси, мени йўлга бошловчи инсон.

190 Ул ёмон кўзларки ўқдек санчилар,  
Солдилар дилга яролар қанчалар.

Ўзгаларнинг ҳолини шарҳ айлабон,  
Айлагаймен шарҳу ҳолингни баён.

Шул баҳона, шу қадрдонлик учун  
Дил оёғи лойга ботмишдир бутун.

Соҳиби саъатки эл жони бўлур,  
Лек ёмон кўзлар анга моне бўлур.

Чун Абу Толиб, жиян анга Расул,  
Қавмининг гап-сўзидан қўрқарди ул.

195 Дерди: не дерман маломат этсалар,  
Ўғли деб воз кечди диндан, десалар:

Деди Аҳмад: бир шаҳодат сўйла сен,  
Ҳаққа сўйлай сидқи иймонингни мен.

Деди Бу Толиб: эшитгайлар, аё  
Кулли сирри жовизал - аснии шоъ<sup>32</sup>

Сўнг мени ғийбатга кўмгайдир араб,  
Эл аро достон бўлурмен ул сабаб.

Лутфи Ҳақ бўлса азалдин, ҳар тугул:  
Бул ёмон ўйларга бормас эрди ул.

200 Эй Худо, лутфингни айро тутмагил,  
Икки йўл бошида сарсон этмагил.

Бўйлаким макри кўнгилдин мен чунон,  
Мот бўлибдурмен, чеколмасмен фиғон.

---

<sup>32</sup> Икки киши орасида кечган сўз барчага ёйилади.

Ким бўлибмен мен, фалак юз кору бор  
Бирла ҳайрондир, чекар фарёду зор.

Дерки, эй Тангрим, карам қил, раҳм этиб,  
Икки йўл бошида қўйма ўйлатиб.

Битта йўл, жазби сиротал мустақим  
Яхшидир оворалиқдин, эй карим.

205 Икки йўлдин гарчи мақсад сен, ва лек,  
Жонни илдиздин қўпоргай иккилик.

Гарчи мақсад сен, бўлак бир азм эмас,  
Жанг ахир жангдир, зиёфат, базм эмас.

Тингла Қуръонидин, баён айлар Худо,  
Ояти “Ашфақна ан яҳмилнаҳо”.<sup>33</sup>

Ўйланишлар - улми яхши ёки бул?  
Кўнгил ичра бир омонсиз жанг эрур.

Хавф ила уммид - тараддуд ичра ўт,  
Бир-бирига баски солгайдир човут.

---

<sup>33</sup> “Қўклар, ер юзи, тоғлар қўрқдилар ва бу омонатни кўтаришдан бош торгдилар”. Қуръони карим, Аҳзоб сураси, 72-оятга ишорат.

МАЙЛУ ИХТИЁР ФИТНАСИДАН, МАЙЛУ ИХТИ-  
ЁР САБАБЛАРИ ФИТНАСИДАН ЎЗИНГ АСРА-  
ГИЛ, ДЕБ ТАНГРИГА ЁЛБОРИШ. ОСМОНЛАР ВА  
ЕР МАЙЛУ ИХТИЁРГА ТУШМАКДИН, УНИНГ  
САБАБЛАРИДИН ЧЎЧИДИЛАР, ҚЎРҚДИЛАР.  
ИНСОН ЭСА ТИЛАК ТИЛАМОҚҚА, УНИНГ СА-  
БАБЛАРИГА ТАБИАТАН ЎЧ ЭДИ, КАСАЛ БЎЛСА,  
ЕТАРЛИЧА ТИЛАКДА БЎЛМАДИМ, ШУ САБАБЛИ  
ХАСТАЛАНДИМ, ДЕБ ЎЙЛАР, ТИЛАКЛАРИМ  
КЎПАЙСИН ДЕБ СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ТИЛАР,  
ТИЛАКЛАРИМ ЗИЁДА БЎЛСИН ДЕБ МАНСАБ-  
МАРТАБА СЎРАРДИ. КЕЧМИШ ДИНЛАРНИНГ  
ҚАВМЛАРИ ҲАМ ТАНГРИНИНГ ҚАҲҲУ ҲАЗАБИ-  
НИ КАМАЙТИШ УЧУН КЎПРОҚ ТИЛАКДА  
БЎЛИШ ЛОЗИМ ДЕБ ЎЙЛАШАРДИ. ФИРЪАВННИ  
ҲЕЧ КИМСА ЙЎҚСУЛ, БЕНАВО КЎРМАМИШДИ

210 Келди сендин бу тушув, бу юксалув,  
Йўқса, денгиз тинч эди, эй Ҳаййу Ҳув.

Келди сендин бу тараддуд, бу алам,  
Бетараддуд қил мени, эй муҳтарам.

Мунчалар дарду бало, оҳ, ал-ғиёс,  
Ҳар нечук эркакни айлар бемижоз.

Ул балони менга, ё раб, айлама,  
Мазҳабим бер, икки мазҳаб айлама.

Тевамен, елкам яғирдир ҳам букук,  
Ихтиёрим - жабдугим елкамда юк.

215 Ул кажова гоҳи судрайдир у ён,  
Бул кажова гоҳи сургайдир бу ён.

Бўйла бир юкдин халос эт, эй раҳим,  
То кўрай мен яхшиларнинг равзасин.

Уйқуда асҳоби Каҳфдек яйрабон,  
Боғи жуднинг оғушин айлай макон.

Ўнгу сўлга юз буриб беихтиёр,  
Худди тўпдек пилдирармен беқарор.

Ўнга ўгрилсам, юзимни сен ўгир,  
Сўлга ўгрилсам, юзимни сен ўгир.

- 220 Неча юз минг йил тилаксиз, осуда,  
Заррадек учдим ҳаволар қўйнида.

Гар фаромушдир у дамлар кайфу ҳол,  
Ёдгори - уйқу ичра иртиҳол.<sup>34</sup>

Чор унсур чор михин тарк айлабон,  
Жон қуши водийсига бўлгум равон.

Кечмиш айёмлар сутин мен, некбахт,  
Ичгум уйқу доясидин, эй самад.

Боқки, бор олам қочиб ўзликдин ул,  
Ўзни сармастликка ургайдир нуқул.

- 225 Ақлу ҳушни тарк этишни ўйлагай,  
Кўнглини май бирла найга бойлагай.

Жумла билмишларки, борлиқ - фах эрур,<sup>35</sup>  
Фикру зикру ихтиёр - дўзах эрур.

Барча бехудликни истар бир йўла,  
Ёки мастлик, ёки машғуллик била.

Нафсниким йўқликдин олдинг сен эваз,  
Ул вале амрингга парво айламас.

---

<sup>34</sup> Иртиҳол - кўчиш, бу ерда, уйқу оғушида ўздин кечиш, маъно-сида.

<sup>35</sup> Фах - тузоқ.

Лайса лил-жинни вало лилинси ан,  
Танфузу мин ҳабси ақториз заман.

- 230 Ланфузу илло бисултонул - ҳудо,  
Ман тажовифи ис-самовот ил-уло.

Лоҳудо илло бисултони яқи,  
Мин ҳарос иш-шуҳби руҳил муттақи.<sup>36</sup>

То фано топмас жаҳонда кимса ул,  
Топмагайдир Ҳақ сари бормоққа йўл.

Не эмиш меърож, у йўқликдир, фано,  
Аҳли ишққа маҳзабу диндир фано.

Пўстину чориқни, чун айлаб ниёз,  
Ишқининг меҳроби этмишди Аёз.

- 235 Гарчи ул подшога чин маҳбуб эди,  
Зоҳиру ботинда андоқ хуб эди.

Кўнгли бекибру риёву кийнаёе,  
Руҳи султон ҳуснига ойинаёе.

Чунки борлиқдин баче соқит эди,  
Ҳар нечук иш айласа, маҳмуд эди.

Билмайин кибру ҳаво, ҳою ҳавас,  
Ўзни парҳезкор тутарди ҳар нафас.

Пок, мусаффо ҳолга келмишди бутун,  
Мушт тугиб, нафс бўйнига урмишди чун.

- 240 Этса ҳийла, бир сабоқ деб айлаюр,  
Ёки бир ҳикматни кўзлар эрди ул.

---

<sup>36</sup> Замон доирасидин на жин чиқиб кета олур, на инсон. Юксак самоларнинг бўшлиқларидан кечиб, юксалмоқ фақат тўғри йўлни танлаганларга насиб ўлур. Тўғри йўл гуноҳкор жонни шайтонларга отилган тошлардан қўриқлаш ила топилур.

Чориги гар эрса мунча дилписанд,  
Келмиш ул йўқлик уфурган ел билан.

Токи очсам дерди йўқлик даҳмасин,  
Токи етгай айшу роҳатдин насим.

Бул маконнинг молу мулки, атласи,  
Шодумон жонларга занжирдир басы.

Кўрди зар занжирни, мағрур бўлди ул,  
Тор, кавак, чоҳ ичра сўнгра қолди ул.

245 Суврати жаннат, ўзи дўзах эди,  
Гарчи гулруҳ, лек илонди сийрати.

Гарчи мўминга сақар этмас зарар,<sup>37</sup>  
Яхшироқдир тўхтамай, этсанг гузар.

Гарчи дўзах безиендир, бўлма сусти,  
Ҳар қалай жаннатга ўтгонинг дурусти.

Алҳазар, дўстлар, агарчи сирти гул,  
Ёндашиб боқсанг, билингай, дўзах ул.

БИР ҲИНДУ ҚУЛ ХЎЖАСИНИНГ ҚИЗИНИ ЯШИ-  
РИНЧА СЕВИБ ҚОЛМИШДИ. ҚИЗНИ БАДАВЛАТ  
БИР КИШИНИНГ ЎРЛИГА УНАШИШДИ. ҚУЛ БУ  
ХАБАРНИ ЭШИТИБ, ХАСТАЛАНИБ, ЁТИБ ҚОЛ-  
ДИ. НА БИРОР ТАБИБ УНИНГ ДАРДИНИ АНГЛАЙ  
ОЛУР, НА ЎЗИ ДАРДИНИ СЎЙЛАЙ ОЛУРДИ

Бор эди бир хўжанинг ҳинду қули,  
Парваришлаб, комил этмишди уни.

250 Илму одоб ўргатиб, боқмиш эди,  
Кўнглида шамъи ҳунар ёқмиш эди.

---

<sup>37</sup> Сақар - жаҳаннам.



Бир қаричдин яхшилик айлаб ният,  
Лутф этиб, бермишди унга тарбият.

Хўжанинг бор эрди барно бир қизи,  
Сиймтан эрди, малоҳат юлдузи,

Бўй етиб, ҳуснига эл бойландилар,  
Ҳар тарафдин совчилар шайландилар.

Келдилар остонасига саф-қатор,  
Барчанинг орзуси эрди ул нигор.

- 255 Деди хўжа: мол-бисотинг бевафо  
Келса кундуз, кеча бўлгайдир адо.

Ҳусну суврат ҳам омонат, эй дариг,  
Бир тикан чеҳрангни этгайдир сариг.

Ҳеч эрур наслу насаб ҳам бегумон,  
Молу мулкка гарра бўлмоқлик ёмон.<sup>38</sup>

Даҳр аро бойваччалар бордир расо,  
Ота-она бошига дарду бало.

Этмагил соҳиб ҳунарга иштиёқ,  
Сиррини билмоқ эсанг, Иблисга боқ.

- 260 Илми бор, йўқ эрди унда ишқи дин,  
Кўрди ул Одамда тупроқ сувратин.

Илм олурсен, илму ирфонинг талай,  
Гайбни кўргувчи кўзингни очмагай,

Бул кўзинг салла, соқолларни кўрар,  
Ким баланд, ким паст муаррифдин сўрар.<sup>39</sup>

---

<sup>38</sup> Гарра - мағрур.

<sup>39</sup> Муарриф - таништирувчи, подшолар мажлисида меҳмонларни таништириб, уларни ўз ўрнига ўтқизивчи шахс.

Орифо, сен ул муаррифдин йироқ,  
Сен ўзинг кўргувчидирсен, нури пок.

Сенга шул тақво ила дину салоҳ,  
Икки оламда нажот бергай, фалоҳ.

- 265 Хўжа қизга бир йигитни танлади,  
Ақраболар ичра кўп зукко эди.

Деди хотинлар: йигитда мол йўқ,  
Бир суянчиқ, ҳусну истиқлол йўқ.

Хўжа дедиким, суянчиқ - зуҳду дин,  
Бунга тенг ганжу хазина бормикин?

Бул хабар тарқалди элга, бўлди фош,  
Танланиб тўй сарпаси, атлас, қумош,

Етди қул ҳиндуга ҳам гап айланиб,  
Бўлди бемор ул, магар зору заиф.

- 270 Чун эриб мумдек, мажולי қолмади,  
Не эди дарди, табиблар билмади.

Дил гами урмишди юзга зардини,  
Тан давоси ўнгламас дил дардини.

Баски ул бечора қул хомуш эди,  
Кўксида дарди - қадалган ниш эди.

Чун деди хотинга хўжа бир куни,  
Хилват айлаб, кўнглини сўргил уни.

Онаси ўрнига унга онасен,  
Сенга айтур, йўқ магар бегонасен.

- 275 Эрининг сўзин қулоққа олди у,  
Эртаси кун бўлди қулга рўбарў.

Сўрди ҳолин, хастанинг бошин силаб,  
Меҳрибонлик кўрсатиб, сиҳҳат тилаб.

Сўзлари қулни эритди ончунон,  
Тилга кирди ул, кўнгил этди баён.

Шулмидир лутфинг? - деди ул онага,  
Қизни бергайсен унуд, бегонага.

Бунда мен бўлсам фироқи ичра қул,  
Менга эрмас, бошқаларга бўлса ул.

280 Жаҳли қўзғолди хотиннинг шул замон,  
Истади қулни қувиб солса ҳамон.

Бир ғариб қулвачча ҳинду бедаранг,  
Хўжаси қизига кўз тикмиш, қаранг...

Деди: сабр айлаб, кечай бу ҳолни,  
Хўжага арз этди бор аҳволни.

Боқки, бир қулвачча бундоқ сўз демиш,  
Ким демишдик, аслида хоин эмиш.

**ХЎЖА ҚИЗНИНГ ОНАСИГА, САБР ҚИЛ, ҚУЛГА  
ОЗОР БЕРМА, МЕН ЧОРАСИНИ ҚИЛАМАН, У  
ҚИЗДАН КЎНГИЛ УЗАДИ, НА СИХ КУЯДИ, НА  
КАБОВ, ДЕГАНИ**

Деди хўжа: сабр қил, айтгил анга:  
Қизни бермам ўзгага, бергум сенга.

285 Кўнглидин ушбу тамаҳни ҳайдаин,  
Сен томоша қил, буни мен айлайин.

Кўнглини хушла, дегилким, розимиз,  
Сенга лойиқдир бизим гулнозимиз.

Муштарийлар ичра аълосен ўзинг,  
Ҳам куёв бўлмоққа авлосен ўзинг.

Ўт-олов биздан-ку, оташхона ҳам,  
Лайли биздан, Мажнуни девона ҳам.

Хуш хаёл бирлан таралсин ташвиши,  
Хуш хаёл бирлан семиргайдир киши.

290 Молга озиқдир ҳамиша ўт-алаф,  
Одамийнинг озиғи - иззу шараф.

Одамий хушдир эшитмоқлик била,  
Мол эса бир нарса ютмоқлик била.

Деди хотун: бул қабоҳатдир буюк,  
Мен уни оғзимга олгаймен нечук?

Таклифингни мен нечук айлай қабул?  
Ўлсину даф бўлсин иблисбачча ул.

Хўжа деди: қўрқма, сўйла хушкалом,  
То сиҳат топсин, соғайсин ул тамом.

295 Даф этиш қочмайди, менга қўй ани,  
Ул шифо топса, соғайса бўлгани.

Сўйлади хуш сўзни қулга хотин ул,  
Яйради, дунёга сигмай кетди қул.

Ул чирой очди қизил гулдек магар,  
Кучга тўлди, айлади шукроналар.

Гоҳи-гоҳи дерди лекин: эй бекам,  
Бўлмагай бул ҳийла-тадбир, макру фан?

Чорлади тўйга жамоатни хўжа:  
Тўйини қилгум Фаражнинг бул кеча.

300 Тўйга шул оқшом жамоат келдилар,  
Ҳой, Фараж, тўйинг муборак, дердилар

Баски бошланди Фаражнинг тўйи чун,  
Хасталик жисмини тарк этди бутун.

Бир йигитни-да дағи келтирдилар,  
Қиз каби ойнапардоз қилдилар.

Тақдилар унга тақинчоқ, зеби ноз,  
Сирти макён эрди, асли норхўроз.

Сувратин худди келиндек кўргизиб,  
Эгнига алвон кийимлар кийгизиб.

305 Келди хилват чоғи, зуд сўндирди шам,  
Қолди ҳинду уйда ул норғул билан.

Сўнгра фарёд чекди, солди бир фиғон,  
Ташқари тўй эрди, кўп шовқин-сурон.

Дойра гумбурларди, жўр эрди чапак,  
Дод соларди уйда ҳинду жонҳалак.

Ишлади норғул, танаффус этмади,  
Тонггача ҳиндуни ул тинчитмади.

Тун ўтиб, тонг ўзни ошкор айлагач,  
Бир куёвдек кетди ҳаммомга Фараж.

310 Ул борарди не машаққатлар била,  
Жони хаста эрди, орти дабдала.

Қайтди ҳаммомдин кейин ул, алҳусус,  
Бир келиндек кирдию ўлтирди қиз.

Онаси даҳлизда эрди посбон,  
Этмагай деб кундузи бир имтиҳон.

Боқди қизга ҳинду, кўзда кийн эди,  
Икки қўлин силкиди сўнг, кет, деди.

Менки кўрдим, ўзгага кўрсатмасин,  
Сен каби маккорани учратмасин.

- 315 Кундузи чеҳранг хотиндек ишвагар,  
Кечалар коринг эшакдин ҳам батар.

Бўйла эрмиш кори-бори бул жаҳон,  
Хуш эрур келгунча токи имтиҳон.

Чун йироқдин сув кўрингайдир шу тоб,  
Лек яқинроқдин назар солсанг, сароб.

Аслида ул бижғиган кампир эрур,  
Ўзни анвойи келиндек кўрсатур.

Учма, кўрсатса бўянган сувратин,  
Ичма, гар тутса заҳарли шарбатин.

- 320 Сабр қил, ас-сабру мифтоҳул-фараж,<sup>40</sup>  
Йўқса, йигларсен ситамлар айлагач.

Дони ошкордир, ниҳон доми анинг,  
Хуш кўрингай бошда инъоми анинг.

УЛ ҲАҚДАКИМ, БУ АЛДАНИШ ЁЛҒИЗ ҲИНДУДА  
ЭМАС, ҲАР КИМСАНИНГ БОШИДА БОРДИР. ҲАР  
ИНСОН БЎЙЛА БИР ҒУРУРГА МУБТАЛОДИР.  
ФАҚАТ ОЛЛОҲ ИНОЯТ ЭТСА, УЛ БЎЛАК ГАП

Берма кўнгилни бу ишга, эй нигор,  
Сўнг надоматлар чекурсан зор-зор.

Ул амирлик, ул вазирлик, шоҳлик ул,  
Чун ўлимдир, балки жон бермоқ эрур.

---

<sup>40</sup> Сабр - саодат калитидир.

Банда бўл, ҳур бўл шу дунё қўйнида,  
Мурдадек кезма бировнинг бўйнида.

- 325 Куфр эмишдир, улки бундоқ истагай,  
Ўзгалар устида юрмоқ истагай.

Тушда бир тобутда кўрсанг кимсани,  
Ўнгда бир мансабда кўргайсен ани.

Юк эмишдир елкада тобутки бор,  
Халққа юклар залворин аҳли кибор.<sup>41</sup>

Ўзгага ортма юкингни, эш бўл,  
Этма сарварлик ҳавас, дарвеш бўл.

Минма халқ бўйнига, оғир олмасин,  
Хасталик икки оёқдин чалмасин.

- 330 Охири отдан тушиб, ҳайронасен,  
Бир шаҳардирсен, вале вайронасен.

Кеч шаҳардин, турма ул кошонада,  
Қолмагайсен сўнгра бир вайронада.

Юзта боғинг борида тарк айла, бас,  
Бўлмагил то ожизу вайронпараст.

Деди: гар жаннатни этгайсен тамаъ,  
Одамийдин бир вақое истама.<sup>42</sup>

Мен кафилмен, сенга бўлгайдир ато,  
Жаннатул маъвою дийдори Худо.

- 335 Бир саҳоба этди бу сўзни шиор,  
Бўлди бир кун отланиб, йўлга савор.

---

<sup>41</sup> Аҳли кибор - амалдорлар, мансабдорлар.

<sup>42</sup> Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом сўзи.

Қамчисин қўлдан туширди ногаҳон,  
Ўзи отдан тушди, олди шул замон...

Бир ёмон нарса беришлик ёт анга,  
Сурмасанг-да, ўзи бергайдир сенга.

Амри Ҳақ бирла сўрар эрсанг, раво,  
Бўйла сўрмоқлик - тарийқи анбиё.

Истаса, қолмас ёмонлик белгиси,  
Куфри бедодинг-да иймон бергуси.

340 Амридин келса ёмонлик гар, нетар,  
Ул ёмонлик яхшиликлардин ўтар.

Бул қирилмиш, деб садафга боқма хор,  
Бағрида балки мунаввар инжу бор.

Бул сухан билмас ниҳоя, ортга қайт,  
Сор бўлиб, арзингни ул подшога айт.

Холис олтинсен, яна маъданга бор,  
Қўнмагай то сенга мақтовдин губор.

Бойланиб сувратга, бўлгайлар адо,  
Сўнгра безгайлар ўшандин мутлақо.

345 Ўғриким айрилса қўлдин, йиғлагай,  
Қилмишин ўйлаб, кўнгилни тиглагай.

Ўғрилик-чун бўлди қўлдин мосуво,  
Энди кўргил ҳолини чекканда оҳ.

Баски, қотил ҳам жазога учрабон,  
Тавбалар айлаб, чекар оҳу фиғон,

Тавбасин буткул унутгай тезда лек,  
Ўтга ургай ўзни боз парвонадек.



Бўйлаким парвона ўтни нур билиб,  
Шам сари келгай тинимсиз талпиниб.

350 Шамга ургай-да, қанотин қуйдирар,  
Қочса ҳам, қайтар, оловдин эврилар.

Эврилиб, шам ўтига ургай яна,  
Ўзни ургай, ўтди куйдиргай яна.

Ўзни куйдиргай, куйишдан тўймагай,  
Ҳирси дил парвона этгай, қўймагай.

Ҳиндудек шамдин агарда кечса воз,  
Шул замон топгай оловдин ҳам халос.

Дерки, ойдек нур тараб тургувчисен,  
Лек яқинлашганда ёндиргувчисен..

355 Тавбасин аммо унутгай бус-бутун,  
Ки ҳунар Раҳмону қайд ул-козибин.<sup>43</sup>

### “ҲАР ГАЛ УРУШ ОЛОВИНИ ЁҚСАЛАР, ОЛЛОҲ УНИ ЎЧИРГАЙ” ОЯТИНИНГ ҲАММАГА ТЕГИШ- ЛИГИ ХУСУСИДА

Кулламо ҳум авқаду норал-вағо,  
Атфауллоҳ нораҳум ҳатмантафо.<sup>44</sup>

Одамий азму қарор айлайди, бас,  
Лек унутгай, чунки аҳли азм эмас.

Кўнгил ичра йўқ садоқатдин асар,  
Ҳақ анга бермиш унутмоқни магар.

Дейди ул чақсам кўнгил чақмоғини,  
Ҳақ вале босгай анга бармоғини.

<sup>43</sup> Раҳмон алдоқчиларни шундоқ аянч бир аҳволга солади.

<sup>44</sup> Улар уруш оловини ёқсалар, Оллоҳ уни ўчиргай... Қуръони карим, Моида сураси, 64-оятга ишорат.

## ШУ МАЗМУНДА БИР ҲИКОЯТ

- 360 Бир киши тунда эшитди бир шитир,  
Тош чақиб чун шамни ёқмоқ бўлди ул.  
  
Келди ўғри, ёнига ўлтирди зуд,  
Ўт илашса, қўл босиб, сўндирди зуд.  
  
Ҳар сафар басгай эди бармоғини,  
Истамасди чунки шам ёнмоғини.  
  
Хўжа ўйлар эрди, ўчгай шам ўзи,  
Ҳийлагар ўғрини кўрмасди кўзи.  
  
Дерди: нам тортмиш, эмас ўнгай пилик,  
Ул сабабдин ёнмагай, сўнгай пилик.
- 365 Баски зулмат эрди атроф, тимқаро,  
Ўғрини кўрмасди хўжа тун аро.  
  
Бўйлаким кофир кўнгилда, эй нигор,  
Чун кўринмас, ўтни сўндиргувчи бор.  
  
Йўқ эмас, ортида бордир бир кучи,  
Ҳар не айланганни айлантиргучи.  
  
Бас, нечук келгай-да, кетгай кун, кеча  
Бўлмаса ортида қодир бир хўжа?  
  
Не саволлар ичра юргайсен малол,  
Бул жиҳатни ҳам ўзинга бер савол.
- 370 Уйни тикловчи бинокордир, ўгил,  
Ё бинокорсиз-да тиклангайму ул?  
  
Хатни хат қилгувчи котибдир ўшал,  
Ўз-ўзича хат ёзилгайму магар?

Жим-қулоғу айн-кўзу мим-оғиз,  
Ёзмаса котиб, ёзилгайму нафис?

Шам ёнгайму билимдон ёқмаса,  
Тун аро бир аҳли ирфон ёқмаса?

Қўли чўлтоқ, кўзи кўр бўлса, сўник,  
Ул киши санъат яратгайдир нечук?

375 Баски билдинг, қаҳр этиб тургувчи ким?  
Қаҳр этиб, бошинга чун ургувчи ким?

Сен кураш, Намрудга ўхшаб айла жанг,  
От ҳаволарга неча тийри хаданг.<sup>45</sup>

Бир мўғулдек жон ҳимоя айлабон,  
Ўқларинг кўкларга ёғдир беомон.<sup>46</sup>

Эпласанг, қочгил ўлимдин, турма, ҳов,  
Чун қочарсен, илкида жонинг гаров?

Йўқлик ичра олди ул тутқун этиб,  
Борлиқ ичра энди қочгайсен нетиб?

380 Орзуга интилмоғингдир қочганинг,  
Ўлдириб тақвони, қонин сочганинг.

Бул жаҳон дом эрса, дондир орзу,  
Қоч ўшал домдин, ёмондир орзу.

Бўйла йўл босганда, келгайдир мурод,  
Тескари юрганда, юз очгай фасод.

---

<sup>45</sup> Намруднинг калхатга миниб, ҳавога учгани ва осмонга ўқлар отганига ишорат. Тири хаданг - ўткир найза.

<sup>46</sup> Бир мўғул жон бераркан, ўлим фариштасини ҳайдаш учун бошқалари осмонга ўқ узишган.

Деди Пайгамбар: истафт ул-қулуб,  
Муфтилар фатвоси гарчи яхши, хуб.<sup>47</sup>

Орзуни тарк айла, бунда бўлма суст.  
Англадинг чун бўйла бўлмоғи дуруст.

385 Бас, қочолмассен, сизин ардоғига,  
Хизматин этгил-да, киргил боғига.

Гар кўзинг сенга нигоҳбон бўлгуси,  
Тонг эмас, лутфу карамлар келгуси.

Кўзларинг юмсанг-да, кийсанг гар ҳижоб,  
Қўймагай нурлар тарашни офтоб.

ПОДШО АЁЗНИНГ ФАЗИЛАТ ВА МАРТАБА БОБИ-  
ДА ҲАММАДАН УСТУНЛИГИ, ШОҲГА ҲАММА-  
ДАН ЯҚИНЛИГИ, КИЙИМ-БОШ ПУЛИНИНГ ОР-  
ТИҚЛИГИ САБАБИНИ БИР БАҲОНА БИЛА УМА-  
РОГА ТУШУНТИРИБ БЕРГАНИ, УЛАР ОҒИЗ  
ОЧИБ, ЭЪТИРОЗ ЭТИШОЛМАГАНИ

Чун амирларким ҳасаддин ўлдилар,  
Оқибат подшога таъна қилдилар.

Ки Аёзда бормидир ўттиз ақл,  
Кийгани ўттиз амирдин ортиқ ул?

390 Овга ул ўттиз амир-ла чиқди шоҳ,  
Юрди тоғлар қўйнига, сўйи дало.

Кўрдимки, кечгай йироқдин корвон,  
Бир амирга ул буюрди: эй фалон,

Бор ўшал карвон сари, отингни сур,  
Сўр-суриштирким, магар қайдин келур?

---

<sup>47</sup> Байтнинг мазмуни: Пайгамбар дедиким, муфтилар гарчи яхши фатволар беришса-да, сен аввало қалбинг ила кенгаш.

Борди, келди, корвон Райдин, деди,  
Қайга боргай эмди? Аъён билмади.

Шоҳ бўлак аъёнга юз бурди ҳамон,  
Бор, аниқла, қайга боргай корвон.

395 Борди, келди, деди: боргайдир Яман,  
Мол-бисоти не? Дедиким, билмасам.

Подшо ўзга амирга юзланиб,  
Деди: карвон моли не, келгил билиб.

Борди, келди, деди: бордир барчаси,  
Аксарий моли эмиш Рай косаси.

Сўрди: Райдин не замон чиқмиш улар?  
Лек амир эрди бу гапдин беҳабар.

Бўйлаким ўттиз амирни бирма-бир  
Йўллади карвонга ул шоҳи кабир.

400 Эй амирлар, деди сўнгра, қайси кун  
Имтиҳон этдим Аёзни ҳам чунин.

Сўр, дедим карвонни, ул қайдин келур,  
Борди зуд, ҳар неки лозим, сўрди ул.

Беишорат, бевасият, англабон,  
Барчасин етказди бизга шул замон

Сизку ўттиз карра қатнаб, дардисар,  
Ул бориб, бир каррада этмишди ҳал.

**УМАРО БУ ДАЛИЛНИ ШУБҲА ОСТИГА ОЛИШГА-  
НИ, ПОДШО УЛАРГА ЖАВОБ БЕРГАНИ**

Ул амирлар дедиларким, бу жиҳат,  
Жаҳд-жадалданмас, илоҳий марҳамат.

- 405 Қисмати Ҳақдир ҳилолда ҳусну рўй,  
Қисмати Ҳақдир чечакда атру бўй.

Шоҳ деди: ҳар неки сизда ошкор,  
Сустигу жаҳду жадалнинг дахли бор.

Йўқса, Одам дермиди Тангрига то,  
Раббано, инно заламно нафсано.<sup>48</sup>

Дердимким, айбу гуноҳ - амри азал,  
Баски, шундоқ, эҳтиётдин не самар?

Бўйлаким Иблис демиш: ағвайтани,  
Синдириб жоним, чу ургайсен мени...

- 410 Ул-қазо-ҳақдир ва жаҳди банда-ҳақ,  
Олма сен бир кўзли Иблисдин сабақ.

Гоҳ тараддудларда қолгаймиз қатор,  
Айт, қачон бўлмиш ўшал беихтиёр?

Қўл-оёғи боғлиқ инсон бир нафас,  
Ўйла этгум, бўйла этгаймен, демас.

Қўл-оёғи боғлиқ эрса, эрми ул?  
Сувга тушсам, кўкка учсам, дерми ул?

Дерми: шу аҳволда мен Мавсул борай,  
Ёки сеҳр ўргангали Бобул борай?

- 415 Бас, тараддуд борки, бордир қудрати,  
Йўқса, элга кулгу бўлгай ул фати.<sup>49</sup>

Сен қазони бир баҳона айлабон,  
Бошқага ортма гуноҳинг, эй фалон.

---

<sup>48</sup> Эй Раббим, биз чинданам ўзимизга зулм этдик.

<sup>49</sup> Фати - йигит.

Қон тўқар Тошмат, ғазаб Эшматгаму?  
Май ичар Эшмат, жазо Тошматгаму?

Боқ ўзингга, излама ҳамсоядин,  
Кўр ўзингдин ишни, кўрма соядин.

Кимсага янглиш жазо бермайди мир,  
Душманин билмасму ул мири кабир?

420 Бол есанг, андин ҳарорат сендадир,  
Кундуз иш, оқшом ҳаловат сендадир.

Ишладинг, фойда-зиёнин кўрмадинг,  
Ғалла экдинг, кузда ҳосил ўрмадинг.

Ишларинг эрмиш магар жону танинг,  
Худди фарзанддек тутарлар доманинг.<sup>50</sup>

Ғайб аро ҳар ишга суврат бойланур,  
Ўгрини осмоқ учун дор шайланур.

Ўгрига дор ўхшагайму ҳеч қачон?  
Лек бу тасвири Худойи ғайбдон.

425 Бўйла бир илҳом берур миршабга ул,  
Адл учун майдонда ул дор тиклаюр.

Сенки олимсен, ўшал одил қазо  
Бегуноҳ инсонга бергайму жазо?

Баски ҳокимлар ҳукм этгай чунин,  
Не эрур ул ҳукми шоҳи ҳокимин?

Арпа эксанг, арпа ўрагайсен, жўра,  
Қарз олибдирсен, гаровни ҳам тўла.

---

<sup>50</sup> Доман - этак.

Сен гуноҳингни бировга юклама,  
Қўй ўшанга ақлу ҳушни, чеклама.

- 430 Сен ўзинг экдинг гуноҳни, унди ул,  
Энди Ҳақ берган жазойинг эт қабул.

Ранжу дардинга сабабдир қилмишинг,  
Жоиз эрмас қисматингдин нолишинг.

Бахтга кўз тикмоқ сени аҳвал қилур,<sup>51</sup>  
Итни ҳам ул уйқучи, тамбал қилур.

Муттаҳам қил нафси жонинг, эй фато,  
Нолима, келса сенга адлу жазо.

Тавба қил, мардона бош қўй йўлга, ваҳ,  
Ки фаман яъмал би мисқолин яраҳ.<sup>52</sup>

- 435 Нафсни тийгил, қўй гуруру ғаррани,  
Офтоби Ҳақ яширмас заррани.

Нур сочар бўлса қуёш кўкдин ҳамон,  
Бўлгай ул зарроти жисмоний аён.<sup>53</sup>

Зарраларким ул сенинг жисмингда бор,  
Айлагай шамси ҳақойиқ ошкор.<sup>54</sup>

---

<sup>51</sup> Аҳвал - ғилай.

<sup>52</sup> Заррача хайр ҳам, шарр ҳам жавобини олади... Қуръони карим, Залзала сураси, 7-8-оятларга ишорат.

<sup>53</sup> Зарроти жисмоний - жисмоний зарралар.

<sup>54</sup> Шамси ҳақойиқ - ҳақиқатлар қуёши.



ҚУШЛАРНИ АЛДАШ УЧУН ЎТ-ЎЛАНГА БУРКАНИБ, БОШИГА ГУЛЛАР, ЛОЛАЛАР ТАҚИБ ОЛГАН ОВЧИ ҲИКОЯТИ. ЗИЙРАК БИР ҚУШ БУНИ ПАЙҚАДИ, БУ ОДАМ БЎЛСА КЕРАК, ЎТ-ЎЛАННИНГ БУНАҚАСИНИ КЎРМАГАНМАН, ДЕБ ЎЙЛАДИ. ЛЕКИН БУ ТЎХТАМИ ҚАТЪИЙ ЭМАСДИ. ЎТ-ЎЛАН БЎЛСА КЕРАК, ДЕГАН ЎЙГА БОРДИ. ИККИНЧИ ТЎХТАМИ ҚАТЪИЙ БЎЛДИ, БОШИГА БАЛО КЕЛТИРДИ, ТУЗОҚҶА ТУШДИ. САБАБИ-ЙЎҶСИЛЛИК, ЙЎҶЧИЛИК ЗАМОНИДАГИ ҲИРС, УМИД ЭДИ. ПАЙҶАМБАР САЛЛАЛОҶУ АЛАЙҶИ ВАСАЛЛАМ ДЕМИШДИКИ, ЙЎҶСИЛЛИК КОФИРЛИКҚА АЙЛАНИШИГА БИР БАҶИЯ ҚОЛДИ

Сайр этиб бир қуш кезарди майсазор,  
Бир тузоқ шай эрди унда интизор.

Овчи ҳам юз чораву тадбир тузиб,  
Ўт-ўланлар ичра ётмишди пўсиб.

440 Ўт-ўланга бурканиб ётмишди ул,  
Ҳар нафасда ўлжасин қутмишди ул.

Кўрди, ҳайрон боқди ҳам ўйланди қуш,  
Неча бор атрофидин айланди қуш.

Сўрди: кимсен, бунда ётмишсен тўниб,  
Сабзапўшсен, ўт-ўланга бурканиб.<sup>55</sup>

Деди: зоҳид, мунқатедурмен тамом,<sup>56</sup>  
Ўт-ўланлардир менга нуқлу таом.

Зухд ила тақвони пешво айладим,  
Чун яқинлашган ажални ўйладим.

<sup>55</sup> Сабзапўш - яшил кийинган, яшил ёпинган.

<sup>56</sup> Мунқатеъ - айрилган, узилган, бу ерда, тарки дунё этган, маъносида.

445 Ўлди қўшним, менга дарс бўлди чунон,  
Кечдим ул касбу дўконимдин ҳамон.

Оқибатким яккалик этгай насиб,  
Яккаликдин қайга боргаймен қочиб?

Оқибатким масканим эрмиш лаҳад,  
Яхшимасму борганим сўйи Аҳад?

Бас, иякни бойлагайлар, эй санам,  
Яхшимасму мен тилимни бойласам?

Эйки зарбоф тўн киярсен қатма-қат,  
Бир кафан бўлгай либосинг оқибат.

450 Аҳли тупроқмиз, сурайлик унга юз,  
Бевафоларга гирифтормиз ҳануз.

Тўрт аносир эрди бизга чин ато,  
Лек муваққатларга этдик иқтидо.

Не замонлар бирга эрди, ҳамдами,  
Тўрт аносир бирла жисми одамий.

Руҳи эрди нафси бирлан ақлидан,  
Лек уларни ул унутди афтидан.

Нафси худбин бирла ақли пурсафо,  
Нома битгайлар анга: эй бевафо.

455 Янги дўстлар бирла кўрдинг ўзни сен,  
Эски дўстлардин ўгирдинг юзни сен.

Ўспиринлар ўйнашурлар шодумон,  
Судрашур шомда уларни уй томон.

Ёш бола олгай ўйинлар машқини,  
Ўғри илгайдир тўни ҳам кафшини.

Ул ўйин завқига чун ғарқ бўлгуси,  
Ўдига тушмайди тўни, дўпписи.

Қош қорайгач, эсга тушгай ул унут,  
Уйга қайтишга юрак йўқ, юз шувут.

- 460 Ҳақ демишким, иннамо дунё лаъаб,<sup>57</sup>  
Олдириб тўнинг, турарсен дилдираб.

Қош қараймасдан даракла, тўнни топ,  
Кундузингни беҳуда этма хароб.

Менку бул саҳрода хилват танладим,  
Тўнни илган халқ эмишдир, англадим.

Кечди умрим ярми манманлик била,  
Ярмиси дард бирла, душманлик била,

Дўппини ул олди-қочди, тўнни бул,  
Биз эса ғарқмиз ўйинга, билфузул.

- 465 Сочди кўзларга ажалнинг шоми дуд,  
Жалли ҳозал-лаъб басак лотуъуд.<sup>58</sup>

Тавбани жабдуқла, от сол тўғридин,  
Ет қувиб, тўнингни олгил ўғридин.

Тавба тулпори ажаб тулпор эзур,  
Лаҳзада авжи фалакка юксалур.

Асра тулпорингни, ўғри ногаҳон  
Чалмасин, тўнингни чалгандек ниҳон.

Тортмасин домига тулпорингни ҳам,  
Кўз-қулоқ бўлгил ўшанга дамба-дам.

---

<sup>57</sup> Бу дунё - бир ўйиндир... Қуръони карим, Анъом сураси, 32-оятга ишорат.

<sup>58</sup> Етар, ўйнамоқни бас қил.

ЎҒРИЛАР БИРОВНИНГ ҚЎЧҚОРИНИ ЎҒИРЛАШ-  
ГАНИ, ЯНА ЕТМАГАНДАЙ, МАКРУ ҲИЙЛА  
ҚИЛИБ, КИЙИМЛАРИНИ ҲАМ ЎМАРИШГАНИ

470 Бир киши қўчқор етаклаб, эрди банд,  
Ипни кесди ўғри, чалди илкидан.

Шўрлик огоҳ бўлди, чопди ўнгу сўл,  
Ахтариб қўчқорни топмоқ бўлди ул.

Кўрди бир кимса қудуқнинг бошида,  
Қайғуси ошкор эди кўз ёшида.

Сўрди: не бўлди? Дедиким, вой иним,  
Шу қудуққа тушди ҳамён олтиним.

Гар олиб чиқсанг, мадад берсанг менга,  
Юз динорнинг ўттизин бергум сенга.

475 Ўйлади ул содда кўнгилнинг қули:  
Кам эмас бу, ўнта қўчқорнинг пули.

Бир эшик ёпганда очди ўнтасин,  
Олди бир қўчқорни, берди тевасин...

Тўн ечиб, тушди қудуққа даъфатан,  
Илди-қочди ўғри жома-тўнни ҳам.

Чора топ, манзилга элтсин ул сени,  
Элтса офатга, тамаҳ деб бил ани.

Ўғридир, бир фитна сийратдир тамаҳ,  
Ҳар нафас бир ўзга сувратдир тамаҳ.

480 Банда билмас макрини, билгай Худо,  
Ҳаққа бор, қолсин аламда ул дағо.<sup>59</sup>

---

<sup>59</sup> Дағо - фирибгар, маккор.

МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМ “МУСУЛМОНЧИ-  
ЛИҚДА РОҲИБЛИК ЙЎҚДИР” ДЕЯ УММАТИГА  
РОҲИБЛИКНИ МАНЪ ЭТМИШДИ, ШУ ҲАҚДА  
ҚУШ ИЛА ОВЧИ МУНОЗАРАСИ

Қуш деди: хилват аро ўлтирма, бас,  
Динни Аҳмадда тараҳҳуб хуш эмас.<sup>60</sup>

Чун тараҳҳубни ясоқ этди Расул,  
Сен бу янглиғ бидъат этма, эй фузул.

Жумъада шартдир жамоат-ла намоз,  
Амри маъруф ҳам ёмондин эҳтироз.<sup>61</sup>

Етса ранж, сабр айла, олма дилга сен,  
Манфаат ёғдир булутдек элга сен.

485 Хайру-нос ан янфаъун нос, эй ўғил,<sup>62</sup>  
Тош эмасдирсен, кесак-ла турмагил.

Уммати маҳрум ила бўл доимо,  
Суннати Аҳмадни этгил раҳнамо.

Деди: нодон не эмишдир аслида?  
Тош, кесак эрмиш у оқил наздида.

Улки ул дунёда нон истар фақат,  
Суҳбати эрмиш унинг-раҳбоният.

Ҳақдин ўзга барчаси кетгусидир,  
Ҳар неким етгай сенга, етгусидир.

490 Қибласи ҳам ҳукми янглиғ, нетсин ул,  
Ул ўлик излар, ўлик де, кетсин ул.

<sup>60</sup> Тараҳҳуб - роҳиблик, раҳбоният.

<sup>61</sup> Эҳтироз - сақланиш, ўзни четга тортиш.

<sup>62</sup> Инсонларнинг хайрлиси - инсонларга фойдаси текканидир.

Бул қавм-ла эрса ким, роҳиб эрур,  
Тош, кесакларга ўшал соҳиб эрур.

Тош, кесаклар йўлни кесгайму, аё?  
Бул кесаклардин вале юз минг бало.

Қуш дедиким, бўлгуси жангу жадал,  
Йўл уза турса бунингдек йўлтўсар.

Халқни ўйлаб, халққа бергум деб мадад,  
Ёв ила майдонга тушгай шери мард.

495 Йўлчи гар душман била ҳамроҳ бўлур,  
Қонида мардлик ўти пайдо бўлур.

Чун Набий эрди қилич пайгамбари,  
Уммати сафларни ёрмишди бари.

Динимизда жангу шавкатдир шиор,  
Дини Исода русум-тоғ эрди, гор.

Деди овчи: етса куч, бормоқ керак,  
Шўри шаррни қонига қормоқ керак.

Қувватинг йўқса, тийилмоқ яхшидир,  
Бўйла бир ишдин узилмоқ яхшидир.

500 Қуш деди: сидқ бирла этгил иш-амал,  
Йўқса, етмас дўсту ёрингдин самар.

Дўст бўл, топ дўсту ёринг беадад,  
Йўқса, қолгайсен жаҳонда беадад.

Дев-бўри, сен-Юсуфдек, нозанин,  
Қўйма ҳеч қўлдин у Яъқуб доманин.

Қўзичоқким ул сурувдин айрилур,  
Оқибат қашқирга учраб, ем бўлур.

Улки суннатдин, жамоатдин қочар,  
Бас, нетиб сўнгра ҳалокатдин қочар?

- 505 Йўл сенга - суннат, жамоатдир - рафиқ,  
Йўлсизу ёрсиз магар ҳолинг дариг.

Ул нечук йўлдошки, ул макр айлагай,  
Кўз тикиб молингга, фурсат пойлагай.

Кўзлагай манзилни, ханжар чеккали,  
Пойлагай фурсатни, қонинг тўккали.

Ёки қўрқоқдир, машаққат келса, бас,  
Ортга қайтгил, деб ўқийдир сенга дарс.

Ёру дўстин қўрқитар ул ҳар замон,  
Бўйла бир дўст сенга душмандин ёмон.

- 510 Баски жонбозлик йўли бул, эй фати,  
Қилтириқ жонларга бордир офати.

Дин йўли хавфу хатардир дамба-дам,  
Ҳар муханнас ҳам анга қўймас қадам.

Пастни юксакдин айиргай бул синов,  
Унни кепакдин айиргай бул синов.

Йўл нечук йўлдир? У излардин нишон,  
Дўст нечук дўстдир? Фалакка норвон.

Бўри кетди, майли, чалғитдинг ани,  
Қайда топгайсен жамият завқини?

- 515 Бир киши гар йўлда хуш, хандон эрур,  
Хушлиги дўстлар-ла юз чандон эрур.

Гар эшак ҳоргин ва сустдир, эй фақир,  
Ўзгалар бирлан бўлур қувватпазир.

Гар эшак карвондин айру юргуси,  
Йўл анга юз карра оғир келгуси.

Чўл-биебонни босиб ўтгунча то,  
Неча бир калтак егай, бўлгай адо.

Гар эшак эрмас эсанг, бўл беҳалак,  
Юрмагил йўлларда ёлғиз, дер эшак.

520 Якка-ёлғиз юрса, балки хушдир ул,  
Ҳамжиҳат юрса, яна дилхушдир ул.

Ҳар Набийким, тўғри йўлни кўзлади,  
Мўъжиза кўрсатди, ҳамроҳ излади.

Гар суянчиқ бўлмаса деворлар,  
Типпа-тик тургайму уй, омборлар?

Тутмаса устун деворлар, гишту ганч,  
Шифт нечук тургай муаллақ, бесуянч?

Олмаса гар илкига котиб қалам,  
Саҳфага тушгайму ҳеч хатту рақам?

525 Этмасанг бўйра қамишни, эй фалон,  
Тўзгитиб, еллар учирмасму ҳамон?

Ҳақ яратди жинсни ўз жинсидин,  
Жуфтлашиб, келди натижа унсидин...

Сўйлади қуш, айлади овчи давом,  
Ўртада бўлди неча баҳсу калом.

Маснавийни енгилу дилхоҳ қил,  
Можарони қисқа, руҳафзо қил.

Сўнгра қуш сўрдики, кимнинг дони бул?  
Деди: бир ўксик етимнинг дони ул.



530 Бул етим моли омонатдир менга,  
Мен ҳамиша кўз-қулоқдирмен анга.

Қуш деди: очмен, баса афтодаҳол,  
Менга шу топда ўлакса ҳам ҳалол.

Неча дон ердим, изн берсанг шу дам,  
Эй амину порсову муҳтарам.

Деди: бу жумбоқни эт ажрим ўзинг,  
Безарурат гар есанг, мужрим ўзинг.<sup>63</sup>

Гар заруратдир, тийилмоқ яхшидир,  
Гар есанг, ҳаққини узмоқ яхшидир.

535 Дон емоққа қушки этмишди қарор,  
Илкидин чиқмишди эрку ихтиёр.

Дон еди, тушди тузоққа шул замон,  
Ёсину Анъом ўқиб, чекди фиғон.

Фойдасиздир эмди минг афсусу оҳ,  
Эртароқ лозимди ул дуди қаро.

Ул замонким қўзголиб ҳирсу ҳавас,  
Жонга чирмашганда лозим эрди, бас.

Басрани бузмай, уни этмай туроб,  
Чекса нола, Басра бўлмасди хароб,

540 Ибки лий ё бокии ё сокили,  
Қабла ходим ил-Басрати ва Мавсили.

Нуҳ ғалаййа қабла мавти ва-гтафир,  
Ло тануҳ ли баъда мавти вистабир.

---

<sup>63</sup> Мужрим - гуноҳкор.

Ибки лий қабла субури фин-наво,  
Баъда тўфон ин-наво ҳаллилбуко.<sup>64</sup>

Деву шайтон йўлни тўсмасдин бурун,  
Сурайи Ёсин ўқи, эй бағри хун.

Бир фалокатга йўлиқмай карвон,  
Ур таёгинг тевага, эй посбон..

## ЎҒРИЛАР ҚАРВОННИ ТАЛАГАНДА ЖИМ ТУРИБ, СЎНГРА ДОД-ВОЙ ҚЎТАРГАН ПОСБОН ҲИКОЯТИ

545 Ухлади посбон, талончи ўғрилар,  
Аҳли карвоннинг бисотин шилдилар.

Эртаси уйғонди карвон, во даринг,  
Мол-бисот кетмиш, хачир йўқ, тева йўқ.

Аҳли карвон ўртага олди ани:  
Сенга топширган омонатлар қани?

Деди посбон: келдилар бойлаб ниқоб,  
Элтдилар молу омонатни шитоб.

Сўрдилар: сен қайда эрдинг ул замон,  
Ўғрилар карвонни этганда талон?

550 Деди посбон: бунда мен ожиз эдим,  
Чун улар қўп, мен эсам ёлғиз эдим.

Сўрдилар боз: не учун дод солмадинг,  
Қўзғолинг, деб доду фарёд солмадинг?

---

<sup>64</sup> Эй мен учун йиғлаган, мен учун эзилган, Басра ила Мусул бузилмасдан олдинроқ йиғла менинг ҳолимга. Ўлимимдан олдинроқ йиғла мен учун, ўлимимдин сўнг йиғлама, сабр айла. Фалокатга дучор бўлиб, ҳалок бўлишимдин олдинроқ йиғла менга, фалокат тўфонидин кейин йиғлашни бас қил.

Дедиким, тиг бирла таҳдид этдилар,  
Ўлдирармиз, деб мени қўрқитдилар.

Ул замон қўрқиб магар юмдим даҳон,  
Энди солгаймен баса доду фиғон.

Унда гар ютдим дамимни, энди, ҳой,  
Қанча истарсиз, чекармен оҳу вой.

555 Баски умринг ёқди деви фозиҳа,<sup>65</sup>  
Бесамардир эмди “Аузу”, “Фотиҳа”.

Оҳу воҳинг бесамардир, эй фалон,  
Унданам гафлатда юрмогинг ёмон.

Бесамардир гарчи, лекин йиғлангиз,  
Ки залилларга назар сол, эй азиз.

Эрта ҳам, кеч ҳам сенинг илжингда, оҳ,  
Кору бор амрингда доим эй Илоҳ.

Сен дединг: ло таъсу ало фотакум,<sup>66</sup>  
Бўйла шоҳнинг матлуби бўлгайму гум?

### ҚУШ ЗОҲИДГА, СЕНИНГ МАКРИНГ ТУФАЙЛИ ТУЗОҚҚА ТУШДИМ, ДЕГАНИ, ЗОҲИД УНГА ЖАВОБ БЕРГАНИ

560 Қуш деди: дом ичра кўргайдир ўзин,  
Кимки тинглар эрса зоҳиднинг сўзин.

Деди зоҳид: ким етимлар ҳаққини  
Ер эрса, дом ичра кўргайсен ани.

Шунда фарёд чекди қуш, андоқ алам,  
Солди ларза домга ҳам, сайёдга ҳам.

<sup>65</sup> Деви фозиҳа - инсонни шарманда қилувчи шайтон. Аузу-сиғинаман, Қуръони карим, Наҳл сураси, 98-оятга ишорат.

<sup>66</sup> Йўқотган нарсангизга ачинманг.

Деди: эгди бу ситам қаддимни, вой,  
Кел, санам, бошимга сен илкингни қўй.

Қўй қўлинг бошимга, бер роҳат менга,  
Бўлсин эҳсонингдин ул оят менга.<sup>67</sup>

565 Соя сол бошимга, кетма, эй нигор,  
Беқарормен, беқарормен, беқарор.

Кўзларимдин уйқу учмишдир, санам,  
Келди бошимга гамингдин мунча гам.

Лойиқ эрмасмен, ва лекин жилла бир,  
Гам аро ҳолимни сўрсанг, не бўлур?

Бор эмиш йўқликда не овозалар,  
Лутф этиб, очдинг анга дарвозалар?

Бир қаро тупроқни одам айладинг,  
Қўйнига шул ўн гуноҳни жойладинг.

570 Бешта туйғу зоҳиру беш ҳис ниҳон,  
Нутфа бирлан Булбашар бўлди аён.

Бермасанг тавфиқ, не эрмиш тавба ул,  
Тавба эрмас, бир мазахдир, кулгидир.

Тавбада қолдирма, юл мўйлов-миийғ,  
Тавба-соя, сен-тўлин ойсен, ёруғ.

Сен била бузгун дўконим, манзилим,  
Нола чекмайму куяр бўлса дилим?

Мен нетиб қолгум, чу сенсиз зинда йўқ,  
Сен худованд эрмас эрсанг, банда йўқ.

---

<sup>67</sup> Оят - бу ерда, белги, далил, маъносида.

575 Ол шу жоним, эйки жонимга тамал,  
Бўлмасанг сен, менга жондин не самар?

Жазб этар жонимни шул девоналик,  
Не керак менга ақл, фарзоналик?

Телбалик айлар бугун сирримни фош,  
Тобакай сабрим-ла этгаймен талош?

Не замон эрдим ҳаё ичра ниҳон,  
Сакрабон чиқдим ҳаёдин ногаҳон.

Эй ёронлар, бойламиш йўлларни ёр,  
Биз чўлоқ оҳу, у бир шери шикор.

580 Борму чун таслимдин ўзга чора ул,  
Баски бундоқ нарра шер, хунхора ул.

Ул қуёшдек билмагай уйқу, таом,  
Айлагай жонларни бедор, бетаом.

Ул дегайким, ўзга бўлма, бўл ўзим,  
Сен ўзим бўлганда кўргайсен юзим.

Кўрмайин, не эрди бул шайдолингинг,  
Хок эдинг, не толиби ихёлигинг?<sup>68</sup>

Ломакондин сенга йўқ эрса алаф,  
Жон кўзинг боққай намунча ул тараф?

585 Ҳар замон туйнукни пойлайди мушук,  
Чунки туйнукдин анга тушгай тушук.<sup>69</sup>

Бошқаси эрса миёвлар томма-том,  
Томда қуш овлаб нуқул, топгай таом.

---

<sup>68</sup> Толиби ихёлигинг - тирилмоқ истагинг.

<sup>69</sup> Тушук - ноннинг куйиги.

Ул бири бофандаликда кўзу қош,  
Бул бирининг дарди - бир тўнлик қумош.

Ул бири бекору кўзлар ломакон,  
Ул тарафлардин етишгай унга жон.

Иш ўшалким, Ҳаққа бўлди ул мурид,  
Ҳақни билди, ўзгадин кесди умид.

590 Бошқалар эрса гўдаклардек яшар,  
Қош қорайгунча ўйинлар ўйнашар.

Гар бири уйгонса бому, шул заҳот,  
Дояйи васвос уни аврайдди бот.

Дейди: жоним, бор тўшакка, ухла, ҳай,  
Бизки бормиз, кимса тинчинг бузмагай.

Сен вале уз уйқуларнинг занжирин,  
Тинглагандек ташна сувнинг шилдирин..

Мен ўшал сувнинг савдосимен ҳамон,  
Мисли ёмғирмен, атойи осмон.

595 Қўзғол, эй ошиқ, чу сувсоқдир кўнгил,  
Сув садосин тингласа, ухларму ул?

**ОШИҚ ВАЪДАЛАШГАН ЖОЙГА КЕЛИБ, МАЪШУ-  
ҚАНИ КУТГАНИ. СЕВГИЛИСИ КЕЛАВЕРМАГАЧ,  
ТУНДА УХЛАБ ҚОЛГАНИ. БИР МАҲАЛ МАЪШУҚА  
КЕЛИБ, ОШИҚНИ УЙҚУДА КЎРИБ, УНИНГ  
ҚЎЙНИНИ ЁНҒОҚҚА ТЎЛДИРИБ КЕТГАНИ**

Бор эди кечмиш замонда ошиқе,  
Аҳду паймон ичра бундоқ собите.

Боғламишди дил малоҳат моҳига,  
Қул эмишди нозанинлар шоҳига.

Изласа, топгай, яна нетгай киши,  
Сабр этолса, орзуга етгай киши.

Деди ёри: бул кеча келгил, аё,  
Сенга деб, ёрим, пиширдим лўбиё.<sup>70</sup>

600 Кут фалоний ҳужрада, эй меҳрибон,  
Мен ярим тунда келурмен ногаҳон.

Хайру эҳсон этди кўнгил мастидин,  
Ойи чиқмишди булутлар остидин.

Тунда келди ҳужрага, ўлтирди зор,  
Аҳдида тургайму деб гул юзли ёр.

Тун яримдин сўнгра келди ёри ул,  
Ваъдага этган вафо дилдори ул.

Кўрдиким, ошиқ ётарди уйқуда,  
Енгини йиртди авайлаб, осуда,

605 Неча бир ёнғоқни унга жойлади,  
Сен гўдаксен, ўйнагил ёнғоқ, деди.

Тонг-саҳар уйғонди ошиқ ҳайтовур,  
Кўрдиким, энги тўла ёнғоқ эрур.

Деди: шоҳ этгай баса сидқу вафо,  
Бул ўзимдандир ҳама дарду бало.

Эй кўнгил, бедормиз Ҳақ қошида,  
Чўп урармиз ўлтириб том бошида.

Чун эзилди енгаги ёнғоғимиз,  
Мушкул ўлгай барчасин айтмоғимиз.

---

<sup>70</sup> Лўбиё - ловия.

610 Озило, оз айла эмди можаро,<sup>71</sup>  
Этмагил девонага панди салоҳ.

Истама ҳижронни, чун кўрдим неча,  
Дардини тортгум яна токайгача?

Бер бу йўлда шўришу девоналик,  
Бошқасин қўйилки, ул бегоналик.

Ур оёғимга кишан, занжирни ҳам,  
Баски буздим чорани, тадбирни ҳам.

Бойла ёр зулфини занжир айлабон,  
Ўзга занжир бойлама, узгум ҳамон.

615 Эй биродар, ишқу номус эш эмас,  
Турма номус эшигида бир нафас.

Келди ул фурсатки, мен урён бўлай,<sup>72</sup>  
Тарк этай суврат, саросар жон бўлай.

Кел, адуви шарму андиша, аё,<sup>73</sup>  
Тарк этибмен пардаи шарму ҳаё.

Жоду бирлан жондин олдинг уйқуни,  
Олам ичра тошюрак дерман сени.

Бўғзидан тут, битсин ул сабру қарор,  
Хушлагил ишқ кўнглини, эй шаҳсувор.

620 Ёнмасам гар, хушланурму ишқ дили,  
Баски, вайрон кўнглимиздир манзили.

Ўз уйингни ёндирарсен, ёқ ани,  
Ёқмагил, деб кимса тўсгайму сени?

---

<sup>71</sup> Озило - эй таъна-маломат этгучи.

<sup>72</sup> Урён - яланғоч.

<sup>73</sup> Адув - душман.



Ишқ уйин ёндир беармон, шери маст,  
Ишқ уйи гар ёнмас эрса, уй эмас.

Вибла этгум ул ёнишни, эй улуғ,  
Чунки шамширмен, ёниш бирлан ёруғ.

Уйқуни тарк эт бу оқшом, эй ўғил,  
Шул кеча сен уйқусизлар бирла бўл.

625 Кўр буларниким, чу Мажнун бўлдилар,  
Васл учун парвона янглиғ ўлдилар.

Чўкди ишқ дарёсига халқ кемаси,  
Ишқ дема, чун аждаҳодир ҳамласи.

Аждаҳодирким, кўринмас, дилрабо,  
Тоғни ҳам таслим эгар ул қаҳрабо.

Англади аттор бу сирни ҳар тугул,  
Табласин отди, оқизди сувга ул.<sup>74</sup>

Бўйла бир сувким, оқизгай то абад,  
Лам якун Ҳаққан лаҳу куфван аҳад.<sup>75</sup>

630 Эй фирибгар, оч кўзингни, боқки, ҳай,  
Мен буни билмам, дегайсен тобакай?

Кеч жаҳондин, улки чун маҳруму шум,  
Кир жаҳонга, исмидир ҳаййул қайум.

Кўрмадим, деб айтганинг “кўрдим” бўлар,  
Билмадим, деб айтганинг “билдим” бўлар.

Қўй бу торликни, ўшал кенгликка кўч,  
Кирма рангдин рангга сен, тенгликка кўч.

---

<sup>74</sup> Табла - сандиқча, қути.

<sup>75</sup> Чинданам бу сувнинг тенги, ўхшаши йўқ.

Мастлигинг кўрсатма ортиқ, бўлди, бас,  
Ҳар кўча бошида тургай неча маст.

- 635 Жумла олам бўйлаким сармасти ёр,  
Барчаси бирдир, магар бўлгайму хор?

Бўйла кўплик бўлмагай хору шақий,  
Ким эмиш хор? Танпарасту дўзахий.

Тўлдирар дунёни нур бирлан қуёш,  
Хор бўлурму ул ҳарорат, нурпош?

Сен яна юксакка талпин, эт хиром,  
Чунки арзуллоҳ кенгишдир, эй ғулом.

Мастлигинг лочинга ўхшар, уч дағи,  
Унданам юксакда кутгай қутлури.

- 640 Бор-да, Исрофилга ўхшаб шайла сур,  
Маст этиб, жонларга сен ҳам жон уфур.

Мастки ул, андиша кўнглин гашлагай,  
Мен буни билмам, демоққа бошлагай.

Мен буни билмам, демоқлик не эмиш?  
Бошқа гапдин мен хабардормен, демиш.

Сен этиб инкор, чу иқдорсен шу пайт,  
Қўй у инкорингни, иқдорингни айт.

“Ул йўғу бул йўқ”ни сен тарк айлагил,  
Улки бордир, тилга келтир, сўйлагил.

- 645 Йўқни қўйгил, борга эг бошингни, бас,  
Ўргатур сенга буни бир турки маст.

ШИРАКАЙФ ТУРК АМИРИНИНГ СУБҲИДАМДА  
ЧАЛГУЧИ ЧАҚИРГАНИ “ЧИНДАНАМ ҲАҚНИНГ  
БИР ШАРОБИ БОРДИРКИМ, ОЛЛОҲ УНИ  
ДЎСТЛАРИ УЧУН ҲОЗИРЛАМИШ, ИЧГАНЛАР  
МАСТ БЎЛУР, МАСТ БЎЛГАНЛАР ПОК, МУСАФ-  
ФО БИР ҲОЛГА КЕЛУР” ҲАДИСНИНГ МАЗМУНИ

*Майки ул асрор хумида қайнагай,  
Ким мужаррад эрса, ул нўш айлагай.*

*Қолаллоҳу таоло иннал-аброра яшрабуна.<sup>76</sup>*

*Ул майники сен ичарсен, ул куфру ҳаром,  
Ул майники биз ичармиз, ул поку ҳалол.*

*Жаҳд айла, адам лутфи-ла ўлмас бўлгил,  
Тангри майидин нўш этибон, маст бўлгил.*

*Уйғониб тонг чоғи турки аъжамий,  
Чорлади соз, истади дил ҳамдами.*

*Мутриби жон муниси мастон эрур,  
Жонга роҳат, қуввату дармон эрур.*

*Мутриб ул мастликка бошлар дамба-дам,  
Қатра-қатра ичкизур мастликни ҳам.*

*Ҳақ шароби элтар ул чалғучига,  
Тан шароби эрса, бул чалғучига.*

650 Иккиси бир номда, гарчи бир сухан,  
Лек тафовут бор Ҳасондин то Ҳасан.

*Гарчи бирдекдир магар шакли баён,  
Аслида ип қайда, қайда осмон?<sup>77</sup>*

<sup>76</sup> Тангри таоло демишки, ул майни яхши инсонлар ичурлар.  
Қуръони карим Инсон сураси, 5,6-оятларга ишорат.

<sup>77</sup> Бу ерда “осмон” ва “ресмон” (яъни ип) сўзларидаги оҳангдош-  
ликка ишорат этилмоқда.

Сўзда бирлик макру савдо кўрсатур,  
Габру мўмин бирлиги тан узрадир.

Жисму танлар кўза эрмишлар магар,  
Не эмишдир кўза ичра, сол назар.

Кўрганинг ул кўзада - оби ҳаёт,  
Кўрганинг бул кўзада - захри мамот.

655 Ичда не эрса, кўролсанг, шоҳ ўзинг,  
Сиртига боқсанг вале, гумроҳ ўзинг.

Сўз-бадандирким, тани сайрон эрур,  
Ичдаги маъни баайни жон эрур.

Тан кўзи ул ҳар қачон тан кўргуси,  
Жон кўзи ул жони пурфан кўргуси.

Боқма сен сувратга ким, ул маснавий,  
Боқ ўшал сийратга, улким маънавий.

Ҳақ демиш: Қуръон-да кўнгил ёздирар,  
Кимни бошлар, кимни йўлдин оздирар.<sup>78</sup>

660 Оллоҳ-Оллоҳ, чунки ориф, май, демиш,  
Сенда қай бир шубҳалар пайдо эмиш.

Чунки фаҳмингда майи шайтон эрур,  
Унга қайдин бодайи Раҳмон эрур?

Иккиси эшдир чу мутрибу шароб,  
Бир-бирига талпиниб, етгай шитоб.

Маст берар кўнгилни ул жононага,  
Мутриби элтар уни майхонага.

---

<sup>78</sup> Қуръони карим, Бақара сураси, 26-оятга ишорат.

Ул бири боши, бири поёнидир,  
Дилни ўйнатган ўшал чавгонидир.

665 Бош қаён борса, қулоқ ҳамроҳ анга,  
Қайда сафро эрса, бир савдо анга.

Ҳушдин ажраб, иккиси занжир бўлур  
Волиду мавлуд магарким бир бўлур.

Тузди шодлик бирла қайғу иттифоқ,  
Туркимиз уйғотди ул мутрибни, боқ.

Бошлади мутриб чу байти хобнок,<sup>79</sup>  
Ки анилни ал-каъса ё ман ло-арок.

Анта важҳи ло ажаб ин ло ароҳ,  
Гоятул қурби ҳижобул-иштибоҳ.

670 Анта ақла ло ажаб ан лам арак,  
Мин вуфурил - итибосил-муштабак.

Жиъта ақраб анта мин ҳаблил варид,  
Қам ақул ё нидоъи лил-баъид.

Бал уғлотҳум уноди фил-қифор,  
Кай акаттим ман маъи мимман ағор.<sup>80</sup>

---

<sup>79</sup> Байти хобнок - уйқучан, мудроқ ашула.

<sup>80</sup> Эй юзини мен кўролмаган севгилим, менга қадаҳ сун. Сен менинг юзимсен, ўз юзимни кўролмасам, не ажаб. Юзимни кўрармен, десам, шубҳа пардаси остида қолгаймен. Сен менинг ақлимсен, ўз ақлимни кўролмасам, не ажаб. Бир-биримизга туташлигимиз туфайли кўролмасмен сени. Сен менга шоҳ томиримдин ҳам яқинсен. Ҳой, деб узоқдаги кимса чақирилур. Сени қандай чақирай? Мен ёнимдаги севгилимни яширмоқ учун тоғлардан, чўллардан излармен сени.

МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМ УЙИГА КЎР КИШИ-  
НИНГ КЕЛГАНИ. ОЙША РАЗИАЛЛОҲУ АНҲУ  
ЎЗИНИ ЧЕТГА ОЛГАНИ. ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИС-  
САЛОМ, НЕГА ҚОЧАСЕН, У СЕНИ КЎРМАЙДИ-  
КУ, ДЕГАНИ. ОЙША РОЗИАЛЛОҲУ АНҲУНИНГ  
БУНГА ЖАВОБ БЕРГАНИ

Келди Пайғамбар уйига кўр киши,  
Дедиким, бошимда дунё ташвиши.

Ташнадирмен, сен миробдирсен ҳамон,  
Бир пийла сув узат, эй меҳрибон.

675 Кўр киши остонадин кирди шитоб,  
Ойша олди ўзни бир четга шу тоб.

Ки билар эрди мусаффо хотун ул:  
Эр эдиким, рашк этар эрди Расул.

Қанча кўркам эрса, шунча рашк анга,  
Рашкни афзун айламиш оташ анга.

Кекса хотинлар чу ҳиммат айлабон,  
Эрларига чўри олгайлар, жувон.

Икки олам ичра Аҳмад ҳуснидак,  
Бормидир ҳусни малоҳат, эй фалак?

680 Икки олам меҳри тушгайдир анга,  
Рашку гайратлар ярашгайдир анга.

Мен бугун отдим Зуҳалга тўпни бот,  
Кўкда юлдузлар, бўлингиз эҳтиёт

Беназир шуъламга сингиб, ло бўлинг,  
Йўқса, нурим олдида расво бўлинг.

Ҳар кеча лутфу мурувват айлабон,  
Мен кетармен ўйлаким кетгансимон.

Сиз эса шу манзил ичра жонҳалак,  
Чарх урарсиз ўйлаким бир шабпарак.

685 Бас, товусдек зебу оро айлангиз,  
Масту саркашликка ўзни шайлангиз.

Лек оёқларга тикинг кўзларни боз,  
Чоригин шамъ айламишди чун Аёз.

Субҳидам келгум фалак узра юзиб,  
Тавба қилдиргум қулогингиз чўзиб.

Мухтасар этгил сўзингни, чўзма чун,  
Чўзма гапни, деб буюрмиш амри Кун.<sup>81</sup>

МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМ “НЕГА БЕКИНАСЕН,  
БЕКИНМА, КЎР КИШИ СЕНИ КЎРМАЙДИ” ДЕБ  
ОЙША РОЗИАЛЛОҲУ АНҲУНИ ИМТИҲОН  
ЭТГАНИ

Сўрди Пайгамбар чу айлаб имтиҳон:  
Ул-ку кўрмас, нега бўлгайсен ниҳон?

690 Ойша этди ишоратлар: бале,  
Ул-ку кўрмас, мен уни кўргум вале.

Панд-ўгит келгай сенга бул қиссадин,  
Жонни қизгангай ақл ҳар кимсадин.

Жонки кзлардин ниҳондир шунча ул,  
Не сабабдин ақлу-идрок қизганур?

Каммидир нур бирла юзни ёпгани,  
Сен яна кимдан бекитгайсен ани?

Сайр этар юзни бекитмай офтоб,  
Чехрасига шуъласи эрмиш ниқоб.

---

<sup>81</sup> Амри Кун - “Бўл” амри

- 695 Топмагай жондин қуёш ҳам бир асар,  
Кимдин асрарсен уни, эй рашквар?<sup>82</sup>
- Қизғанурман жонни, қандоқ беркитай,  
Ки ўзимдин ҳам уни пинҳон этай.
- Рашк ўти этмиш менинг ҳолимни танг,  
Айлагаймен кўз, қулоғим бирла жанг.
- Баски сенда бўйла рашк, эй жону дил,  
Юм даҳонинг, сўйламоқ бас айлагил.
- Жим туришдин қўрқамен, ул офтоб,  
Бошқа ёқдин балки йиртгайдир ҳижоб.
- 700 Жим туриш ҳам ўзга маъно тортадир,  
Манъ этилса, унга майлинг ортадир.
- Тошса денгиз, сувда тўлқин саф бўлур,  
Мавжи “уҳуббат баъни аъраф” бўлур.<sup>83</sup>
- Сўйламоқдин ул дарича беркилар,  
Сўйламоқ асли яширмоқдир магар.
- Сайра булбулдек чаманда, эй кўнгил,  
Билмасинлар то не эрмин атри гул.
- Сўз била бўлсин мудом ташвишлари,  
Учмасин гул юзга ақлу хушлари.
- 705 Чунки ул хуршиди тобон олдида  
Раҳнамойинг ҳам қароқчи аслида.

---

<sup>82</sup> Рашквар - қизғанчиқ

<sup>83</sup> “Мен ўзимни ошкор-аён этишни хуш кўрдим”



МУТРИБНИНГ ТУРК АМИРИ БАЗМИДА  
ЎЛТИРИБ:

*Гули савсанмисен, сарви чамансен, ҳой, билмасмен,  
Бу ошуфта кўнгилдин не тиларсен, вой, билмасмен...*

ДЕБ АШУЛА БОШЛАГАНИ. ТУРК УНГА, БИЛГА-  
НИНГНИ ЎҚИ, ДЕБ ҲАЙҚИРГАНИ, МУТРИБ-  
НИНГ ЖАВОБ БЕРГАНИ

Ўлтириб мутриб базмда, турки маст  
Олдида фош этди асрори аласт.<sup>84</sup>

Билмадим, ойдирму кундир тобишинг?  
Билмадим, мендин не эрмиш хоҳишинг.

Билмадим, не турфа хизмат айлайин,  
Жим турайму ё ибодат айлайин?

710 Бул ажабким, мен била бир жойда сен,  
Билмадим, мен қайдаю сен қайдасен?

Билмадим, қай бир маконга тортасен?  
Гоҳ саройга, гоҳи қонга тортасен.

Билмадим, деб мутриб оғоз айлади,  
“Билмадим” чалгусини соз айлади.

“Билмадим” келди, чўзилди худди бўз,  
Туркимизнинг жонига тегди бу сўз.

Сакрабон, чек қўйди ул бардошига,  
Қамчи ушлаб, борди мутриб бошига.

Тутди бир саркарда илкин, деди: кеч,  
Мутриб ўлдирмак ярашмас сенга ҳеч.

---

<sup>84</sup> Аласт-тақдири азал.

715 Деди: такрор бирла ўлдирди мени,  
Қамчи бирлан энди ўлдиргум уни.

Эйки, нодон, билмасанг, ортингга қайт,  
Билганинг бордир бирорта, бизга айт.

Билганинги сўйла, нодон, нолима,  
Оҳки, билмам, воҳки, билмасмен, дема.

Мен сўрармен: айт, қаерликсен, кушод?  
Сен менга: шаҳрим на Балху на Ҳирот.

На-да Бағдод, на Мусулдир, на Тароз,  
Битмагай на, на, чўзилгайдир дароз.

720 Бас, қаерликсен, баён эт, сўйла, тур,  
Гапни чўзмоқлик бу нодонлик эрур.

Ёки сўрсам: не единг-ичдинг шу тоб?  
Сен дегайсен: на шаробу на кабоб.

На қовурма, на ҳалим, шўрво эмас,  
Не единг-ичдинг шу асно, сўйла, бас.

Гапни чўзгайсен намунча чайнабон?  
Деди мутриб: мақсадим бордир ниҳон.

“Йўқ” қа оғзинг жуфтламай, борлиқ қочар,  
Йўқ, десанг, борлиқдин олгайсен самар.

725 “Билмадим” савтига солдим созни,  
Чун ўлим айтар ўликка розни.

ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМ “ЎЛМАСИНГИЗ-  
ДАН ОЛДИН ЎЛИНГ” ДЕМИШДИ, АНА ШУ ҲИК-  
МАТНИНГ ТАФСИРИ

*Тириклик истасанг, эй дўст,  
ўлимдин олдин ўл, чунки,  
Бу янглиг ўлди Идрис, биздин олдин  
кирди жаннатга...*

Жон баса чекдинг-ку, озод бўлмадинг,  
Муддао ўлмоқлик эрди, ўлмадинг.

Ўлмагунча меҳнатинг бўлмас тамом,  
Нарвонсиз томга чиқмогинг гумон.

Балки ул бир-икки поя кам бўлур,  
Том сенга юсак ва номаҳрам бўлур.

Етмаса арқон қудуққа, бўлмагай,  
Сен туширган кўза сувга тўлмагай.

730 Келмагунча сўнги юк оғир, гарон,  
Кема гарқ бўлгайму сувга, эй фалон?

Не этар бўлса, ўшал юк этгуси,  
Ваҳму васвос кемасин чўктиргуси.

Ақлу ҳуш гарқ бўлса сувга мисли тош,  
Ўзни кўргайсен фалак узра қуёш.

Ўлмадинг, чун бўлди жон чекмак дароз,  
Ён, адо бўл тонгда, эй шамъи Тароз.

Бўлмагунча юлдузинг кўздин ниҳон,  
Нур таратмас сенга хуршиди жаҳон.

735 Ур ўзингни, айла худбинлик-ла жанг,  
Тан ўзи этмиш қулорингни батанг.

Гурзини ургайсен ўзга, эй дани,  
Менга ургайдир вале аксинг сени.

Менда ўз аксингни кўргайсен ўзинг,  
Ўз-ўзинг-ла жангга киргайсен ўзинг.

Чоҳда ўз аксини кўрмиш эрди шер,  
Душманам, деб ўзни урмиш эрди шер.

“Йўқ” демоқлик “бор”га зиддир бегумон,  
Сен у зиддан зидни англарсен аён.

740 Йўқ, дегайсен зидга, ўзга чора йўқ,  
Дом-гузоқсиз бир дами дилдора йўқ.

Ёрни гар кўрмоқчи эрсанг беҳижоб,  
Сен ўлимни танлагил, йиртгил ҳижоб.

Ул ўлиммас, гўрга элтгай гар сени,  
Ул ўлимдир, нурга элтгай гар сени.

Етса эрлик, ёшлигинг бўлгай ўлик,  
Румда румийсен, тугангай занжилик.

Зарда тупроқлик нишони қолмагай,  
Ғам фараҳ бўлса, тикони қолмагай.

745 Мустафо демиш: чу асроржў эсанг,  
Гар тирик бир мурда кўрмоқ истасанг,

Манзил унга гарчи тупроқдир, қаро,  
Жисми ерда, жони лекин кўк аро.

Маскан этмиш жони юксакларни, ҳай,  
Ўлса бир кун, руҳи кўкка кўчмагай.

Чунки ўлмасдин бурун этмиш нақл,<sup>85</sup>  
Бул ўлим асрорига етмас ақл.

Кўчмагай ул мисли бир жони авом,  
Чунки кўчшимишдир мақомдин то мақом.

750 Кимки шул ер узра андоқ беназир,  
Мурдаи зоҳирни кўрмоқ истаюр.

Кўз солиб, кўрсин, Абубакри Тақий,  
Муттақийлар ичра улдир муттақий.

Сен ўшал Сиддиқни кўрмоғинг билан,  
Бўлгуси маҳшарга иқроринг баланд.

Бас, Муҳаммадга қиёмат эрди нақд,  
Унда йўқлик ичра эрди ҳаллу ақд.<sup>86</sup>

Икки бор топди таваллуд бегумон,  
Юз қиёмат эрди Аҳмадда аён.

755 Ул қиёматдин сўрарди эл нуқул:  
Айт, қиёмат ул қачон пайдо бўлур?

Ҳол тили бирлан деюрди: бу не гап,  
Эл сўрар маҳшарни маҳшардин, ажаб?

Ул сабаб дерди Расули хуш паём:  
Рамзи мавту қабли мавти ё киром.<sup>87</sup>

Ўлмасимдин олдин ўлдим мен магар,  
Ул тарафлардин менга келди самар.

Сен қиёмат бўл, қиёмат кўр кейин,  
Кўрмагайсен то қиёмат бўлмайин.

---

<sup>85</sup> Нақл-бу ерда, кўчиш, маъносида

<sup>86</sup> Ақд-аҳду паймон.

<sup>87</sup> Эй улуғлар, ўлмасингиздан олдин ўлинг.

760 Хоҳи нур бўл, хоҳи бир зулмат туни,  
Бўлмагунча бўйла, билмассен уни.

Ақлу идрок бўл-да, кўр ақлу камол,  
Ишқ бўлиб, кўр ишқда не эрмиш завол.

Етса идрокинг, бу даъвойимки бор,  
Ҳужжатин сўйлардим ортиқ ошкор.

Келса бир қуш, улки анжирхўр эмиш,  
Бунда анжир мўл, демакки хор эмиш.

Буткул олам ичра эркакдир, аёл,  
Ҳар нафас ўлмоқдадирлар, назъи ҳол.

765 Сўзларин сен ҳам васият бил, болам,  
Сўзлагай ўғлига ота сўнги дам.

То кўкаргай ибрату раҳмат кейин,  
То йўқолгайдир адоват, рашку кийн.

Бўйла ният бирла боққил, ақрабо,  
Жон бераркан, сен-да ўртангил басо.

“Кулли оти оти”ни сен нақд бил,  
Дўстни жон ҳолатда, балки фақд бил.<sup>88</sup>

Кўзларингга гар ғараз эрса ҳижоб,  
Сен ғаразларни нари отгил шу тоб.

770 Ожиз эрсанг, солма қийноққа ўзинг,  
Бор эмиш бир ожиз айлар мўъжизинг.<sup>89</sup>

Мўъжизинг занжирга солмишдир сени,  
Оч кўзингни, сен таниб олгил уни.

---

<sup>88</sup> Байтнинг мазми: келажак нарса келади, буни муқаррар бил,  
дўстни жон берар ҳолатда, балки йўқ бўлган деб тасаввур эт.

<sup>89</sup> Мўъжиз-ожиз этувчи.

Қил тазарру, сол нидо: эй зуфунун,  
Лочин эрдим, бандга тушдим мен нечун?

Мен ёмонлик кўйига қўйдим қадам,  
Ки зиёнлар ичрадирмен дамба-дам.

Сен насиҳат айлаганда кар эдим,  
Бутни синдиргум, дея бутгар эдим.

775 Санъатингму ё ўлимдир эътибор,  
Ул хазон эрса, ўзингсен гулбаҳор.

Тингла, йилларким ажал чалгай довул,  
Ки қулоқларни тамом кар қилди ул.

Ул келиб бўғганда дерсан: оҳ, ўлим,  
Ўзлигингдин айлагай огоҳ ўлим.

Бўғзи йиртилди магарким наърадин,  
Табли ҳам тўзди, тешилди зарбадин.<sup>90</sup>

Сен дақойиқ-ла ўзингни аврадинг,  
Бас, ўлим не эрди, энди англадинг.

УМРИНИ ЕЛГА СОВУРИБ, АЖАЛИ ЕТГАНДА  
ГУНОҲЛАРИГА ТАВБА - ТАЗАРРУ ЭТГУВЧИ КИ-  
ШИНИ ҲАР ЙИЛЛИ ОШУРО КУНИ АНТОКИЯ  
ДАРВОЗАСИ ОЛДИДА ЎЛТИРИБ, АЗА ОЧГАН  
ҲАЛАБ ШИАЛАРИГА ЎХШАТИШ. БИР ҲАРИБ  
ШОИР ЙЎЛДАН ЎТАЁТИБ, УЛАРДАН, НЕГА ФА-  
РЁД ЧЕКАСИЗ, КИМГА МОТАМ ТУТАСИЗ, ДЕБ  
СЎРАГАНИ

780 Келса ошуро, Ҳалаб аҳли тамом  
Боби Антокияни тутгай макон.<sup>91</sup>

<sup>90</sup> Табл-ноғора.

<sup>91</sup> Ошуро-ўнинчи кун, дегани, яъни, муҳаррам ойининг ўнинчи-си, имом Ҳусайн шаҳид бўлган кун. Боби Антокия-Антокия дар-возаси.

Жам бўлиб эркак-аёл, аҳли азим,  
Хонадоннинг мотамин тутгай муқийм.<sup>92</sup>

Нолаву афгон чекарлар, оҳу воҳ,  
Эслаб ул савдойи дашти Карбало.

Эслагайлар неча зулму имтиҳон,  
Кўрмиш ул Шимру Язиддин хонадон.

Оҳ урарлар йиглашиб, савдойиваш,  
Нолага тўлгай ҳама саҳрову дашт.

785 Бир ғариб шоир ўтарди, тўхтади,  
Ул тарафда оҳу вовайло эди.

Йўлни бурди, юрди ул ҳой-ҳой сари,  
Боисин билмоққа, оҳу вой сари.

Сўрди элдин, не сабабдин ғам, деди,  
Кимга тутгайсиз аза, мотам, деди.

Эҳтимолки бир улугдир ўлган ул,  
Бул жамоат, йўқса, қайдин тўпланур?

Номи не, аъмолидин айланг хабар,  
Мен мусофир, сиз ҳалабликсиз магар.

790 Исмин айтинг, сўйлангиз авсофини,  
Мадҳ этиб то шеърга солгаймен ани.

Менки шоирмен, битурмен марсия,  
Егулик бир нарса топгумдир, дея.

Бир киши деди: магар девонасен,  
Аҳли байтга бўйлаким бегонасен?

---

<sup>92</sup> Хонадон - бу ерда Муҳаммад алайҳиссалом хонадони кўзда тутилмоқда



Рўзи Ошурода бул ҳажру фи роқ,  
Чекканинг юз йил яшашдин яхшироқ.

Бу алам мўминга ҳеч бўлгайму хор,  
Кечмагай ҳеч, умри шул дунёча бор.

- 795 Буйладирким мотами ул пок руҳ,  
Не эмиш олдида юз тўфони Нуҳ?

ҲАЛАБ ШИАСИНИНГ ТАЪНАСИГА ЖАВОБАН  
ШОИРНИНГ НЕЧА БИР НОЗИК ГАПЛАР  
АЙТГАНИ

Деди: қайда қолди ул даври Язид?  
Энди етмишму у пайғоми шаҳид?

Кўзи кўрлар барча кўрмишдир ани,  
Кар қулоқлар ҳам эшитмишдир ани.

То ҳануз уйқуда эрмишсиз, аё,  
Баски, йиғларсиз бугун йиртиб яқо.

Сиз ўзингизга тутинг мотам магар,  
Уйқу эрмасдир, ўлимдир ул, ажал.

- 800 Руҳи султон бўлди зиндондин халос,  
Бунга чун йиғлаб, яқо йиртмоқму мос?

Чун уларким хусрави дин эрдилар,  
Келди шодлик они, занжир уздилар.

Чодирни давлатни кўзлаб чопдилар,  
Кундаву занжирни юлқиб отдилар.

Гам емасдинг, зарра билсайдинг буни,  
Ки уларга бу шаҳаншоҳлик куни.

Билмасанг, боргил, ўзингга йиғла сен,  
Нақл ила маҳшарни инкор этгасен.

805 Йиғла чун дину дилингим айламиш,  
Кўргани тупроқдин ўзга не эмиш?

Кўрса, бўлгайди магар журъатли ул,  
Жонсипору кўзи тўқ, шавкатли ул.

Борму иймондин юзингда заррае:  
Борму денгиздин дилингда қатрае?

Сувни кўрган томчини тутмас дариг,  
Сувчидир ул кўрса дарёву ариқ.

ҲАҚНИНГ РАЗЗОҚЛИГИНИ, ХАЗИНАЛАРИЮ  
РАҲМАТИНИ ПАЙҚАМАГАН ОЧКЎЗ ОДАМ  
БУЮК БИР ХИРМОНГА ЕТИБ, БИР ДОНА БУҒ-  
ДОЙГА ЁПИШИБ, УНИ ТИРИШИБ-ТИРМАШИБ  
СУДРАГАН, АММО ХИРМОННИНГ УЛУҒЛИГИНИ  
КЎРМАГАН ЧУМОЛИГА ЎХШАР

Дона буғдойни чумоли судрагай,  
Кўкупар хирмонни лекин кўрмагай.

810 Донани судрар, кўнгилда ҳирсу бийм,  
Кўрмагай лек чоши хирмони раҳийм.

Соҳиби хирмон дегайким, шошма, ҳой,  
Тийра тортмиш кўзларинг ул ҳойнаҳой.

Кўрганинг хирмонимиз бир донаси,  
Сен ўшал бир донанинг девонаси.

Зарра ичра боқ-да, Кайвонларни кўр,  
Эй чўлоқ, боргил, Сулаймонларни кўр.

Кўз эрурсен, тан эмсдирсен, холос,  
Жонни кўргил, бўл ўшал тадин халос.

815 Одамий кўздир, кўриш ўлгунчадир,  
Ҳар неча ул кўрса, қадри шунчадир.

Хумга жойланса агар денгиз суйи,  
Тогни чўктиргай ўшал чексиз суйи.

Йўл очар бўлса агар дарёга хум,  
Ул бўлур Жайхунга голиб, уштулум.<sup>93</sup>

Ул сабабдин “қул” дейиш дарё сўзи,  
Гарчи тилда Аҳмади гўё сўзи.

Дур эди ул бизга айтган жумла сўз,  
Чунки кўнгли эрди чин дарё нуфуз.

- 820 Хумдин олмиш дуррини дарё, ажаб,  
Гар балиқда эрса дарё, не ажаб.

Ҳис кўзинг кўрган шу очун ўтмагай,  
Сен кетар деб ўйлаб эрдинг, кетмагай.

Кўз магарким бўйла кўрса, аҳвал ул,<sup>94</sup>  
Чунки аввал-охир, охир-аввал ул.

Ҳой, бунни ошкор-аён айлайди баъс,<sup>95</sup>  
Баъсни изла, баъс хусусда этма баъс.

Баъс шарти улки, ўлмоқдир тайин,  
Ўлган ул кимса тирилгайдир кейин.

- 825 Жумла олам йўл адаштирмиш, аё,  
Қўрқди йўқликдин, вале йўқли паноҳ.

Илм изларсен илмни тарк этиб,  
Тинчлик истарсен салимни тарк этиб,<sup>96</sup>

Борлиқ истарсен, уни йўқликка бер,  
Олма истарсен, қўлингни тигга бер.

---

<sup>93</sup> Уштулум-голиб.

<sup>94</sup> Аҳвал-гилай.

<sup>95</sup> Баъс-ўлгандан кейин тирилиш.

<sup>96</sup> Салим-тинчлик.

Бул сенинг келгай қўлингдин, муҳтарам,  
Йўқни кўрган кўз кўрар борлиқни ҳам.

Кўз деган асли адамдин келди ул,  
Сўнг ўшал борлиқни йўқлик билди ул.

- 830 Бул жаҳони мунтазам машҳар эрур,  
Кўзларинг гар ўзгариб, анвар эрур.

Бул ҳақойиқлар қўрингай нотамом,  
Чунки хомлар фаҳму идроки ҳаром.

Неъматни жаннатни аҳли дўзахий,  
Хушламаслар, гарчи Ҳақ эрмиш сахий.

Баски аччиқдир уларга шаҳди хулд,<sup>97</sup>  
Ул вафосизлар унутмиш аҳди хулд.

Борму бир савдоки, бозор бўлмаса?  
Қайда бозор ул, харидор бўлмаса?

- 835 Молни кўргай ул гаҳи кўрмак учун,  
Нархини сўргай дағи эрмак учун.

Айланур ул қанчаву бул қанча деб,  
Бўйла бир эрмакни кўрмиш ўзга эп.

Ноиложликдир сўрайдир ул матоҳ,  
Аслида ул муштариймас мутлақо.

Ул матоҳ олгайму беҳамён юриб,  
Қайтариб бергай яна, юз бор кўриб.

Шу сиёқ бирлан эмишму муштарий?  
Муштарий эрмас, саёқ ул, сарсари.

---

<sup>97</sup> Шаҳди хулд - жаннатнинг асали.

840 Илкида йўқ бир чақа ё ҳабба ул,  
Қайданам олсин матову жубба ул?

Йўқ тижоратга тайин сармояси,  
Ўзи ким эрмиш, не бўлгай сояси?

Бул жаҳон бозорида сармоя - зар,  
Ул жаҳонда - ишқу кўз ёши магар,

Кимки бесармоя бозор боргуси,  
Ул қуруқ қайтур, магар не олгуси?

Қайда эрдинг, ҳой, амак? Ҳеч қайда, оҳ,  
Не пиширдинг сен емоққа? Ҳеч вақо.

845 Муштарий бўл, гайратим ошсин маним,  
Лаъл улашсин сенга мавжи маъданим.

Муштарий суст эрса, унга сўйлагил,  
Амр этилмиш, даъвати дин айлагил.

Лочининг бирлан ҳамоми руҳ тут,<sup>98</sup>  
Даъват айларда тарийқи Нуҳ тут.

Ҳаққа хизмат бирла кечсин турмушинг,  
Халқ қабул этгайму, этмас, не ишинг?

---

<sup>98</sup> Ҳамоми руҳ - жон кабутари

БИРОВИ БИР УЙНИНГ ОЛДИГА КЕЛИБ, САҲАР-  
ЛИК УЧУН НОҒОРА ЧАЛГАНИ.<sup>99</sup> ҚЎШНИСИ ЧИ-  
ҚИБ, ҲОЙ, ҲОЗИР ЯРИМ КЕЧА, САҲАРГАЧА  
ҲАЛИ УЗОҚ, БУНИНГ УСТИГА БУ УЙДА ҲЕЧ  
КИМСА ЯШАМАЙДИ, КИМ УЧУН НОҒОРА ЧАЛА-  
ЯПСАН, ДЕБ СЎРАГАНИ. НОҒОРАЧИ УНГА  
ЖАВОБ БЕРГАНИ

Бир довулчи ул кутаркан тонгини,  
Келди бир эшикка, урди бонгини.

850 Қоқ ярим тунда чалар эрди довул,  
Қўшниси чиқди, деди: ҳой, шошмагил.

Сен саҳарда чал довулни, эй фалон,  
Шул ярим тунда не эрмиш бул сурон?

Шу саволни ҳам сўрашни кўр-да эп,  
Ки бу уйда бир киши тургайму, деб.

Бўлса бордир уйда дев бирлан пари,  
Чалганинг беҳуда кетгайдир бари.

Тингламоққа бир қулоқ бордир, дема,  
Англамоққа иштиёқ бордир дема.

855 Деди: сўрдинг, тингла, бергумдир жавоб,  
Қолмагай то сенда зарра изтироб.

Сен учун балки ярим тундир, ажаб,  
Менга лек авжи саҳар, субҳи тараб.

Ҳар шикастлик менга наврўз бўлдило,  
Кечалар наздимда кундуз бўлдило.

---

<sup>99</sup> Саҳарлик - Рамазон ойда мусулмонлар қиладиган саҳарлик нонушта.

Сенга сувмас, балки қондир наҳри нил,  
Менга қон эрмас, зилолдир, эй набил.<sup>100</sup>

Сенга ул тошу темир эрди мудом,  
Лек Довуд олдида мум эрди тамом.

860 Сенга тоғ уйқуга толгувчи эди,  
Лек Довуд олдида чалғучи эди.

Сенга тошлардин таралмас бир садо,  
Лек Муҳаммадга ёғар ҳамду сано.

Сенга масжид устуни бир мурдадир,  
Лекин Аҳмадга фидо, дил бурдадир,

Жумла ажзойи жаҳонни гар авом,  
Мурда, дерлар, Ҳаққа ул донову ром.

Баски, дерсан, хонадон бекимса ул,  
Не учун бул тунда чалмоғинг довул?

865 Ҳақ учун мардум дамо-дам зар берар,  
Хайр этиб ул хонақо, масжид қуар.

Молу жонни ҳам тикарлар ҳажга, бас,  
Йўл босиб чўлларда чун ушшоқи маст.

Каъба бўм-бўш, дерму кимса ҳеч қачон?  
Соҳиби уй унда бир жондир, ниҳон.

Дўст саройин ҳар нафас гавжум кўрур,  
Улки олмишдир Худодин шуъла, нур.

Не саройлар борки, гавжум ҳар маҳал,  
Оқибатбинларга бўм-бўшдир тугал.<sup>101</sup>

---

<sup>100</sup> Набил - улур, доно.

<sup>101</sup> Оқибатбин - оқибатни кўрувчи.

870 Кимни истар, Каъбада кўргай кўнгил,  
Шул замон қаршингда бўлгай ҳозир ул.

Суврати чун фохиру олий эмиш,  
Улки Байтуллоҳ, қачон холий эмиш?

Хаққа очгайдир эшиклар кенг қулоч,  
Бошқалар келса, сабабдир эҳтиёж.

Каъбада бир кимса сўргайму, аё,  
Биз нечун “лаббайк” дегаймиз бенидо?

Улки “лаббайк” тилга келгайдир фақат,  
Чунки ҳар лаҳза нидо бергай Аҳад.

875 Атридин билдимки, бул қасри саро -  
Базми жондир, хоки тилсим, кимиё.

Мис чақамни банда этгум хосига,  
То абад ургум унинг кимёсига.

Токи чиқсин авжига бонги суҳур,<sup>102</sup>  
Инжулар сочсин, кўпирсин баҳри дур.

Ҳақ учун, Парвардигор деб саф-қатор,  
Халқ тушиб майдонга, этсин жон нисор.

Қай бири Аюбга монанд жабр аро,  
Қай бири Яъқубга монанд сабр аро.

880 Неча юз минг ташна, муҳтож, мустаманд,  
Ҳақни деб майдондадирлар, орзуманд.

Мен ҳам ул Ҳаққу худованди гафур -  
Лутфин истаб, тунда чалгаймен довул.

---

<sup>102</sup> Бонги суҳур-саҳарда чалинадиган ногора.



Муштарий, дерсан, чу келгайдир зари,<sup>103</sup>  
Ҳақдин ортиқ борму, эй дил, муштарий?

Арзимас молингни олгайдир сенинг,  
Шуъласин кўнглингга солгайдир сенинг.

Олгай ул жисми фанойингни фақат,  
Бахш этар ақлингга сиғмас салтанат.

885 Қатра кўз ёшинг керак эрмиш анга,  
Сўнгра бергайдир суйи Кавсар сенга.

Ўтли дил оҳингни истар ул магар,  
Ўрнига бергай сенга жоҳу самар.

Кўз ёшинг силган насими оҳ эмиш,  
Ҳақ Ҳалилуллоҳни чун “Аввоҳ” демиш.<sup>104</sup>

Ўзни гавжум, беназир бозорга сол,  
Эскини сот Ҳаққа, ул нақдингни ол.

Иштибоҳ тўсса йўлингни, босса гам,  
Сен Набийларга суян, эй муҳтарам.

890 Лутфи Ҳақ бирлан баланддир бахтлари,  
Тоғни ҳам буккай бисоту рахтлари.

---

<sup>103</sup> Муштарий-харидор.

<sup>104</sup> Аввоҳ-оҳлар чекувчи.

ҚАЛБИ МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМ ИШҚИ ИЛА  
ТЎЛГАН БИЛОЛ ҲИЖОЗНИНГ ЖАЗИРАМА ИССИ-  
ФИГА ПАРВО ЭТМАЙ, НУҚУЛ “АҲАД, АҲАД!”  
ДЕРДИ. ХЎЖАСИ ЖУҲУДЛИК ТААСУБИ ЮЗАСИ-  
ДАН ТУШ ПАЙТИ ҚУЁШ ЯЛЛУҒИ ОСТИДА УНИ  
ТИКАНЛИ НОВДАЛАР ИЛА САВАЛАР, БИЛОЛ-  
НИНГ ТИРНАЛГАН, ТИЛИНГАН ТАНИДАН ҚОН  
ТИРҚИРАРДИ. ШУНДА ҲАМ БЕИХТИЁР “АҲАД,  
АҲАД!” ДЕРДИ У. ЎЗГА БЕМОРЛАР ҲАМ БЕИХТИ-  
ЁР ИНГРАБ, ОҲ-ВОҲ ЧЕКИШАДИ. ЛЕКИН БИЛОЛ  
ИШҚ ДАРДИ БИЛА ТЎЛМИШДИ. У ТУФАЙЛИ  
ТИКАНЛАР ОЗОРИДИН ҚУТИЛИШНИ ЎЙЛАМАС-  
ДИ ҲАМ. ФИРЪАВН СОҲИРЛАРИ, ЖИРЖИС  
ПАЙҒАМБАР ВА БОШҚА БЕҲИСОБ ЭРАНЛАР  
КАБИ.

Танни бермишди тиканларга Билол,  
Хўжаси айларди ҳар кун гўшмол.<sup>105</sup>

Ёд этарсен, дерди, Аҳмадни нечун?  
Ҳам менинг динимга мункирсен бугун.

Ул тиканлар бирла ургувчи эди,  
Қул “Аҳад” деб сўзда тургувчи эди.

Бир куни Сиддиқ ўтаркан, бегалат,  
Янгради, етди қулогига “Аҳад”

895 Кўзлари ёшланди Сиддиқнинг шу дам,  
Кўнгли талпинди Аҳадга дамба-дам.

Қулга юзланди насиҳат айлабон:  
Эътиқодинг тут жуҳудлардин ниҳон.

Олимус-сир Ҳақ эрур, ақлингни йиғ,  
Қул деди: хўп, тавба қилдим, эй улур.

---

<sup>105</sup> Гўшмол-жазо.

Эртаси Сиддиқ шитоб ўтди яна,  
Лек қулоғига “Аҳад” етди яна.

Ҳам эшитди зарбаларким неча бор,  
Кўнглида қўзғалди оташ, бир шарор.

900 Боз насиҳат этди, тавба қилди қул,  
Лек яна учди-таралди тавба ул.

Тавба узра тавбаси бисёр бўлиб,  
Тавбалардин кечди қул, безор бўлиб.

Танни топширди балога, тикди дор,  
Эй Муҳаммад, деди, сўйлай ошкор:

Сен била тўлмиш Билол жону тани,  
Энди унда тавбаларга жой қани?

Тавбадин кечдим биҳишти жон учун,  
Мен биҳиштдин тавба этгаймен нечун?

905 Қаҳр этиб, ишқ менга ўргатди сириин,  
Аччигим ҳам энди шаккардин шириин.

Битта хасдирмен қошингда, тундбод,<sup>106</sup>  
Қайга элтгайсен қуруқ жисмимни бот?

Гар Ҳилолмен, гар Билолмен, билганинг,  
Эргашурмен офтобингга сенинг.

Ой ҳилолму, бадр, не парвойи бор,  
Ул қуёш ортида юргай соявор.

Чун қазо амрига чимрилгай киши,  
Кулгу бўлгай, масхара бўлгай киши.

---

<sup>106</sup> Тундбод-кучли шамол, қасирға.

- 910 Хас бўлиб,елларга қарши турмагинг,  
Чун қиёматдин кейин дам урмагинг.
- Мен мушукмен халта ичра, ишққа маст,  
Гоҳ баланд олгум ўзимни, гоҳи паст.
- Айламиш ишқ бўйла масту беқарор,  
На баланд, на пастда топгаймен қарор.
- Боқки, ошиқлар не савдо қурдилар,  
Ишқ қазосига кўнгилни бердилар.
- Бир тегирмон тошидирлар, ўйлаким,  
Айланурлар баски, билмаслар тиним.
- 915 Айланур тинмай тегирмон тоши ул,  
Пастда оққан сувга ул эрмиш далил.
- Кўрмасанг сувнинг тошиб, қайношини,  
Кўр у айланган тегирмон тошини.
- Бошинг узра айланур гардун ҳама,  
Эй кўнгил, бас, сен-да ором истама.
- Қайси шохни тутма, ишқ синдиргуси,  
Қайси тошни тут, адамга сургуси.
- Кўрмасанг гар ул қадарнинг ишларин,  
Кўр аносирнинг тошиб, қайнашларин.
- 920 Хас-хашаклар сувда чарх ургай ҳамон,  
Денгиз ичра бул галаёндин нишон.
- Чарх урар ел, чарх уриб, амр этса ул,  
Амридин дарёда тўлқин кўзгалур.
- Ою офтоб кўш ҳўкиздирларки, ҳай,  
Айланурлар, чун тегирмон тинмагай.

Кўкда юлдузлар-да юргайлар бaсе,  
Саъду наҳс отини сургайлар бaсе.

Кўкда юлдузлар йироқдир, йўл ошиб,  
Ҳис боролмайдир уларга ёндашиб.

925 Ақлу ҳуш-кўзу қулоқлар юлдузи  
Қайда эрди тунда, қайда кундузи?

Гоҳи саъду васлу дилхушлик аро,  
Гоҳи наҳсу ҳажру беҳушлик аро.

Кўкда ой ҳам айланаркан, шан эмиш,  
Гоҳ қаро тортиб, гаҳи равшан эмиш.

Гоҳи кўкламдир, бутун борлиққа жон,  
Гоҳ сиёсатпеша, қору қаҳратон.

Куллиёт копток эрур ҳар онида,<sup>107</sup>  
Сажда айлаб, ўйнагай чавгонида.

930 Неча юз мингдан бирисен, эй кўнгил,  
Сен-да ўйнарсен, магар амр этса ул.

От каби хизматга ўзни шайлагил,  
Гоҳи тур охурда, гоҳ сайр айлагил.

Гар стунга бойласа, сен баста бўл,  
Ечса арқонингни, чоп, баржаста бўл.

Кўкда офтоб эгри йўл босса, узун,  
Ул хусуф бирлан қорайтиргай юзин.

Эҳтиёт бўлгил кетаркан йўлда то,  
Бўлмагил куйган қозондек юз қаро.

---

<sup>107</sup> Куллиёт - тўққиз осмон, тўрт унсур, уч мавлуд, яъни, жонсиз жисмлар, ўсимликлар ва жониворлар.

- 935 Бўйла юргил кўкда, бўйла юрмагил,  
Деб булутга қамчи ургай муттасил.
- Бор, фалон водийга ёғдиргил зилол,  
Деб қулогин ҳам чўзар ул: сўзни ол.
- Ақлинг офтобдин баландмас, ётмагил,  
Учрасанг фикри наҳийга, ботмагил.
- Сен қадамни чакки босма, ақли ҳур,  
Истасанг равшан қуёшинг, олға юр.
- Гар гуноҳинг эрса озроқ, кўк аро,  
Офтобинг ярми тортгайдир қаро.
- 940 Ҳақ дегай: бергум жазойингни неча,  
Бўлгай ул журму гуноҳинг борича.
- Хоҳ яхши, хоҳ ёмон, ошкор-ниҳон,  
Барча ишга биз гувоҳмиз ҳар қачон.
- Қўй бу гапни келди гул Наврўз яна,  
Лутфи Ҳақ бирлан қувонди кўз яна.
- Келди ирмоқларга сув, дилхоҳимиз,  
Юртимизга келди кутган шоҳимиз.
- Дил хиром айлаб, саодат келди, дер,  
Тавбани бузмоққа навбат келди, дер.
- 945 Тавба оқди-кетди селоб сув била,  
Посбон машгул эмиш уйқу била.
- Ҳар хуморий май ичиб, маст бўлди, ҳов,  
Май учун биз тўнни тикканмиз гаров.
- Ул шароби лаъли жондир, жонфизо,  
Нўш этиб, лаъл ичра лаълмиз бебаҳо.

Бўлди мажлис аҳли ҳуррам беадад,  
Тур, ёмондин асрасин, исриқ тутат.

Учдилар маст қийқириқлар дамба-дам,  
То абад дерман уларни тингласам.

- 950 Ул Ҳилолга бул Билол ёр бўлди, ҳай,  
Ул тиканлар бунга гулнор бўлди, ҳай.

Гар тиканлардин таним фирбол эрур,<sup>108</sup>  
Жону жисмим гулшани иқбол эрур.

Танга чун заҳму яро солди жуҳуд,  
Жон бўлиб масти хароби ул вадуд.<sup>109</sup>

Жон ҳиди келди, жаҳоним чулғади,  
Атри ёр ёндашди, жоним чулғади.

Қайтди меърождин Муҳаммад Мустафо,  
Эй Билол, бахтинг муборак, ҳаббазо.<sup>110</sup>

- 955 Чунки Сиддиқ боз Билолни тинглади,  
Тавбадин кечмишди такрор, англади.

СИДДИҚ РОЗИАЛЛОҲУ АНҲУ БИЛОЛ РОЗИАЛ-  
ЛОҲУ АНҲУ ВОҶЕАСИНИ МУСТАФО АЛАЙҲИС-  
САЛОМГА СЎЙЛАГАНИ, “АҲАД, АҲАД!” ДЕЙИШ  
БИЛАН БИЛОЛ ЖУҲУДЛАРНИНГ ҶАЗАБИНИ  
ҚЎЗҒАТИБ, ЗУЛМ ОСТИДА ҚОЛГАНИНИ АЙТИБ  
БЕРГАНИ, БИЛОЛНИ ЖУҲУДЛАРДАН СОТИБ  
ОЛИШ ХУСУСИДА МАСЛАҲАТ ҚИЛИШГАНИ

Сўйлади Сиддиқ Билолнинг ҳолини,  
Мустафога арз этиб аҳволини:

---

<sup>108</sup> Фирбол-ғалвир.

<sup>109</sup> Вадуд-дўст.

<sup>110</sup> Ҳаббазо-ҳай-ҳай, на хуш.

Ул фалакпаймову қутлуғ хушкалом  
Кўнгли ишқинг бирла тўлмишдир тамом.

Лек ўшал зоғлар бериб лочинга ранж,  
Бўйла ахлатга кўмилмиш кони ганж.

Чугзлар лочинни юлгайлар баса,  
Зулм этиб, пажмурда қилгайлар баса.

960 Айби ул лочинлигидир ҳойнаҳой,  
Айби не эрди Юсуфнинг, хушчиroy.

Ганж эрур зоғларга шум вайрона ҳам,  
Ул сабаб лочинга этгайлар ситам.

Не учун, дерлар, дилингда ул диёр?  
Не учун, дерлар, тилингда шахриёр?

Беҳуда сўзларни сўзларсен нечун?  
Бизни ташвишларга қўйгайсен нечун?

Рашк этур қўргонимизга осмон,  
Сен, хароб, дерсан, ҳақорат айлабон.

965 Ақлу ҳушдин айрилибсен голибо,  
Қарға-қузғунлар сени айларму шоҳ?

Ваҳму савдо ичра жаннат зотини  
Кўрмайин, вайрона қўйдинг отини.

Бўйлаким бошинга ургаймиз бу дам,  
Қолмагай савдоларингдин зарра ҳам.

Хулласи, чор михга тортарлар уни,  
Зулму бедод бирла ўртарлар уни.

Қонидин қирмиз бўлиб тупроғу тош,  
Ё Аҳад, деб ул қўяр тупроққа бош.



970 Неча бор айтдим: динингни тут ниҳон,  
Ботининг сир тут жуҳуддин, эй фалон.

Улки ошиқ, маҳшар ўлмишдир анга,  
Тавба эшиги бекилмишдир анга.

Келса ошиқлик, анинг поёни йўқ,  
Тавбаю сабр айламак имкони йўқ.

Тавба қуртдир, ишқ мисоли аждаҳо,  
Тавба васфи халқу ул васфи Худо.

Ишқ-авсофи Худойи бениёз,  
Ўзга ишқ эрмиш бари ишқи мажоз.

975 Келса ул, ҳусни зарандуд келгуси,<sup>111</sup>  
Зоҳири нур, ботини дуд келгуси.

Кетса нур, пайдо бўлур дуди равон,  
Ки мажозий ишқ тугангай ул замон.

Ҳусн ўшал аслига кетгай, айрилиб,  
Тан қолур бижғиб, басе расво бўлиб.

Ойга кетгай ой нури, зулмат аро  
Сўппайиб девор ўзи қолгай қаро.

Сув ила тупроқ эрур ул, бенигор,  
Энди девормас, кўзингга девча бор.

980 Сохта пулдин юз ўгирди, кечди зар,  
Конга, ул аввал маконга кўчди зар.

Мисга қолгайдир уят, оҳи алам,  
Юз қаро бўлгай чу ошиқ унданам.

---

<sup>111</sup> Ҳусни зарандуд-сиртига олтин суви юритилган, ясама ҳусн.

Кони зар эрмиш эранлар-севгиси,  
Ҳар куни бир карра ортиқ бўлгуси.

Конга шерик, эш бўлурму ҳеч қачон?  
Марҳабо, эй шубҳалардин холи кон.

Конга шерик айлар эрсанг сохтани,  
Зар йўқолгай, ломаконда бил ани.

985 Ошиқу маъшуққа тушгай изтироб,  
Чун балиқдирлар улар, сувсиз, хароб.

Ишқи раббоний чу хуршиди камол,  
Амри нурдир, бошқалар эрмиш зилол.

Мустафони бу хабар хуш айлади,  
Меҳру рағбат бирла Сиддиқ сўйлади.

Мустафо олдида Сиддиқ сўйлабон,  
Бошдаги ҳар бир туки бўлди забон.

Мустафо сўрди: не этгаймиз буни?  
Сиддиқ айтди: мен сотиб олгум уни.

990 Ҳар неча пул сўрса, бергум сарфига,  
Боқмагаймен ҳеч зиёну ҳайфига.

Улки ер узра асируллоҳ эрур,  
Унга зулм этган адувulloҳ эрур.<sup>112</sup>

---

<sup>112</sup> Асируллоҳ - Оллоҳнинг асири, ошиғи.  
Адувulloҳ - Оллоҳнинг душмани.

МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМ СИДДИҚ РАЗИАЛ-  
ЛОҲУ АНҲУГА, СЕН БИЛОЛНИ СОТИБ ОЛМОҚ-  
ЧИ БЎЛСАНГ, УЛАР КАТТА ПУЛ СЎРАШАДИ, БУ  
САВОБГА МЕНИ ҲАМ ШЕРИК ҚИЛ, ВАКИЛИМ  
БЎЛ, АҚЧАНИНГ ЯРМИНИ МЕН ТЎЛАЙ, ДЕГАНИ

Мустафо деди: иноят айла, ҳай,  
Мен бу савдода сенга шерик бўлай.

Сен вакил бўл, айлагил шафқат менга,  
Ақчанинг тенг ярмини бергум сенга.

Дедиким, бош устига, турди ҳамон,  
Ҳой, жуҳуд, деб йўлга тушди шул замон.

995 Дерди: гавҳарни гўдаклар нетгуси,  
Аврасанг, арзон баҳога сотгуси.

Ақлу иймонни сотарлар неча қул,  
Мулки дунё кўрсатаркан деуу гул.

Лошу мурдорга берар ул рангу зеб,  
Сўнгра сотгайдир гулу гулзор деб.

Ой нурин ул ақча этгайдир тайин,  
Неча юзлаб коса олгайдир кейин.

Анбиё савдо-сотих ўргатдилар.  
Шамъи динни йўл уза ўрнатдилар.

1000 Лек у шайтон сеҳру жоду айлабон,  
Анбиёни кўзга кўрсатди ёмон.

Ул адув кўзларни андоқ сеҳр этар,  
Эр-хотинни бир-биринин ажратар.

Кўзлари кўрмас у порлоқ инжуни,  
Бир разил, олчоққа сотгайлар уни.

Икки оламдан-да ортиқ ул гуҳар,  
Ол уни, сотгай чу жоҳил, баччагар.

Тош ила гавҳарни фарқ этмас эшак,  
Дурга ҳам, дарёга ҳам этгуси шак.

1005 Билмагай чун дурни ҳам, дарёни ҳам,  
Улки ҳайвон эрса, билсин қайданам?

Лаълу гавҳарларга кўнгил бойламас,  
Бермамиш Ҳақ унга андоқ бир ҳавас.

Кўрди ким эшшак қулоқда сирга ҳеч?  
Эс-ҳуши ўтлоқда бўлгай эрта-кеч.

Аҳсанут-тақвимда “В-ат тийин” не эмиш,  
Энг асл гавҳар, азизим, жон, демиш.

Зоти инсон Аршданам юксак эрур,  
Бўйла юксакдирки, сигмас сўзга ул.

1010 Қийматин гар сўйласам, этсам баён,  
Мен ёнармен, балки куйгайдир жаҳон.

Бўлди, бас, ўт солма олам жонига,  
Борди Сиддиқ ул эшаклар ёнига.

Урди эшикни, эшик очди жуҳуд,  
Ичкари кирди, этиб ўзни унут.

Маст эди, оташда эрди ул ёниб,  
Аччиқ-аччиқ сўзлар айтди ўртаниб.

Бегуноҳдин бегуноҳ, эй телба дун,  
Бир валийуллоҳни ургайсен нечун?

1015 Ўз дининга бўлса гар сидқинг сенинг,  
Не эрур содиққа бул зулм этганинг?

Эй жуҳуд динида ургочи, нега,  
Қўл кўтаргайсен азиз шаҳзодага?

Ойинанг қийшиқ, чу алдайдир фақат,  
Боқма, эй мардуди нафрини абад.<sup>113</sup>

Бўйла сўзлар айтди Сиддиқ, чун хитоб,  
Барчасин айтсам, бўлур ҳолинг хароб.

Оғзидин оққан баса маъно эди,  
Сўз эмасди, бир азим дарё эди.

1020 Бўйлаким тошдин оқар оби равон,  
Йўқ вале атрофда бир сувдин нишон.

Ҳақ ўзи ул тошни қалқон айламиш,  
Бағрига оби зилолни жойламиш.

Кўзларингдин ҳам оқар оламга нур,  
Чашмадек қайнар, вале кам бўлмаюр.

Нурга боис ёғ эмас ё тери, пўст,  
Парда этмишдир уларни Тангри, дўст.

Бор қулоғинг ичра бир ел, муҳтарам,  
Жазб этар ул ростни ҳам, ёлгонни ҳам.

1025 Ул нечук елдир, суякда титрагай,  
Ҳар нечук сўзу садони илғагай?

Ел, суяклар парда эрмишлар, тутуқ,  
Икки олам ичра Ҳақдин ўзга йўқ.

Ул фақат тинглар ва сўйлар беҳижоб,  
Чунки ал-уззон минар-раъс, эй мусоб.<sup>114</sup>

<sup>113</sup> Абадий лаънатланган, қувилган, яъни, Иблис.

<sup>114</sup> Байтнинг мазмуни: Пардасиз яъни, воситасиз тинглагувчи ҳам, сўйлагувчи ҳам Оллоҳдир, эй савобларга эришган инсон. Қулоқлар бошга мансубдир.

Деди: раҳминг келса қулга, эй киром,  
Сарфлагил олтин, сотиб ол, вассалом.

Ол уни мендин, ачир эрса дилинг,  
Ақчасиз битмас ва лекин мушкуллинг.

1030 Сиддиқ айтди: марҳамат этдинг менга,  
Бир қулим бор, тортиқ этгумдир сенга.

Оқ бадан, кўнгли қаро ул сенга эл,  
Оқ кўнгил, жисми қарони менга бер.

Сўнг киши йўллаб ҳамон олдирди ул,  
Чинданам барнову кўркам эрди қул.

Қулни кўргач, қолди ҳайрон ул жуҳуд,  
Тошдайин кўнгли эриб, сув бўлди зуд.

Бўйладир сувратпарастлар ҳоли, ҳай,  
Яхши суврат дилларин сув айлагай.

1035 Шунда ҳам депсинди ул, айёр эди,  
Рози бўлмай, бир нима қўшгил, деди.

Бўлмагунча ул жуҳуд то рози, хуш,  
Очди ҳамён Бубакр, тўкди кумуш.

**БУ САВДОДА СИДДИҚ ЮТҚИЗДИ, ДЕБ  
ЖУҲУДНИНГ ҚАҲ-ҚАҲ УРИБ, КУЛГАНИ**

Қаҳқаҳа урди жуҳуд ул, тошкўнгил,  
Бўйлаким кўнглини ошкор этди ул.

Сўрди Сиддиқ: сўйла, кулгайсен нега?  
Ул жавобан урди баттар қаҳқаҳа.

Шу қаро қулни, деди, олгум дебон,  
Мунча жон куйдирмасайдинг, эй фалон.

1040 Қийнамасдим, сўзда тош қотгай эдим,  
Арзимас пулга уни сотгай эдим.

Аслида бир пулга олмаслар ани,  
Оҳу воҳ бирлан оширдинг нархини.

Деди Сиддиқ: беҳабарсен, баччағар,  
Уйлаким, ёнғоққа алмашдинг гуҳар.

Қул дема, икки жаҳонга бергусиз,  
Менга жони, сенга шул ранги азиз.

Қип-қизил олтин у, нодонлар аро,  
Кин, ҳасадлар бирла тортмишдир қаро.

1045 Етти ранг кўргувчи кўзлар бор талай,  
Лек ниқоб остида руҳни кўрмагай.

Сен яна макрингда этсайдинг давом,  
Молу мулкимни берар эрдим тамом.

Сен оёгингни тираб турсанг, инон,  
Қарз олиб, олтин тўкардим бегумон.

Сев текин сотдинг, назарга илмадинг,  
Ҳуққада не борлигини билмадинг.

Бир назар солмай узатдинг борини,  
Тезде билгайсен унинг асрорини.

1050 Лаълу дурни елга сочдинг бир йўла,  
Занжидек шодсен қаро юзлик била.

Давлату бахтини сотгайму киши,  
Охири “во ҳасрато” бўлгай иши.

Қул бўлиб қошинга келмиш эрди бахт,  
Ичнимас, зоҳирни кўрдинг сен фақат.

Келмиш эрди сенга ҳимматлар билан,  
Сен вале кўрсатдинг унга макру фан.

Жисми оқ, кўнгли қарога этма шак,  
Бутпарастона қабул қил, эй сўтак.

1055 Ул сенга, бул менга эрмиш фойда, суд,  
Чун лакум дини вали дин, эй жуҳуд.<sup>115</sup>

Бутпарастларнинг сазоси чун эмиш,  
Жабдуғи атлас, оти чўбин эмиш.

Гўри кофирдек ичида дуду нор,<sup>116</sup>  
Сиртида эрса неча нақшу нигор.

Худди золим молидек сирти жамол,  
Ичда лекин хуни мазлуму вубол.

Чун мунофиқ, сиртида савму салот,<sup>117</sup>  
Кўнгли ичра йўқ тирикликдин нажот.

1060 Ё булутдирким, самода гуркирар,  
Бермагай лекин экинга бир самар.

Ёки ёлгон ваъда, ёлгон бандалик,  
Бошда ишва, охири шармандалик.

Сўнг Билолнинг илкидин тутди, Билол  
Эрди меҳнат заҳми бирлан чун ҳилол.

Чун ҳилол зору заиф моҳ эрди ул,  
Бубакрга бўйла ҳамроҳ эрди ул.

Мустафониким Билол кўрган замон,  
Йўл уза тушди, йиқилди ул ҳамон.

---

<sup>115</sup> Сенинг дининг ўзинга, менинг диним ўзимга.

<sup>116</sup> Нор-олов.

<sup>117</sup> Савму салот-рўза ва намоз.



1065 Кетди ҳушдин, ўзлигин тарк айлади,  
Ҳушга келганда севинчдин йиғлади.

Мустафонинг бағрига жо бўлди қул,  
Не ажаб лутфу карамлар кўрди ул.

Мис агар иксирга етса, ул нечук?  
Ганж агар йўқсулга етса, ул нечук?

Бир балиқдек топди уммон оқибат,  
Тўғри йўлга тушди карвон оқибат.

Ул хитоботларки этмишди Набий,  
Ҳар бири тунни ёритгай тонг каби.

1070 Тунни равшан айлагайдир чун сабоҳ,  
Мен уни такрор этолмам мутлақо.

Офтоб ҳар гал тутиб Буржи Ҳамал,  
Айлагай сабза, оғочга не амал?

Ё биларсен, шарқираб оққан зилол,  
Баҳрасин ҳар гал нечук топгай ниҳол.

Санъати Ҳақдирки, ул сеҳр айлабон  
Яшнатар, яшнайти ажзойи жаҳон.

Жазби Ҳақ йўлдоши таъсирдир, сабаб,  
Ҳақ ниҳон сўйлайди чун беҳарфу лаб.

1075 Таъсир этмак ҳам қадардандир ахир,  
Ул нечукдир, сиррига етмас ақл.

Улки илдизда муқаллид бешу кам,  
Тақлид этгай новдаю япроқда ҳам.

Гар ақл сўрса, не эрмишдир маром?  
Билмагайсен, деб жавоб бер, вассалом.

МУСТАФФО АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ, НЕГА  
ТЎЛОВНИ ЁЛГИЗ ЎЗИНГ ТЎЛАДИНГ, МЕНИ ҲАМ  
САВОБГА ШЕРИК ҚИЛ, ДЕМАБМИДИМ, ДЕБ  
СИДДИҚДАН РАНЖИГАНИ. СИДДИҚ РАЗИАЛ-  
ЛОҲУ АНҲУНИНГ УЗР АЙТГАНИ

Деди: эй Сиддиқ, унутдингму, маним  
Шерик этгайсен савобга, деганим?

Дедиким, шул иккимиз-да сенга қул,  
Ишқи жонинг бирла озод бўлди ул.

1080 Дўсту горингмен, қулингмен, муҳтарам,  
Ҳеч қачон озод бўлишни истамам.

Сенга қуллик этсам, озодлик менга,  
Сендин айрилсам, бу бедодлик менга.

Сен тирилтирдинг жаҳонни, Мустафо,  
Қўп қатори менга ҳам боқдинг қиё.

Ёшлигимда туш кўрардим, тушки, хоб,  
Гоҳ салом бергайди менга офтоб.

Кел бири, деб қўл чўзар эрди менга,  
Юксалиб, йўлдош бўлур эрдим анга.

1085 Дер эдим: рўё бу, бўлмоғи маҳол,  
Чинга айлангайму бундоқ васфи ҳол?

Чун сени кўрганда кўрдим ўзни мен,  
Ул зилол кўзгуга тикдим кўзни мен.

Чун сени кўрдим, маҳалим ҳол бўлиб,  
Қолди жон мустағриқи ижлол бўлиб.<sup>118</sup>

---

<sup>118</sup> Жоним улуғликларга ғарқ бўлди.

Чун сени кўрдим, аё руҳил-билод,<sup>119</sup>  
Шу қуёш меҳри кўзимдин учди бот.

Кўзларим тўлди буюк ҳиммат билан,  
Ки чаманларга боқурмен беписанд.

1090 Нурга талпиндим, етишди нури нур,  
Ҳурга талпиндим, етишди ҳури ҳур.

Юсуф истардимки, олам бандадир,  
Англадим чун Юсуфистон сендадир.

Жаннат излардим жаҳонда ёзу қиш,  
Жузву жузвингда кўринди ул биҳишт.

Менга нисбат этса, бу мадҳу сано,  
Сенга нисбат этса, таҳқиру хато.

Мадҳ этаркан Ҳақни чўпони салим,  
Тингламишди бўйла Мусойи Калим.

1095 Битларингни битталаб тергум, демиш,  
Чорингни ҳам ямаб бергум, демиш.

Ҳақ унинг мадҳини этмишди қабул,  
Сен-да мадҳим мақбул этсанг, не бўлур?

Раҳм этгил чун қусурли фаҳмимиз,  
Ноқис эрмиш ақлимиз ҳам ваҳмимиз.<sup>120</sup>

Аюҳал-ушшоқ, иқболи жадид<sup>121</sup>  
Кўҳна дунёдин етишди чун умид.

Бунда йўқ нарса у дунёда талай,  
Чорани бечора унда излагай.

---

<sup>119</sup> Руҳул-билод-шаҳарлар жони.

<sup>120</sup> Ваҳм - бу ерда хаёл, тасаввур маъносида.

<sup>121</sup> Айюҳал - ушшоқ-эй ошиқлар. Иқболи жадид-янги баҳт.

1100 Абшару ё кума из жоъул-фараж,  
Ифраху ё қавми қад золал-ҳараж.<sup>122</sup>

Офтоб кетди бу дам сўйи ҳилол,  
Айтгали энди: араҳно, ё Билол.<sup>123</sup>

Айтур эрдинг тортиниб, лаб остидин,  
Энди бонг ур сен минора устидин.

Қайгули жоңларга етсин ул ҳамон,  
Тур, саодат йўлига тушгил, дебон.

Эйки зиндон ичра жим турдинг ҳама,  
Бас, кутулдинг, энди жим тур, сўйлама.

1105 Жим турармен мен нечук, эй маҳлиқо,  
Учса гар ҳар тола мўйимдин садо.

Бўйлаким кар бўлди душман оқибат,  
Қайда бонгдир, деб сўрайдир ул фақат.

Юзларига тутсалар райҳону гул,  
Кўр эмасму, бул тикандир, дейди ул.

Ҳури жаннат тутса илкин, бўйла эр,  
Оғритарсен не учун илкимни дер.

Тортқиларсен мунчалар шиддат қилиб.  
Қуй мени, дер ухлайин роҳат қилиб.

1110 Тушларингда кўрмоқ истардинг нуқул,  
Кўзни оч, қаршингда ул ой порлаюр.

Ул азиларким балоларга дучор,  
Яхшиларга кўрсатур лутфини ёр.

---

<sup>122</sup> Эй жамоат, суюнчи беринг, меҳнат - машаққат кечди, роҳат - фароғат етишди, севининг, эй биродарлар.

<sup>123</sup> Араҳно, ё Билол - Билол, бизни севинтир, яъни, азон айт.

Ўйнашур ул, яхшиларнинг ҳамраҳи,  
Кўзи кўрларни ёқиб, ўртар гаҳи.

Ўзни бир дам бахш этар кўрларга ул,  
Шунда диллардин фиғоне юксалур.

ҲИЛОЛ ҚИССАСИ, У БИР МУХЛИС БАНДА ЭДИ,  
ЖОН КЎЗИ ОЧИҚ, ТАҚЛИДДИН ЙИРОҚ, ОЖИЗ-  
ЛИГИ ТУФАЙЛИМАС, МАСЛАҲАТ ЮЗАСИДАН  
МАҲЛУҚОТГА БАНДАЛИК ЭТАРДИ. ЧУНОНЧИ  
ЛУҚМОН ВА ЮСУФГА ЎХШАБ ЗОҲИРДА ҚУЛЛИК  
АЙЛАР, БИР АМИРГА ОТБОҚАРЛИК ҚИЛАР, УЛ  
АМИРНИНГ ЭСА ЖОН КЎЗИ КЎРМАС,  
СЎҒИР ЭДИ.

*Кўр билар эрди, аноси бор эди,  
Лек тасаввур этмаги душвор эди.<sup>124</sup>*

АГАР ШУ БИЛИМИ ИЛА ОНАСИНИ УЛУҒЛАЙ  
ОЛСА, КЎРЛИКДИН БАЛКИ ХАЛОС БЎЛУРДИ.  
ЧУНКИ “ОЛЛОҒ БИР БАНДАСИНИ ХАЙРЛИ  
ЙЎЛГА БОШЛАМОҚЧИ БЎЛСА, УНИНГ КЎНГИЛ  
КЎЗЛАРИНИ ОЧУР, У КЎНГИЛ КЎЗЛАРИ ИЛА  
БОҚИБ, РАЙБ ОЛАМИДА ҲАР НАРСАКИМ БОР-  
ДИР, КЎРА ОЛУР”

Тингладинг чун баъзи авсофи Билол,  
Тингла энди қиссайи заъфи Ҳилол.

1115 Ки Билолдин ҳам жадал юрмишди ул,  
Ҳар ёмон феълини ўлдирмишди ул.

Сендек эрмасди, кетарсен ортга сен,  
Тошга боргайсен, қўйиб гавҳарни сен.

Хўжага меҳмон етишди бир кеча,  
Хўжа сўрди: ҳай, ўғил, ёшинг неча?

---

<sup>124</sup> Бу байт Ҳақим Санойининг “Ҳадиқа” асаридан.

Сен аниқ ёшингни айтгил бешу кам,  
Ростини сўйла, камайтма зарра ҳам.

Деди: ўн саккиздаман, ўн етти ё,  
Балки ўн олти ё ўн беш, эй ато.

- 1120 Деди: боргил орқароқ, чин ўрнига,  
Бир йўла жойлаш анойинг қорнига.

### ШУ ХУСУСДА ЯНА БИР ҲИКОЯТ

Бир киши сўрди амирдан от-улов,  
Ул деди: ол, сенга бўлсин шул бедов.

Мен бу отни истамасмен, деди ул,  
Олга юрмас, ортга тислангай нуқул.

Шунда мир ўртгатди ишнинг йўригин,  
Бошин эрмас, уйга бургул қуйругин.

Нафсинг оти қуйруғи шаҳват магар,  
Шул сабабдин ортга тислангай ўшал.

- 1125 Кўкдин эрмиш, англа шу буйруқни сен,  
Охиратга бур ўшал қуйруқни сен.

Бермасанг шаҳватга нону ошини,  
Ул эгар ақли шарифга бошини.

Бир бутуқ кессанг огочдин, эй гулом,  
Бошқа новда гуркираб ўсгай тамом.

Чунки дум-қуйруқни бурдинг ул тараф,  
Орқа-орқа тисланур то муктанаф.<sup>125</sup>

На гўзад отларки, доим пешров,  
Ортга кетмаслар, эмаслар ўт-олов.

---

<sup>125</sup> Муктанаф-сўнгги саждагоҳ.

1130 Жисми Мусодек шитоб этгай улар,  
Икки денгиз бўйига етгай улар.

Етти юз йилга чўзилган йўлни ул  
Азм ила босди, шитоб айлаб нуқул.

Ҳиммати жисми Мусонинг чун эди,  
Сайри жони токи Иллийун эди.

Шаҳсуворларким шитоб йўл олдилар,  
Аҳли нодон эрса ортда қолдилар.

### МАСАЛ

Етди бир қишлоққа карвони гани,  
Кўрди унда бир очиқ дарвозани.

1135 Баски айём қаҳри қаттиқ қиш эди,  
Қай бири, биз шунда қўнгаймиз, деди.

Келди бир овозки, қўйгил ташқари,  
Ҳар не борингни, кейин кир ичкари.

Барча ашёингни отғил рўй-рост,  
Йўқса, кирма, чунки бу мажлиси хос.

Ул Ҳилолким бўйла равшан дил эди,  
Бир амирга сойис эрди, қул эди.

Отбоқар эрди амирга ул ғулом,  
Лек шаҳаншоҳ эрди, гар қул эрди ном.

1140 Ҳоли не, эрди амир ул беҳабар,  
Чунки солгайди билисона назар.

Лой кўриб, ганж васлини кўрмасди ул.  
Бешу олти аслини кўрмасди ул.<sup>126</sup>

Лойи ошкор, нури дин эрди ниҳон,  
Ҳар паямбар эрди дунёда чунон.

Ул минор кўргай-да, қушни кўрмагай,  
Лек минора узра эрди қарчигаи.

Бошқаси кўрди: қанотин сирмади,  
Лек унинг бурнида тукни кўрмади.

- 1145 Улки ул янзур би нуриллоҳ эди,<sup>127</sup>  
Қушдин огоҳ, тукданам огоҳ эди.

Дедиким, сен тукни кўргил, тукни чун,  
Кўрмасанг тукни, ечилмайдир тугун.

Ул бири лой кўрди, нақшин ҳар маҳал,  
Бул бири лойким, тўло илму амал.

Тан-минора, илму тоат мисли қуш,  
Хоҳи уч юз кўр уни, хоҳ икки қуш.

Марди авсатким буни хуш кўргуси,  
Олди, ортида фақат қуш кўргуси.

- 1150 Тук дема, нури ниҳондир қушга ул,  
Нур дема, жондин нишондир қушга ул.

Тук агар бўлса унинг минқорида,  
Сохтакорлик кўрмагайсен корида.

Илми андоқдирки, жондин қайнамиш,  
Сохта эрмас ё бировдин олмамиш.

---

<sup>126</sup> Бу ерда ўртача йўл тутган, уммати васат аталган эрларнинг нафслари назарда тугилмоқда.

<sup>127</sup> Янзур би нуриллоҳ-Оллоҳ нури ила боқувчи.



ХИЛОЛНИНГ ХАСТАЛАНИБ, ЁТИБ ҚОЛГАНИ,  
ХЎЖАСИНИНГ БЕПИСАНДЛИГИ ВА ТАНИМАС-  
ЛИГИ ТУФАЙЛИ БУНДАН БЕХАБАРЛИГИ, МУС-  
ТАФО АЛАЙҲИССАЛОМ КЎНГЛИ БУ ҚОЛДИН  
ОГОҲ БЎЛГАНИ ВА ҲИЛОЛНИНГ АҲВОЛИНИ  
СЎРМОҚ УЧУН УНИНГ ҲУЗУРИГА КЕЛГАНИ

Чун қазодин бўлди бемор ул Ҳилол,  
Мустафога маълум ўлди ушбу ҳол.

Хўжаси эрди бу ҳолдин беҳабар,  
Чунки таҳқир бирла ташларди назар.

1155 Гарчи қул тўққиз кун оғилда эди,  
Ҳолидин бир кимса огоҳ бўлмади.

Улки эрди чин шаҳаншоҳи жаҳон,  
Ақли юз денгизча эрди бегумон.

Унга маълум қилди Ҳақ ғамхор бўлиб,  
Борки, муштоқинг ётур бемор бўлиб.

Мустафо баҳри Ҳилоли бошараф,  
Юрди этмакка иёдат ул тараф.

Ой борурди офтоб излаб ҳамон,  
Ортида асҳоби - юлдузларсимон.

1160 Ой ўшал дердики, асҳоби нужум,  
Лиссуру қидваҳ ва литтоғи ружум.<sup>128</sup>

Чун амирга етди султон келди деб,  
Сакради жисмим аро жон келди деб.

Қўлларин қарс урди, андоқ яйради,  
Мен учун келмиш Расул, деб ўйлади.

---

<sup>128</sup> Байтнинг мазмуни: Ой дердиким, саҳобам юлдузларга ўхшар,  
йўловчиларга йўл кўрсатар.

Пастга тушди талпиниб нақ учгудай,  
Хушхабарга жон фидо этмоққа шай.

Ер ўлиб, сўнгра саломин берди ул,  
Юзлари эрди севинчдин лолагул.

1165 Деди: бисмиллоҳ, шараф топсин ватан,  
Жаннат ўлсин шу шарафли анжуман.

Кўшқу қўрғонимга маскан осмон,  
Ки қадам қўйди анга қутби замон.

Лек газаб бирлан деди ул муҳтарам:  
Сен учунмас этганим ранжи қадам.

Деди: ташрифингга шул жоним фидо,  
Кимни деб ранжи қадам этдинг адо?

Хоки пойин кўзга суртармен жадал,  
Чунки лутфинг боғида унмиш ўшал.

1170 Баски мир мундоқ тавозу айлади,  
Мустафо унга мулойим сўйлади.

Қайда, деб сўрди, Ҳилоли аршхў,  
Камтаринлик ичра ойдек фаршхў?

Бандалик ичра ниҳон бир шоҳ ул,  
Лек жаҳон асроридин огоҳ ул.

Демаким, охурчи ул, ҳайрона-да,  
Ганжу бойлик ҳам ётур вайронада.

Не тўлин ойлар чу поймоли анинг,  
Хасталик ичра нечук ҳоли анинг?

1175 Мир дедиким, хастадурму, билмадик,  
Неча кундирким кўринмас бизга лек.

От-уловлар бирла яккаш сўйлашур,  
Отбоқардирким, яшар оғилда ул.

МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМ АМИР ОҒИЛХОНА-  
СИГА КИРИБ, ҲИЛОЛ РАЗИАЛЛОҲУ АНҲУНИНГ  
ҲОЛИНИ СЎРАБ, КЎНГЛИНИ КЎТАРГАНИ

Кирди Пайғамбар оғилга ул замон,  
Қайда қул, деб кўз югуртди ҳар томон.

Ҳар томон эрди палид, ифлосу хор,  
Бир нафасда бўлди поку беғубор.

Нарра шер олди Паямбар атрини,  
Яъқуб олмиш эрди Юсуфдин ани.

1180 Мўъжиби иймон эмасдир мўъжизот,  
Жинсият атри этар жазби сифот.

Мўъжизот душманга ўт солгувчидир,  
Жинсият атри кўнгил олгувчидир.

Қаҳр этар душманга, аммо дўстгамас,  
Дўстининг бўйнига ип солгайму кас?

Атри Пайгабар-ла уйғонди Ҳилол,  
Деди: қайдин бу оғилда бу уфор?

Ҳар тарафга солди кўз излаб ани,  
Кўзга ташланди Муҳаммад домани.

1185 Судралиб, тор гўшасин тарк айлабон,  
Мустафо пойига бош қўйди ҳамон.

Кучди Пайғамбар, муҳаббат сепди ул,  
Бошидин, қошу кўзидин ўпди ул.

Деди: ё Раббий, ажаб дурри Адам,  
Эй гариби Арш, нечук ҳолинг бу дам?

Дедиким, чун уйқу эрканда иши,  
Чиқса офтоби, нечук бўлгай киши?

Ташнаким ҳар лаҳза тупроқ чайнамиш,  
Сув келиб босганда ҳоли не эмиш?

МУСТАФО АЛАЙҲИССАЛОМ ИСО АЛАЙҲИССА-  
ЛОМНИНГ СУВ УСТИДА ЮРГАНИНИ ЭШИТИБ,  
ИШОНЧИ ОРТИҚРОҚ БЎЛГАНДА ҲАВО УСТИДА  
ҲАМ ЮРА ОЛУРДИ, ДЕГАНИ

Ул Исоким ҳар нафас оби ҳаёт,  
Узра одимлар, баса юрмишди бот.

1190 Деди Аҳмад: гар ишончи бўлса кўп,  
Ул ҳаво устида ҳам юргайди хўп.

Мен ҳавони миндим ул Меърож туни,  
Мен ўзимга маркаб этмишдим уни.<sup>129</sup>

Сўнг Ҳилол дедики, ирkit бир кучук  
Уйғониб, шер кўрса ўзни, ул нечук?

Бўйла шермаски, киши тиг ургуси,  
Бўйладирким, ваҳми тиг синдиргуси.

Кўр кишиким ерда судралмишди хор,  
Кўз очиб, кўрса нечук боғу баҳор?

1195 Чун нечунлардан қутулган кимса ул,  
Этса гар бечун ҳаётга, не бўлур?

Ломакон бахш этса, ул чунлар эса,<sup>130</sup>  
Суфрасин итларга ўхшаб қуршаса.

---

<sup>129</sup> Маркаб - улов.

<sup>130</sup> Бу ерда “чун” сабаб маъносида

Етса бечундин уларга устухон,  
Ўқима бул сурани, қўй, эй фалон.

Барча чунлардин халос бўл, турмагил,  
Йўқса сен Мусҳафга қўлни урмагил.

Гар палидмен, гар тамизмен баҳр аро,  
Бундин ўзга не ўқирмен даҳр аро?

1200 Сен дегайсен, дилни ғамга қормагил,  
Чун чўмилмасдин ҳовузга бормагил.

Ул ҳовуз қирғоғи ғайри хок эмас,  
Кимса кирмас сувга, гар ул пок эмас.

Бўлмаса сувларда ул лутфу карам,  
Ювмаса кирларни сувлар дамба-дам.

Бой ўшал муштоқ кўнгиллар ҳолига,  
Вой уларнинг чорасиз аҳволига.

Сувда юзларча карам бор, эҳтишом,<sup>131</sup>  
Пок этур чангу ғубордин, вассалом.

1205 Эй Зиёвулҳақ Ҳисомиддинки, нур  
Эврилиб, бошингда посбонинг эрур.

Посбонинг нур эмишдур, нурпош,  
Шабпараклардин бекингувчи қуёш.

Не эмиш парда қуёшнинг васлида,  
Ул ҳароратдир, оловдир аслида.

Офтобга пардадир нури Худо,  
Кеча бирлан шабпарак андин жудо.

---

<sup>131</sup> Эҳтишом - шукуҳ.

Парда ортида уларким қолдилар,  
Муз қотиб, балки қаро юз бўлдилар.

- 1210 Баски ёздинг қиссайди нури Ҳилол,  
Энди сен ой васфини дафтарга сол.

Ул Ҳилолу бул тўлин ой иттиҳод,  
Иккисига етмагай нуқсу фасод.

Чун ҳилол ҳам кўк аро юксалгуси,  
Аста-аста ул тўлин ой бўлгуси.

Дарс берур ой тунга чун тадриж надир,  
Яъни, ҳалли мушкилот, тафриж надир.

Таъна айлаб дерки, эй, ҳовлиқма, хом,  
Поя-поя пастлашур қаршингда том.

- 1215 Ёқ қозон остида устодона ўт,  
Ёқмагил гуриллатиб, девона ўт.

Ҳақ яратмоқ истаса халқу фалак,  
Бор этар бир лаҳзада бешубҳа шак.

Олти кунга чўзди ул бор этгали,  
Ҳар куни минг йилга тенг келгай вале.

Тўққиз ой бирлан гўдак бўлгуси бор,  
Чунки шоҳга тадриж эрмишдир шиор.

Хилқати Одам-да чекди қирқ сабоҳ,  
Андак-андак этди бу ишни Худо.

- 1220 Сен эсанг чун шошқалоқсен, жонҳалак,  
Шайх санайдирсен ўзингни, эй гўдак.

Гар қовоқдек бошга чиққансен бугун,  
Лек оёқ йўқ сенда беллашмоқ учун.

Сен огочларга, деворга тирмашиб,  
Бир қадар кетдинг баландлаб, том ошиб.

Сарвига чирмашдинг айлаб дилни хуш,  
Оқибат қолдинг вале бемағзу бўш.

Кўк тусинг сарғарди тезда ҳар тугул,  
Чун упо янглиғ омонат эрди ул.

БИР КАМПИР БУРИШГАН ЮЗИНИНГ ТУКЛАРИ-  
НИ ЮЛАР, УПА-ЭЛИК СУРАР, АММО ЮЗЛАРИ  
БЎЯНМАС, УПА-ЭЛИКНИ ҚАБУЛ ЭТМАС ЭДИ

1225 Бор эди кампир, чу тўқсон ёшли жон,  
Афти бужмайганди, ранги заъфарон.

Юзлари қат-қат ажин эрди таги,  
Кўнглида боқий эди эр истаги.

Тишлари тушмишди, сочи оқ эди,  
Қадди ёйю ҳислари мудроқ эди.

Нафси бор, лек танда дармони тамом,  
Сайди бор, лек пора-пора эрди дом.

Бемаҳал қуш эрди, йўлсиз йўл эди,  
Гар қозон бўш, остида ўт мўл эди.

1230 Ошиқи майдонди, оти, пойи йўқ,  
Ошиқи оҳанг, вале сурнойи йўқ,

Келмагай ҳеч кимсага бундоқ бало,  
Ул шақийдир, ҳирсга эрса мубтало.

Тишлари тушди, магар пир бўлди ит,  
Элни қўйди, гўннга олғир бўлди ит.

Сол бу олтмиш ёшли итларга назар,  
Тишлари ҳар лаҳзада кескир магар.

Кекса ит туллайди ҳар йил, сен бироқ  
Шу ясанган кекса кўшпақларга боқ.

1235 Ҳирслари хотун ва олтин дейди бот,  
Дамба-дам ортиқ ва кун-кундан зиёд.

Бу умрмас, мойи дўзах эрур,  
Ки ғазаб қассобларига учраюр.

Гар десанг, умринг узоқ бўлсин, улар,  
Шодланиб, дилхуш бўлиб, яйраб кулар.

Бўйла қарғишни дуо деб ўйлагай,  
Кўз очиб, фикр айламоқни билмагай.

Охиратдин қилча огоҳ бўлса, шул  
Айтганинг бўлсин ўзингга, дерди ул.

БИР ДАРБЕШ ДОСТОНИ, УНИНГ БИР ГИЙЛО-  
НИЙНИ ДУО ҚИЛИБ, ТАНГРИ СЕНИ МАНЗИЛИН-  
ГГА ЭСОН-ОМОН ЕТКАЗСИН, ДЕГАНИ

1240 Келди гийлонийга йўқсил бир гадо,  
Қўл очиб, хайри дуо этди адо.

Чун дуо этди ул олганда нон:  
Манзилингга Тангри етказсин омон:

Деди гийлоний: бу уй-манзил маним,  
Манзилингга Тангри етказсин сени.

Аҳли ғофил бўйлаким кор айлагай,  
Сўйлама, гавҳар сўзинг хор айлагай.

Ҳар киши ҳам сўзни уқмоғи қийин,  
Қадди басти кўр-да, тўн бичгил кейин.



## УЛ КАМПИРНИНГ СИФАТЛАРИ

1245 Бўлмагай мажлиски, бир пайғора йўқ,<sup>132</sup>  
Сўз дегайсен бўйла, ўзга чора йўқ.

Бул сўзинг турсин гаров, қўйгил ани,  
Сўйлагил кампирни, ул афсонани.

Эр эмас эрса бу йўлда кимса, бас,  
Исмани кампир атайвер, ўзгамас.

На унинг измида раъси моли бор,  
На қабул этмоққа молни ҳоли бор.

На берар хушлик, на олмоқ ҳолати,  
На бирор маъни, на маъни рағбати.

1250 На тили бор, на қулоқ, ақлу зикр,  
На ҳушу на ҳушдин айру бир фикр.

Ни ниёзу на жамоли баҳри ноз,  
Қат-қати аччиқ, ачитқи бир пиёз.

На оёғи, на муайян роҳи бор,  
На ҳарорат, на кўнгилда оҳи бор.

## БИР УЙДАН ҲАМИША “ЙЎҚ” ЖАВОБИНИ ОЛГАН ДАРВЕШ ҚИССАСИ

Бир эшикка бир гадо келмиш эди,  
Ёки қотган, ёки юмшоқ нон, деди.

Деди соҳибхона: бунда нон қани?  
Нон дўконидин сўраб, ахтар ани.

---

<sup>132</sup> Пайғора-таъна, маломат. Бу ерда, таъна-маломат этувчи, тубан кишиларсиз бирор йигин йўқ, дейилмоқда.

1255 Деди: жиндак ёғ хайр этсанг-да бас,  
Деди: бу қассоб дўкони ҳам эмас.

Деди бир каф ун хайр этгил, жигар,  
Деди: бу сенга тегирмонму магар?

Деди: бир жом сув узатгил бўлмасам,  
Деди: бу анҳор эмасдир, чашма ҳам.

Хулласи ҳар не тиланди, сўрди ул,  
Йўқ, дебон келди жавоби, йўқ нуқул.

Шунда уйга кирди, деди: қистади,  
Чўнқайиб, ҳожат қилишни истади.

1260 Деди: ҳай-ҳай, не этарсен хонада,  
Бир ёзилгум, деди шул вайронада.

Бас, тирикликдин йироқ бир хона ул,  
Уй эмас, аслида ҳожатхона ул.

Лочин эрмассенки сен этсанг шикор,  
Кафтида тутса, кўтарса шаҳриёр.

На товусдирсен қаноти рангба-ранг,  
Рангба-ранг ҳуснинг-ла кўзни аврасанг.

Тўти эрмассен, чу шаккар берсалар,  
Ҳам ширин сўзингга мафтун эрсалар.

1265 Булбул эрмассенки, чексанг нола-зор,  
Масканинг бўлса чаман ё лолазор.

Ҳудҳуд эрмассен, хабар келтиргучи,  
Лайлак эрмассен, баландда юргувчи.

Не учун бозорга элтгайлар сени?  
Сен нечун қушсен ва нетгайлар сени?

Сен қадр билмас дўконни қўй, аё,  
Кел бу ёққа, фазлакаллоҳ уштаро.<sup>133</sup>

Ул матойинг қанча эски бўлса ҳам,  
Ҳақ сотиб олгай уни айлаб карам.

1270 Ҳеч ёмон Ҳақ олдида мардуд эмас,<sup>134</sup>  
Муддао унга самар ё суд эмас.

### КАМПИР ҲИКОЯСИГА ҚАЙТИШ

У келин янглиғ ясанмоқ истади,  
Қошларин юлди, тусанмоқ истади.

Борди, кўзгу олдида ўлтирди ул,  
Юз, яноғига бўёқлар сурди ул.

Нечаким гулгуна сурди, бўлмади,  
Юзлари упо-эликни олмади.

Кесди Мусҳафдин аширу ашрани,  
Юзларига сўнг ёпиштирди ани.<sup>135</sup>

1275 Ёшини пинҳон этишни ўйлади,  
Ўзни чун жонон этишни ўйлади.

Ашралар гар юзга ёпишгай эди,  
Чодрасин ёпганда лек тушгай эди.

Боз териб ул ашраларни бирма-бир,  
Юзига туфлаб ёпиштиргайди ул.

Чодрасин бошига ул солган замон,  
Ашралар сочилгай эрди ҳар томон.

---

<sup>133</sup> Оллоҳ сотиб олар...

<sup>134</sup> Мардуд-рад этилган.

<sup>135</sup> Қуръони каримнинг ҳар ўнинчи ояти битилган саҳифа четига олтин суви билан гўзал шакллар чизилиб, “Ашра” деб ёзилар эди Ашра-ўнинчи демак.

Этди кўп жаҳду жадал, зое эди,  
Охири, Иблисга минг лаънат, деди.

1280 Бўлди ҳозир олдида Иблис ўша,  
Деди: эй қартайган, иркит фоҳиша.

Мен шу умримда не йўллар юрмадим,  
Сендайин бир нобакорни кўрмадим.

Қанчалар этдинг ёмонлик, тўймадинг,  
Шу жаҳон саҳнида Мусҳаф қўймадинг.

Неча юз Иблисга тенгдирсен ҳануз,  
Қўй мени ҳолимга энди, эй ажуз.

Ашралар юлдинг китобдин, юлқидинг,  
Олмадек юзни қизартмоқчи эдинг.

1285 Не демишлар эрса мардони Худо,  
Сен сотиб, олмоқчи бўлдинг марҳабо.

Сохта ранг чеҳрангни гулгун этмади,  
Сохта новда мева, аржун этмади.

Бир куни бошингга чодир келгуси,  
Юзларингдин ашралар сочилгуси.

Йўлга туш, дерлар, чу бўлгай ўзга ҳол,  
Ўтмагай макру ҳунар ул, қилу қол.

Олами хомушлик очгайдир чирой,  
Унга улфат бўлмасанг, ҳолингга вой.

1290 Покла бир муддат шу кўнгил, сийнани,  
Дафтари хос айла ул ойинани.

Соя солмишди Юсуф соҳибқирон,  
Ул Зулайҳо бўлди қайта новқирон.

Яшнабон, жонона бўлмишди яна,  
Қиш мижози ёзга тўлмишди яна:

Етди Марямдин кўнгилнинг баҳраси,  
Қуп-қуруқ шох бўлди хурмо новдаси.

Эй ажуз, этма қазо бирлан талаш,  
Изла нақдингни, кўнгилни этма гаш.

1295 Юзларинг бўлмас чу дилбар, дилрабо,  
Хоҳи сургил гулгуна, хоҳи сиёҳ.

### СОҒАЙИШИДАН ТАБИБ УМИД УЗГАН БЕМОР ҲИКОЯТИ

Келди бир бемор юриб сўйи табиб,  
Деди: кўргил томиримни, эй ҳабиб.

Ки сенга ҳоли дилимни сўйлар ул,  
Дил томир бирлан туташдир муттасил.

Гар юрак ичда, кўринмасдир, ниҳон,  
Ҳолини сўрсанг, томир айлар баён.

Ел-да кўзларга кўринмасдин эсар,  
Зоҳир ўлгай чангу тўзондин магар.

1300 Гоҳ жанубдин, гоҳи шимолдин келгуси,  
Ҳоли япроқларда маълум бўлгуси.

Билмоқ истарсен кўнгилнинг мастини,  
Наргиси махмурда изла васфини.

Ким эмиш Ҳақ, ул буюк қудратли зот,  
Англатур амри Муҳаммад, мўъжизот.

Мўъжизот бирлан кароматларки ул,  
Дилга доим пири комилдин келур.

Ичларида юз қиёмат ҳар нафас,  
Қўшнилар бўлгай улар ҳолига маст.

1305 Бас, жалисуллоҳ эмишдир, ўйлаким,<sup>136</sup>  
Бир саид олдида топгайдир қўним.

Мўъжизотким этди жонсизга асар,  
Ё асо, ё баҳр, ё шаққул-қамар.

Этса жонингга асар бевосита,  
Муттасил Ҳақ бирла бўлгай робита.

Этса жонсизга асар, ўтгай вале,  
Жонга етса, ул давом этгай вале.

Ё жамодийдин асар олгай замир,  
Ҳаббазо нон беҳаюлои хамир.<sup>137</sup>

1310 Ҳаббазо тенгсиз Масиҳо суфраси,  
Ҳаббазо богсиз у Марям меваси.

Жони комилдин туғилгай мўъжизот,  
Сўнгра ул толибга бахш этгай ҳаёт.

Мўъжиза - денгиз, сузолмас мурғи хок,<sup>138</sup>  
Сувқуши бўлмас у тўлқинда ҳалок.

Мўъжиза сингмайди номаҳрамга ул,  
Жон бағишлайдир вале ҳамдамга ул.

Бу саодат йўқса дилда, ўйла сен,  
Улки зоҳир, муҳру ҳужжат айла сен.

---

<sup>136</sup> Жалисуллоҳ-Оллоҳ билан ўлтириб турувчи.

<sup>137</sup> Байтнинг мазмуни: Ёхуд жонсиз жисмдин кўнгилга бир таъ-  
сир, асар етгай, на хушдир ул хамир ҳаюлоси бўлмаган нон.  
Ҳаюло-жавҳар, асл модда.

<sup>138</sup> Мурғи хок-ер қуши.

1315 Туйғулар бергай чу таъсирдин хабар,  
Ул асоратлар - муассирдин хабар.

Маъниси бордир ниҳон ҳар дорунинг  
Санъати бордир ниҳон ҳар жодунинг.

Феълу осорига боқсанг, эй фалон,  
Неки пинҳон эрса, бўлгайдир аён.

Ичдаги қувватки ул асрор эрур,  
Юзга чиққанда баса ошкор эрур.

Бўйла таъсирларки пайдо сен учун,  
Таъсири Оллоҳни кўрмассен нечун?

1320 Бул сабаблар, бу асарлар - мағзу пўст,  
Яхшилаб боқсанг, бари асрори дўст.

Гарчи жонинг ичра осордир туташ,  
Беҳабарсен, кимдир ул осорбахш.

Бир хаёле бирла хушдир халқ сенга,  
Гарбу Шарқ шоҳини севмассен нега?

Бул суҳан поёнсиз эрмиш, муҳтарам,  
Битмагай ҳеч сидқимиз поёни ҳам.

### ХАСТАНИНГ ҲИКОЯТИГА ҚАЙТИШ

Сўзни бур, ул қиссайи беморга қайт,  
Ул табиб-ла ҳоли нелар кечди, айт.

1325 Томирин тутди табиб, билди ҳамон,  
Йўқ эди уммиди сиҳҳатдин нишон.

Деди: кўнглинг не тиларса, эт ани,  
Эски дардинг токи тарк этгай сени.

Хотиринга ҳар не келса, йўқ дема,  
Сабру парҳез бирла ўзни қийнама.

Сабру парҳез сенга этгайдир зиён,  
Ҳар неким кўнглиннга келгай, эт ҳамон.

Бўйла беморларга айтмиш, эй аму,<sup>139</sup>  
Ҳақ таоло: иъмалу мо шиътуму.<sup>140</sup>

1330 Деди бемор: бор у хайринг кўйига,  
Мен эсам боргум оқар сув бўйига.

Банд этиб соғлиққа фикру ўйини,  
Борди, кезмоқ истади сув бўйини.

Кўрди сув бўйида сўфий ўлтирур,  
Юз-қўлин ювмоққа машғул эрди ул.

Кўнглида ниш урди орзу куртаги,  
Сўфига бир мушт туширмоқ истади.

Сўфиким, шод эрди ҳамза ошига,  
Келди бемор, мушт кўтарди бошига.

1335 Ки табиб айтмишди, этгил, қўймагил,  
Ҳар неким кўнглиннга келгай, айлагил.

Бир мушт ургил, чунки Ҳақ айтмиш, ука,  
Улки, ло тулқу биайди таҳлука.<sup>141</sup>

Сабру парҳез таҳлика эрмиш, фалон,  
Ўзгалардек тутма ўзни, ур ҳамон.

Мушт туширди, чун садо чикди “шароқ”,  
Деди сўфий: ҳай, эшшакка ҳамтовоқ.

<sup>139</sup> Аму-амаки.

<sup>140</sup> Бундоқ беморларга Ҳақ таоло: “кўнглин не истаса, шуни қил” деган.

<sup>141</sup> Ўзингизни ўз қўлингиз ила таҳликага отманг.



Ул-да боплаб мушт туширмоқ истади,  
Соч-соқоли борки, юлмоқ истади.

1340 Хастадир, бечорадир халқ, кўр уни,  
Амри шайтон-ла кўтаргай муштини.

Бегуноҳга мушт кўтаргай, хезлагай,  
Бир-биридин айбу нуқсон излагай.

Эйки ургайсен гуноҳсизни бу дам,  
Мушт туширгайлар сенинг бошингга ҳам.

Эйки нафсингни шифо деб ўйладинг,  
Мушт уриб, бечорага зулм айладинг.

Сенга кулгай улки этмишдир даво,  
Кўрсатиб буғдойни бўлмиш раҳнамо.

1345 Одаму Ҳаввога буғдой тутди ул,  
Дорудир бул, енг, дея амр этди ул.

Бўйла муштни этди Одамга сазо,  
Қайтди мушти ўзига, берди жазо.

Тойди Одамнинг оёғи, не сабақ,  
Лек анга дастгир, суянчиқ эрди Ҳақ.

Тоғ эди одам, ёпишса юз илон,  
Бор эди тарёқи, этмасди зиён.

Йўқ магар бир зарра тарёқингки чун,  
Бас, қутулмоққа умидворсен нечун?

1350 Ул Халил топган иқомат қайдадир?  
Ул Калим этган каромат қайдадир?

Сенда Исмоилни кесган қўлму бор?  
Ёки Нил остидин ўтган йўлму бор?

Гар саид учса минордин, кўр уни,<sup>142</sup>  
Ел била тўлгай-да, қутқаргай тўни.

Бўйла бир бахт сенда йўқ эрмишки, ҳай,  
Елга бердинг ўзни бундоқ, ўйламай.

Од каби учди минордин нечалар,  
Айрилиб ул йўқу бордин нечалар.

1355 Юз тубан тушган у жонлар қанчадир,  
Неча юз мингларча, юз мингларчадир.

Баски дор узра юролмассен дадил,  
Ерда юрмоғинга сен шукр айлагил.

Этма қоғоздин қанотинг, қанча эр  
Тушди бу савдога, тупроқ бўлди, ер...

Қайнади сўфийда гарчи кин, ғазаб,  
Оқибатни лек кўролди ул қараб.

Қушки ул дому тузоқни кўргуси,  
Сабр этиб, дондин узоқроқ тургуси.

1360 Ҳаббазо ул кўзки, кўргай оқибат,  
Англагайким, тан бузилгай оқибат.

Оқибатни кўрган Аҳмад эрди ул,  
Не эди дўзах, баралла кўрди ул.

Аршни кўрди, Курсиву Жаннатни ҳам,  
Пардаи ғафлатни йиртди дамба-дам.

Истамас эрсанг магар заҳму зарар,  
Ибтидомас, интиҳога сол назар.

---

<sup>142</sup> Саид-бу ерда, бахтли киши, маъносида.

Ҳар не йўқдир, бор дегил ул жумлани,  
Ҳар не бордир, пасту тубан бил ани.

1365 Боқ жаҳонга, ақли собит ҳар касе,  
Йўқни излаб, йўқни қумсайдир басе.

Йўқчиликда ким саховат изламас?  
Ким дўконларда даромад изламас?

Дон учун хирмонга кетмасму киши?  
Мевазордин мева кутмасму киши?

Истамасму кимса мактабларда илм?  
Изламасму кимса масжидларда ҳилм?

Неки бор, отди, улоқтирди улар,  
Неки йўқдир, унга тутқун бўлдилар.

1370 Улки кони, маҳзани сунъи Худой,  
Ул фақат йўқликда очгайдир чирой.

Бундан аввалроқ-да айтмишдик уни,  
Икки эрмас, битта деб бил иккини.

Айтмиш эрдиким магар санъат эли  
Йўқни истар санъатин кўрсатгали.

Улки меъмор, ишга майдон истаюр,  
Таъмирин этмоққа вайрон истаюр.

Улки саққо, кўза истайдир фақат,<sup>143</sup>  
Заргар ул фируза истайдир фақат.

1375 Ов маҳал йўқликка бўлгай ҳамласи,  
Сўнгра қочгайдир адамдин ҳаммаси.

---

<sup>143</sup> Саққо-машкоб, сув ташувчи.

Бас умидинг йўқса, ул парҳез надир?  
Тамаъ айларсен, яна истез надир.<sup>144</sup>

Бўйла мушкулдир кўзингни чекмагинг,  
Не бу йўқликдин ўзингни чекмагинг?

Бойланиб бир ошиёнга, жон басир,  
Не учун йўқликкадирсен мунтазир?

Хайр, демишсен бўйла борлиқ барига,  
Дилни отмишсен у йўқлик баҳрига.

1380 Не эмиш баҳри муроддин қочмогинг?  
Ўлжа бергай ул дилинга неча минг.

Марг аталди не учун наздингда барг?  
Жодуни кўргилки, баргни этди марг.<sup>145</sup>

Бойлади икки кўзингни санъати,  
Чоҳга бўлгай токи жонинг рағбати.

Макр этаркан бўйлаким Парвардигор,  
Сенга чоҳ атрофи бўлгай заҳри мор.

Чоҳ, дединг, ўзга паноҳ билдинг ани,  
То ўлим чоҳга итаргайдир сени.

1385 Сўйладим саҳву хатойинг, англагил,  
Сўйламиш Аттор бу сўзни, тинглагил.

## СУЛТОН МАҲМУД ВА ҲИНДУ ҚУЛ ҲИКОЯТИ

Раҳматуллоҳи алайҳи сўйламиш,  
Зикри шоҳ Маҳмуди Ғозий айламиш.

---

<sup>144</sup> Истез-ёвлашмоқ, талашмоқ, тортишмоқ.

<sup>145</sup> Марг-ўлим. Барг-озуқа, қувват.

Мулки Ҳинд сори юришлар қилди ул,  
Тутқун айлаб, юртига келтирди қул.

Ноиб этди, тахтига пайванд қилиб,  
Ҳам сипоҳсолору ҳам фарзанд қилиб,

Жо эрур бул қисса ичра не ўғит,  
Пири бузруквор баён айлар, эшит.

1390 Хуллас ул ҳинду ҳашам ёғдусида,  
Ўлтирарди тахтда, шоҳ ўтрисида.

Бир куни кўз ёши тўқди ул надим,  
Шоҳ деди: англаб бу ҳолинг, сўйлаким.

Нега йиғларсен, нечун бул оҳу зор?  
Соҳиби мулксен, қарини шаҳриёр.

Аҳли аён ою юлдузларсимон  
Саф чекиб, амрингда тургайлар ҳамон.

Деди ҳинду: йиғларимга бор сабаб,  
Ўз диёримда бериб дарси адаб,

1395 Онам айтар эрди менга, ўғлига,  
Туш, илойим, дерди Маҳмуд қўлига.

Тинглабон отам уни койир эди,  
Ўзга қарғиш йўқму сенга, дер эди.

Нега этгайсен бу янглиғ бир тилак,  
Бунга бардош айлағайму ҳеч юрак?

Этма хун, дерди, гўдакнинг кўнглини,  
Юзта шамшир бирла ўлдирдинг уни.

Иккисин тинглаб, баса ҳайрон эдим,  
Ваҳму қўрқўв бирла гоҳ гирён эдим.

1400 Не жаҳаннам, дердим, ул Маҳмуд, ажаб,  
Исми тимсоли ажал, қаҳру газаб.

Даҳшатингдин қалтирар эрдим баче,  
Иззатингдин беҳабар эрдим баче.

Қайда ул онамки, кўрса бул замон,  
Менки тахтинг узрамен, шоҳи жаҳон.

Фақр ул Маҳмуд эмишким, ҳар маҳал  
Исмин айтиб, қўрқитурлар, эй жигар.

Билсанг эрди шоҳи Маҳмуд шафқатин.  
Марҳабо, деб айлар эрдинг иззатин.

1405 Фақр Маҳмудинг эрур, эй ваҳми дил,  
Сўйласа, онанга парво этмагил.

Танласанг, терсанг фақирлик тошини,  
Сўнг оқизгайсен севинчлар ёшини.

Парваришда онанг эрмиш тан сенга,  
Неча душмандан-да ул душман сенга.

Хасталанса, хоҳиши дармон қилур,  
Қувват олса, ул сени шайтон қилур.

Зирҳ эмишдир тан, ҳамиша бечидан,  
Қишга тоқат айламас ул, ёзга ҳам.

1410 Ким ёмон бир дўстгаким сабр айлагай,  
Сабр ила кўнглин мунаввар айлагай.

Сабр этиб ой тунга, кўкда тўйи бор,  
Гул тиканга сабр этиб, обрўйи бор.

Сабр этиб, шер йўлни пойлайдир неча,  
Ўлжа бўлгай сўнгра унга тевача.

Сабр айлаб анбиё ҳам ҳар қачон,  
Хоси Ҳақ бўлмиш улар, соҳибқирон.

Гар киши эғнида янги тўн эрур,  
Сабру бардош бирла етмиш тўнга ул.

1415 Гар киши эрса яланғоч, бенаво,  
Бесабрдирким, эрур йўқсул, гадо

Кимда эрса дарду оғриқ шиддати,  
Балки, бир маккор ила бор улфати.

Сабр этиб, гар Ҳаққа этсайдинг вафо,  
Сен тушиб ҳижронга, чекмасдинг жафо.

Ростласайдинг феълу хўйинг Ҳаққа чин,  
Ки дейилмиш: ло уҳиббул-офилин,<sup>146</sup>

Бўлмас эрди чун, жўнаркан карвон,  
Сен қолиб йўл узра сўнгра ўтсимон.

1420 Одамийким, ҳамдами ғайр бўлди ул,  
Бесабрлик бирла беҳайр бўлди ул.

Суҳбатнинг зар эрса, нечун сўйладинг,  
Зарни хоинга омонат айладинг?

Ҳаққа юзлан, ул омонатларки жам,  
Ҳеч йўқолмасдир, камаймас зарра ҳам.

Ҳаққа юзланким, сени бор айламиш,  
Анбиёга этди бундоқ парвариш.

Қўзи берсанг, ул сенга бергай сурув,  
Ҳар сифатни яшнатувчи Тангри, Хув.

---

<sup>146</sup> Мен ботган нурларни севмайман.

1425 Қўзини бўрига ташлаб кетмагил,  
Бўрини Юсуфга ҳамроҳ этмагил.

Бўри этса тулкилик, бойланма сен,  
Келмас андин яхшилик, алданма сен.

Сенга ҳамдам бўлса жоҳил, найлагай,  
Оқибат бир кун жаҳолат айлагай.

Икки олат андадир, хунсо эрур,<sup>147</sup>  
Икки жинснинг шеваси пайдо эрур.

Эрлигин тутгай хотинлардин ниҳон,  
То дегайлар: бул хотиндир бегумон.

1430 Шалласин кафти билан пинҳон этар,<sup>148</sup>  
Ўзни эркакларга эркакдек тутар.

Деди Яздон: айбин очгаймиз анинг,  
Шалласин бурнига осгаймиз анинг.

Токи мардум айтганига учмагай,  
Ҳар сафар макру фанига учмагай.

Одамий олат била эркак эмас,  
Олим орсанг, этма жоҳил бирла баҳс.

Жоҳили ширинсуханга берма жон,  
Сўзини ширин заҳар деб эт гумон.

1435 Ул кўзимнинг нури, дер, жоним болам,  
Бошингга солгай вале дарду алам.

Шул ано отангга, гапнинг омади,  
Дер: болам мактаб боришдин чарчади.

---

<sup>147</sup> Хунсо - хунаса.

<sup>148</sup> Шалла - хотинлик олати



Бошқа хотиндин эса, тутмас эдинг,  
Бунчалар жабру жафо этмас эдинг.

Сендин эрмас, бошқадин бўлганда ҳам,  
Унга чун жабру жафо бўлмасди кам.

Қоч йироқ бундақ ано даъвосидин,  
Ота мушти хуш унинг ҳалвосидин.

1440 Она-нафс эрмишки, ота-ақли род,<sup>149</sup>  
Бошда мушкул, охири бергай нажод.

Эй ақиллар бергувчи, фарёдрас,<sup>150</sup>  
Истамас эрсанг, қулинг ҳам истамас.

Ҳар талабни шайлаган маҳрам ўзинг,  
Аввалам сенсан, чу охир ҳам ўзинг.

Сен гапиргил, сен эшит, сен бўл мудом.  
Биз эса борлиқда йўқликмиз тамом.

Саждалар этмоққа рағбат бер яна,  
Шавқимиз сўндирма, танбал айлама.

1445 Жабр агар комилга қувват, парру бол,  
Лек ўшал коҳилга зиндону малол.

Сен жабрни наҳри Нил деб эт гумон,  
Сув эрур мўмингаву кофирга қон.

Гар қанот лочинни шоҳга бошлагай,  
Зорни ул бузғун мзорга ташлагай.

Энди қўйгил, бас, етар шарҳи адам,  
Гарчи тарёқдир ва лекин оғу ҳам.

---

<sup>149</sup> Ақли род - юсак ақл.

<sup>150</sup> Фарёдрас - фарёдга етгувчи, Худо.

Ҳудди ҳиндубаччадек, эй хўжа тош,  
Бор адам Маҳмудига сен, бурма бош.

1450 Қўрқ вале хокий вужуддин ҳар маҳал,  
Ки хаёлинг лош эрур, сен ҳам ўшал.

Лоший ул лошийга ошиқ бўлди чун.  
Ҳеч келиб, ҳечнинг йўлин тўсди бугун.

Бу хаёллар ўртадан кечган замон,  
Неча жумбоқлар сенга бўлгай аён.

«ЛАЙСА ЛИЛМОЗИНА ҲАММУЛМАВТИ ИННАМО  
ЛАҲУМ ҲАСРАТУЛ ФАВТИ»<sup>151</sup>

Рост демишдир ул сипоҳдори башар:  
Бандаси дунёдин этганда гузар,

Қайгу чекмас, не учун ўлдим, демас.  
Фурсатимни зое қилдим, дейди бас.

1455 Дер: ўлимни нега қибла этмадим?  
Давлатим қадрини авло тутмадим?

Мен хаёлни қибла қилдим бир умр,  
Ки ажал етганда учди-кетди ул.

Нега ўлдим, деб у ҳасрат чекмагай,  
Нега сувратларга мен учдим, дегай.

Суврат эрмишлар бари, кўпик улар,  
Судралиб, ҳар лаҳза денгиздин келар.

Ҳар нафас соҳилга тўлқин итқитур,  
Бор-да қабристонга, кўпикларни кўр.

---

<sup>151</sup> Марҳумларда ўлим қайгуси бўлмас, балки фурсатни қўлдан бой бердим, деган ҳасрат, надомат бўлур..

1460 Сўр улардин: қайда ул жавлонингиз?  
Итқитиб, денгиз тиллар бухронингиз.

Ҳол тили бирлан дегайлар: эй камол,  
Бизгамас, денгизга бергил бу савол.

Урмаса тўлқин, кўпиклар кўчмагай,  
Эсмаса ел, чангу тўзон учмагай.

Чангни кўрдинг, елни ҳам кўр, муҳтарам,  
Кўрдинг ул кўпикни, кўр денгизни ҳам.

Сен назар сол, чун кўришдир эътибор,  
Қолгани ул гўшту ёрдир, пуду тор.<sup>152</sup>

1465 Ёғинг ул шамларга бермас нуру тоб,  
Гўштинг ул махмурга ҳам бўлмас каоб.

Танни сарф этгил кўришга бебадал,  
Сен назар бўл, сен назар бўл, сен назар.

Бир назар бордирки, кўргай уч қадам,  
Бир назар-ул икки дунё, шоҳни ҳам.

Ўртада бордир тафовут бешумор,  
Сурма сур, валлоҳу аъламбис-сурор.<sup>153</sup>

Йўқлик ул денгиз эмишдир, англадинг,  
Суз шу денгизда мудом, жаҳд айлагил.

1470 Чунки дунё денгизи йўқлик эрур,  
Баски бўм-бўш, бенишону холи ул.

Жумла устозлар этиб иш ихтиёр,  
Йўқлик истарлар нуқул, йўқлик шиор.

---

<sup>152</sup> Пуду тор - ўриш ва арқоқ.

<sup>153</sup> Сирли нарсаларни Оллоҳ яхшироқ билур.

Ложарам устодлар устоди самад,  
Коргаҳи-йўқлик ва йўқликдир фақат.

Бўйлаким йўқлик эурса қайдадир,  
Ҳақ иши, ишхонаси ул жойдадир.

Мартаба эрмиш баланд йўқлик магар,  
Аҳли дарвеш андин олгайлар самар.

1475 Бунда дарвеш тансизу молсиз қолур,  
Фақри тандир бу, гадолик эрмас ул.

Ул гаодирким, сўрайдир нонини,  
Қонеъ улдирким, тўкар ўз қонини.<sup>154</sup>

Дарду ранжингдин шикоят этма, ҳов,  
Ул сени йўқликка элтгувчи бедов.

Бул қадар айтдик, ўзинг фикр айлагил,  
Музласа фикринг, уни зикр айлагил.

Қўзгатур зикринг фикрни, алхусус,  
Зикринг офтоб эрса, фикринг-парча муз.

1480 Жазб эрур аслу тамал, эй хўжа тош,  
Кутма жазбинг, ишга туш, этгил талош.

Ишни тарк этмоқлигинг бул ноз эрур,  
Ноз этарму кимсаким жонбоз эрур.

На қабул, на радни ўйла, эй ғулом,  
Сен ўшал амру наҳийни бил мудом.

Жазб қуши ногоҳ учиб, ёзгай қанот,  
Тонг отаркан, шамни сўндир шул заҳот.

---

<sup>154</sup> Қонеъ - қанот қилувчи.

Ҳақ нуридир пардалардин ўтса ул,  
Терига боққанда ични ул кўрур.

- 1485 Заррада кўргай у хуршиди бақо,  
Қатрада денгизни кўргай мутлақо.

ЯНА БИР ҚАРРА СЎФИЙ ВА ҚОЗИ  
ҲИКОЯСИГА ҚАЙТИШ

Деди сўфий: битта зарби мушт учун,  
Елга мен бошимни бергаймен нечун?

Баски шу эгнимда таслим ҳирқаси,  
Не эмиш бир-икки муштнинг зарбаси?

Кўрди сўфий ёв заифдир, нотавон,  
Дедиким, бир мушт туширсам ногаҳон,

Ул йиқилгай, балки ўлмоғи тайин,  
Шоҳ мени жаллодга топширгай кейин.

- 1490 Уй қулаб тушмоққа ҳозир ҳар нафас,  
Битта туртки, бир баҳона бўлса, бас.

Шу ўлик одамга истаб мен завол,  
Кундага бошимни қўймоғим увол.

Мушт туширмоқ баски имконсиз эди,  
Судради, қозига элтмоқ истади.

Қозиким, Тангри тарозуси эрур,  
Деву шайтон макридин холис эрур.

Баҳсу жанжалларга миқроздир магар,  
Икки душман баҳсини кесгай ўшал.

- 1495 Девни жойлар шишага афсун ила,  
Фитналарни тинчитур қонун ила.

Ул рақибким чун тарозу кўргуси,  
Таъма этмай, бошини индургуси.

Гар тарозу йўқса, кўнгил тўлмагай,  
Қанчалар кўп берма, рози бўлмагай.

Қози - раҳматдир, адолатдир неча,  
Ул - қиёмат адлидин бир қатрача.

Қатра гар мўъжаз, илинмас кўзга ул,  
Унда денгиз баҳраси пайдо эрур.

1500 Гар ғубордин холи этсанг каллани,  
Қатрада кўргунг Фироту Дажлани.

Парчалар эрмиш бутуннинг тилчиси,  
Ол шафақлармиш қуёшнинг элчиси.

Жисми Аҳмадга қасамёд этди Ҳақ  
Амр этар чогида калла ваш-шафақ.<sup>155</sup>

Донада хирмонни кўрсайди магар,  
Титрамас эрди чумоли бунчалар...

Ортга қайт, сўфий басе бедил эрур,  
Нобакорнинг таъзирин бермоқчи ул.

1505 Эйки зулм айлаб, фараҳдилсен ўзинг,  
Қайтадур бошингга, ғофилсен ўзинг.

Ё унутдингму, фаромушму улар?  
Чунки ғафлатдин кўзингда пардалар.

Душманинг йўқ эрса, найларди ҳасад,  
Жумла олам сенга айларди ҳасад..

---

<sup>155</sup> Қуёш ботгандан сўнг пайдо бўладиган шафаққа қасам... Қуръони карим, Иншиқоқ сураси, 16-25-оятларга ишорат.

Маҳбус ўлдинг бўйлаким ҳақларни еб,  
Андак-андак тавбани кўр ўзга эп.

Муҳтасиб тутгай сени, ақлингни йиг,  
Дўст ила этгил сувингни тип-тиниқ.

1510 Сўфи муштумзўрга етди жаҳд этиб,  
Судради сўнгра яқосидин тутиб.

Қозига элтди, деди: эй ҳукми чин,  
Эслатиб қўйгил бунинг эшшаклигин.

Ёки ургил дарра бирлан, бер жазо,  
Айлагил ҳар неки лойиқдир, сазо.

Сен жазо берсанг, шикоят ўтмагай,  
Ўлса ҳам, бир кимса даъво этмагай.

Ўлса ҳам, бир кимсанинг бўлмас иши,  
Хун баҳосин қозидин сўрмас киши.

1515 Қозидир ул адли Ҳақнинг сояси,  
Мустаҳиқу мустаҳақ ойинаси.<sup>156</sup>

Улки мазлумни суяб, бергай адаб,  
Беҳуда этмас магар қаҳру ғазаб.

Ҳар не этса, Ҳақни деб айлар атай,  
Гар адашса, хун баҳосин бермагай.

Ўзни деб урса агар, зомин ўшал,  
Ҳақни деб урса магар, омин ўшал.

Ота урса ўғлини, ўлса ўғил,  
Хун баҳосини тўлашга мажбур ул.

---

<sup>156</sup> Мустаҳиқу мустҳақ - Ҳақ эгаси.

1520 Ўзни деб эрди бу янглиғ урмаги,  
Вожиб эрди ўглининг бўйсунмаги.

Гар муаллим урса, ўлса ул жужуқ,  
Қўрқма, устознинг гуноҳу айби йўқ.

Чунки устоз - ноибни Ҳақдир ўғил,  
Ноибни Ҳақ ҳукми бизда бўйладир.

Чун итоатни у кўрмас ўзга эп,  
Урса гар устози, урмас ўзни деб.

Ўзни деб урғай атоси ўғлини,  
Соқит эрмас бўйнидин фарзанд хуни.

1525 Ўз бошингни кес бу дам, эй зулфиқор,  
Кеч ўзингдин, фоний ул, дарвешвор.

Беҳуд ўлсанг, баски билгайсен ани,  
Морамият аз рамият сиррини.<sup>157</sup>

Ҳақ жавоб бергай анга, бермас амин,  
Илми фиқҳ дарсин ўқиб, фикр айлагин.

Ҳар дўконда ўзга савдо ҳар маҳал,  
Маснавий - йўқлик дўконидир азал.

Кафшгар дўкони ичра чарм кўп,  
Қолиби кафшдир кўринса унда чўп.

1530 Шоҳидир базоз дўконда қатма - қат,  
Гар темир учрар, у газчўпдир фақат.

Маснавий ичра фақат ваҳдат эрур,  
Ҳақдин ўзга ҳар не эрса, бут эрур.

---

<sup>157</sup> Байтининг мазмуни: ўзингдан кечиб, фоний бўлсанг, «Отдинг, аммо сен отмадинг» сиррига етажаксен.



Бут йўнарлар халқни овлаш - чун, аё,  
Ҳам дегайлар: каргарониқул - ало.<sup>158</sup>

Сурайи «Ван - нажм» ўқирди неча қул,  
Сура эрмас, бир синоат эрди ул.

Неча куффор сажда айлаб турдилар,  
Йўқ ажабким, Унга бош индирдилар.<sup>159</sup>

1535 Сўнгра бир мушкул калом келгай, бироқ,  
Сен Сулаймон бирла бўл, девдин йироқ.

Сен ўшал зору заиф қошига қайт,  
Сўфию қози иши не бўлди, айт.

Деди қози: сиббатил - арш, эй жигар,<sup>160</sup>  
Нақш чекармен шифтга, нақшу хайру шарр.

Ким сени урди? Нахотки урди шул?  
Хасталик бирлан хаёлга толмиш ул.

Шаръ тирик бирлан ғанийга етгуси,<sup>161</sup>  
Шаръ гўристон аҳлига не этгуси?

1540 Ул гуруҳким фақр аро бебош юрур,  
Ул ўликлардан - да фонийроқ эрур.

Бир жиҳат бирлан ўлар олам эли,  
Юз жиҳат бирлан ўлур сўфий вале.

Ул ўлим бир эрса, бул уч юз ҳазор,  
Ҳар бирининг ҳун баҳоси бешумор.

Ҳақ бу қавми гарчи ўлдиргай неча,  
Сандигин гавҳарга тўлдиргай неча.

<sup>158</sup> Улар учқур оқ қушларга ўхшайдилар.

<sup>159</sup> Қуръони карим «Ва-н-нажм» сураси, 62-оятга ишорат.

<sup>160</sup> Сиббатул - арш - юксак шифт.

<sup>161</sup> Шаръ - бу ерда шариат, шариат ҳукми маъносида.

Кам эмас, Жиржисча билгил ҳар бирин,  
Ўлса етмиш бор, тирилгайдир тагин.

1545 Ўлса ҳам, ўлдир, дегай, ўлдир яна,  
Ёлвориб дерким, қилични ур яна.

Жон ато этган вужудни деб магар,  
Қайтадин ўлмоққа ҳозир ҳар маҳал.

Қози дедиким, тирик бирлан ишим,  
Мурдалар бирлан менинг не ташвишим?

Гарчи эрмас шул замон гўр ичра ул,  
Олди-ортида қабр пайдо эрур.

Неча бор кўрдинг қабрда мурдани,  
Мурдада бўлгай қабр ҳам, кўр ани.

1550 Бошига гишт тушса қабристонда, ҳай,  
Ким ўшал мақбарга даъво айлагай?

Мурдага қаҳр этма, қилма дилни ғаш,  
Этма ҳаммом суврати бирлан саваш.

Не кечар ҳолинг, тирик урсайди гар,  
Ки тирик урганни Ҳақ ҳам рад этар.

Қаҳри аҳё-қаҳри Ҳақдир, эй ғулом,  
Чунки Ҳақ бирлан тирикдир ул мудом.

Бош кесиб, пуфлаб, оёқдин илди Ҳақ,  
Терисин қассобга ўхшаб шилди Ҳақ.

1555 Бул нафас қолгай унинг жисмида, бас,  
Айрудир қассоб нафасдин Ҳақ нафас.

Иккиси чун бир-биридин айрудир,  
Ул бири лутф, бул бириси айблидур.

Бул нафасдин гар ҳаёт эрмиш хира,  
Ҳақ нафас бирлан ҳаёт битмас сира.

Келмагай шарҳу баёнлар қошига,  
Сен қудуқдин чиқ баланд том бошига.

Демаким, сургум эшакка миңдириб,  
Ким сураб бир бог ўтини қўндириб?

1560 Не эмиш, айтгил, ўликка бўл жазо?  
Қўй эшакни, минса тобутга, сазо.

Не эмиш зулм? Вақтни зое этмагил,  
Ул эрур ўз ўрнида, қўзгатмагил.

Деди сўфий: инчунин бошимга у  
Беғуноҳдин мушт туширса, майлиму?

Бул равому муштумин гар ўйнаса,  
Суфийларга бўйла бедод айласа?

Сўрди қози: не пулинг бор бешу кам?  
Деди сўфий: бор пулим олти дирам.

1565 Деди қози: уч дирамни сақлабон,  
Уч дирамни унга бергил, эй фалон.

Хаставу зору заифдир, қилтириқ,  
Уч дирамга олсин ул нону қаттиқ.

Боқди қози бошига бемори дун,  
Боши яхши эрди сўфий бошидин.

Муштумин тугди у, ўзни шайлади,  
Дедиким, зарбимни арзон айланди.

Келди сир айтмоққа қози қошига,  
Сал эгилди, мушт туширди бошига.

1570 Олти танга сизга бўлсин, деди боз,  
Мен бўлай бул баҳсу ғавгодин халос.

### ҚОЗИНИНГ ЖАҲЛИ ЧИҚҚАНИ, СУФИЙНИНГ УНГА АЧЧИҚ-АЧЧИҚ СЎЗЛАР АЙТГАНИ

Чун тутақди қози, сўфий деди: ҳай,  
Сен ҳукм этсанг, хатолик бўлмагай.

Ҳар неким эрмиш ўзингга нораво,  
Нораводир ўзгага кўрсанг раво.

Менга чоҳ қазсанг, магар кўрдир кўзинг,  
Оқибат ул чоҳга тушгайсен ўзинг.

«Ким қудуқ қазса» ҳадисин бил, жигар,  
Баски билдинг, амрига этгил амал.

1575 Битта ҳукминга жавоб айлаб қазо,  
Мушт туширди сенга, чун берди жазо.

Ўзга ҳукму ўзга аҳкоминга, вой,  
Неча бир муштлар егайсен ҳойнаҳой.

Бўйла бир золимга ким этгай карам?  
Ақча бергай унга еб-ичмоққа ҳам?

Кес унинг илкини, сен лутф айлабон,  
Илкига бердинг баса ҳукми инон.

Одам эрмас, эчкидир деб бил ани,  
Сут бериб, ким боқса бўрибаччани.

### ҚОЗИНИНГ СЎФИЙГА ЖАВОБ БЕРГАНИ

1580 Деди қози: баски вожибдир ризо,  
Ҳар неким эрса сенга ҳукми қазо.

Ҳукми Ҳақдин шоду ҳурсанд мен ўзим,  
Гарчи муштум зарбидин ёнди юзим.

Кўз-булут, қўнгил - чамандир, жилвагар,  
Гар булут кўзёши тўкса, боғ кулар.

Йил агар офатли келса, офтоб  
Ўт сочиб, боғларни қилгайдир хароб.

Йиғламоқлик амрини Ҳақ берди, лек,  
Тиржаярсен мунча куйган калладек.

1585 Шам каби кўзёши тўккил, йиғлагил,  
Шам каби ўйни мунаввар айлагил.

Ота-она койиса, истар самар,  
Етмасин дер сенга бир заҳму зарар.

Кулгулар завқини тотдинг бегумон,  
Энди йиғлаш завқини тот, эй фалон.

Гар жаҳаннам ёди йиғлатса сени,  
Жаннатул маъводин ортиқ бил ани.

Кулгулар изла чу кўз ёш ичраким,  
Ганж ётур вайроналарда, эй салим.

1590 Завқу шавқ ғамларда эрмишдир, аё,  
Оби ҳайвон бўлди зулмат ичра жо.

Йўлда терс изларни кўргил то работ,  
Оч кўзингни, айла ўзни эҳтиёт.

Оч кўзингни, айрича қил этибор,  
Ёр чашмин кўзларингга айла ёр.

Кенгашиб этгил ишингни ҳар дама,<sup>162</sup>  
Ёрга ҳамдам бўл ҳамиша, уф дема.

Ёр эрур йўлда таянч, пушту паноҳ,  
Ёр эмишдир сенга йўл ҳам голибо.

1595 Ёрга етгач, хомуш ўлтирмоқни бил,  
Сен узукка ўзни гавҳар этмагил.

Боқ ўшал жумъа намозга, дамни ют,  
Жумла жамдирлар ва этгайлар сукут.

Айла хомушликни ўзга чин макон,  
Ўзгаларга айлама ўзни нишон.

Деди пайгамбар, шараф бўлсин анга,  
Дўсту ёринг йўлчи юлдуздир сенга.

Кўзни юлдузларга тик, тарк айлама.  
Сўз назарга раҳна солгай, сўйлама.

1600 Икки - уч сўз тўғри сўйларсен, фалон,  
Эгри сўзлар сўнгра келгай ногаҳон.

Маълум этмасму магар ибрат сенга,  
Сўзни сўз очгай, деган ҳикмат сенга?

Тўғри сўзни айтмоқ истарсен ёниб,  
Эгри сўзга ёндашурсен тийганиб.

Тоза сўз айтмоққа очгайсен даҳон,  
Эргашиб, бир тийра сўз келгай ҳамон.

Кимгаким сўзни ваҳий этмиш Худо,  
Сўзи софдир, Унга сўз айтмоқ раво.

---

<sup>162</sup> Қурони карим, Шўро сураси, 38-оятга ишорат.

1605 Сўзласа гар, сўзи ҳикматдир, сабақ.  
Беҳуда сўзларму сенга хоси Ҳақ?

Ҳол тили бирлан сўзингни сўйлагил,  
Менга ўхшаб сўзга тутқун бўлмагил.

### СЎФИНИНГ ҚОЗИДАН САВОЛ СЎРАГАНИ

Сўрди сўфий: биттадир ул кони зар,  
Бул биридин наф, нечун андин зарар?

Битта қўлдандир ҳамма хосу авом,  
Ул нечун ҳушёру бул мастдир мудом?

Бул ариқлар битта дарёдин келур,  
Ул нечун ширину бул аччиқ эрур?

1610 Жумла нурлар шамси боқийдин, демиш,  
Субҳи содиқ, субҳи козиб не эмиш?

Битта сурма тортилу р кўзларга, ҳай,  
Ул нечун росмона кургай, бул ғилай?

Танга зарб этгай чу султони Худо,  
Ул нечун чин тангадир, бул нораво?

Бу - йўлим, деб Ҳақ буюрмишди магар,  
Ул нечук содиқ, бул ўғри, йўлтўсар?

Бас, турилгай бир қориндан нега ул  
Ҳам сўтак аҳмоғу, ҳам доно ўгил?

1615 Бўйла бир ваҳдатки, шакли юз ҳазор,  
Юз туман жунбушга солгай бир қарор.

### ҚОЗИНИНГ СЎФИЙГА ЖАВОБ БЕРГАНИ

Деди қози: сўфиё, кўп ковлама,  
Бир мисол айтармен, англарсен ҳама.

Аҳли ошиқни кўрарсен беқарор-  
Кўнгил олгондин эмишдир бул қарор.

Ул мисоли тоғ каби қўрғон эрур,  
Аҳли ишқ япроқ каби ларзон эрур.

Кулгуси оҳу фиғонлар боиси,  
Кўзда ёши хаста жонлар боиси.

1620 Бул ҳама борлиғу зорлиқлар талай,  
Баҳри йўқлик ичра сузгай, ўйнагай.

Зидди эшлармас унинг зотига хос,  
Барча борлиқларга кийдиргай либос.

Зид берарму зиддига борлиқни ҳеч,  
Зид деган зиддан йироқдир эрта-кеч.

Зид надир, яхши, ёмонким, ўхшаюр,  
Ўзига ўхшашни бор этгайму ул?

Икки ўхшаш борлиқ эрса, не сири,  
Устун ўлгайму биридин ул бири?

1625 Боғда япроқларки бордир зидди эш,  
Ўйлаким, баҳр ичра кўпиклар эмиш.

Чун-нечунсиз боқ у сувлар остига,  
Ул нечук сигмиш шу денгиз зотига?

Бир ўйинчоғи сенинг жонинг эрур,  
Ул нечун, деб сўрмагинг жоизмидур?

Бўйла денгиз, бўйла қатра, донаси,  
Ақлу жон эрмиш бадан бегонаси.



Қамрагай денгизни қандоқ чанду чун,  
Ақли Куллнинг маскани-лояъламун.<sup>163</sup>

1630 Ақл сургайдир жасаддин, эйки сен,  
Қайга боргайсен дўниб, билгаймусен?

Тан дегай: соянг эрурмен эрта кеч,  
Соядин имдод кутарму кимса ҳеч?

Ақл дер: ҳайрат саройдир бул туроб,  
Англаганлар англамаслардин хароб.

Ул қуёшким, ҳуршиди анвар эрур,  
Заррага хизмат қилиб, чокар эрур.

Шер эгар бошини оҳу олдида,  
Сор эгилгай қумри, ҳу-ҳу олдида.

1635 Бовар этгайсанму, ҳазрат Мустафо,  
Излар эрди аҳли мискиндин дуо.

Сен дегайсен: балки бу таълим учун,  
Англамаслик таълим ўлгай ким учун?

Ул билар эрдик, ганжи шаҳвор  
Ул хароботларга кўммиш шаҳриёр.

Ҳар синиқ тош бергуси ганждин хабар,  
Бадгумонлик этма, йўлдан чалгитар.

Чун ҳақиқатга ҳақиқат фарқадир,  
Ул сабаб эл етмишу юз фирқадир.<sup>164</sup>

1640 Энди боқий сўзни этгумдир баён,  
Жон қулогинг, сўфиё, тутгил ҳамон.

<sup>163</sup> Чанду чун - саноқ, ҳисоб-китоб. Лояъламун - билмаслик, беҳа-борлик.

<sup>164</sup> Ҳақиқат ҳақиқатга фарқ бўлди, шу сабабли уммат етмиш, балки юз гуруҳга бўлинди.

Осмон гар бўйла қайгу бергуси,  
Мунтазир бўл, сенга тўн кийдиргуси.

Ортидан келгай қазонинг ҳиммати,  
Яхши гўштга қўшилур гардан эти.

Бўйла шоҳ эрмаски, бедод айласа,  
Ортидан сўнг тожу тахтинг бермаса.

Олам ул пашша қанотидир анга,  
Йиглатиб, этгай саховатлар сенга.

1645 Уз бўйиндин, от шу дунё тавқини,  
Ҳам қабул эт жон билан Ҳақ зарбини.

Анбиёким, не балолар кўрдилар,  
Не балоларни кўриб, юксалдилар.

Қисматинг лутфига шай тур, эй йигит,  
Тўн олиб келгай қазойинг, уйда кут.

Уйда излаб, топмаса, кутмас, инон,  
Ортга қайтгай тўнни қўлтиқлаб ҳамон.

### СЎФИЙ ЯНА ҚОЗИДАН САВОЛ СЎРАГАНИ

Сўрди сўфий: не бўлурди шу жаҳон,  
Раҳматин этсайди элга жовидон?

1650 Дилни гамга бурмасайди ҳар нафас,  
Дилга наштар урмасайди ҳар нафас.

Олмасайди кеча кундуздин чароғ,  
Сўлмасайди қаҳратонда боғу роғ.

Отмасайди хасталик соғликка тош,  
Хавф-хатарлар сулҳу оромни одош.

Камчиликсиз бўлса эрди неъмат,  
Кам бўлурми эрди Ҳақнинг давлати?

СУҒФИЙНИНГ САВОЛИГА ҚОЗИ ЖАВОБ БЕРИБ,  
ТУРК ИЛА ТИКУВЧИ ҲИКОЯСИНИ МИСОЛ  
КЕЛТИРГАНИ

Деди қози: бўйла сўфийсен, жигар,  
Кофи куфийдек ичинг бўм-бўм магар.<sup>165</sup>

1655 Тингладингму сен тикувчи қиссасин,  
Ҳар бичиб, тикканда анво ҳиссасин.

Алдамиш элни нечук ул тоифа,  
Айламишлар неча жонларни хафа.

Ҳар кесиб, бичганда нетмишлар улар,  
Бирма - бир афсоналарда сўйланар.

Қиссахон айтарди дарзийномани,<sup>166</sup>  
Тўпланиб, тингларди эл ҳангомани.

Тинглагувчи тинглар эрди ҳар нафас,  
Жисму жони ул ҳикоят эрди, бас.

ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМ ДЕМИШКИМ,  
ЧИНДАН ҲАМ ОЛЛОҲ ВАЪЗ АЙТГУВЧИНИНГ  
КЎНГЛИГА ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ ҲИММАТИ  
ҚАДАР ҲИКМАТ АТО ҚИЛУР

1660 Тинглагувчи жазбидандир ҳуш калом,  
Гуркирар устоз чу шогирд бўлса ром.

Янграгиб оҳангни созчи чалгуси,  
Тинглагувчи йўқса, хомуш қолгуси..

---

<sup>165</sup> Кофи куфий - куфий ёзувидаги «Коф» ҳарфининг ёзилишига ишорат.

<sup>166</sup> Дарзийнома - тикувчи қиссаси.

Билмагай ул не газал айтмоғини,  
Ўйнамас торларда ўн бармоғини.

Гар қулоқлар бўлмасайди ғайбгир,<sup>167</sup>  
Не ваҳий илғарди кўклардин башир?

Гар назарлар бўлмасайди сунъбин,<sup>168</sup>  
Кўк яралмас эрди, кулмасди замин.

1665 Ҳақ ўзи «лавлок» демишдир, не эмиш,<sup>169</sup>  
Кўргувчи кўзларни кўзлаб кўрди иш.

Халққа хотун бўлса, бас, ошу табаҳ,  
Унда йўқ парвойи ишқи суннъи Ҳақ.

Эгмаса олдинда итлар гар бўйин,  
Тўкмагайсен олдиға тутмоч сўйин.

Бор, Худо горига ит бўл, соқчи бўл,  
Бир йўла иркит тағордин ҳам қутил.<sup>170</sup>

Қиссахон сўйларди дарзий корини,  
Ул қавмнинг ўғрилиқ асрорини.

1670 Бор эди халқ ичра бир турки хито,  
Тинглабон, минди жаҳлга ул расо.

Кеча-маҳшар мавсуми эрмиш магар,  
Неча бир сирларни ул ошкор этар.

Қайта борсанг, ошкор айлаб сирин,  
Икки душман фош қилурлар бир-бирин.

Ул замонни маҳшари мазкур бил,  
Ул оғизларни оғизмас, сур бил.

<sup>167</sup> Ғайбгир-ғайбни эшитувчи.

<sup>168</sup> Сунъбин - санатни, ғўзалликни кўрувчи.

<sup>169</sup> Лавлок - сен бўлмасайдинг...

<sup>170</sup> Тағор - тоғора, итялоқ маъносида.

Ул газаблар боисин шайлаб Худо,  
Эймиш ул шармандаликни эл аро.

1675 Қиссачи сўйларди бийрон, бегалат,  
Туркда уйғонди газаб, қўзғолди дард.

Сўрдиким, шаҳрингда андоқ ҳийлагар,  
Устамон, айёр тикувчи ким ўшал?

ТУРКНИНГ «ТИКУВЧИ МЕНДАН ҲЕЧ НАРСА  
ЎҒИРЛАЙ ОЛМАЙДИ» ДЕЯ БАҲСГА КИРИШИБ,  
ОТИНИ ГАРОВГА ҚЎЙГАНИ

Дедилар: дарзийнинг исми Пури шуш,<sup>171</sup>  
Ўғриликда тенги йўқ, мардумкуш.

Турк дедиким, баҳс этармен, мол тугул,  
Бир қатим ип ҳам ололмас мендин ул.

Дедиларким, қўй, бу даъво не эмиш?  
Неча ҳушёрларни ҳайрон айламиш.

1680 Кўп чиранма мунча ақлим бор, дебон,  
Макр этар бўлса, битар ақлинг ҳамон.

Турк қизишди, деди: билмассиз мени,  
Янгини қўйгил, ололмас эскини.

Таъмагирлар бирла чун баҳс айлади,  
Баҳс этиб, ҳатто гаров ҳам бойлади.

Дедиким, гар баҳсда ютқизсам гаров,  
Сизники бўлсин шу отим, шу улов.

Баҳсда ютсам, менга от бергувчисиз,  
Чап беролмай, ваъдада тургувчисиз.

---

<sup>171</sup> Тағор-тоғора, итялоқ маъносида.

1685 Ҳийлагар ул ўғрини ўйлаб неча,  
Ухламай, турк гусса чекди шул кеча.

Эрталаб қўлтиққа атлас урди ул,  
Излабон дарзий дўконин, юрди ул.

Кирди сўнг дўконгаву берди салом,  
Ҳийлагар кўрсатди айру эҳтиром.

Марҳабо, деб ҳуш такаллуф айлади,  
Меҳрини туркнинг дилига жойлади.

Сайради булбул бўлиб, ёйди сасин,  
Олдига турк қўйди анво атласин.

1690 Дедиким, тўн бич шу атласдин, қайиш,  
Кўкраги тор бўлсину пасти кенгиш.

Торлиги гар хушбичимлик эрса, ҳай,  
Кенглиги келсин оёқларга қулай.

Дедиким, хўп, буйруғинг бош устига,  
Қўлини қўйди кўзу қош устига.

Сўнг очиб атласни ул, кўз ташлади,  
Ўлчади ва сайрамоққа бошлади.

Сўйлади беклар, амирлар қиссасин,  
Ҳар бирининг лутфу эҳсон ҳиссасини.

1695 Сўйлади мумсик, бахиллар ҳолини,  
Баъзиларнинг кулгили аҳволини.

Қайчи олди қўлга, ўтқирди баса,  
Ул кесарди, оғзида афсонаси.

ТИКУВЧИ КУЛГУЛИ СЎЗЛАР АЙТГАНИ, ТУРК  
КЎЗЛАРИНИ ЮМИБ, ҚОТИБ-ҚОТИБ КУЛГАНИ,  
ТИКУВЧИ ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ ҚОЛГАНИ

Тинглабон ул дарзининг кулгу сўзин,  
Турк кулар эрди юмиб қийғоч кўзин.

Шарт кесиб, бир парчани беркитди шум,  
Ҳақдин ўзга кўрмади бир кимсаким.

Ҳақ сенинг айбингни ҳар дам беркитар,  
Ҳаддидин ошсанг вале, расво этар.

1700 Турк ажиб афсоналарга бўлди ром,  
Чун гаровни ҳам унутди ул тамом.

Ёдида на баҳсу на атлас эди.  
Кулгу бирлан сарҳуш эрди, маст эди.

Дер эдиким, сўйла боз баҳри Ҳудо,  
Сўзларинг ул бўлди дардимга даво.

Янги чўпчик айтди дарзий, кулдириб,  
Ўзни ерга отди турк, қаҳ-қаҳ уриб.

Кулги бирлан агнатиб ерга ани,  
Қўйнига урди яна бир парчани.

1705 Боз, учинчи карра ул турки хито,  
Сўрдиким, сўйла яна, баҳри Худо.

Унга дарзий боз латифа сўйлади,  
Туркни кулгу бирлу таслим айлади.

Кулгудин сармаст бўлиб турк бир даҳа,  
Юмди кўзни, урди қувноқ қаҳқаҳа.

Бас, учинчи карра дарзий чалпиди,  
Кулгу бирлан унга майдон кенг эди.

Сўйла, деб тўртинчи бор ҳам илтижо,  
Айлади ул кимсадин турки хито.

1710 Раҳми келди дарзининг, сийлаб ани,  
Бошқа галга қўйди макру ҳийлани.

Деди: сўзга мафтун этдим ул қадар,  
Ҳоли не кечди шу тобда, беҳабар.

Ўпди лекин, айланиб, ўгрилди турк,  
Дарзидин янги латифа сўрди турк.

Эй ўзи афсона, эй маҳви вужуд,  
Тобакай афсона истарсен, ўгит?

Борму сендек кулгули афсона, гўр,  
Бор, бузуқ вайронада қабрингни кўр.

1715 Ай, сени тортмиш у гўри жаҳлу шак,  
Излаюрсен неча достони фалак?

Этди дунё ишваси бошингни банд,  
Сарфладинг ақлингни ҳам, жонингни ҳам.

Чархким, афсона сўйлаб, алдади,  
Неча юз мингларни расво айлади.

Қанчалар юз ёшли гўрларни тугал,  
Тўнларин йиртиб, ямоқлайдир ўшал.

Лофи гар боғларни обод айлагай ,  
Қиш келиб бир дамда барбод айлагай.

1720 Чол гўдаклар талпиниб ўтрусига,  
Маҳлиёдирлар мудом кулгусига.



ТИКУВЧИ, ҲОЙ, ТУРҚ, КЎП ҲАМ КУЛАВЕРМА,  
ЯНА БИР ЛАТИФА СЎЙЛАСАМ, ТЎНИНГ ТОРАЙ-  
ИБ ҚОЛАДИ, ДЕГАНИ

Деди дарзий: бўлди, кулма мунча, ҳой,  
Бир латифа сўйласам, ҳолингга вой.

Тикканим сўнгра сенга тор келгуси,  
Ким ўзига бўйла савдо қилгуси?

Кулмоғинг не, ишни билсайдинг ҳамон,  
Кулмас эрдинг, йиглар эрдинг бегумон.

УЛ ҲАҚДАКИМ, ЛАТИФА ИЗЛАГАН БЕКОРЧИ-  
ЛАР ЎШАЛ ТУРҚКА ЎХШАР, АЛДОҚЧИ, ҒАДДОР  
ДУНЁ-УСТАМОН ТИКУВЧИ, ШАҲВАТЛАР ВА  
ХОТИНЛАР-БУ ДУНЁ СЎЙЛАГАН КУЛГУЛИ АФ-  
СОНАЮ ЛАТИФАЛАРДИР, УМР ЭСА-ТАҚВО  
ТЎНИ, БАҚО ЛИБОСИ ТИКСИН УЧУН ТИКУВЧИ  
ОЛДИГА ТАШЛАНГАН АТЛАС ЭМИШ

Ул тикувчи, ўйла, эй кулгу талаб,  
Атласи умрингни кесгай қайчилаб.

1725 Юлдузим кулдирса, дерсан, бардавом,  
Қутли бўлсин кўлгуси, дерсан мудом.

Йўқ ҳушинг кўк узра тарбеотига,<sup>172</sup>  
Зарра сабринг йўқ унинг офтобига,

Ранжигайсен кўк аро хомуш эса,  
Қаҳру кинлар айласа, нохуш эса.

Ўйнамас дерсан нечун Зухройи завқ?  
Ул ўйинларга ишонма, бўлма ғарқ.

---

<sup>172</sup> Тарбеот - тарбелар. Тарбе - кўкда икки юлдузнинг наҳс ҳола-  
тига тушиб, қарама-қарши туриши.

Юлдузинг дерким, оширсам кулгуни,  
Алданурсен, баски алдармен сени.

- 1730 Учма юлдуз ишвасига, эй ҳақир,  
Ҳар не ишқинг бор эса, кўнглингга бер.

### МАСАЛ

Бир киши юрди дўконга талпиниб,  
Тўсдилар йўлни хотинлар тўпланиб.

Йўл босар эркан шитобон, келди дуч,  
Йўлда ой юзли санамлар эрди гуж.

Бир гўзалга юзланиб, сўрди ўшал:  
Мунчалар кўпсиз, аё гулчеҳралар?

Деди ул хотин: бу сўзни сўрмагил,  
Кўп эрурмиз ҳеч қачон, оз кўрмагил.

- 1735 Ер юзида оз эмасмиз чинданам,  
Қанча кўп эрсакда-да, лекин сизга кам.

Баччабозлик не ҳунук савдо эрур,  
Қилганам, қилдирганам расво эрур...

Гар фалак жабр этса, бағринг ёқмагил,  
Турланиб, тусланса, унга боқмагил.

Боқма ризқинг қийса, танг этса маош,  
Боқма ул ёғдирса гар бошингга бош.

Боқки, шунча зулму заҳматлар била,  
Унга эл жонларни тикмиш бир йўла.

- 1740 Келса кўкдин имтиҳон, раҳмат дегил,  
Марву Балх берса вале, заҳмат дегил.

Кирди Иброҳим оловга, ёнмади,  
Ёнди Иброҳим, оловга қонмади.<sup>173</sup>

Бул ёниб, ул ёнмас эрса, не ажаб,  
Бўйла суврат кўрсатур роҳи талаб.

### СЎФИНИНГ ЯНА САВОЛ СЎРАГАНИ

Деди сўфий: баски қодир Ҳувву Ҳай,  
Ҳар не мушкул эрса, осон айлагай.

Улки ул оташни гул этди, оғоч,  
Дардимизга чора этгайдир, илож.

1745 Улки амр этди, тикандин унди гул,  
Не ажаб, қишни баҳорга бурса ул.

Улки сарвни сарви озод айламиш,  
Гуссани шодликка бурса, не эмиш.

Улки, андин бўлди мавжуд ҳар адам,  
Борни боқий этса ул, бўлгайму кам?

Улки жон берди, тирилтди танни ул,  
Танни гар ўлдирмас эрса, не бўлур?

Банди жони не тиларса, ул жавод  
Не бўлур берса агар беижтиҳод?

1750 Не бўлур тутса заифларни амин,  
Макру фитна этмаса деви лаин?

### ҚОЗИНИНГ СЎФИГА ЖАВОБ БЕРГАНИ

Деди қози: бўлмасайди амри мур,<sup>174</sup>  
Бўлмаса яхши, ёмону тошу дур,

<sup>173</sup> Бу ерда Иброҳим Халилуллоҳ ва Иброҳим Адҳам кўзда тутил-моқда.

<sup>174</sup> Амри мур - ёқимсиз, нохуш буйруқ.

Бўлмасайди нафсу шайтону ҳаво,  
Бўлмасайди заҳму чолишу вақо.<sup>175</sup>

Чорлагайди қулларин ул бор-бор,  
Қайси бир ному лақаб-ла шаҳриёр?

Дермиди ул, эй сабиру эй ҳалим?  
Дермиди ул: эй шижоъу эй ҳақим:

1755 Қайда эрди собируну содиқин,  
Бўлмаса гар йўлтўсар деви лаин?

Рустаму Ҳамза зинокор бўлсалар.  
Илму ҳикмат ботил ўлгайди, зарар.

Илму ҳикмат бергуси йўлдин дарак,  
Ҳар тараф йўл бўлса, ҳикмат не керак?

Сен тахир сувли дўконни деб шу тоб,  
Айлагайсен икки оламни хароб.

Мен билурмен, пок эрурсен, кўнгли оқ,  
Бу саволинг ўзгаларга бир сабоқ.

1760 Сабр этурсен гар ситам этса замон,  
Ҳаммадин ҳам Ҳақни билмаслик ёмон.

Ул ўтар, бул ўтмагай, наззора қил,  
Кўнгли огоҳ кимсани давлатли бил.

**РАНЖУ МАШАҚҚАТЛАРГА САБРУ БАРДОШ  
ҚАЁҚДАЮ ЁР ФИРОҚИДА ЁНИБ, ЎРТАНИШ  
ҚАЁҚДА?**

Бир хотин эрига боқди, деди: ҳай,  
Юрганинг не, менга парво айламай?

---

<sup>175</sup> Чолиши вақо - ҳаракат, жангу жадал.

Тобакай безътиборик ичра сен?  
Тобакай юргум шу хорлик ичра мен?

Эр дедиким, менга уйқу, тин ҳаром,  
Ризқу рўз излаб, югургаймен мудом.

1765 Еб, кийинмогингку обу тобида,  
Не каминг бу икки вожиб бобида?

Кўйлаги енгини кўрсатди аёл,  
Бир дағал бўз эрди ул, афтодаҳол.

Кўп дағалдир, деди, тирнайди таним,  
Шунга лойиқму магар жисмим маним?

Эр дедиким, бир саволим бор сенга,  
Баски йўқсуллик эрур қисмат менга.

Бу дағал бўздир, кўзингга нописанд,  
Сен фикр этгил вале, андишаманд:

1770 Бу дағалму ё дағалроқму талоқ?  
Ул ёмонму ё ёмонроқму фироқ?

Эй баса ғамларга ботган, уйла бир,  
Даҳр аро ранжу бало ҳам бўйладур.

Кўп қийин тарки ҳаво ул, бегумон,  
Ҳақдин айрилмоқ вале андин ёмон.

Гар жиҳоду рўза мушкулдир, жигар,  
Ҳақдин айрилмоқ яна мушкул магар.

Заҳмату ранжинг сира қолгайму, қул,  
Эй қулим, деб сўрса гар ҳолингни ул?

1775 Гар эшитмассен, вале не монедир,  
Дил аро завқинг-унинг сўргонидир.

Не малиҳлар бор, табибдирларки, ҳай,  
Хаста диллар ҳолини сўрмоққа шай.

Ишлари йўқдир жаҳонда ном ила,  
Қўллагайлар чораву пайғом ила.

Ёки кўнгилдин кечиргайдир улар,  
Ёрига етмасму ошиқдин хабар?

Эйки изларсен жаҳонда қилу қол,  
Ишқбозлар достонин қўлга ол.

1780 Қайнадинг сув ичра, гўштдирсен ҳануз,  
Пишмагансен, туркжўшдирсен ҳануз.

Гарчи ҳақ лутфини курсатди сенга,  
Кўрмаганлардан-да осийсен анга.

Ҳаққа шогирд кимсалар устод эрур,  
Ортга тисландинг, ишинг бедод эрур.

Ота-онанг кўрмади бир ҳиммате,  
Олмадинг лайлу наҳордин ибрате.

## МАСАЛ

Сўрди ориф кекса бир попдин: гапир,  
Сенмусен ёки соқолинг кексадир?

1785 Мен улуғроқмен, деди поп, бегумон,  
Ундан олдин чунки кўрмишдим жаҳон.

Деди ориф: гар соқолинг бўлди оқ,  
Кечмадинг сени феълу хўйингдин бироқ.

Сен туғилгандинг тунов кун, ул кеча,  
Ортда қолдирди сени, ўзди неча.

Бошда не эрсанг, ҳамон ул рангдасен,  
Жилмадинг ҳеч, аввалин оҳангдасен.

Халтада турган тахир айрон ўзинг,  
Мойдин айру тушмайин, ҳайрон ўзинг.

1790 Гарчи тандир ичрадирсен бир умр,  
Ўт ёнар, нонмас, хамирдирсен, хамир.

Наъша чеккандек базе оташдасен,  
Лойга ботгансен, вале саргаштасен.

Тиҳ биёбонида чун қавми Мусо,  
Неча йил оворадирсен, эй гадо.

Кундузи юрганча юргайсен вале,  
Тунда илк манзилда тургайсен вале.

Йўлда юз йиллаб юришнинг машқи бор,  
Чунки кўнгилда бузоқнинг ишқи бор.

1795 Ул бузоқ ишқи сенга офтоб эмиш,  
Тиҳ чўли тегрангда чун гирдоб эмиш.

Ҳақ сенга меҳру мурувват кўргизиб,  
Айлади лутфу иноятлар насиб.

Говтабиатсен, бузоқ ишқи ила,  
Ул карамларни унутдинг бир йўла.

Лоақал сўр жузву жузвингдин нишон,  
Жузву жузвинг ичра бордир юз забон.

Сен у неъматларни эсла гоҳида,  
Ки ниҳон эрмиш замон авроқида.

1800 Кун ва тун излаб нуқул афсона сен,  
Жузву жузвинг дерки, ул афсона-сен.

Жузву жузвинг айлабон тарки адам,  
Неча бир кўрди севинчлар, неча гам.

Билки, лаззат бирла ўсгай жузву жузв,  
Балки ҳасрат бирла тўзгай жузву жузв.

Қолди жузв, кетди севинчлар ёди ул,  
Бешу еттидин магар беркинди ул.<sup>176</sup>

Худди ёздек, пахта берди, қўру қут,  
Пахтаси қолди, ўзи бўлди унут.

1805 Ёки муздек, қишда ҳосил бўлди муз,  
Ўтди қиш, муз қолди биз-ла юзма-юз.

Муз эрур қиш - қаҳратондин ёдгор,  
Не десанг ёз ёдгори, мева бор.

Бўйлаким ул жузву жузвинг, эй фати,  
Сўйлагай, не эрди Тангри неъмат.

Чун йигирма ўғли бордир онанинг,  
Ҳар бири хуш ҳолидин сўйлар анинг

Ҳомила бўлгай чу сарҳушлик била,  
Боғ баҳорсиз ҳеч кўрарму ҳомила?

1810 Бағрида гулгун гўдаклардир чунон,  
Бу-баҳор-ла ишқибозликдин нишон.

Ҳар дарахт Марямга ўхшаб кўрклидир,  
Не ажаб, подшоҳи гайбдин юклидир.

Сув ёпар оташни, ўзни очгуси,  
Қайнабон лекин, кўпиклар сочгуси.

---

<sup>176</sup> Бешу етти - беш туйғу, етти шакл



Гарчи ўт сув бағрида пинҳон эрур.  
Лек кўпиклардан ишоратлар қилур.

Бўйла маъно изла жузвинг ҳолидин,  
Юклидир ул ҳолу фол тимсолидин.

1815 Ҳол жамолига чу очмишлар даҳон,  
Лек жаҳондин кўзни юммишлар тамом.

Ул маволид чор унсурдин эмас,<sup>177</sup>  
Ул сабабдин ҳам кўринмас кўзга, бас.

Ул маволид чун тажаллийзодадир,  
Баски рангсизлик аро омодадир.

«Зода» деб айтдик, амалда «зод» эмас,  
Сўз эрур бу, айру бир иршод эмас.<sup>178</sup>

Бас, етар, жим бўл, гапирсин шоҳи «Кул»,  
Этма булбуллик, қошингда турса гул.

1820 Аслида гулдир гапирган, англа сен,  
Булбуло, ютгил дамингни, тингла сен.

Икки покиза санамдур сўзу ҳол,  
Иккиси сўйлар не эрмишдир висол.

Иккиси ҳусни латифи муртазо,  
Ҳам севишмоқ, ҳам қовушмоққа гувоҳ.

Бўйлаким муз ҳам фасона сўйлагай,  
Қаҳратон қишдин ҳикоят айлагай.

Сўйлагай недир аёзу замҳарир,  
Не совуқ елларга бўлмишдир асир.

---

<sup>177</sup> Маволид - турилганлар, болалар

<sup>178</sup> Байтнинг мазмуни: турилган, дедик, аслида турилмаган, бунда яхшироқ англатмоқ учун айтилган бир сўз, холос.

1825 Мевалар ҳам изғиринли кун аро,  
Сўйлагай афсонайи лутфи Худо.

Сўйлагай шамсинг табассум этганин,  
Шуълалар боғу чаманга етганин.

Ҳол кетди, қолди жузвинг ёдгор,  
Ё уни, ёҳуд буни сен эсга ол.

Босса қайғу, эгса гар бошингни ул,  
Сен жадал айлаб, у ғамлардин қутул.

Ғусса, дерсан, эйки бундоқ сўйлаган,  
Неъматини соҳибини инкор айлаган,

1830 Ҳар нафас гулгун баҳоринг бормидир?  
Гул танингдирму, вале омбормидир?

Эй танинг гул эрса, шул фикринг гулоб,  
Гулга мункирдир гулобинг ул шу тоб.

Жумла маймун ҳўйлидин келгай куфр,  
Лек набийҳўйларга сочилгай меҳр.

Ул-лажожини куфру қонуни кафий,  
Бул- сипосини шукру минҳожини Набий.<sup>179</sup>

Улки, маймунҳўйдини нелар этмади?  
Бул набийҳўйларга нелар етмади?

1835 Гар иморатларда итлар ўлтирур,  
Лек хароботларда эрмиш ганжини нур.

Туғмасайдини ой ул айёмини хусуф,  
Йўл адаштирамасдини шунча файласуф.

---

<sup>179</sup> Байтнинг мазмуни: у-кофирлик хусуматини, маймунлик низомидир, бу-шукроналар этиш, Пайғамбарнинг йўл-йўриғидир.

Оқил инсонлар бәсе кўрмиш буни,  
Аҳли нодоннинг осилди хартуми.

## МЕҲНАТ-МАШАҚҚАТСИЗ РИЗҚ СЎРАГАН КИМ- СА ҲИКОЯСИНИНГ ДАВОМИ

Улки бир бечораю муфлис эди,  
Йўқчилик кўйида кезди, ғам еди.

Нола қилди, айлади зикри дуо:  
Эл Худованди нигоҳбони риё,

1840 Бемашшаққат айладинг хокимни жам,  
Бемашшаққат қил менинг ризқимни ҳам.

Беш гуҳар бердинг менинг бошимга чун.  
Бешта туйғу ҳам танимда ёширин.

Мунча эҳсон айладинг, эй Зулжалол,  
Мен баён этмоққа васфинг гунгу лол.

Чун мени йўқдин яратган сен ўзинг,  
Комил эт ризқимни энди, бер тузинг.

Неча йилларким дуолар этди ул,  
Оқибат бир кун ниятга етди ул.

1845 Бўйлаким бир кимса, беранжу малол,  
Бер, демишди, эй Худо, ризқи ҳалол.

Бир ҳўкиздан бўлмиш эрди комрон,  
Аҳди Довуд эрди, одил бир замон.

Бул киши ҳам бўйла сўрди, йиғлади,  
Истагин Тангри ижобат айлади.

Бўйлаким йиғлаб, дамо-дам тўкди ёш,  
Гоҳи чўккандек эди кўксига тош.

Гоҳ умиди лов этиб ёнгай эди,  
Гоҳи ул ёнган чироқ сўнгай эди.

1850 Гоҳ умидсизлик аро қолганда боз,  
Кел, дебон етгай эди Ҳақдин овоз.

Ҳофиду рофеъ эрур Парвардигор,<sup>180</sup>  
Бўлмаса бу иккиси, битгайму кор?

Ерда пастлик, қўкда юксаклик аён,  
Не эди олам буларсиз, эй фалон?

Юксалиш, тубанлашув бор ерда, ҳой,  
Олти ой ёз эрса, қишдир олти ой.

Бул жиҳатни кўр яна умрингда чун,  
Умринг ўтгай, ярми кундуз, ярми тун.

1855 Бул жиҳатлар ичра ҳар дам борсен,  
Гоҳи соғ эрсанг, гаҳи беморсен.

Бўйладирким жума аҳволи жаҳон,  
Очлигу тўқлик, яраш, жангу қирон.

Иккилик эрмиш жаҳонга қўш қанот,  
Қалтираб жонлар бўлурлар эҳтиёт.

Бу жаҳон титрар мисоли елда барг,  
То қиёмат тинчимас ул, жонҳалак.

Буйладир якранг Исо хуми атай,  
Юз бўёқли хумни то синдирмагай.

1860 Бу жаҳон-туз кони эрмишдир, ўғил  
Ҳар неким тушгай, йўқотгай тусни ул.

---

<sup>180</sup> Ҳофид - пасайтирувчи. Рофеъ - юксалтирувчи, баланд кўта-  
рувчи... Тангри таоло тўқсон тўққиз отининг йигирма учинчи ва  
йигирма тўртинчиси.

Боқ қаро тупроққа, нелар шайлагай,  
Рангба-ранг мардумни якранг айлагай.

Бу - баданлар тузлиги эрмиш, хўжа,  
Маънилар туз кони бордир айрича.

Маънавийдир ул, маъоний қатма-қат,  
Янгиликдир ул азалдин то абад.

Бунда зиддир янгиликка эскилик,  
Унда зид йўқ, янгиликни тўсгулик.

1865 Порлади оламда нури Мустафо,  
Неча зулматларни этди ул зиё.

Шуъласин сочди жаҳонга алп улуғ,  
Бўлди якранг мушруку тарсову муғ.

Неча юз минг соя эрди аслида,  
Барчаси бир бўлди офтоб олдида.

На узун қолди ўшал, на қисқаси,  
Соялар бўлди қуёшнинг ўлжаси.

Баски якрангдир ҳама Маҳшар куни,  
Ҳар нечук яхши, ёмон кўргай уни.

1870 Маънилар сувратга киргайлар баса,  
Мосланиб, хислатга киргайлар баса.

Ошкор бўлгай ёзувлар, номалар,  
Аврасиз қолгай кийимлар, жомалар.<sup>181</sup>

Бул замонда сир-хўкиз эрмиш, ола,  
Сўз дуги юз рангли анво ип ила.

---

<sup>181</sup> Жома-тўн.

Бул замон юз рангли эрмиш, юз кўнгил,  
Олами якранг кўринсин қайдин ул?

Даври занжидирки, румийдир ниҳон,  
Тун ҳукмрондирки, офтоб нотавон.

1875 Бўрилар озоду Юсуф банди чоҳ,  
Даври қибтийдир, Фиръавн элда шоҳ.

Майли, истеҳзоли кулсин неча кун,  
Ит бўлиб, давронни сурсин неча кун.

Ҳолбуки ўрмонда шерлар мунтазир,  
Амрини Тангри таоло айтадир.<sup>182</sup>

Ёприлиб, бошлайди шерлар ҳамласин,  
Ҳақ берур ҳар кимсага ўз ҳиссасин.

Баҳру барни қоплагай инсон уни,  
Бор ҳўкизларни сўярлар ул куни.

1880 Жумла инсонларга ул байрам бўлур,  
Лек ҳўкизлар наслига мотам бўлур.

Унда бор сув қушлари сайр айлабон,  
Кемадек денгизда сузгайлар равон.

Кимки ўлгайдир, муқаррар ўлгуси,  
Кимки қолгайдир, муқаррар қолгуси.

Қарчиғайлар йўл олур султон сари,  
Қарға-зоғлар борки, қабристон сари.

Чунки шу дунёда гўнгу устухон,  
Қарға, қузгунга емишдир ҳар қачон.

---

<sup>182</sup> Қуръони карим, Ол-и Имрон сураси, 61-оятга ишорат.

1885 Қанди ҳикмат қайдаю зог қайдадир?  
Бижгиган қурт қайдаю боғ қайдадир?

Ғарга нафс бирлан савашмоқ не ҳавас,  
Мушкни эшшак ортига суртарму кас?

Қайда бўлғайким, хотинлар жанг қилур,  
Баски жанг эрмас, жиҳоди акбар ул?

Лек хотинлар ичра Рустам учрагай,  
Эл аро монанди Марям учрагай.

Баъзи эркакларда хотинлик ниҳон,  
Ишвагардирлар чу хотинларсимон.

1890 Қимки хотинликка чун омодадир,  
Эр эмас, урғочидир ул, модадир.

Ул куни адлу адолат тошдадир,  
Кафш оёқларда, кулоҳлар бошдадир.

Матлабига ул куни толиб етар,  
Манзилига ул куни гориб етар.<sup>183</sup>

Неча матлаб борки, толиб ҳамдами,  
Нур қуёш, сувлар булутнинг маҳрами,

Қаҳр уйи этмиш жаҳонни Кирдигор,  
Қаҳр кўргил, баски этдинг ихтиёр.

1895 Қаҳр кўр сочу суякларга қараб,  
Баҳру барга тушди чун тиғи ғазаб.

Жазб этиб қушнинг қанотин макри дом,  
Сўйлағайдир қаҳри Ҳақни бекалом.

---

<sup>183</sup> Гориб-ботувчи, масалан, ой, юлдуз.

Ўлса одам, бир уюм тупроқ қолур,  
Бир уюм тупроқда-да сўнгра соврилур.

Адли Ҳақдин тўлди жонлар наъшага,  
Филга фил эш бўлди, пашша пашшага.

Бўлдилар Аҳмадга ҳамдам чор ёр,  
Бу - Жаҳлга Утба бирлан Зулхумор.

1900 Жони Жаброилга каъба - Сидрадир,  
Нафси бузғунларга қибла-суфрадир.

Қиблайи ориф эрур нури висол,  
Файласуфлар қибласи эрмиш хаёл.

Қиблайи зоҳид эрур Яздони барр,  
Таъмагирлар қибласи ҳамёни зар.

Сабр эрур ҳикматпарастлар қибласи,  
Нақш эрур сувратпарастлар қибласи.

Қибладир ботиннишинга ул Қуёш,<sup>184</sup>  
Қибладир зоҳирпарастга-кўзу қош.

1905 Янгидир, эски, ҳисобга олмагил,  
Ёқмаса, боргил, ишингдин қолмагил.

Бизга заррин косада май, эй фати,  
Лекин ул итларга-тутмоч сарқити.

Феълу хўйига боқиб, этдик карам,  
Феълу хўйига муносиб ризқи ҳам.

Ул бирини ошиқи нон айладик,  
Бул бирини масти жонон айладик.

---

<sup>184</sup> Ботиннишин - ўзининг ички дунёсини кузатувчи.



Феълу хўйинг-ла кўнгил очгувчисен,  
Феълу хўйингдин нега қочгувчисен?

1910 Хотин эрсанг, сол, ярашгайдир рўмол,  
Рустам эрсанг, кел, қўлингга ханжар ол.

Бул сухан поёнсиз эрмиш, ул фақир,  
Бўлди йўқсиллик била зору ҳақир.

ГАНЖНОМА ҚИССАСИ, БИР ЙЎҚСИЛГА ГУМБАЗ  
ЁНИДА ТУРИБ, ЮЗИНГНИ ҚИБЛАГА ЎГИР, КА-  
МОНДАН ЎҚ УЗ, ЎҚ ТУШГАН ЖОЙДА ХАЗИНА  
БОР, ДЕЙИЛГАНИ

Бир кеча туш кўрди, ҳай, уйқуму ул?  
Сўфий уйғоқликда туш кўргувчидир.

Деди хотиф: эй кўзи ҳорғин, фалон,  
Бор-да, машқ қоғозларини тит ҳамон.

Қўшни дўконига боргил сен жадал,  
Унда қоғоз парчаларга сол назар.

1915 Ул қоғозлар ичра бордир хосу хос,  
Шакли ундоқ, ранги бундоқ бир қоғоз.

Ол уни, қўйнингга сол, ортингга қайт,  
Ўзни бир бурчакка тортгил, пойла пайт.

Сўнг ўқи хилватда, улфат айлама,  
Ўзгаларни ўнга ширкат айлама.

Гар сириг фoш бўлса, ғамгин бўлма, ҳай,  
Ганж сенигдир, ўзгага очилмагай.

Иш чўзилса, кирмаса илкинга у,  
Ноумид бўлма, ўқи: лотақнату...<sup>185</sup>

1920 Ҳушҳабарни сўйлаган хотиф эди,  
Илки бирлан ундади, боргил, деди.

Ул йигит ғамларни тарк этди ҳамон,  
Шодлигу завқига тор келди жаҳон.

Заҳраси билки ёрилгай эрди нақ,  
Бўлмасайди унга ҳифзу лутфи Ҳақ.

Олти юз қат парда ортидин бу дам,  
Ҳақ овозин тинглар эрди дамба-дам.

Шунчалар ўсди эшитмоқ туйғуси,  
Боши қўкка етди, битди қайғуси.

1925 Гоҳ эшитмоқ ҳисси бўлса устувор,  
Пардалардан ҳам ошиб ўтмоғи бор.

Пардалардин ҳам ўтолса, энди боқ,  
Олди-ортин ҳам кўролгайдир йироқ.

Олди ул қоғоз дўкони сори йўл,  
Бордию машқномаларга чўзди қўл.

Кўрдиким, мактуб ўшал ҳозир эди,  
Ҳотиф айтган белгилар зоҳир эди.

Олдию қўйнига солди хатни бот,  
Сўнгра усто бирла қилди хайрибод.

1930 Борди бир хилватга, хатга кўз солиб,  
Қолди бир зум волаю ҳайрон бўлиб.

---

<sup>185</sup> Лотақнату-умид узма... Қуърони карим, Зумар сураси, 53-оят-га ишорат

Машқ қоғозлар ичра қайдин деб, аё,  
Бўйла бир ганжнома, хатти бебаҳо?

Ўйлабон, тўхтамга келди сўнггида,  
Дедиким, ҳар иш Худонинг ҳукмида.

Тангри ҳукмида шу олам эрта-кеч  
Беҳуда ётгайму шундоқ нарса ҳеч?

Чўл аро гар бир уюм олтин эса,  
Ким ололгай Ҳақ ризоси бўлмаса?

1935 Минг ўқи, гар етмаса Ҳақдин карам,  
Хотирангда қолмагай бир нуқта ҳам.

Ҳаққа хизмат қил, китобсиз ҳам ажаб,  
Енгларингдин сочилур илму адаб.

Қўйнига қўл солди Мусо, топди нур,  
Кўкдаги ойдан-да порлоқ эрди ул.

Изламишдинг нурни осмондин магар,  
Эй Мусо, қўйнингда эрмишдир ўшал.

Бошинг узра неча осмон баҳсидир,  
Аслида ақли башарнинг аксидир.

1940 Ул ақл эрдик, бундоқ бесукун,  
Ҳақ яратмиш икки оламдин бурун.<sup>186</sup>

Бул сухан пайдову ҳам пинҳон эрур,  
Пашша эш бўлгаймидир анқога ул?

Эй ўғил, бас, сўзни бургил, ортга қайт,  
Қиссайи ганжу фақр не бўлди, айт.

---

<sup>186</sup> «Ҳаммадан аввал ақл яратилди» (Ҳадис).

ҚИССАНИНГ ОХИРИ, УЛ ФАҚИР ХАЗИНА  
КЎМИЛГАН ЖОЙНИ ИЗЛАГАНИ

Чун этилмиш эрди мактубда баён,  
Ки шаҳардин четдадир ганжи ниҳон.

Унда гумбаз бор, қабр устида у,  
Орти шаҳру олди даштга рўбарў.

1945 Сен ўгир орқангни унга, бурма юз,  
Қиблага юзлан, камондин ўқни уз.

Қайга ўқ етгай-да, тушгай, бил ҳамон,  
Қаз ўшал жойни баса жаҳд айлабон.

Бир камонни шайлади йўқсул шу тоб,  
Ўқни унга жойлади, отди шитоб.

Топди ўқни, теграсини чизди ул,  
Белкурак келтирди, ерни қазди ул.

Ўзи чарчаб гар, майишди белкурак,  
Йўқ эди ганжи ниҳонийдин дарак.

1950 Бўйлаким ўқ узди йўқсул ҳар куни,  
Бардавом ер қазди йўқсул ҳар куни.

Тер тўкиб ахтарди, аммо бесамар,  
Аҳли шаҳр ичра ёйилди бу хабар.

КЎМИЛГАН ХАЗИНА ХАБАРИ ПОДШОҲНИНГ  
ҚУЛОФИГА ЕТГАНИ

Бу хабарни аҳли аъён тиздилар,  
Сўнгра подшога уни етказдилар.

Этдилар чун шоҳи давронга баён,  
Ки ажаб ганжнома топмишдир фалон.

Келдилар йўқсулга, гапнинг омади,  
Бўлди таслим, ўзга чора қолмади.

1955 Бўйлаким савдо тушаркан бошига,  
Қўйди ул мактубни подшо қошига.

Деди: бу мактуб-ла ортди ташвишим,  
Ганж не эрмиш, ранжу заҳматдир ишим.

Кўрмадим бир зарра олтин ошкор,  
Гарчи чирмашдим илондек неча бор.

Кечди бир ой, мен ғарибу талхком,  
Фойдаси қурсин, зиёни ҳам ҳаром.

Балки, шоҳим, сенга омад кулгуси,  
Балки ул ганжи ниҳон очилгуси...

1960 Олти ой ўқ узди, ўқлар узди шоҳ,  
Олти ой чоҳ қазди, чоҳлар қазди шоҳ.

Ҳар куни янги камон излар эди,  
Ҳар куни ганжи ниҳон излар эди.

Топмади ганждин нишон ўқ узра ўқ,  
Мисли анқо исми бору жисми йўқ...

**ПОДШОНИНГ ҲАФСАЛАСИ ПИР БЎЛИБ,  
ХАЗИНАНИ ТОПИШДАН УМИД УЗГАНИ**

Иш чўзилгандан чўзилди бўйлаким,  
Шоҳ умиди ҳам узилди бўйлаким.

Неча тупроқларни чун қўзғотди шоҳ,  
Оқибат йўқсулга хатни отди шоҳ.

1965 Деди: олгил, бунда бир асрор йўқ,  
Сенга лойиқ бу, бўлак ғамхор йўқ.

Эрмас эсли-хушли кимса кори бул,  
Ким ёқиб гулни, тикандин айрилур?

Ким темирдин гул унар деб кутгуси?  
Қай киши чўпчакка бовар этгуси?

Жони қаттиқларга хосдир бўйла фан,  
Баски, жонинг тош эмишдир, изла сен.

Топмасанг ганжни, сенга келмас малол,  
Гар уни топсанг, сенга бўлсин ҳалол.

1970 Ақлу ҳуш юрмас умидсиз йўлга ҳеч,  
Ишқ эса юргай у йўлдин эрта-кеч.

Лоуболи-ишқ эмишдирким, нақл,<sup>187</sup>  
Қайга борса, фойдасин излар ақл.

Лек балолар ичра ишқнинг бошидир,  
Бошида доим тегирмон тошидир.

Ортга боқмас, олға босгайдир мудом,  
Баҳражўйликдин йироқ эрмиш тамом.

Бору йўгин ўртага ташлар ўшал,  
Неки олмиш, қайтариб бергай тугал.

1975 Бу сифатни ишққа бермишдир улуғ,  
Олганин ул Ҳаққа қайтаргай тўлиқ.

Ки футувват-хайри беиллат эрур,  
Покбозлик-хорижи миллат эрур.<sup>188</sup>

Чунки миллат фазл излар ё халос,  
Покбозлардир вале қурбони хос.

---

<sup>187</sup> Лоуболи - қўрқмас, бепарво.

<sup>188</sup> Бор нарсани бериб, покланмоқ миллатга, яъни, дину шариатга сирмайди.

На улар этгай Худони имтиҳон,  
На ўзига излагай суду зиён.

ПОДШО КЎМИЛГАН ХАЗИНА ҲАҚИДАГИ  
ҚОҒОЗНИ ОЛ, БИЗ УНДАН ВОЗ КЕЧДИК, ДЕБ  
ЙЎҚСУЛГА УЗАТГАНИ

Шоҳ чўзиб савдоли ул ганжномани,  
Ол, деди, берди балокашга ани.

1980 Бўлди йўқсул таъна-дашномдин халос,  
Эски ишқ савдосига бурканди боз.

Бўлди боз дарду балога мубтало,  
Ит ялаб, этгай жароҳатга даво.

Дарди ишқ андоқки, ҳамдам ёри йўқ,  
Даҳр аро бир маҳрами асрори йўқ.

Борму бир девона ошиқдек магар,  
Ақл унинг савдоси бирлан кўру кар.

Йўқ магар ошиқ каби бечора ҳам,  
Тибда бу девоналикка чора ҳам.

1985 Гар табибга етса андоқ бир жунун,  
Қон била ювгайди ул дафтарларин.

Жумла ҳикматлар чу ишқнинг зарраси,  
Жумла дилбарлар юзи-юз пардаси.

Эйки ошиқсен, ўзингга сол кўзинг,  
Улки сен шайдосидирсен, ул ўзинг.

Қибла айлаб кўнглини ул мубтало,  
Неча йиллардир этарди илтижо.

Йўқ эди гарчи дуосига жавоб,  
Ул дуо айлаб, кутарди мустажоб.

1990 Билмас эрди чун қабулму, ноқабул,  
Лек эшитгайди ниҳон «лаббайк» ни ул.

Бўйла дафсиз рақс этар эрди алил,<sup>189</sup>  
Этимоди-жуди Халлоқи жалил.<sup>190</sup>

Ул тараф на хотифу на пайк эди,  
Лек қулоғида умид-лаббайк эди.

Шу умид чорларди, кел деб безабон,  
Кўнглидин ранжу малолин ҳайдабон.

Гар кабутар томга ўрганмиш, чақир,  
Қувласанг, кетмас, қаноти боғлидир.

1995 Эй Зиёулҳақ Ҳисомиддин, ҳамон  
Қув уни, тикмиш мулоқотингга жон.

Жон қуши донинг соғингайдир яна,  
Ҳайдасанг, томингга келгайдир яна.

Кўз тикар ҳар дам сенинг томингга ул,  
Чарх уриб, келгай яна домингга ул.

Бир нафас мункир бўлиб шу телба руҳ,  
Этмаса шукрингни, эй фатҳу футуҳ,

Унга кинлар ёғдирур ишқ шаҳнаси,  
Сўнгра оташларда ёнгай сийнаси.

2000 Бул тараф кел, деб тўлин ой порлагай,  
Кел, дебон ул шоҳи ишқинг чорлагай.

Чарх уриб тому кабутархона мен,  
Чун кабутардек ажаб мастона мен.

---

<sup>189</sup> Даф - дойра. Алил - дардли, хаста.

<sup>190</sup> Жуд - жумардлик. Хотиф, пайк - хабарчи.



Жабраилмен ишқ аро, Сидрам ўзинг,  
Хастадирмен, ул Исо Марям ўзинг.

Тошдириб шул баҳри гавҳарборни,  
Хуш боқиб, сўргил бугун беморни.

Сен унингдирсанки, денгиз ҳам унинг,  
Бас, бугун навбат унингдир, дам унинг.

2005 Ноалалар ҳам ул тарафдин ошкор,  
Тут уни кўздин ниҳон, Парвардигор.

Бизда ҳам икки оғиздир мисли най,  
Биттаси пинҳон эрур, Ул пуфлагай.

Биттаси ошкор эмишдир, сиз томон,  
Бўйлаким ҳой-ҳуй солиб, айлар фиғон.

Кўзи бор кимса муққаррар кўргуси,  
Ки фиғонлар ул тарафдин келгуси.

Нола чекса най, унинг ҳой-ҳойидир,  
Жон чекар фарёд, унинг дод-войидир.

2010 Лабларидин етмасайди бир самар,  
Най нетиб оламга сочгайди шакар.

Қай биқин бирлан ётиб турдинки, ҳай,  
Бўйлаким бағрингда тўлқин ўйнагай?

Ё «Абийту инда раббий» ни ўқиб,<sup>191</sup>  
Ўт-олов дарёсига кетдинг чўкиб?

«Эй олов куйдирма, сустлаш» ояти<sup>192</sup>  
Қутқариб, бўлди сенга жон роҳати?

---

<sup>191</sup> «Мен Раббимга мехмон бўламан».

<sup>192</sup> Қуръони карим, Анбиё сураси, 69-оятга ишорат.

Эй Зиёулҳақ Ҳисомиддини дил,  
Отса лой, сўнгайму офтоб, сўйлагил.

2015 Лой отарлар сенга душман баъзилар,  
Чапламоқ истар шу офтобинг улар.

Лек жавоҳир тоғда сендин сўйлагай,  
Лола, наргис боғда сендин сўйлагай.

Бормикин оламда лойиқ Рустаме,  
Айласам мадҳингни, айтсам бир даме.

Сирринг айтиб, дилни бергум оҳга мен,  
Чун Али бошимни солгум чоҳга мен.

Бас, биродарларда чун савдо эрур,  
Юсуфимга қаъри чоҳ авло эрур.

2020 Бўйла мастдирменки, этгум можаро,  
Чоҳ надир, чодир тикармен дашт аро.

Бер қўлимга май тўла паймонани,  
Сўнгра кўргил мен каби мастонани.

Айт, кўмилган зарни кутсин ул фақир,  
Биз бугун кўнглига гарқдирмиз, асир.

Эй фақир, тек турма, юзлан Ҳаққа бот,  
Мен каби гарқи фанодин не нажот?

Ул ҳадисдин бир асар ёдимда йўқ,  
Мен ўзим киммен магар, ёдимда йўқ.

2025 Ул нетиб жо айласин дунёни, ҳай  
Бир шаробдирким, анга қил сигмагай.

Соқие, қўйгил, узатгил жом неча,  
Сипқориб май, ўзни тарк этсин хўжа.

Мен улуг, деб бизга чун мўйлов бурар,  
Лек ҳасад бирлан соқолин ҳам юлар.

Мот эрур ул, мот эрур ул, мот эрур,  
Биз билармиз, не макрлар айлаюр.

Улки ул юз йил аро не бўлгуси,  
Пир боқиб, равшан, муайян кўргуси.

2030 Ҳар неким ойнада кўргай авом,  
Пир уни гишт узра кўргай, вассалом.

Серсоқол гар уйда кўрмас нарсани,  
Кўса кўргайдир йироқлардин ани.

Сен балиқдирсен, қуруқда юрмагил,  
Худди бир хасдек соқолда турмагил.

Хас эмассен, дур туташгайдир сенга,  
Баҳр аро юрсанг, ярашгайдир сенга.

Ҳам балиқ, ҳам инжудур тўлқинда, бас,  
Балки тўлқиндин бўлак бир нарсамас.

2035 Бўйла денгиздирки, ҳеч поёни йўқ.  
Мавжларига эш бўлиш имкони йўқ.

Бор эмиш денгизга эш деб ўйлама,  
Англамас аҳвал бу сўзни, сўйлама.<sup>193</sup>

Баски эшмиз неча аҳвалларга ул,  
Мушрикона сўйламоқ лозим бўлур.

Васфи ҳол ичра эрур бирлик, бақо,  
Иккиликни кўр ва лекин сўз аро.

---

<sup>193</sup> Аҳвал - гилай.

Ёки аҳвалдек симиргил иккилик,  
Ёки жим тургил-да, сўздин чек илик.

2040 Галма-гал, гоҳи сукут қил, гоҳ калом.  
Аҳвалона ур довулни, вассалом.

Учраса маҳрам, сирингни айт тўлиб,  
Гулни кўрсанг, сайрагил булбул бўлиб.

Учраса гар соҳиби макру мажоз,  
Оғзи берк бир хумга айлан, айтма роз.

Сувга душмандир, ҳазир бўл, ургуси,  
Иргитиб тош, хумни ул синдиргуси.

Этса жоҳиллар жафо, сабр айла чун,  
Раҳнамо эт ўзга ақли мин-ладун.<sup>194</sup>

2045 Ноаҳилларга сабр эт, эй аҳил,  
Ҳар нечук кўнгилни поклайдир сабр.

Гарчи Намруд отди оташларга то,  
Етди Иброҳимга ул ўтдин жило.

Куфр ила жавр этди гарчи қавми Нуҳ,  
Бўлди Нуҳга сайқали миръоти руҳ.<sup>195</sup>

## ШАЙХ ҲАРАҚОНИЙ ҚАДДАСАЛЛОҲИ СИРРАҲУ МУРИДИНИНГ ҲИКОЯТИ

Этди дарвеш тарк шаҳри Толиқон,  
Азбаройи Бул-Ҳасайни Хориқон.

Ошди тоғлар, кезди водийларни боз,  
Кўргали ул соҳиби сидқу ниёз.

---

<sup>194</sup> Ақли мин-ладун - Оллоҳ томонидан ато этилган, Худо берган ақл.

<sup>195</sup> Мирроти руҳ - руҳ кўзгуси.

2050 Йўлда кўрди неча бир жабру ситам,  
Сўйламасмен, сўзни санжоб айларам.

Йўл босиб, жаҳду жадаллар этди ул,  
Кўзлаган манзилга охир етди ул.

Топди шайхнинг эшигин, қоқди уни,  
Дарчадин сас берди шайхнинг хотини.

Сўрдиким, не истаюрсен, эй Али?  
Дедиким, келдим зиёрат этгали.

Кулди хотин, дедиким, ҳай, ишга боқ,  
Бу сафар озори, бу ташвишга боқ.

2055 Йўқмиди юртингда коринг аслида,  
Шунчаким йўллар босибсен беҳуда?

Битта нодонни кўришга зормидинг?  
Ўз диёрингдин магар безормидинг?

Ёки шайтон қўлга олмишму сени,  
Аврабон, бу йўлга солмишму сени?

Таъна, дашномларни ёғдирди чунон,  
Барчасин айтишга менда йўқ забон.

Тизди таҳқирларни хотин кетма-кет,  
Уф чекиб, ғамларга ботди ул мурид.

ДАРВЕШ ШАЙХНИНГ ХОТИНИДАН, ШАЙХ  
ҚАЕРДА, УНИ ҚАЙДАН ИЗЛАЙ, ДЕБ СЎРАГАНИ,  
ХОТИН УНГА ТЕРС ЖАВОБ БЕРГАНИ

2060 Йиглади дарвеш, деди: хўп, сўйла бир,  
Исми ширин подшо ул қайдадир?

Деди хотин: тенги йўқ ул ҳийлагар,  
Солусу айёрни сўйларсен магар?

Сенга ўхшаб неча минглаб гўл, авом,  
Алданиб, макрига учмишлар тамом.

Яхшиси, қайтгил изингга, турмагил,  
Учрашармен деб бу кўйда юрмагил.

Лофчидир ул, косалеснинг тозаси,  
Ҳар тарафга тарқаган овозаси.

2065 Қавми гўсолапарастдир ул кушод,<sup>196</sup>  
Этсалар бундоқ ҳўкизга эътимод.

Кўр гадо, муфлисга ким ҳам эргашур?  
Кечалар хор бўлгуси, кундуз ҳақир.

Тарк этиб бу қавм ҳама илму камол,  
Макру ҳийла танламишлар бемалол.

Эй дариго, қайда ул насли Мусо,  
Ки буларни бир йўла этса адо.

Шаъру тақво ҳоли чун вовайладир,  
Ул Умар, ул амри маъруф қайдадир?

2070 Бул ибохатким улар фош айлади,  
Телбаликни жумла қаллош айлади.<sup>197</sup>

Ул раҳи пайгамбару асҳоб қани?  
Ул намозу тасбиҳу одоб қани?

---

<sup>196</sup> Қавми гўсолапараст - бузоққа топинувчи қавм.

<sup>197</sup> Ибохат - жоиз, раво билмоқ. Ваҳдати вужуд ақидасига кўра, бутун борлиқ-Ҳақнинг зуҳуридир, шунга мувофиқ барча ишлар-тўғридир, жоиздир, яъни, мубоҳдир.

МУРИДНИНГ ЖАВОБ БЕРГАНИ, КУФР ВА БЕҲУ-  
ДА СЎЗЛАР АЙТГАНИ УЧУН ХОТИННИ  
КОЙИГАНИ

Жаҳл ила қичқирди дарвеш: бўлди, бас,  
Кундузи йўлларда соқчи шарт эмас.

Тутди борлиқни эранлар шуъласи,  
Саждага бош эгди афлок барчаси.

Ҳақ қуёши ул ҳамалдин очди юз,  
Кўк қуёши парда чекди устма-уст.

2075 Сўзларинг сафсатта эрмиш, эй дани,  
Бул эшикдин қайтаролгайму мени?

Мен булутмасманки келсам ел била,  
Ортга қайтсам сўнг неча тўзон ила.

Нур била гов қибла бўлгай чинданам,  
Нурдин айру қибла ул-куфру санам.

Гар ҳаводандир ибоҳат, ул залол,  
Гар Худодандир ибоҳат, ул камол.

Нури беандоза тушди, ком топиб,  
Куфр иймон бўлди, дев ислом топиб.

2080 Шайх мазҳардирки, бир маҳбуби Ҳақ,  
Каррубийлардин анга етгай сабақ.<sup>198</sup>

Чун малак Одамга сажда этди, дўст,  
Мағзга сажда айлагайдир тери, пўст.

Пуфлама шаъми Худони, эй фалон,  
Сўнгра оташларда ёнгайсен ёмон.

---

<sup>198</sup> Каррубийлар - Худого энг яқин фаришталар.

Тегса ит, дарё ҳаром бўлгайму ҳеч?  
Пуфласа, ул офтоб сўнгайму ҳеч?

Ҳукм этарсен кўз солиб зоҳирга сен,  
Нуру равшанликча зоҳир бормикан?

2085 Жумла зоҳирларни йиғсанг, бул зуҳур,  
Олдида эрмиш баса айбу қусур.

Кимсаким шамъи Худони пуфлагай,  
Оғзи куйгай, сўнг аламдин уфлагай.

Шапараклар туш кўрурлар боб-боб,  
Тарк этар эрмиш жаҳонни офтоб.

Урса тўлқинни магар дарёи руҳ,  
Олдида ҳечдир ўшал тўфони Нуҳ.

Воҳ, ўшал Канъон кўзига тушди қил,  
Кемани тарк этди, тоққа сузди ул.

2090 Лек ярим тўлқин келиб урган замон,  
Қолмади ул тоғу Канъондин нишон.

Ой сочар нур, ит эса вовуллагай,  
Ит нетиб нурни тановул айлагай?

Йўлчилар йўлдоши ойдир муҳташам,  
Тўхтамаслар йўлда итлар ҳурса ҳам.

Парча учгайдир бутунга мисли ўқ,  
Қайт, деса бир кекса, ул қайтарму, йўқ.

Шаръу тақво жониким ориф эрур,  
Маърифат кечмиш замонлардин келур.

2095 Бир уруғким, зоҳид экишдир ани,  
Маърифат- мазкур уруғнинг унгани.



Тан-экин эрмиш, жиҳоду эътиқод,  
Жон эса- унган экиндин ҳосилот.

Амри маъруф ул, вале маъруф-да ул,  
Кошифи асрор-да ул, макшуф-да ул.<sup>199</sup>

Ҳам бугун, ҳам эртамизга подшо,  
Пўст деган қулдир мағизга доимо

Шайх “Аналҳақ” деди, бўлди пешқадам,  
Бул сўзи кўрларни бўғди бўғизидин.

2100 Банда ўздин кечса, ло бўлса вужуд,  
Не қолур андин, тасаввур қил, жуҳуд.

Кўз очиб, боқ, не эмиш йўқлик туси,  
Етса йўқлик, ўртада не қолгуси?

Ойга туфлар, кўкка туфлайдир фалон,  
Эй кесилсин бўйла лаб, бўғзу даҳон.

Туф, деса, тушгай юзига ул тупук,  
Кўк магар бўлгайму тупку етгудек?

Бу- Лаҳаб лаънатга қолмишдир неча,  
Тупкилар тушгай анга маҳшаргача.

2105 Кимда ким, подшодадир байроқ, довул,  
Бас, текинхўрдир, деса, кўппакдир ул.

Осмонлар қул эрурлар жонига,  
Гарбу шарқлар кўз тикурлар нонига.

Амрида “Лавлок” ёзилмишдир абад,<sup>200</sup>  
Жумла эл эҳсонин истарлар фақат.

---

<sup>199</sup> Макшуф - кашф этилган.

<sup>200</sup> Лавлок - сен бўлмасанг.

Бўлмаса ул, балки бўлмасди фалак,  
Қайда эрди маскани нуру малак?

Бўлмаса ул, йўқ эди денгиз сенга,  
Қайда эрди гавҳари тенгсиз сенга?

2110 Бўлмаса ул, ер юзи бўлмасди чун,  
Ости ганжу усти яшноқ, лолагун.

Андин изла ризқу рўзнинг зотини,  
Мевалар андин олурлар тотини.

Боқки, бундоқ терс тугилмишдир тугун,  
Улки эҳсон этди, инъом эт бугун.

Сен фақирга берди чун олтин, ҳарир,  
Бер закотингни ганийга, эй фақир..

Эй палид, сен бўйла мақбул руҳга эш,  
Эрди бир кофир аёл ҳам Нуҳга эш.

2115 Йўқса, тоқат ичра кўрмасдинг мени,  
Пора- пора айлар эрдим мен сени.

Нуҳни чун айлар эдим сендин халос,  
Менга ҳам етқайди лекин ал- қасос.

Лек шаҳаншоҳи замон уйида мен,  
Бўйла бир густоҳлик қилгайму мен?

Шукр этким, бунда бир итсен магар,  
Йўқса, олгайдинг жазойингни тугал.

МУРИДНИНГ ШАЙХ ЭШИГИДАН ҚАЙТИБ,  
ОДАМЛАРДАН ШАЙХНИ СУРИШТИРГАНИ,  
УНГА, ШАЙХ ФАЛОН ЎРМОНГА КЕТДИ,  
ДЕЙИШГАНИ

Сўнгра ул йўл юрди, шайхни излади,  
Учрагандан шайхни сўрди, сўзлади.

2120 Битгаси дедики, ул қутби диёр,  
Ҳув, анув ўрмонни этмиш ихтиёр.

Ул муриди зулфиқорандеш ҳамон,  
Юрди ул ўрмонни кўзлаб, тоғ томон.

Ул борар эркан жадаллаб, йўл боса,  
Қўнглига шайтон соларди васваса.

Ҳай, нечун, дерди у, шундоқ шайхи дин,  
Бўйла бир хотин-ла бўлгай ҳамнишин?

Зид деган зидди била тургайму ҳеч?  
Бир имом маймун-ла ўлтиргайму ҳеч?

2025 Сўнг яна “ло ҳавла” дерди оташин,  
Бўйла бир ўйларга бормоқ-куфру кин.

Менга қолмишму магарким Ҳақ иши?  
Шубҳа этгайму эрандин эр киши?

Боз нафси ҳамла айлар эрди зуд,  
Оҳидин ҳар ён таралгай эрди дуд.

Жабраил шайтон ила юргай нечук?  
Сухбат айлар, тургай-ўлтиргай нечук?

Бирлашарму ҳеч қачон Озар, Халил<sup>201</sup>  
Бирлашарму йўл тўсар бирлан далил?<sup>202</sup>

МУРИД МУРОДИГА ЕТГАНИ, ЎРМОН ЯҚИНИДА  
ШАЙХНИ УЧРАТИБ, У БИЛАН СУҲБАТ  
ҚУРГАНИ

2030 Бир маҳал кўрди мурид: тоғдин иниб,  
Шайх келар эрди арслонни миниб.

Не ўтинлар юкламишди шергаким,  
Ул ўтин узра ўзи - шайхи азим.

Илкида эркак илондин қамчиси,  
Қамчиси эрмас, магар арғамчиси...

Сен яқин билгил, жаҳонда шайхки бор,  
Маст арслонни миниб, бўлгай савор.

Ул кўрингай, бул кўринмасдир, ниҳон,  
Жон кўзинг очсанг, кўрингайдир аён.

2135 Неча минг шерлар уларнинг остида,  
Ҳар куни ўтин ташишнинг қасдида.

Ўзгалар ҳам бир кўриб қўйсин дебон,  
Кўрсатур гоҳи уларни Яздон...

Шайх йироқдин кўрди, сас берди анга,  
Дедиким, ҳай, учма шайтон макрига.

Унга бўлмишди аён дарвеш сири,  
Не ажиб кашшоф эмиш кўнгил нури.

Шайх дарвеш кўнглин ифшо айлади,  
Кўнглидин не кечганини сўйлади.

---

<sup>201</sup> Далил - бу ерда: йўл бошловчи, раҳнамо.

<sup>202</sup> Озар - Иброҳим Халилуллоҳнинг отаси, бутпараст.

2140 Сўйлабон дарвеш сиру асроридин,  
Сўнгра сўз очди хотин инкоридин.

Ул таҳаммул чун ҳавойи нафс эмас,  
Ул хаёли нафсинг эрмиш, эт абас.

Олмасам устимга ул хотин юкин,  
Устига олгайму эрди шер юким?

Тевалармиз, элга бўлсин деб сабақ,  
Юкламишдир устимизга юкни Ҳақ.

Амр эрур Ҳақ амри менга, вассалом,  
Не эмиш ул таъна, дашноми авом?

2145 Турсак, ўлтирсак-унинг фатвосидир,  
Жонимиз излаб, унинг шайдосидир.

Фардлигу жуфтлик дема нафс тафтида,  
Жонимиз чун муҳра Тангри кафтида.

Гар хотин нозин чекармиз нозидин,  
Демагил, бу рангу бўй савдосидин.

Бизга шогирдлар сабоғи гар неча,  
Шонимиз даврони - қайдин қайгача.

Қайгача...Ул жойгадирким, йўл эмас,  
Унда ёлғиз нури Оллоҳу Аласт.

2150 Барча ваҳму тасвиротдин айру ул,  
Нуру нуру нуру нуру нуру нур...

Сен учун айтдим бу сўзни, англагил,  
Ноҳиллар бирла бўлгин сен аҳил.

Хушла озорин, ёмондин етса ранж,  
Ҳақ демиш: ас-сабру мифтоҳул фараж.<sup>203</sup>

Ул ёмонлар гар жафо этгай сенга,  
Нури суннат Ҳақ ато этгай сенга.

Анбиё қасдига ҳаддин ошдилар,  
Чун илонлардек баса чирмашдилар.

2155 Ул муроду ҳукми Яздони рафур  
Эрди оламда тажаллию зуҳур.

Зидди йўқса, зид кўринмас, ҳадди йўқ,  
Ул мислсиз подшонинг зидди йўқ.

“МЕН ЕР ЮЗИДА БИР ХАЛИФА ЯРАТМОҚЧИ-  
МАН”, СЎЗИНИНГ ҲИКМАТИ<sup>204</sup>

Бас, халифа этди соҳиб сийнани,  
Истади шоҳликка чун ойинани.

Бир сафойи беҳудуд берди анга,  
Сўнгра зулматдин яратди зид анга.

Икки байроқ тикди, бир оқ, бир қаро,  
Битгаси Одам, бири Иблис бало.

2160 Икки қўшин турди қарши бетма-бет,  
Бўлди кўп жанглар, савашлар кетма-кет.

Сўнгра келди, бўлди Ҳобил бир тараф,  
Унга қарши турди Қобил бир тараф.

Нуру зулмат, икки зид байроқ неча,  
Босди йўллар, етди то Намрудгача.

---

<sup>203</sup> Сабр - саодатнинг калитидир.

<sup>204</sup> Қуръони карим, Бақара сураси, 30-оятга ишорат.

Турди Иброҳимга қарши ул яланг,  
Икки лашкар айлади майдонда жанг.

Жанг чўзилди, бўлмади бир дам сукут,  
Оқибат - охир арога тушди ўт.

2165 Чун ҳакам бўлди олов, келди гали,  
Икки душман баҳсини ҳал этгали.

Бўйлаким кечди курашлар шиддати,  
Келди Фиръавну Мусонинг навбати.

Неча йиллар ўртада жанг тинмади,  
Жанг - жадалда не қиличлар синмади.

Оқибат денгизни қози этди Ҳақ,  
Нобакорга берди тўлқиндин сабақ.

Сўнг етишди даври тури Мустафо,  
Чиқди Бу - Жаҳл, ул сипоҳдори жафо,

2170 Тутди Тангри чун Самуднинг қавмини,  
Ҳайқиреқ бирла адо этди ани.

Қавми Од қасдига елни шайлади,  
Ёприлиб, ел босди, яксон айлади.

Жойлади тупроқни Қорун бағрига,  
Кирди Қорун ул қаро ер қаърига.

Этди юмшоқ ер ажаб қаҳру ситам,  
Ютди Қорунни, баробар ганжни ҳам.

Нон егайсен, танга ул дармон эмиш,  
Келса очлик бостириб, қалқон эмиш.

2175 Ҳақ агар амр этса нонга, бегумон,  
Нон тиқилгайдир томогинга ҳамон.

Кийганинг гарчи ҳароратбахш эрур,  
Ҳақ агар амр этса, музга айланур.

Энг қалин тўн ичра жисминг муз қотар,  
Жисму жонингни совуқлар қақшатар.

Мўйнадин, шоҳи, ипақдин юз буриб,  
Қиш паноҳига борарсен бош уриб.

Сенга етмишдир улуш бир қалъадин,  
Ғофил эрмишсен азоби Зулладин.<sup>205</sup>

2180 Амри Ҳақ бўлди шаҳар, қишлоққа чун:  
Хоналар, уйларга соя тушмасин.

Барча деворларга буйруқ бўлди: сиз,  
Ёмғиру офтобга моне бўлмангиз.

Бордилар мурсалга уммат бош уриб,  
Қолганин тафсирдин олгайсен билиб.

Чун илон этди асони ул камол,  
Шул ўзи сенга кифоя, ибрат ол.

Кўзларинг бордир, вале кўтоҳ назар,  
Музлаган бир парча эт эрмиш магар.

2185 Ул фикр устоди андоқ сўйламиш,  
Ибрат олгин, деб сенга дарс айламиш.

Қиздириб ургил темирни, дейди ул,  
Бор, Довуд атрофида парвона бўл.

Гар ўлик тан эрсанг, Исрофилга чоп,  
Музлаган кўнглинг эритгай офтоб.

---

<sup>205</sup> Зулла - соябон. Қуръони карим, Шуаро сураси, 176-190 оятларга ишорат.



Бурканибсен не хаёлларга чунон,  
Бир сўфистойи эмишсен, бадгумон.

Унда йўқ эрди магар ақлу субут,  
Ҳис уни ўлдирди, мавҳ этди вужуд.

2190 Бас, етар шул, тий тилингни сен, аё,  
Сўзласанг расво бўлурсен эл аро.

Не эмиш имъон, оқар сувдир равон,<sup>206</sup>  
Чиқса жон тандин, анга дерлар равон.

Ул ҳақим ҳам бўйла тарк этмишди тан,  
Жони борди, айлади сайри чаман.

Қўш лақабни жонга тақмишди тайин,  
Жонига бўлсин унинг юз офарин.

Улки ул Ҳақ амри бирлан юргуси,  
Истаса, гулни тиканга бургуси.

### БАЛО ЁПРИЛГАНДА ҲУД АЛАЙҲИССАЛОМ МУМИНЛАРНИ ҚУТҚАЗМОҚ УЧУН МУЪЖИЗА КЎРСАТГАНИ

2195 Аҳли мўмин бир томонга юрдилар,  
Доира тартиб этиб, ўлтирдилар.

Неки келмиш, Ҳақдин эрди ҳаммаси,  
Бор эди тўфони, борди кемаси.

Подшони кема этгай Ҳақ чунон,  
Ўзни ул сафларга ургай беомон.

Мақсади - элга омонликмас, аё,  
Мақсади - молу мамолик, истило.

---

<sup>206</sup> Иъмон - диққат қилмоқ, чуқур мушоҳада этмоқ.

Зўр бериб йўртар тегирмон эшшаги,  
Тушмасин дейди хўжамнинг калтаги.

2200 Сув чиқармоқликни этмас ул гараз,  
Ёғ чиқармоқликни доғи ўйламас.

Гар ҳўкиз тортар омочни, тортмаса,  
Устига гаврон ёғилгайдир роса.

Ҳақ анга бермиш бу қўрқувни магар,  
Шул сабабдин айлагай жаҳду жадал.

Бўйлаким дўконда ўлтиргай киши,  
Ўзни дер, дунёси бирлан не иши?

Дардига бир чора излар, малҳаме,  
Шул йўсин тургай оёқда оламе.

2205 Тангриким қўрқувни устун айлади,  
Даҳо аро жонларга қўрқув жойлади.

Офарин Яздонгаким, қўқув билан,  
Этди шу дунёни обод, муҳташам.

Қўрқишар яхши-ёмондин барча, ҳай,  
Ўз-ўзидан кимса лекин қўрқмагай.

Чинданам бордир ҳукмдоринг сенинг,  
Гар кўринмасдир, ҳамиша ҳамдаминг.

Ҳис этилгай ўзга бир маъвода тек,  
Ҳис этолмаслар бу манзил ичра лек.

2210 Ҳақни ҳис этгувчи ҳислар бор неча,  
Бу жаҳон туйғуси эрмас, ўзгача.

Ҳисси ҳайвон кўрса ул сувратни, зуд  
Ҳўкизу эшшак бўлурди Боязид.

Улки танни жонга мазҳар айлади,  
Кемани Нуҳга муяссар айлади.

Истаса, ул кемадин қолмас нишон,  
Ҳолати тўфонга тушгайдир ҳамон.

Ҳар даминг-тўфону кема, эй фақир,  
Шодлигинг андин, гаминг андин келур.

2215 Кўрмасанг ёнингда баҳру кемани,  
Жисму жонинг титрагайдир, кўр ани.

Кўзларинг қўрқувни кўрмаслар магар,  
Турфа-турфа ўй-хаёллар қўрқитар.

Мушт туширса кўрга ногоҳ масти зўр,  
Тева тепди, деб ҳамон ўйлайди кўр.

Унга етмишди шу дам тева саси,  
Чун қулоқдир кўр киши ойинаси.

Дер яна: бошимга тушган тош эрур,  
Ки йиқиқ гумбаздин ажраб тушди ул.

2220 Ул эмасдир, бул эмасдир, шул эмас,  
Боиси-қўрқув яратган Тангри, бас.

Қўрқуву титроқ келурлар ўзгадин,  
Ўз-ўзидин кимса қўрқмас, эй ҳазин.

Ул ҳақимча бўйлаким дарс айламиш,  
Ваҳму қўрқув маънисин терс айламиш.

Ваҳму қўрқув бесабаб бўлгайму ҳеч?  
Хушламас жойга кўнгил боргайму ҳеч?

Йўқса рост, ёлгонни ким ҳам сўйлагай?  
Ростки бор, ёлгонни ошкор айлагай.

2225 Ростни кўргач, сўз очар ёлгончи ул,  
Дерки, ёлгонимни эл айлар қабул.

Рост сабаб ёлгонни тинглайдир ҳама,  
Шукр қил, ёлгончи, инкор айлама.

Файласуфдинму дейин, савдосидин?  
Кемалардинму дейин, дарёсидин?

Кемадин сўйлай, чу панди дил эрур,  
Куллни айтай, жузв анга дохил эрур.

Ҳар валийни Нуҳи сорбон англагил,  
Халқ ила суҳбатни тўфон англагил.

2230 Қочма шеру аждаҳодин ҳеч маҳал,  
Ошною ақрабодин қил ҳазар.

Бори умрингни эговлар ширкати,  
Мулки ғайбингни совургай суҳбати.

Ташна эшшакдек симирсам дейди ул  
Шарбатингни жисму жонингдин нуқул.

Ҳам қуритгайдир у шабнамларни бот,  
Ки насиб этмиш сенга баҳрул ҳаёт.

Чун тароват новдани тарк этса, бас,  
Шам бўлиб қотгай, шамолда ўйнамас.

2235 Намли, сувли бўлса новда, йўқ тараф,  
Қай тараф буксанг, этилгай ул тараф.

Истасанг, сенга саватдир ул ҳамон,  
Истасанг, чамбар тўқирсен бегумон.

Лек суви қочса, қуриб, қотгай тайин,  
Сўнг эгилмоғи, букилмоғи қийин.

Бас, ўқи “Қомуксоли” дер Набий,<sup>207</sup>  
Новда қотгай гар қуриб қолса туби.

Ўтдилар бу мавзу, қисқа айлайин,  
Ул фақир ҳоли не кечди, сўйлайин.

2240 Кўрдинг ул оташда ёнгай ҳар ниҳол,  
Оташи жон ичра куйгайдир хаёл.

Шуъла сочса бўйла оташ ичра жон,  
На ҳақиқат, на хаёл топгай омон.

Жумла шеру тулкига ёв бўлди у,  
Куллу шайъин ҳолик илло Важҳаҳу.<sup>208</sup>

Ул ҳақиқатларга харж эт ўзни сен,  
Чун “алиф” “Бисми”га дарж эт ўзни сен.

Ул “алиф”ни бўйла пинҳон айламиш,  
“Бисми” ичра бор эмиш ул, йўқ эмиш.<sup>209</sup>

2245 Жумла ҳарфлар йўқ бўлурлар бебадал,  
Бўйлаким инъом, мукофот бўлсалар.

“Би” қачонким “син” била топгай висол,  
Ўртага сифмас “алиф”, келгай малол.

Бир висолким, унга бир ҳарф сифмаюр,  
Баски сўзни кесмагим вожиб эрур.

---

<sup>207</sup> Қуръони карим Нисо сурасининг 142-оятига ишорат этилмоқда. Унда дейилади: “Албатта мунофиқлар Оллоҳни алдамоқчи бўладилар... Ва қачон намозга турсалар, дангасалик билан, хўжа кўрсинга турадилар ва Оллоҳни камдан-кам ёдга оладилар”.

<sup>208</sup> Ҳамма нарса ҳалок бўлади, унинг ҳақиқати қолади. Қуръони карим, Қасос сураси, 88-оятга ишорат.

<sup>209</sup> Бисмиллоҳ-Оллоҳ номи билан. “Исм” сўзи “Оллоҳ”га қўшилганда араб ёзувида “И”-“алиф” ҳарфи тушиб қолади.

“Би”ни “син”дан битта ҳарф айлар жудо,  
Энди бу ҳолатда жим турмоқ раво.

Гар “алиф” топди фано, йўқ бўлди ул,  
“Би” вале истар, “алиф” дер муттасил.

2250 “Морамайга аз рамайга” келди чун,  
Бўйла “Қолиллоҳ” кўрсатди ҳусн.<sup>210</sup>

Ичмасанг доруни, этгайму амал,  
Гар фано топса, этар дафъи илал.

Бўлса гар ўрмон-қалам, дарё-сиёҳ,  
“Маснавий” назмига етгайму адо?

Баски, тупроқ бор экан, гишт бўлгуси,  
“Маснавий”га нуру тобиш бўлгуси.

Битса тупроқ, “Маснавий” бул битмагай,  
Мавж уриб, кўпикни тупроқ айлагай.

2255 Битса ўрмон, “Маснавий” биткаймикин?  
Бағридин ўрмон кўкаргаи янгидин.

Деди шул боис Ҳудованди фараж:  
Ҳадди суъан баҳрино из лоҳараж.<sup>211</sup>

Андак-андак ўйнасин ул даҳр аро,  
Жони бўлсин ақлу ҳушга ошно.

Гар ўйин наздингда бир ҳеч нарсадек,  
Ўйнаб-ўйнаб, ақли киргайдир ва лек.

2260 Ақли йўқ эрса, бола ўйнарму чун,  
Жузв керакдир Қуллга айланмоқ учун.

<sup>210</sup> “Отдинг, аммо сен отмадинг”, “Оллоҳ дедики” сўзлари шу ҳолатда зоҳир бўлди.

<sup>211</sup> Ул сабабдин мушкулларни осон этгувчи Тангри демишким, бизнинг денгизимиздан чиққанларни сўйланг, сизга вубол йўқ.

## КЎМИЛГАН ХАЗИНА ҲИКОЯТИГА ҚАЙТИШ

Ул фақир ҳоли танг эрди, бериё,  
Кел, деб айтарди дамо-дам, кел, аё.

Сен эшитмассен унинг овозини,  
Мен эшитгаймен, билармен розини.

Нега излар, ганж била ул мағзу пўст,  
Дўстдин ўзга бормикин оламда дўст?

Сажда этгай ўзига, кўзгусига,  
Кўзгу қўймишдир магар ўтрусига,

2265 Кўзгуда кўрса ҳақиқатни тамом,  
Бир хаёл қолгайди андин, вассалом.

Ҳам хаёли, ҳам ўзи йўқ эрди нақ,  
Дониши бўлгайди нодонликка фарқ.

Ул билимсизлик, у нодонлик аро,  
Бир билим келмишди чун инна ано.<sup>212</sup>

“Бош эгинг Одамга”-Ҳақдин бўлди амр,  
Одабийсен, сол ўзингга хуш назар.

Ярқ очилди ул малакларнинг кўзи,  
Ложувард кўк бўлди буткул ер юзи.

2270 Ло илоҳа, деди, иллаллоҳ, деди,  
Гулшани ваҳдат очилди, яшнади.<sup>213</sup>

Ул ҳабибу ул халилу ул рашод,  
Тўхта, деб чўзгай қулогим шул заҳот.

---

<sup>212</sup> Бу менман... Қуръони карим, Тоҳа сураси, 9-14 оятларга ишорат

<sup>213</sup> Қуръони карим, Муҳаммад сураси, 19-оятга ишорат.

Дерки, чай озингни, ўзни қийнама,  
Ҳар неким халқдан яширдик, сўйлама.

Сен магар айтсанг-да, бўлмас ошкор,  
Лек бўлурсен не гуноҳларга дучор.

Ҳар нафасда халқ ила ҳамдам ўзим,  
Сўйладим , ул тинглагувчи ҳам ўзим.

2275 Сен, фақир, ўткинчи ганжни сўйлагил,  
Ранж ила хуш эрса, ранжни сўйлагил.

Чашмайи раҳмат уларга чун ҳаром,  
Сипқорурлар заҳри қотил жом-жом.

Қум ташийдирлар этакни тўлдириб,  
Чашмаларнинг кўзига тупроқ суриб.

Чашмаким денгизга пайваст эрта-кеч,  
Бир ҳовуч тупроқ ила тўлгайму ҳеч?

Дерки, мен сизга тўсилдим оқибат,  
Лек ўшал денгизга пайвастмен абад.

2280 Ул гуруҳ терс ўйлагайдир, терс дегай,  
Ичмагай оби зилолни, қум егай.

Зидди табъи анбиё айлайди халқ,  
Аждаҳони муттако айлайди халқ.<sup>214</sup>

Ул жаноби Ҳақ кўзингни бойламиш,  
Англадингму нега бундоқ айламиш?<sup>215</sup>

Ҳаққа терс очдинг кўзингни сен магар,  
Кўрганинг ул барча ифлос нарсалар.

---

<sup>214</sup> Муттако - такагоҳ,суянчиқ

<sup>215</sup> Қуръони карим, Бақара сураси, 6-7-оятларга ишорат.



Лек иноят офтоби порлагай,  
Ноумидларни умидга чорлагай.

2285 Нард ўйин ўйнаб ўшал раҳмат ила,  
Куфр етгай тавбага ҳиммат ила.

Кўрди халқ бадбахтлигини Ҳаққул жавод,  
Икки юз чашма оқизди ул кушод.

Гунчага бергай тикандин қувват ул,  
Мўҳрага бергай илондин зийнат ул.<sup>216</sup>

Ул чиқаргай тонгни туннинг бағридин,  
Ул улашгай зарни йўқсил кафтидин.

Қўлга қум олса, Халилга нон этар,  
Тоғни Довудга аниси жон этар.

2290 Тоғ булутлар ичра айлаб зеру бам,  
Янгратур дилбар садолар дамба-дам.

Эй Довуд, дер, халқки кўнглинг хушламас,  
Сен ани тарк айла, биздин ол эваз.

ХАЗИНА ИЗЛАГАН ФАҚИРНИНГ КЎП ЗАҲМАТ-  
ЛАР СЎНГИДА ТАНГРИ ТАОЛОГА ЁЛБОРГАНИ,  
ЭЙ СИРЛАРНИ ОШКОР ЭТУВЧИ ҲАҚ, БУ СИРЛИ  
ДАФИНАНИ ЎЗИНГ ОШКОР ЭТ, ДЕГАНИ

Деди дарвеш: эй Худойи меҳрибон,  
Кечди умрим беҳуда ганж излабон.

Ҳирси шайтоним шоширди шунчалик,  
На таҳаммуд қолди, на оҳисталик.

Тотмадим гарчи қозондин луқма, оҳ,  
Куйди оғзим, қўлларим бўлди қаро.

---

<sup>216</sup> Мўҳра - бу ерда тарёқ, заҳарни кесувчи маъносида.

2295 Демадим мушкулкушодга бош урай,  
Бир билимдонга тугунин очдирай.

Лек овоз уйғотди гафлатдин ани:  
Ҳақдин изла Ҳақ сўзи тафсирини.

Ким тугун тугмиш, ечиб бергай ўшал,  
Кимки отмиш мўҳрани, тергай ўшал.

Гарчи осондек туюлгай ул тугун,  
Эрмас осон лек рамузи мим Ладун.

Деди дарвеш: тавба қилдим, ҳақ сўзинг,  
Чун ўзинг ёпдинг эшикни, оч ўзинг.

2300 Мен бошимни ҳирқага буркай бу дам,  
Қодир эрмасмен дуо этмоққа ҳам.

Не ҳунар, мен қайдаю дил қайдадир?  
Барчаси аксинг, ўзингсен, эй кабир.

Ҳар кеча бир ишга машғул бўйла мен,  
Ўйлаким, денгизга ботган кемамен.

На жаҳонда мен қолурмен, на ҳунар,  
Тан эса мурдор, ўлакса, беҳабар.

Ҳар кеча то субҳидам ул шоҳ али,  
Ўз-ўзига дерди: алъасти бали.<sup>217</sup>

2305 Балли, беб айтгувчи борму? Изласанг,  
Сел оқизмиш, балки ютмишдир наҳанг.

Субҳидам юз кўрсатиб тун қўйнидин,  
Нурли шамширин суғургай қинидин.

---

<sup>217</sup> Байтнинг мазмуни: ҳар кеча сахарга қадар ул буюк шоҳ ўзига  
“Раббингиз мен эмасманми? Балли, мен Раббингизман” дейди.

Шарқ қуёши тунни қувлаб, сайд қилур,  
Ул наҳанг ҳар не емишдир, қайт қилур.

Ул наҳанг қорнида биз бўлгувчимиз,  
РАНГУ БҮЙ ДУНЁСИГА КЕЛГУВЧИМИЗ.

Халқ Юмусдек Ҳаққа тасбиҳ сўйлагай,  
Ул зулумот ичра роҳат айлагай.

2310 Ҳар бири етгач саҳарга шодумон,  
Ул балиқнинг қорнини тарк айлабон.

Эй карим, дер, тунга лаззат жойладинг,  
Қўйнини даргоҳи раҳмат айладинг.

Ки олачалпоқ кийимли кеча ул,  
Кўзни ўткирлаб, қулоқни динг қилур.

Бошимизда сен ўзинг борсанки, бас,  
Ул қорайган чеҳралар қўрқинч эмас.

Чун Мусо кўрди оловни, нур амиш,  
Тунни биз занжий кўрармиз, ҳур эмиш.

2315 Энди бизга бўйлаким кўз бер эваз,  
Тўсмасин денгизни кўздин хору хас.

Сеҳргарлар кўз очиб, чун кўрдилар,  
Қўл-оёқсиз ҳам баса қарс урдилар.

Ҳалқ кўзин тўсган сабаблар эрди, бас,  
Ким сабаб деб титраса, асҳоб эмас.

Тангри асҳобни авайлаб, асради,  
Эшигин ланг очди, тўрга бошлади.

Ҳақ буюрса, лойиғу нолойиқ ул,  
Бандаликнинг бандидин озод бўлур.

2320 Йўқса, йўқлик ичра, бундоқ ўйлаким,  
Қайда эрди бизга бул жону билим?

Эйки ҳар агёрни ёр айлаган,  
Гул тўни бирлан тиканни сийлаган,

Хокимизни сен яна полиз қил,  
Арзимасни арзитиб, холис қил.<sup>218</sup>

Бул дуо ҳам амринг эрмиш, эй Худо,  
Йўқса, қайдин эрди хокийга дуо.

Чум дуони амр этдинг, эй жаноб,  
Айлагил энди дуомиз мустажоб.

2325 Тунда ғарқ фаҳму ҳаваслар кемаси,  
Ғарқ ўлуру хавфу умидлар ҳаммаси.

Ҳақ мени ўз раҳматига сургуси,  
Не ҳунар бирлан яна қайтаргуси?

Ул бирига бергай ул нуру жалол,  
Бул бирига бахш этур ваҳму хаёл.

Бўлса эрди менда зарра рою фан,<sup>219</sup>  
Айлар эрдим чораву тадбирни ман.

Кечалар учмасди ақлу ҳушларим,  
Балки томимда тунарди қушларим.

2330 Уйқу ичра мен кўрар эрдим аён:  
Боргуси то қайси манзилларга жон.

Бас, тугун ечмоқ эмас измимда чун,  
Мендаги бу ҳудписандлик не учун?

---

<sup>218</sup> Холис - бу ерда соф олтин маъносида.

<sup>219</sup> Рою фан - қатъият ва ҳунар.

Кўрганимни кўрмаган бўлдим-да, боз,  
Ёлвориб этдим дуо, арзи ниёз.

Бир “алиф”дек бенавоман, эй карим,  
“Мим” кўзи янглиғ яна тордир дилим.

Бу “алиф”, “мим” бизга эрмишдир, ано,<sup>220</sup>  
“Мим”ку қашшоқдир, “алиф” йўқсил, гадо.

2335 Ким “алиф”дек бенаво, гофил эрур,  
“Мим” каби дилтанг эса, оқил эрур.

Ҳушсиз эрконимда бундоқ ҳечман,  
Ҳушли эрконимда меҳнатларга банд.

Менку ҳечдирмен, юкингни юклама,  
Бори меҳнатдир, уни давлат дема.

Ҳеч вақойим йўқ ўзимни тузгали,  
Ваҳму қўрқувлар келурлар бузгали.

Бенавомен, давлатим бергил менга,  
Ранж кўрдим, роҳатим бергил менга.

2340 Бўйла кўз ёшларга ғарқ этдинг мени,  
Эшигинг кўрмоққа энди кўз қани?

Бер бу сўзсиз бандага ёшдин улуш,  
Сабзалар унсин ўшал яйловда хуш.

Кўзларимда битса ёш бардошидин,  
Кўзларимга бер Набий кўз ёшидин.

Қанча иззатманди, беҳамто, суюк,  
Тангридин кўз ёши сўрди ул буюк.

---

<sup>220</sup> “Алиф” ва “мим” ҳарфларининг ёзувдаги шаклига ишорат этилмоқда. «Алиф» ва «мим» ёнма-ён келса, «умм» деб ўқилади, бу арабчада «она» демақдир.

Йигламасму буйлаким келганда кез,  
Мен каби бир бенавою косалес?<sup>221</sup>

2345 Улки кўз ёшларга чун мафтун эрур,  
Не ажаб, ашким агар Жайхун эрур.

Қатраси ул неча Жайхундин зиёд,  
Инсу жинслар топдилар андин нажот.

Ёмғир истар эрса жаннат гулшани,  
Истамасму шўрлаган тупроқ ани?

Эй рафиқ, этгил дуойи нолишинг,  
Ул қабул бўлгайму, бўлмас, не ишинг?

Нонни деб гар кўзларингда битса сув,  
Сен ўшал нондин ҳамоно қўлни юв.

2350 Ўзни мавзун айла, эпчил, нолакор,  
Кўзларинг ёшига ул нонингни қор.

### ҲОТИФНИНГ ХАЗИНА ИЗЛАГАНГА ОВОЗ БЕРИБ, ХАЗИНА АСРОРИДАН УНИ ОГОҲ ЭТГАНИ

Ул дуо ичра етиб илҳому роз,  
Мушкилотдин Ҳақ уни этди халос.

Сенга ҳотиф, уз камонидин ўқ, деди,  
Лек камон торини тортгил, демади.

Бор кучингни айлабон илкингда жам,  
Чекмагил тори камонни мунча ҳам.

Ўқ отарсен беҳуда мўлжалга чун,  
Кўрсатарсен бир камончи санъатин.

---

<sup>221</sup> Косалес - бу ерда ҳиммати паст, маъномида.

2355 Ташла бу қаттиқ камонни, тортмагил,  
Ўқ отар бўлсанг, йироққа отмагил.

Сен кучанмасдин, ҳафиф отгил ани,  
Ёлвориб ахтар кейин ганжинани.

Ҳақ сенга жондин яқинроқдир, бироқ,<sup>222</sup>  
Сен фикр ўқини отгайсен йироқ.

Эй, камондин ўқ узиб, ганж изладинг,  
Ов яқинда, сен йироқни кўзладинг.

Ким йироқ отса, йироқ тушгай ўшал,  
Ганжидин айру, фироқ тушгай ўшал.

2360 Фалсафий фикр ичра ўлди, билмади,  
Ганж унинг ортида қолди, билмади,

Ул елиб, ҳар неча жавлон этгуси,  
Ганжидин шунча йироққа кетгуси.

“Жоҳиду фийно” деди ул шаҳриёр,  
“Жоҳиду ёанно” эмас, эй беқарор?

Ўйла, Канъон тушди ул Нухдин йироқ,  
Чиқди ул тоғ бошига, руҳдин йироқ.

Қанчалар тирмашди бўлмоққа халос,  
Шунчалар қолди халоси унга оз.

2365 Бўйлаким дарвеш-да излаб ганжу коң,  
Чекди кун-кундан чу қаттиқроқ камон.

Отгани тушди нишонга нақд бўлиб,  
Қолди ганждин бенаво, бадбахт бўлиб.

---

<sup>222</sup> Қуръони карим, Коф сураси, 16-оятга ишорат.

Бир мисол бор элда чун ибрат аро,  
Жони нодонлар мудом заҳмат аро.

Улки жоҳил тарки устоз айлади,  
Мустақил дўкон очишни ўйлади.

Ранжитиб устозни очгайсен дўкон,  
Топганинг унда илон бўлгай, чаён.

2370 Сен ўшал дўконни бузгил, ортга қайт,  
Гулга қайт, гулшан ила роҳатга қайт.

Ўхшама Канъонга, айлаб ул ҳаво,  
Кемадин юз бурди, қолди бенаво.

Илми панд берди фақирга, кўр ани,  
Қўйнида эрди ўшал ахтаргани.

Эй басо илму заковатларки, ул,  
Ўйлаким бир йўлтўсар шайтон эрур.

Аҳли жаннат аксарий аҳмоқ бўлар.  
Фалсафийнинг шарридин фориф улар.

2375 Этма манманлик, қиё боқма анга,  
То ёгилгай нури раҳматлар сенга.

Этма зийраклик, синиқлик зидди ул,  
Гўлу нодонлар била сафбаста бўл.

Ҳирс тузоғидир у зийраклик, холос,  
Истамас зийрак бўлишни покбоз.

Зийрак ул санъатга эрмиш мубтало,  
Соддадиллар билгани Ҳақдир, Худо.

Она ҳам олгай гўдакни бағрига,  
Қўл-оёқ бўлгай, паноҳ бўлгай анга.



БИР МУСУЛМОН, БИР НАСОРО, БИР ЯҲУДИЙ  
ЙЎЛДА ЙЎЛДОШ БЎЛИШГАНИ, БИР МАНЗИЛДА  
УЛАРГА БИР КЕСИМ ҲАЛВО БЕРИШГАНИ, НА-  
СОРО ВА ЯҲУДИЙ, УНИ ЭРТАГА ЕЙМИЗ, ДЕЙ-  
ИШГАНИ, МУСУЛМОН РЎЗА ТУТГАНИ ТУФАЙ-  
ЛИ КЕЧАСИ ОЧ ҚОЛИБ, ҲАЛВОНИ ЕБ ҚЎЙГАНИ

2380 Бир ҳикоят тингла энди, эй ўғил,  
Ўзни беҳуда синовга қўймагил.

Ул жуҳуду мўмину тарсо магар,  
Йўл босиб йўлларда ҳамдам бўлдилар.

Икки гумроҳ юрдилар мўмин билан,  
Чун хирад йўлдоши нафсу аҳриман.

Марғалик, ройликка ўхшаб, ҳамсафар,<sup>223</sup>  
Ҳамраҳу ҳамсуфра бўлмиш эрдилар.

Бир қафасда мисли зоғу чуғзу боз,<sup>224</sup>  
Битта зиндон ичра поку бенамоз.

2385 Бир работда, яъни, бир манзил аро,  
Аҳлу шарқу аҳли ғарбу моваро.<sup>225</sup>

Турсалар карвонсаройда, не ажаб,  
Неча кунлар қаҳратону қор сабаб.

Йўл очилса, қўзғалиб, юргай улар,  
Бир-биридин бўйла айрилгай улар.

Чун хирад шоҳи қафасни синдирур,  
Барча қушлар кўк сари парвоз қилур.

---

<sup>223</sup> Марғалик, ройлик - Мароға ва Рой шаҳарларининг фуқарола-  
ри.

<sup>224</sup> Чуғзу боз-бойқуш ва лочин.

<sup>225</sup> Моваро - Мовароуннаҳр.

Ҳар бири тушгай магар ўз роҳига,  
Талпинур ўз жинси, манзилгоҳига.

2390 Ул қафас ичра тўкарди ашки оҳ,  
Йўқ эди бир дам қанот сирпашга роҳ.

Йўл очилгач, баски учгай ел каби,  
Кўнглида манзилга етмоқ матлаби.

Ул тарафлар ёди ашку оҳ эди,  
Етди фурсат, учди, парвоз айлади...

Сен танингга боқ, шу ажзойи бадан,  
Келди қайлардин, йиғилди, бўлди тан?

Обию хокию бодий, оташий,  
Аршию фаршию румию каший.<sup>226</sup>

2395 Ҳар бири келган йўлига кўз тикиб,  
Қолдилар карвонсаройда уф чекиб.

Қор уза қор эрди, музлар қатқалоқ,  
Ул адолат офтобидин йироқ.

Лек адолат офтоби сочса нур.  
Тоғ эриб, гоҳ қум бўлур, гоҳ жун бўлур.

Қолмагайдир қор уюмлардин нишон,  
Тан эрийдир бўйлаким, тарк этса жон.

Етдилар карвонсаройга хулласи,  
Бир кесим ҳалво узатди биттаси.

2400 Бир сахийнинг хонасидин эрди ул,  
Тангрининг ошхонасидин эрди ул.

---

<sup>226</sup> Байтнинг мазмуни: қай бири сувга мансуб, қай бири тупроққа, қай бири елга мансуб, қай бири оловга... қай бири Аршдан келмиш, қай бири Фаршдан, қай бири Рум ўлкасидан, оқ юзли, гўзаллар гўзали.

Битта иссиқ нону ҳалвойи асал.  
Бир савобга боис эрмишди ўшал.

Ая қиёсат вал-адаб лоҳлил мадар,  
Аз-зиёфат валқиро лоҳлил вабар.

Аз-зиёфат лил-ғарби в-ал-қиро  
Авдаъар-раҳману фи аҳлил қуро.

Кулли явмин фил-қуро зайфу ҳадис  
Мо лаҳу ғайрул илаҳи мин муғис.

2405 Кулла лайлин фил-қуро вафду жадид  
Молахум сумма сиваллоҳи маҳид.<sup>227</sup>

Иккисин қорни тўло тутмоч эди,  
Лек мусулмон рўза тутмиш, оч эди.

Ул емак оқшомда этмишди насиб,  
Оч қолиб, ҳолдин чу тоймишди ғариб.

Иккиси кўргач у нону ҳолвани,  
Дедиларким, эртага ермиз ани.

Биз жуда тўқмиз, бугун ортиқча ул,  
Эртага этсак тановул, куш келур.

2410 Деди мўмин: йўқ ейилсин шул емиш,  
Эртага қўймоққа не ҳожат эмиш?

Бул сўзига эътироз айлаб улар,  
Дедилар: ёлғиз емоқчисен магар?

---

<sup>227</sup> Фаҳму фаросат, одоб шаҳарликларга хос, меҳмон кутиш, му-софирнинг кўнглини олиш қишлоқликлар фазилати. Раҳмон меҳ-моннавозликни, ғариблар кўнглини шод этишни қишлоқиларга буюрмиш. Қишлоқларга ҳар куни Тангридин ўзга бир кимсаси бўлмаган бир мусофир келур. Қишлоқларда ҳар кеча Худодан ўзга бир таянчи бўлмаган бир жамоа жам бўлур.

Деди: дўстлар, уч кишидирмиз, демак,  
Уч бўлакка теппа-тенг бўлмоқ керак.

Истаган этсин тановул бул кеча,  
Истаган қўйсин емакни тонггача.

Дедиларким, қўй, бўлинмоқлик ёмон,  
Ким бўлингай, ўтда ёнгай бегумон.

2415 Деди мўмин: ўтда ёнгайдир киши,  
Амри Ҳаққа тескари эрса иши.

Мулки Ҳақсен, ҳаққидирсен сен унинг,  
Битта эрмас, икки дерсан сен уни.

Енгар эрди ул арслон, не қилур,  
Лек тубанларнинг замони эрди ул.

Баҳс этиб шер, унда устун келмади,  
Баҳс аро келди ҳўкизлар омади.

Шул мусулмон ғам есин, дерди улар,  
Оч қолур, деб интизор эрди улар.

2420 Бўлди мағлуб ул ва таслими ризо,  
Деди: самъан тоатан асҳобуно.<sup>228</sup>

Ётдилар оқшом, саҳарлаб турдилар,  
Юз ювиб, ўзларга оро бердилар.

Бас, ювинди, чайди оғзин ҳар бири,  
Тилга келди сўнг дуойи такбири.

Ҳар бири ўз қурбича айлаб дуо,  
Сўрди Ҳақ лутфини, этди илтижо.

---

<sup>228</sup> Биродарлар, сўзингиз бош устига.

Мўмину тарсо, жуҳуду габру тур  
Юзланурлар сенга, султони улур.

2425 Тошу тупроқ ҳам, ҳаво ҳам, сув ҳам,  
Ёлборурлар сенга пинҳон, эй Хўжам.

Бул сухан сўнгсиз, адосиздир, улар,  
Дўст бўлиб, бир даврада ўлтирдилар.

Биттаси дедики, тушда не аён  
Бўлди, ҳар ким сўйласин, этсин баён.

Яхшироқ туш кўрган ул ҳалво есин,  
Ўзгалар ҳаққин тановул айласин.

Қўл чўзар бўлса таомга комил эр,  
Ул емас ёлғиз, таомни жумла ер.

Нурли, юксак жони жавлон айлагай,  
Ўзгалар дардига дармон айлагай.

Баски, оқиллар бақо топгай абад,  
Боқий этгайдир жаҳонни бу сифат..<sup>229</sup>

Ҳаммадин олдин жуҳуд сўз бошлади,  
Тушлари дўнёсига кўз ташлади.

Деди: турдим мен Мусо ўтрусида,  
Думба кўргайдир мушук уйқусида.

Эргашиб бордим, етишдик тоғи Тур,  
Биз учовлонни баробар қучди нур.

2435 Учта соя мавҳ бўлди, офтоб,  
Шуъласидин бир эшик очди шу тоб.

---

<sup>229</sup> Бу байтларда “Илм-исломнинг ҳаёти, иймоннинг таянчи”, “Олимлар-Оллоҳнинг нури, пайғамбарларнинг халифалари, менинг ворисларимдир” деган ҳадисларга ишоратлар бор.

Нур ичидин чиқди ўзга нур шу дам,  
Ул ёруғроқ эрди лекин нурданам.

Шуълалар ёприлди чун, ғарқ этди то,  
Мен адо бўлдим, Мусову Тур адо.

Сўнгра кўрдим, нури Ҳақдин тушди дарз,  
Тоғ бўлинди уч бўлакка шу нафас.

Васфи ҳайбат чун тажалли айлабон,  
Ҳар бири кетди, сурилди бир томон.

2440 Тушди денгизга етиб бир парчаси,  
Бўлди ул денгиз ширин сув ҳавзаси.

Бир бўлак тоғ ерга тушди, ўйнади,  
Остидин мрамор булоқлар қайнади.

Этди ул қутлуғ ваҳийдин чун сафо,  
Хасталарга дору дармону шифо.

Бир бўлак сайр этди Ҳақ осмонида,  
Сўнг Арофат бўлди Каъба ёнида.

Бир маҳал ҳушга келиб, кўз ташласам,  
Тоғ ўшал ўрнида эрди бешу кам.

2445 Лек Мусо пойида муз янглиғ эриб,  
Энгашур эрди, борарди кичрайиб.

Бўйла ҳайбатга гирифтор бўлди ул,  
Ер била тенг бўлди, ҳамвор бўлди ул.

Кўз очиб боз, кўзларимнинг ўнгида,  
Кўрдим ул Туру Мусони ўрнида.

Лек халойиққа биёбон лиқ эди,  
Барчаси бирдек Мусо юзлик эди.

Барчада эрди асову ҳирқаси,  
Турни мулжаллаб борарди барчаси.

2450 Қўл очиб, барча дуода эрдилар,  
“Менга кўрсатгил жамолинг” дердилар.

Хушга келдим боз, назар солдим неча,  
Ҳар бири энди кўринди ўзгача.

Анбиё эрди бу зотлар бўйлаким,  
Анбиёлар иттиҳодин англадим.

Не малакларни-да кўрдим мен магар,  
Оқ, кумуш қордин яралмишди улар.

Менга боз бир тўп малоик учради,  
Бош-оёқ оташдин эрди суврати.

2455 Бўйла сўйлар эрди ул шахси жуҳуд,  
Яхши бўлгай охири деб эт умид.

Боқма кофирга баланддин бесабаб,  
Бир куни бўлса мусулмон, не ажаб.

Не билурсен, умри битгай не била,  
Ки ўгирсанг юзни андин бир йўла?

Етди тарсога кейин сўз навбати,  
Деди: туш кўрдим, Масиҳо учради.

Бошлади тўртинчи кўкка ул ҳамон,  
Кўк дема, маъвойи хуршиди жаҳон.

2460 Қалъалар кўрдим ўшал осмонда, бас,  
Бўйласи бизнинг жаҳонда учрамас.

Эй азизим, қўйки, ҳар кимса билар,  
Ерга нисбат кўкда юксакдир ҳунар.

ТУЯ, ХҶҶИЗ ВА ҚҶҶҚОР ЙҶҶДА БИР ЧИМДИМ  
КҶҶКАТГА ДУЧ КЕЛИШИБ, ХҶАР БИРИ, УНИ МЕН  
ЕЙМАН, ДЕГАНИ

ЙҶҶлда хҶҶкиз, тева, кҶҶчқор эрдилар,  
Четда бир чимдим кҶҶкатни кҶҶрдилар.

Деди қҶҶчқор: учга бҶҶлсак, бҶҶлмагай,  
ЙҶҶқ гумон, бир кимса унга тҶҶймагай.

СҶҶзни ким ёши улугҶҶдир, ул десин,  
ҶҶтни ким ёши улугҶҶдир, ул есин.

2465 Мустафодин бҶҶйлаким суннат келур,  
Кексаларга ҳурмату иззат келур.

Бу замонда икки ҳолда халқ мудом  
Кексаларга кҶҶрсатур лутфу киром.

Ёки қайноқ ошни ич, деб қистагай,  
Ё бузуқ кҶҶприкни кеч, деб қистагай.

БҶҶлмаса кҶҶнгилда бир фикру ғараз,  
Кексани бир кимса эъвоз айламас.

Хайри бул эрса, не эрмиш шарри ул,  
Ул ёмони яхшидин маълум бҶҶлур.

МАСАЛ

2470 Жомега йҶҶл олди султон от суриб,  
Халқни йҶҶлдин сурди миршаблар уриб.

Қай бирин боши ёрилди, бҶҶлди хун,  
Қай бирининг кҶҶйлаги йиртилди чун.



Ул халойиқ ичра бедил бор эди,<sup>230</sup>  
Бегуноҳдин бергуноҳ калтак еди.

Юзлари қон, шоҳга айтди ул сўзин:  
Ошкор зулмингга боқ, қўй ўзгасин.

Жомега борганда бул хайринг сенинг,  
Энди нелар бўлгуси шарринг сенинг?

2475 Кекса бир пастнинг саломин олгуси,  
Оқибат андин балога қолгуси.

Авлиёни, майлига, қашқир есин,  
Лек уни нафси юҳодин асрасин.

Гарчи қашқир беомондир, раҳми йўқ,  
Қинғир эрмас, кўнгил тўғри, макри йўқ.

Йўқса ул бўлгайму эрди банди дом,  
Макру ҳийла одамийга хос тамом.

Деди қўчқор: ул ҳўкиз, ул тевага  
Эй биродарлар, келинг шу шевага.

2480 Ҳар киши ўз тарихини сўйласин,  
Қайга етмиш ёши, ошкор айласин.

Бошланур ёшим қадимнинг ўзидин,  
Яъни, Исмоилга қурбон кўзидин.

Деди ҳўкиз: мен-да айтгум беҳато,  
Қуш қўшиб, ер ҳайдамиш Одам Ато.

Ки ўшал қўш ичра мен ҳам бор эдим,  
Ул ҳўкизнинг жуфти эрдим, ёр эдим.

---

<sup>230</sup> Бедил - бу ерда ошиқ маъносида.

Хўкизу қўчқорни тева тинглабон,  
Эгди бошин, майсани узди ҳамон.

2485 Чайнади бир-икки дафъа ўтни ул,  
Ямлади, ютди уни беқолу қил...

Дедиким, ҳожатму тарих айтмагим,  
Бўйла жуссам, бўйла бўйним бор маним.

Барча билгай, бу сири мубҳам эмас,  
Каттамен, ёшим чу сиздан кам эмас.

Эсли-ҳушли кимса бордирким, билар,  
Сийратим сиздан баландроқдир магар...

Деди тарсо: шу замин бошида кўк  
Неча юз карра маҳобатлиғ, буюк,

2490 Қайда осмоннинг ёруғ манзиллари,  
Қайда ул ернинг қоронғу чўллари?

**МУСУЛМОН ҚЎРГАН ТУШНИНИ ЖУҲУД ВА НА-  
СРОНИЙГА СЎЙЛАГАНИ, УЛАРНИНГ РАНЖИБ,  
ХАФА БЎЛИШГАНИ**

Деди ул мўмин: биродарлар, аё,  
Келди қошимга Муҳаммад Мустафо.

Ул бири, деди, етиб Тур тоғига,  
Кирди Мусо бирла ишқнинг боғига.

Бул бирини чун Масиҳо қўллади,  
Авжи тўртинчи самога йўллади.

Эйки, сен, бечорасен, Оллоҳ дегил,  
Кутма ортиқ, нон била ҳалво егил...

2495 Ул ҳунармандлар базе от солдилар,  
Номайи иқболу мансаб олдилар.

Икки фозил кўк ила сирлашдилар,  
Не малоиклар била бирлашдилар.

Сен боролмассен уларнинг қошига,  
Бор ўшал нон бирла ҳалво бошига.

Дедилар: ҳай, чўзма, тезроқ айт ани,  
Сен туширдингму магарким ҳолвани?

Деди: бўйла амру фармон берди шоҳ,  
Мен нечун амрини этмасмен адо?

2500 Сен, жухуд, шоҳинга мункир эрмисен,  
Гар Мусо амр этса, йўқ-йўқ, дермисен?

Сен, масиҳий, эрса гар амри Масиҳ,  
Дермидинг йўқ, ул хайр бўлсин, қабиҳ?

Анбиё амр этса, мен йўқ дермидим?  
Масту сарҳушманки чун, ҳалво едим.

Дедилар: валлоҳи, хушдир сенда туш,  
Туш бўлурму мунча ҳам зебову хуш?

Туш эмас, бедорлик эрмиш ул магар,  
Унда бедорликдин эрмишдир асар.

2505 Сен-да тарк этгил таманно, фазлу фан,  
Иш деган хизмат эрур, ҳулқи ҳасан.

Тангри йўқликдин сени бор этди чун,  
Мо халақт ул-инса илло яъбудун.<sup>231</sup>

Ул ҳунар-ла сомурий не айлади?  
Ҳақ уни қувди эшикдин, ҳайдади.

---

<sup>231</sup> “Инсонларни менга сифинсинлар, менга бандалик этсинлар учун яратдим” Қуръони карим, Ва-з-зориёт сураси, 56-оятга ишорат.

Кимёдин етдиму Қорунга жом?  
Ер уни қаърига тортди, вассалом.

Бул-ҳақим топди ҳунардин не самар?  
Маскани бўлди жаҳаннамда сақар.

2510 Чин ҳунар бу-ўтни кўрмақдир аён,  
Ки тутун бор жойда ўт бўлгай ҳамон.

Эй далилинг мунча кетмишдир ачиб,  
Олдида хушдир далили ул табиб.

Бўлмаса бошқа далилинг, эй ўғил,  
Бор, нажосат бирла ўзни сийлагил.

Бу далилингдир қўлингда чун асо,  
Маълум этгайдирки, сен кўздин жудо.

Сўнг дегайсен: барча олди-қўйдени  
Кўрмагайсен, баски, маъзур тут мени.

ТЕРМИЗ ПОДШОСИ САЙЙИД КИМДА КИМ УЧ  
ЁКИ ТЎРТ КУН ИЧИДА МУҲИМ БИР ИШ ЮЗА-  
СИДАН САМАРҚАНДГА БОРИБ КЕЛОЛСА, УНГА  
БИР ТЎН, БИР ОТ, БИР ҚУЛ, БИР ЧЎРИ ВА БИР  
ҲАМЁН ТИЛЛА БЕРАМАН, ДЕБ ШАҲАРГА ЖАР-  
ЧИ ҚЎЙГАНИ, ДАЛҚАК БУНИ ҚИШЛОҚДА ЭШИ-  
ТИБ, ОТЛАНИБ, ШАҲАРГА КЕЛГАНИ ВА ПОДШО  
ҲУЗУРИГА КИРИБ, БУ ИШНИ МЕН  
ЭПЛАЙОЛМАЙМАН, ДЕГАНИ

2515 Саййиди Термиз эди шоҳи улуғ,  
Далқаки огоҳ эди анга қизиқ.<sup>232</sup>

Чиқди подшонинг Самарқандда иши,  
Шунга лозим эрди бир эпчил киши.

---

<sup>232</sup> Кизиқ - қизиқчи, масхарабоз.

Жарчи қўйди: кимки ҳал этгай буни,  
Мен мукофот бирла сийлармен уни.

Бу хабар қишлоққа етди, Далқак ул,  
Отланиб, Термизга дарҳол олди йўл.

Тўхтамай от сурди, этди чун шитоб,  
Неча бир тулпорни қилди ул хароб,

2520 Ўйлаким, тушди мусибат бошига,  
Бемаҳалда келди подшо қошига.

Ваҳму миш-миш тарқади девонга ҳам,  
Бир ҳадик юқди магар султонга ҳам.

Бир бало қўзғолди ногоҳ деб тамом,  
Шаҳр аро ташвишда қолди хосу ом.

Ўки душман бир қабоҳат этдиму?  
Ўки ғайбдин бир фалокат етдиму?

Не сабабдин мунча от сурмуш жадал,  
Бир ҳалокат содир ўлмишму магар?

2525 Шоҳ саройи олдида тўпланди халқ,  
Боисин билмоққа ичдин ёнди халқ.

Келди чун отлар суриб, суръат била?-  
Деб бутун Термизга тушди гулгула.

Қай бири муштларди тинмай тиззасин,  
Қай бири қўймишди вовайло сасин.

Бир бадо тахмини, қўрқинч эҳтимол,  
Бирла ҳар жонда ваҳм эрди, хаёл,

Ҳар бир ўйларди: қандоқ оташ ул  
Ҳирқамизга тушди, бизни ёндирур?

2530 Кирди Далқак шоҳ ҳузурига, адаб  
Расми-ла ер ўпди, шоҳ сўрди: не гап?

Ул келаркан, халқ-да сўрмишди буни,  
Лабга босмиш эрди ул бармоғини.

Халқ яна қўрқув аро тушмиш эди,  
Не юракларга яро тушмиш эди.

Шаҳга Далқак бир ишоратдин кейин,  
Дедиким, бир дам нафасни ростлайин,

Ақлу ҳушни тўплайин бошимга мен,  
Бир аломат мулки олам ичрамен.

2535 Кечди дам, қўрқувга тўлгунча дили,  
Шоҳ бўғилди ҳам тахир тортди тили.

Кўрмамишди подшо Далқакни чун,  
Шоҳга маҳрам эрди, ульфат, ҳамнишин.

Доимо афсона, лоф сўйлар эди,  
Кулдириб, шоҳ кўнглини овлар эди.

Шоҳ куларди ҳар сафар қаҳ-қаҳ отиб,  
Қорнини ушлаб, вужудин силкитиб.

Гоҳ йиқилгунча чу кулгай эрди шоҳ,  
Гоҳ кулиб, ерга йиқилгай эрди шоҳ.

2540 Шоҳ бугун қайғуда кўрмишди уни,  
Лабга босмиш эрди Далқак илкинни.

Шоҳ боқиб, кўнгли тагин вайрон эди,  
Не бало юз берди, деб ҳайрон эди.

Кўнгли ичра бир ваҳима бор эди,  
Хоразмшоҳ, қўшниси хунхор эди.

Неча бир шоҳларни ўлдирмишди ул,  
Неча эллар устига юрмишди ул.

Шоҳи Термиз қалтирарди фолидин,  
Ваҳми ортмиш эрди Далқак ҳолидин.

2545 Сўрди Далқакдин: баён этгил, не гап?  
Бўйла бир безовталикка не сабаб?

Деди Далқак: етди қишлоққа хабар,  
Бонг уриб, кезмиш шаҳарни жарчилар.

Борса уч кунда Самарқандга киши,  
Кам эмас, таҳсинга лойиқдир иши.

Сўнгра шул уч кун ичида қайтса ул,  
Подшо эҳсонига ноил бўлур.

Бул хабар қишлоққа етгач мен ҳамон,  
Айтгали елдим, югурдим бул томон.

2550 Подшоҳим, сен умидвор бўлма, ҳай,  
Бўйла бир хизмат қўлимдин келмагай.

Хизматинга, деди шоҳ, лаънат сенинг,  
Бўйла бир ташвишга қўйдинг барчани.

Арзимас шул гапни деб, эй бесубут,  
Ўт ёқиб, қўйдинг базе яйловга ўт.

Баъзи хомлар илкида табу алам,  
Дейдиларким, биздадир фақру адам.

Лофу шайхлик бирла айтурлар ўгит,  
Кўрсатурлар ўзни гўё Боязид.

2555 Ўзни гўё Ҳаққа етган кўргизиб,  
Лоф урарлар эл аро мажлис тузиб.

Бас, куёвнинг уйида ошибу шар,  
Қиз томон лекин бу гапдин бежабар.

Эпладик, дерлар, юмушнинг ярмини,  
Неки шарт эрди, адо этдик ани.

Сочдик уйларга баса олтин-кумуш,  
Шул ҳавас бирлан юрибмиз масту хуш...

Ул тараф лекин ишорат этдиму?  
Ул тарафдин бир иборат етдиму?

2560 Борди-келди совчингиз ҳар кун шитоб,  
Бўлдиму сизга муайян бир жавоб?

Бўлмади, чунки санам огоҳ эрур,  
Чунки кўнгилдин кўнгилга роҳ эрур.

Сиз умид этган у ёрдин нома йўқ,  
Йўлки бўм-бўш эрса, бир ҳангома йўқ.

Юз аломат бор, боқиб, кўргил ани,  
Ул эшикдин лек кўтарма пардани.

Сўзни боз ул бетайин Далқакка бур,  
Бошига қандоқ бало орттирди ул.

2565 Подшога юзланиб вазир шу дам,  
Дедиким, шоҳим, эшитгил бир суҳан.

Далқак ул бир гап ила келмиш эди,  
Айтмади, балки пушаймонлар еди.

Эскини мойлаб, оширмоқ истади,  
Янгини айтмай, яширмоқ истади.

Қинни кўрсатди қилич айлаб ниҳон,  
Ўрнидир қийноққа солсак шу замон.



Чақмагунча тош била пўстини, ҳай  
Писта, ёнроқ ҳам ичин кўрсатмагай.

2570 Боқма айтган сўзи сўлу соғига,  
Рангига боқ, лаблари титроғига.

Юзда акс этган кўнгил туйғусидир,  
Юз, демишларким, кўнгил кўзгусидир.

Юзлари аксига зиддир бул хабар,  
Шарр ила доим қоришгандир башар.

Шунда Далқак берди эрк афғонига,  
Деди: шоҳим, кирма мискин қонига.

Гоҳи кўнгилга гумонлар ёпилур,  
Аслида сидқу ҳақиқат эрмас ул.

2575 Гоҳида шубҳа - гуноҳдир, эй вазир,<sup>233</sup>  
Бўйла бир зулминга лойиқмас фақир.

Ўзни ранжитганни ранжитмас илоҳ,  
Ўзни кулдирганни ранжитгайму шоҳ?

Шоҳ вале вазир сўзини тинглади,  
Бунда макру ҳийла бор деб ўйлади.

Амр этди: банди зиндон айлангиз,  
Сўзига учманг, забонин бойлангиз.

Ёғдиринг калтак довулдек қорнига,  
Баски калтаклар насиб этсин анга.

2580 Гар довулга тушса калтак ҳар сафар,  
Ҳолидин мардумга бергайдир хабар.

---

<sup>233</sup> Қуръони карим, Хужурот сураси, 12-оятга ишорат.

Зўрга тушса, сиррини гуллар бaсе,  
Ўрнига тушгай шу кўнгиллар бaсе.

Тўғри сўз - нурдир, кўнгилни тинчитар,  
Ҳар нечук ёлгон уни нотинч этар.

Ҳас эрур ёлгон, кўнгил эрмиш даҳон,  
Ҳас оғизга тушса, қолгайму ниҳон?

Ҳас оғизга тушса, тил ҳайдар нари,  
Қўймагай, сўргай оғиздин ташқари.

2585 Кўзга тушса, намланур кўз мутгасил,  
Дам очилгай, дам юмилгайдир нуқул.

Ҳасни эзгаймиз оёқ бирлан атай,  
Токи кўзларга, оғизга тушмагай.

Деди Дақак: подшоҳим, қийнама,  
Раҳму шафқат айла, бедод айлама.

Сен жазо бермоққа этма чун шитоб,  
Қуш эмасманки, учиб кетсам шу тоб.

Тангри ҳаққи, кимсага берсанг жазо,  
Амри Ҳақдир бу - ошиқмоқ нораво.

2590 Гар киши тушса ғазабга, бул аниқ,  
Дейди: зуд этсам жазога мустаҳиқ.

Қўрқадир қаҳру ғазаб ўтгай, дебон,  
Интиқом завқи кечиб кетгай дебон.

Сохта бир хоҳиш таомга тортади,  
Ўтмагай, деб дилда қўрқув ортади.

Иштаҳа чин эрса, оз-оздин емоқ,  
Жоиз эрмишким, ҳазм бўлгай томоқ.

Сен бало дафъига ургайсен мени,  
Чун бекитгайсен очилган раҳнани.

2595 Келмасин, дерсан, у ёқлардин бало,  
Лек балога раҳна очгайдир қазо.

Чораи дафъи бало эрмас ситам,  
Чораи дафъи бало - афву карам.

Деди: ас-садқа марадду лилбало  
Дови марзока би садқа, ё фато.<sup>234</sup>

Садақа эрмас ёқиб дарвешни,  
Айласанг кўр чашми ҳилмандешни.<sup>235</sup>

Шоҳ деди: лутфи азалдир яхшилик,  
Ўрнида эрса, гўзалдир яхшилик.

2600 Рухга гал келганда шоҳ сурмоқ - хато,  
Шоҳга гал келганда от юрмоқ-бало.

Лутф бор жойда жазо ҳам бўлгуси,  
Шоҳ саройга, от охурга боргуси.

Ҳар неким ўрнида эрса, адл эрур,  
Зулм ўлур ўрнида эрмас эрса ул.

Ҳақ яратмиш, бежиз эрмас, эсда тут,  
Қаҳру кин, раҳму аёв, макру ўгит.

Ҳеч бири дунёда мутлақ хайр эмас,  
Ҳеч бири дунёда мутлақ шарр эмас.

2605 Ҳар бирини наф келгайдир, зарар,  
Лозим ўлгай илм олмоғинг магар.

---

<sup>234</sup> Пайгамбар деди: балони даф этувчи - садақадир, садақа бер-  
да, хастани давола.

<sup>235</sup> Чашми ҳилмандеш - меҳрибон кўз.

Эй басо мискинга этмишлар итоб,  
Нону ҳалводин-да ул хайру савоб.

Гоҳи калтак дору дармондир анга,  
Гоҳи ҳалво офати жондир анга.

Лозим эрса, этма шафқат, шатта ур,  
Урганинг юз бир балодин қутқарур.

Шатта қувгайдир киши найрангини,  
Шатта тўккайдир наमतнинг чангини.

2610 Базму зиндон ёнма-ён, ҳамроҳ эмиш,  
Яхшига базму ёмонга чоҳ эмиш.

Тибда ҳам аввал ёрилгайдир яро,  
Сўнгра бир малҳам сурилгайдир анго.

Кун ўтаркан, фойдаси бўлгай аён,  
Қўл тегизмоқлик анга этгай зиён.

Айди Далқак: мен демасмен, қўй мени,  
Гап не эрмиш, сен суриштир, бил ани.

Бойлама йўлни сўраб, билмоққа чун,  
Сабр қил, этгил таҳаммул неча кун.

2615 Сабру тоқат бирла аввал бил тайин,  
Майлига, чўзгил қулоғимни кейин.

Юз тубан юрмакни манъ этмиш нетиб?  
Юр, демиш, қаддингни доим рост этиб.<sup>236</sup>

Аҳли солиҳ бирла этгил машварат -  
Деб сенга бўлди Набийдин марҳамат.

---

<sup>236</sup> Қуръони карим, Мулк сураси, 22-оятга ишорат.

Кенгашинглар, деб буюрди бизга ул,  
Кенгашиб, этсанг, хато кам-кам бўлур.

Чунки оқиллар - чароғи шан эмиш,  
Бир ақлдин ўн ақл равшан эмиш.

2620 Ул ақллар ичра бордир эҳтимол,  
Кўкка пайваста, чароғи бемисол.

Чунки кўкдин пардаи асрор тушиб,  
Суфлию улвийни қўймишдир қўшиб.<sup>237</sup>

Кез, демиш, кўнгил, не эрмишдир жаҳон,  
Изла ризқ, бахтингни айла имтиҳон.

Тингла мажлисларда мардум нақлини,  
Изла ҳар ерда Расулнинг ақлини.

Ул ақлдир бизга мероси Расул,  
Ўнгу ортида кўрар ғойибни ул.

2625 Бўйла бир кўз изла, ахтар, топ ани,  
Мен этолмасмен баёну шарҳини.

Шул сабабдин ул азизу аржуманд,  
Айлади хилватга юз тутмоқни манъ.

То кўришсинлар ёронлар даҳр аро,  
Ул назар бахтдир, чу иксиру бақо.

Аҳли солиҳ ичра солиҳ бор магар,  
Амру фармонига султон “саҳ” чекар.<sup>238</sup>

Ҳар дуоси чин ижобатдир, карам,  
Инсу жинслар ичра улдир муҳтарам.

---

<sup>237</sup> Суфлий - паст. Улвий - юксак, баланд.

<sup>238</sup> Саҳ чекмоқ - тасдиқламоқ.

2630 Не эмиш унга рақиблар гийбати,  
Ўтмагай Ҳаққа уларнинг ҳужжати.

Биз уни кўкларга юксалтдик чунин,  
Узру ҳужжатни кўтардик ўртадин.

Қиблани кўрсатди Тангри: бул турур,  
Энди қибла излаган мардуд эрур.<sup>239</sup>

Қиблага талпин, кўзингни узмайин,  
Йўқ эса, майдонда қолмоғинг тайин.

Бир нафас бурсанг юзингни, шул ора,  
Кулгу бўлгайсен, жаҳонга масхара.

2635 Ҳаққа шукрон айла, йўқса, эй фалон,  
Қайда эрмиш қибла, билмоғинг гумон.

Гар кутар эрсанг бу омбордин самар,  
Улфати ҳамдард ила бўл ҳар маҳал.

Андин айрилсанг-чи, учраб тошга сен,  
Дуч келарсен бир ёмон йўлдошга сен.<sup>240</sup>

СИЧҚОННИНГ ҚУРБАҚА ИЛА ДЎСТ ТУТИНГАНИ,  
ИККАЛАСИ ОЁҚЛАРИНИ УЗУН ИП ИЛА БОҒ-  
ЛАШГАНИ, ҚАРҒА СИЧҚОННИ ИЛИБ, ҲАВОГА  
УЧГАНИ, ҚУРБАҚА ЕРУ КЎК ОРАСИДА ОСИЛИБ,  
ДОД СОЛГАНИ, ЎЗ ЖИНСИДАН БЎЛМАГАН БИР  
ҲАЙВОН ИЛА ДЎСТ КИРИШГАНИДАН ПУШАЙ-  
МОНЛАР ЕГАНИ

Боқки, сичқону бақа, аҳли вафо,  
Бўлдилар бир сув бўйида ошно.

<sup>239</sup> Мардуд - рад этилган, қувилган, яъни шайтон.

<sup>240</sup> Қуръони карим, Зухруф сураси, 38-оятга ишорат.

Бир-бировга бўйла маъқул тушдилар,  
Ҳар сабоҳ бир гўшада учрашдилар.

2640 Меҳру шафқатдин яқолар чок эди,  
Ваҳму васвосдин кўнгиллар пок эди.

Баҳралар етгайди дилга дамба-дам,  
Қиссахон эрди улар, тингловчи ҳам.

Роз сўйлаб бозабону безабон,  
“Ал-жамоа раҳма” бўлмишди аён.<sup>241</sup>

Хуш эди сичқон ўшал, қурбақа шод,  
Неча йиллик кечмишин айларди ёд.

Сўз-да дўстликдин нишона бўлгуси,  
Гар сукут эрса, ризолик белгиси.

2645 Дил кўриб дилбарни ўлтиргайму жим?  
Гулни ул булбул кўриб, тургайму жим?

Ул балиқ лутфи Хизрдин сачради,  
Гарчи бирён эрди, сувга сакради.

Дўстки ул дўст бирла ўтру ўлтирур,  
Неча минглаб лавҳи асрор ўқилур.

Лавҳи маҳфуз дўстга-дўст пешонаси,  
Икки олам сиррининг кошонаси.

Раҳнамодир ул ҳамиша дўст учун,  
Мустафо айтмишки, асҳобим-нужум.

2650 Дашту чўл, денгизда юлдуз раҳнамо,  
Кўзларингни тик анга, ул муқтадо.

---

<sup>241</sup> “Жамоат раҳматдир, яккалик азоб” (Ҳадис).

Кўзларинг бўлсин ҳамиша унга зор,  
Баҳс этиб, йўлдин қўпорма чанг-ғубор.

Чанг-ғубор учса, кўролмассен тақир,  
Кўрмогинг қайда, эшитмоқ қайдадир.

Эрса Ҳақдин лек ваҳий ул, Ҳақ сўзи,  
Чанг-ғуборни дафъатан чўктиргуси.

Чун ваҳий Одамга етди, тушди нур,  
Алламус асмони ўзга очди ул.<sup>242</sup>

2655 Ҳар неча ном борки, аввал эрди сир,  
Энди дилдан тилга келди бирма-бир.

Кўрди ҳар не, айтди исми сийратин,  
Англадиб хосияту моҳиятин.

Ҳар не лойиқ эрди, айтди ул ани,  
Бермади қўрқоққа арслон отини.

Сурди Нуҳ умрини, лекин эсда тут,  
Сўйлади умматга ҳар кун бир ўғит.

Барчасин кўнгилдин олмишди билиб,  
На рисола, на-да ул “қут-ул-қулуб”<sup>243</sup>

2660 Олмамишди бир китобдин, эй ўғил,  
Барчаси жон чашмасидин эрди ул.

Бўйла бир майким анга тортиқ эди,  
Гунг агар ичса, ажаб нотик эди.

Гар гўдак нўш этса, бийрону фасиҳ,  
Ҳикмат айтур эрди элга чун Масиҳ.

---

<sup>242</sup> Алламус асмо - исмларни ўргатди.

<sup>243</sup> “Қут ул-қулуб” Абу Толиби Маккийининг тасаввуфга доир китоби.



Тоғ-да ул май бирла маст эрди магар,  
Бўйлаким Довудга ўргатди газал.

Тинглабон қушлар фараҳга тўлдилар,  
Куйлади Довуд, ҳама жўр бўлдилар.

2665 Демаким қушлар фақат сармаст эди,  
Қўл урар бўлса, темир ҳам маст эди.

Гарчи Од қавмига қаттол бўлди ел,  
Лек Сулаймоншоҳга ҳаммол бўлди ел.

Бошида доим тутарди тахтини,  
Субҳу шом манзилга элтарди ани.

Унга ҳаммол эрди ел, жосус эди,  
Сирли сўзлар етказиб, махсус эди.

Топса ғойибдин хабар, этмай унут,  
Шоҳ қулоғига шивирлар эрди зуд.

2670 Ки фалоний айтди шундоқ бул замон,  
Эй Сулаймон, дерди, эй соҳибқирон...

СИЧҚОН ҚУРБАҚАГА, МЕН СЕНИ КЎРМОҚЧИ  
БЎЛСАМ, СУВГА ТУШОЛМАЙМАН, БИР ЧОРА-  
СИНИ ҚИЛАЙЛИК, МЕН СУВ БЎЙИГА КЕЛИБ,  
СЕНГА ХАБАР БЕРАЙ, СЕН ИНИМ ОҒЗИГА КЕ-  
ЛИБ, МЕНГА ХАБАР БЕРГИЛ, ДЕГАНИ

Бул сухан поёнсиз армиш, бир куни,  
Деди сичқон: эй жаҳоннинг билгини.

Мен келиб ишқимни айтмоқ қасдида,  
Сен сузиб тубанда, сувлар остида.

Янграгай ҳар лаҳза кўнглим наъраси,  
Етмагай лек сенга ошиқ ноласи.

Мен сени ҳар дамда кўрмоқ истарам,  
Шул муайян дамда келмоқ менга кам.

2675 Гарчи беш вақтдир намози раҳнамун,  
Аҳли ошиққа салотун - доимун.<sup>244</sup>

Беш намоз бирлан таралмайдир хумор,  
Ул таралмас, бўлса ҳамки юз ҳазор.

Кам зиёрат эт, дейилмиш, бошқадир,  
Аҳли содиқ жони доим ташнадир.<sup>245</sup>

Сувда юргайдир балиқлар ҳар қачон,  
Сув агар йўқ эрса, қайда унси жон?

Қанчалар чексиз бу денгиз, ўйлаким,  
Ташна кўнгилларга лекин - бир ютум.

2680 Бир нафас ҳижрон анга - бир йилчадир,  
Ёр ила бир йил кўришмоқ - қилчадир.

Ташнадир ошиқ, чу излар ташнани,  
Кеча-кундуздек таъқиб айлар уни.

Кечани излайди кундуз, ошиқ ул,  
Кеча-кундуздан-да ошиқроқ эрур.

Бир-бирин кўзлайди излаб ҳар нафас,  
Бир-бирин излайди кўзлаб ҳар нафас.

Ул оёғига тушиб, беҳуш анга,  
Бул қулогидин тутиб, мадҳуш анга.

2685 Не эмиш ошиқда ўй, ошиқ фақат,  
Не эмиш Узрода ўй, Вомиқ фақат.

<sup>244</sup> Байтнинг мазмуни: одатда намоз беш вақт ўқилгай, аммо ошиқлар ҳамиша намоздадирлар.

<sup>245</sup> “Мени камроқ зиёрат айлаким, меҳру муҳаббатинг зиёда бўлгай” деган ҳадисга ишорат.

Маъшуқа қўнглида ошиқдир нуқул,  
Иккисин айро этувчи қайда ул?

Иккиси бир тева минмишларким, ҳай  
“Зўриғаббо” ул арога сиғмагай.<sup>246</sup>

Ҳеч киши ўзни зиёрат айламас,  
Ўзни ёр этмоққа навбат айламас.

Бўйла бирлик-ла ақлнинг не иши,  
Чун ўлим етганда англайдир киши.

2690 Бунга гар етса ақлнинг қуввати,  
Нафсни ўлдирмоққа йўқди ҳожати.

Ақлу ҳуш шоҳи ғамингни ермиди,  
Сенга ул, нафсингни ўлдир, дермиди?

**СИЧҚОННИНГ СУВ ҚУРБАҚАСИГА ЯЛИНИБ ЁЛ-  
БОРГАНИ, СЕН БИЛАН ҲАМИША БИРГА БЎЛИШ-  
НИ ИСТАЙМАН, ДЕБ ОҲ-ВОҲ ЧЕККАНИ**

Дедиким, васлинг тилармен, нозли ёр,  
Бир дам айрилмоққа менда йўқ қарор.

Кундузи руҳи равоним сен ўзинг,  
Кечалар ороми жоним сен ўзинг.

Ёд этарсен гоҳида шод айлабон,  
Шод этарсен гоҳида ёд айлабон.

2695 Бир кеча-кундузда, ҳеч раҳм этмайин,  
Айладинг бир бор кўришмоқни тайин.

Бир кўришмоқлик етишмас, менга кам,  
Мен мудом васлингни кўрмоқ истарам.

---

<sup>246</sup> Зўриғаббо - мени камроқ зиёрат эт.

Неча юз бор ташнамен васлингга то,  
Ташна не, юз бир ҳўкиз янглиғ юҳо.

Беҳабардирсен ғамимдин, эй амир,  
Бер закотингни, тилайдир бул фақир.

Беадаб лутфингга лойиқмас магар,  
Лек сенинг лутфинг улғудир ул қадар.

2700 Танламас лутфинг чу ободу хароб,  
Нурини ахлатга сочгай офтоб.

Бир зиён етмайди нурга, ул гани,  
Нур қуритгай лек, ўтин этгай ани.

Ул ўтин ёнгай оловда, нурланиб,  
Тафтидин ҳаммом қизийди, парланиб.

Гўнг эди ул, бўйлаким топди ҳусн,  
Етди чун хуршиди тобондин фусун,

Ерни қиздирди қуёш ул, эр эди,  
Ҳар нечук бор эрса ахлат, ер эди.

2705 Айланиб тупроққа ул, ўсди набот,  
Ҳақзо ямҳу-ул лола-ул саёт.<sup>247</sup>

Этса бир ахлатга шунча, эй ўғил,  
Нелар этмас наргису насрингга ул?

Айламишди Ҳаққа ул насрин вафо,  
Ҳақни кўр, неларни этмас ул ато?

Улки ахлатларга чун хилъат берар,  
Пок, тамизларга нечук давлат берар?

---

<sup>247</sup> Оллоҳ ёмонликларни шу йўсин йўқ этгай.

Унча бергайким мусаффоларга, ҳай,  
Сўзга сиғмас ул, луғатга сиғмагай.

2710 Ким бўлибмиз шу жаҳонда, ўйла сен,  
Кел, ёрит кулбамни, эй нурил ҳасан.

Макримизга боқма ортиқ, эй фалон,  
Биз илондирмиз, заҳарли бир илон.

Шунчалар пастмен, палидменким, ўлай,  
Ул тикан этганда қандоқ гул бўлай?

Бер тиканга сен чечакнинг хилъатин,  
Бер илонга сен товуснинг зийнатин.

Мен ёмонликда етукмен қанчалар,  
Фазлу фан бобида лутфинг шунчалар.

2715 Эйки сенга садқадир сарву суман,  
Лутфу эҳсонингга жоним орзуманд.

Мен тилаб лутфинг, ўлармен, эй нигор,  
Шунда ҳам лутфинг тилармен, эй нигор.

Балки келгайсен мозорим бошига,  
Кўз ёшинг томгай мозорим тошига.

Йиғлагайсен унда маҳрум деб мени,  
Бенаво, бечора, мазлум деб мени.

Сен ўшал лутфингни кўрсат шул замон,  
Сен ўшал сўзлардин айтгил бир нишон.

2720 Сенки ул қабримга дерсан, севганим,  
Шул замон айтгил қулоғимга маним.

БУГУНГИ ИШНИ ЭРТАГА ҚЎЙМА, СЎФИЙ-ВАҚТ  
ЎҒЛИДИР, ДЕЯ СИЧҚОННИНГ ҚУРБАҚАГА ЁЛ-  
БОРГАНИ, БАҲОНА ИЗЛАМА, ТИЛАГИМНИ  
БАЖО ҚИЛ, ОРТГА СУРМА, БОЛА ДАДАСИНИНГ  
ЭТАГИНИ ҚЎЛДИН ҚЎЙМАС, МУШФИҚ БИР ОТА  
БЎЛМИШ ВАҚТ УНИ ЭРТАНГИ КУНГА МУҲТОЖ  
ЭТМАС, ШИНАМ БИР ГУЛ БОҒЧАСИГА ЭЛТАР,  
СЎФИЙ ҲАЛҚҚА ЎХШАБ ЭРТАНГИ КУНГА КЎЗ  
ТИКМАС, ЗЕРО НАҲРДАНДИР УЛ, ДАҲРДАН-  
МАС. ОЛЛОҲ ҲУЗУРИДА НА САБОҲ БОРДИР, НА  
ОҚШОМ, УЛ ДАРГОҲДА КЕЧМИШ, КЕЛАЖАК,  
АЗАЛ, АБАД ЙЎҚДИР. КЕЧМИШ ОДАМ ИЛА  
КЕЛАЖАК ДАЖЖОЛ БЎЛМАГАЙ У ЕРДА. БУЛАР  
ЖУЗВИЙ АҚЛ ЎЛКАСИ, ҲАЙВОНИЙ РУҲ ОЛА-  
МИДАДИР, МАКОНСИЗЛИҚ, ЗАМОНСИЗЛИК  
ОЛАМИДА УЧРАМАС. СЎФИЙ - ВАҚТ ЎҒЛИДИР,  
СЎЗИДАН ЗАМОННИНГ ЙЎҚЛИГИ, ОЛЛОҲ БИР-  
ДИР, СЎЗИДАН ЭСА ИККИЛИКНИНГ ЙЎҚЛИГИ  
АНГЛАШИЛУР, САНОҚДАГИ БИРЛИК ЭМАС

Деди сўфийга чу давлатманд хўжа.  
Мен сенинг пойингда қурбонмен неча.

Ё бугун бир танга ол ё эртага,  
Бир эмас, уч танга бергаймен сенга.

Ярмини гар кеча берсайдинг, деди,  
Бир эмас, юз тингадин авло эди.

Нася нондин нақд муштум менга хуш,  
Шайладим бошимни, ургил унга мушт.

2725 Ҳар нафас бошимга тушсин зарбаси,  
Ур менга муштингни, жоним садқаси.

Оч кўзинг, жону жаҳоним, турмагил,  
Дам ганимат, нақдни қўлдин бермагил.

Ой, юзингни тунда беркитгум, дема,  
Сув, ўзандин оқ, ариқни четлама.

Сув бўйи сувдин чирой очсин, чаман,  
Сув бўйи бўйлаб кўкарсин ёсуман.

Гар ариқ бўйида яшнаб турса гул,  
Маълум ўлгай ким, тўлодир сувга ул.

2730 Дедиким, юзда кўрингай сийрати,  
Сабзалар яшноғи - ёмғир ҳиммати.

Тунда ёмғир ёгса, кўздандир ниҳон,  
Ки ҳама уйқуда бўлгай ул замон.

Яшнаган гуллар, гулистони жамил,  
Тундаги найсонга бўлгайдир далил.

Менку тупроқмен ва лекин сув ўзинг,  
Шоҳи раҳмат сен, баче ёгду ўзинг.

Бўйла ҳиммат айла, андоқ бир ато,  
Вақту бевақт хизматинг айлай адо.

2735 Сув бўйида мен этиб жондин хитоб,  
Кўз тутармен сенга, келмас бир жавоб.

Сувга тушмоқликка менга чора йўқ,  
Сув аро мендек заиф, бечора йўқ.

Элчи йўлла ёки ўзга чора қил,  
Бил мени ҳолингдин огоҳ айлагил.

Хулласи, баҳс этди андоқ икки ёр,  
Баҳс этиб, охирда бўлди шу қарор.

Иккиси бир ипга ўзни бойлагай,  
Силкитиб, бир-бирни огоҳ айлагай,

2740 Бир учи бўлгай оёғимда менинг,  
Бир учи бўлгай оёғингда сенинг.

Битта ипга бойланурмиз икки тан,  
Бойланурмиз, ўйлаким, жону бадан.

Тан надир, жонга осилган ипдир ул,  
Кўкка қўймас, ерга тортгайдир нуқул.

Жон-бақа сув ичра завқи ортадир,  
Тан деган сичқон қуруққа тортадир.

Тан ўшал арқонни тортар дамба-дам,  
Жонга етгайдир баса ранжу алам.

2745 Тортмайсайди ипни тан сичқондака,  
Сувга шўнғиб, айш этарди жон - бақа.

Кеч туриб гоҳида уйқу зўридин,  
Вақтни англарсен қуёшнинг нуридин...

Мен оёққа боғлаваймен бир учин,  
Сен оёққа боғлагайсен бир учин.

Токи тортгаймен қуруқликка сени,  
Токи ҳар гал интизоринг бил мени...

Ёқмади бу сўз, бақа бўлди малул,  
Деди: шу тахлит мени боғлайди бул.

2750 Келса бир гап яхшининг кўнглига, бас,  
Зимнида бир нарса бор, бежиз эмас.

Васфи Ҳақдирки, ўшандоқ айламиш,  
Маънисин дил лавҳи Куллдин англамиш.



Соҳиби фил қанча қистаб, урмади,  
Фил вале Тангри уйига кирмади.<sup>248</sup>

Соҳиби ҳар неча ҳайдаб, сурса ҳам,  
Босмади Каъба тарафга бир қадам.

Чун оёқлардин жудо бўлмишди ул,  
Балки турган ерида ўлмишди ул.

2755 Лек Яманга бошни бургувчи эди,  
Қўзголиб, елдек югургувчи эди,

Заҳми ғайбни билса бўйла фил ҳиси,  
Ўйла, не билгай эранлар сезгиси?

Бўйлаким Яъқуб, Набийи некбин,  
Оғалар Юсуфга сўрганда изн,

Ки, ато, саҳрога элтгаймиз уни,  
Сайр этиб, кўп мамнун этгаймиз уни.

Етмагай Юсуфга жиндек бир зарар,  
Икки-уч кунга изн бер, эй падар.

2760 Ўйнашурмиз боғу роғ сайр айлабон,  
Кўз-қулоқмиз унга, дўсту меҳрибон.

Не учун бизга ишонмассен, ажаб?  
Бормасин дерсан сайрга не сабаб?

Дедиким, мендин даме айрилса ул,  
Дарду ҳасратларда кўнглим ёқилур.

Сўйламас кўнглим сира ёлғону хор,  
Чунки унда нури Аршдин шуъла бор.

---

<sup>248</sup> Қуръони карим, Фил сурасига ишорат.

Гарчи кўнгли бошданоқ сезмиш ани,  
Бари бир бўлди қазонинг айтгани.

2765 Ўғлига берди изн ул оқибат,  
Чун қазонинг буйруғи бўлмас ғалат.

Кўр қудуққа тушса, эрмас ул ажаб,  
Кўзи бор кимса йиқилса, бул ажаб.

Чун қазо ҳар лаҳза ранглар шайлагай,  
Не тилар Тангри, ҳамоно айлагай.

Дил магар билгай-да, ҳам билмас ани,  
Қиздириб босгай темирга муҳрини.

Маили, дер кўнгил кўнгилнинг қасдига,  
Не тилар эрса, бари бош устига.

2770 Ўз-ўзидин гофил ўлгай, доғланиб,  
Жон қолур тақдир ипига боғланиб.

Мот бўлиб қолса гаҳи ул булаъло,  
Мот эмас, тақдирга эрмиш мубтало.

Бир бало юз бир балони даф қилур,  
Бир йиқилган ерда юз бор юксалур.

Бир кеча нўш этса бода шўху хом,  
Юз хумордин ул халос топгай тамом.

Оқибат пишгай-да, устод бўлгай ул,  
Банди дунё эрди, озод бўлгай ул.

2775 Безавол майдин симиргач, бўйла маст,  
Англай яхши-ёмонни бору бас.

Бўлгай ул беҳуда тақлиддин йироқ,  
Халқни банд этган хаёлатдин йироқ.

Ул хаёллар, ул кўришлар аслида,  
Не эмиш тўлқинли уммон олдида?

Унга саҳродин иморатлар келур,  
Мулку давлат ҳам вазоратлар келур.

Ул адам дунёсидин борлиқ тараф,  
Тўхтамай, мардум келурлар саф-саф.

2780 Ул биёбондин ҳар оқшому саҳар,  
Бизга карвон ортидин карвон келар.

Ўрнимиз олгай насллар кетма-кет,  
Етди навбат бизга, дерлар, энди кет.

Чун ўғил очса ақлнинг кўзини,  
Ота шайлайдир сафарга ўзини.

Шоҳ кўча бордирки, унда йўл равон,  
Халқ борурлар ул томону бул томон.

Ўлтириб-да, бир томон кетмоқдамиз,  
Янги жойга ҳар замон етмоқдамиз.

2785 Мол йиғар бўлсанг, йиғарсен, белгили,  
Эртага балки бирор иш қилгали.

Бас, мусофир ул эмиш, эй роҳпараст,  
Олга юргайдир ҳамиша, ортамас.

Пардаи дил ортидин беқилу қол,  
Ҳар нафас сенга етишгай бир хаёл.

Бир эшикдин келмаса андиша ул,  
Бас, нечук топгай сенинг кўнглингга йўл?

Ташналар саф-саф келурлар қучгали,  
Шу кўнгил қайноғидин сув ичгали.

2790 Кўзаларни сувга тўлдиргай улар,  
Тарқалиб сўнг ҳар тараф юргаи улар.

Ўй-хаёллар-турфа юлдузларки ул,  
Ўзга бир осмонда чақнаб, айланур.

Шукру исор айла саъди учраса,  
Тавба қил, хайр айла наҳси учраса.<sup>249</sup>

Ким бўлибмиз биз, аё фарзона эр,  
Боқ менинг ҳолимгаву бахтимни бер.

Жонни порлат ой нуридин кўк аро,  
Ки ўшал ер касридин тортмиш қаро.

2795 Ҳам хаёл, ваҳму гумондин эт халос,  
Ҳам қудуқ, ипдин, зиёндин эт халос.

То ажиб дилдорлигингдин бу кўнгил,  
Чарх уриб учсин, қутилсин лойдин ул.

Эй азиз, куч аҳду паймонингдадир,  
Юсуфи мазлум чу зиндонингдадир.

Сен уни туш кўр халос этмоқ учун,  
Чунки аллоҳу юҳиббул муҳсинин.<sup>250</sup>

Етти ул ориқ ҳўкизга боқки, ҳай,  
Етти бул семиз ҳўкизни ямлагай.

2800 Етти пуч бошоқни ҳам кўр, эй азиз,  
Етти тўқ бошоққа солгайдир оғиз.

Чун Мисрга етди айёми қаҳат,  
Асрагувчи ул балодин сен фаҳат.

---

<sup>249</sup> Саъд, наҳс - қутли ва қутсиз юлдузлар.

<sup>250</sup> Оллоҳ эҳсон этганларни севади.

Мен Юсуфдирмен ва зиндон бандимен,  
Шоҳ, ўзинг асра хотинлар макридин.

Арш паноҳида эдим ул фурсати,  
Туйди Ҳақ амрин онамнинг шаҳвати.<sup>251</sup>

Мен етук эрдим, макрга учрадим,  
Масканим бўлди шу зиндони раҳим.<sup>252</sup>

2805 Сурди ул жонимни Аршдин бул томон,  
Вой, хотинлар макри эрмиш беомон.

Аввал-охир дод хотиннинг дастидан,  
Руҳ эдим мен, оқибат бўлдим бадан.

Зорланиб йиғлайди Юсуф, тинглагил,  
Ёки Яъқуб ҳолига раҳм айлагил.

Боқки, жаннатдин қувилдим мен атай,  
Энди кимнинг жабридин фарёд этай?

Бир хазон япроғидирмен, ўйлаким,  
Чун биҳишти васл аро буғдой едим.

2810 Баски кўрдим лутфу икроминг сенинг,  
Ҳақ саломинг етди, пайғоминг сенинг.

Оҳ, дедим, исриқ тутатдим шул замон,  
Лек ёмон кўзларга бўлди ул нишон.

Ул ёмон кўзларни даф этгувчи, бас,  
Кўзларингдир, пурхуморинг ҳар нафас.

---

<sup>251</sup> Бу ерда Қуръони карим Аъроф сурасининг 24-оятига ишорат этилмоқда “Оллоҳ айтди: бир-бирингизга яъни, шайтон инсонга, инсон шайтонга душман бўлган ҳолингизда жаннатдан тушингиз! Энди сизлар учун маълум бир вақтгача яъни, ажалингиз етгунча ерда қарор топиб, фойдаланиш бор”.

<sup>252</sup> Зиндони раҳим - она қорни, бачадон.

Ул ёмон кўзларки, бедод айлагай,  
Кўзларинг қўймас уни, мот айлагай.

Кўзларинг этса назар, кимё қилур,  
Ул ёмон кўзларни беҳамто қилур.

2815 Шоҳ назар этса магар ҳиммат ила,  
Ярқирар лочин кўзи шиддат ила.

Шоҳ кўзи қудрат багишлайдир, мадад,  
Нарра шер овлайди лочин ул фақат.

Не эмиш шар? Маънилар шаҳбози, ҳов,  
Ул сенга овдир магар, сен унга ов.

Дин чаманзорида лочин тинмайин,  
Наъра тортар: ло-уҳиббул - офилийн.<sup>253</sup>

Баски ул парвоз этар васлингни деб,  
Етди унга зарра лутфингдин насиб.

2820 Етти чун атрингга, овозингга ҳам,  
Ҳислари - лутфингга, эъзозингга ҳам.

Файб йўлинг очсанг агар бир туйғуга,  
Кексалик келмас, ажал етмас анга.

Туйғуга бир нарса бергайсенки, ул,  
Туйғуларга бўйла подшолик қилур.

**СУЛТОН МАҲМУДНИНГ БИР КЕЧА ЎҒРИЛАР  
ОРАСИГА ТУШИБ, УЛАРНИНГ АҲВОЛИНИ БИ-  
ЛИШ УЧУН, МЕН ҲАМ СИЗГА ЎХШАШ БИТТА  
ЎҒРИМАН, ДЕГАНИ**

Тунда шоҳ Маҳмуд кезиб, танҳо эди,  
Ногаҳон бир неча ўғри учради.

<sup>253</sup> Мен ботганларни (қуёшни, ойни) севмайман.

Сўрдилар андин: танитгил ўзни сен?  
Деди: мен ҳам сизга ўхшаш ўғримен.

2825 Биттаси сўз бошлади: эй ўғрилар,  
Суйласин ҳар кимса, унда не ҳунар.

Не ҳунарга моҳир эрмиш, суйласин,  
Не амалга қодир эрмиш, суйласин.

Биттаси бошлаб дедики, дўстларим,  
Қувватим икки қулогимда маним.

Ит агар ҳурса, билармен, не деюр,  
Арзимасдир, дедилар, айтишга ул.

Бошқаси дедики, шоҳидмен ўзим,  
Бир ажаб ўткир назарлидир кўзим.

2830 Тунда дуч келсам бировга ногаҳон,  
Кундузи кўрсам, танирмен бегумон.

Ўзгаси айтди, забардастменки то,  
Бир уриб, туйнук очармен беҳато.

Биттаси: бурнимдадир чин хосият,  
Мен юриб, тупроқни ҳидлармен фақат.

Жумла инсонларни маъдан, деб Расул,  
Айтмиш эрди, не сабабдин эрди ул?

Мен билармен ҳар қарич ер устида,  
Не ажиб ганжина бордир остида.

2835 Ул бирида гар жавоҳир даржи мўл,  
Бул бирининг дахли камдир, харжи мўл.

Мисли Мажнун ҳидлаб-ҳидлаб хокини,  
Мен топармен Лайли қабри покини.

Ҳидласам, басдир думоғим билмаги,  
Ул Юсуфму Аҳриманнинг кўйлаги.

Етди Аҳмадга магар атри Яман,  
Ул насибдин мен-да бўлдим баҳраманд.

Қайда олтин эрса, ошкор айлағум,  
Қайси тупроқда вақо йўқ, сўйлағум.

2840 Биттаси деди боқиб йўлдошига,  
Мен каманд отгум баланд тоғ бошига.

Бўйлаким Аҳмад-да отмишди уни,  
Отгани осмонга элтмишди уни.

Ҳақ демишди: эйки отдинг токи байт,  
Отганинг ул-мо рамайта аз рамайт.<sup>254</sup>

Юзланиб сўнг подшодин сўрдилар:  
Сенда не эрмиш, аё фазлу ҳунар?

Деди: бир ҳикмат шу соқолимдадир,  
Сизни ул тиғи балодин қутқарур.

2845 Улки жаллод бошни шарт узмоққа шай,  
Гар қимирлатсам, ҳамоно тўхтагай.

Мен қимирлатсам соқолим, хулласи,  
Тушмагай бошларга жаллод болтаси.

Бошимизда, дедилар, тургувчи сен,  
Гар қаро кун тушса, қутқарувчи сен.

---

<sup>254</sup> Байтнинг мазмуни: Ҳақ унга, эй кўкдаги байти маъмурга каманд отган кимса, уни мендан бил, отганинг замон сен отмадинг, деди. Байти маъмур - обод уй, тўртинчи осмонда, худди Каъба-туллоҳ устида қад кўтарган, малакларга саждагоҳ бўлган маънавий уй.



Сўнгра ул жумла оёққа турдилар,  
Шоҳ саройи сори илдам юрдилар.

Хурди кўшпак, битта ўғри дафъатан,  
Деди: ит айтурки, султон биз билан.

2850 Ҳидлади тупроқни шунда битгаси,  
Бундадир, деди, бировнинг беваси.

Ўзгаси арқонни отди, қўллашиб,  
Чиқдилар деворга бир-бир тирмашиб.

Ҳидлагувчи ҳидлади боз, очди сир,  
Дедиким, бойлик, казина шундадир.

Ўзгаси эрса тешик очди жадал,  
Симу зарни қопга жойлаб, элтдилар.

Олтину зарбафту гавҳарни ҳамон,  
Форат айлаб, этдилар кўздин ниҳон.

2855 Шоҳ билиб олди чу манзилгоҳларин,  
Ҳийлаву ному паноҳу роҳларни.

Четга тортди ўзни, пинҳон айлади,  
Эртаси аҳли саройга сўйлади.

Борди миршаблар уларни тутгали,  
Ҳақ жазога сўнг гирифтор этгали.

Қўлларин бойлаб, суриб, келтирдилар,  
Барчаси қўрқувда титрар эрдилар.

Бошларида бўйлаким кулфат эди,  
Кўрдиларким, шоҳ таниш улфат эди.

2860 Кечаси кўрган кишини бегумон,  
Кўндузи кўрганда билгувчи ҳамон

Билдиким, тахт узра улким шоҳ эрур,  
Тундаги ул ҳамдаму ҳамроҳ эрур.

Хосиятлар маҳзани - соқолидир,  
Бизни тутқунлаш-унинг аъмолидир.

Ул таниб олмишди шоҳга бир қараб,  
Шул танишлик бирла очди сўзга лаб.

Деди: ваҳва маъакум шоҳ шул ўзи,<sup>255</sup>  
Ҳам кўриб, ҳам тинглагувчи ул ўзи.

2865 Кўзларим шул тунда олмишди таниб,  
Тўймадим ойдек юзига термулиб.

Умматимни сўргум андин мен нуқул,  
Ошносидин ўгирмас юзни ул.

Икки дунёга суянч ориф кўзи,  
Жумла Баҳромга паноҳдир юлдузи.

Шоҳга кўз тикди Муҳаммад ҳар нафас,  
Сўнг ғарибларни шафоат қилди, бас.<sup>256</sup>

Бўлмади дунё тунда ноумид,  
Ҳақни кўрди, айлади андин умид.

2870 Кўзларига чекди нурун офтоб,  
Қолди Жаброил беорлмай унга тоб.

Кўзига Ҳақ сурма тортаркан, етим  
Бул шарофатдин бўлур дурри ятим.<sup>257</sup>

---

<sup>255</sup> У сиз биландир.. Қуръони карим, Ҳадид сураси, 4-оятга ишорат.

<sup>256</sup> Қуръони карим, Ван-н-нажм сураси, 17-оятга ишорат.

<sup>257</sup> Байитнинг мазмуни: Етим бола кўзига Ҳақ сурма тортаркан, у дурру ятим, бебаҳо гавҳарга айланади. Бу ерди Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаламнинг отасиз, онасиз, етим ўсанлиги ва Ҳақ инояти ила пайғамбарлик мақомига эришганлиги назарда тутилмоқда.

Нури гавҳарларга сўнг ғолиб келур,  
Бўйла бир матлубга Ҳақ толиб келур.

Бандалар ҳоли анга ошкор эди,  
Ул сабабдин Ҳақ ани “шоҳид” деди.

Қўллагувчи тил била кўздир ани,  
Тунда бедордир, кўрар ҳар нарсани.

2875 Мингта даъвогар сурон солсин, бироқ,  
Қози шоҳид сўзига тутгай қулоқ.

Ҳукм этаркан, қозига бу фан эрур,  
Шоҳид унга дийдаи равшан эрур.

Шоҳид ул кўргувчи бир кўздирки, бас,  
Сирру асрорни кўролгай беғараз.

Муддаийда бир ғараз бордир ахир,<sup>258</sup>  
Ул ғараз кўнгил кўзига пардадир.

Ҳақ сенинг зоҳидлигингни истагай,  
Беғараз шоҳидлигингни истагай.

2880 Ҳўл-қуруқ не, Ҳақ аён этди ани,  
Урди сўнг “мин амри Рабби” муҳрини.<sup>259</sup>

Ул азизким, руҳни чун кўрмиш аён,  
Олдида бир нарса қолгайму ниҳон?

Ҳар низонинг шоҳиду бийронидир,  
Сўзи - ҳар бош оғриғи дармонидир.

Адл эмиш Ҳақ номи, шоҳиддир ўзи,  
Шоҳиди адлу адолат, дўст кўзи.

---

<sup>258</sup> Муддаий - даъвогар.

<sup>259</sup> Руҳ менинг амримдадир... Қуръони карим, Ал-Исро сураси,  
85-оятга ишорат

Ҳақ нуқул кўнгилга боққай ҳар маҳал,  
Шоҳ фақат шоҳидга солгайдир назар.<sup>260</sup>

2890 Ишқи Ҳақ бирлан ўшал дилбар кўнгил,  
Бўлди жумла пардаларга боис ул.

У сабабдин Ҳақ ўшал меърож туни  
Сийлади “сен бўлмасайдинг” деб уни.

Бул қазо яхши - ёмонга ҳукм этар,  
Шоҳид эрмас унга, ҳокимдир магар.

Бўлди ҳоким чун асиру мубтало,  
Шод бўл, ўткир назарли муртазо.

Ориф ул маъруфга боқди юзланиб,  
Эйки сен иссиқ-совуқ ичра рақиб,

2895 Эй, ўзингсен, келса бизга хайру шарр,  
Кўнглимиз буйруқларингдин беҳабар.

Эйки кўз ўнгингдадир ҳар онимиз,  
Бойламиш кўзларни шул кўргонимиз.

Кўзлар ичра, боқки, сийланди кўзим,  
Тун аро кўрдим қуёшимни ўзим.

Эй гўзал, ушбу карам сендин келур:  
Гар тугал берсанг, ўшал эҳсон эрур.

Ё Худо, кўзларни равшан айлагил,  
Бизни офатдин, балодин асрагил.

2900 Тунда шод, кундуз паришон айлама,  
Жон тилар васлингни, ҳижрон айлама.

---

<sup>260</sup> Шоҳид - бу ерда гўзал маъносида.

Сендин айрилмоқ ўлим эрмиш аниқ,  
Бўйлаким мушкул азобдир айрилиқ.

Мен сени кўрдим, чу кўрмас этмагил,  
Сув сешиб, эт майсаларни ям-яшил.

Бузмадим феълу равишни ҳеч қачон,  
Бузмагил кўнглимни сен ҳам, бер омон.

Улки бир карра юзингни кўрди, бас,  
Ўзга бир юзни кўришни истамас.

2905 Ўзгани кўрмоқ-азобдир унга бу,  
Кулли шайъин мосиваллоҳ ботилу.<sup>261</sup>

Асли йўқ, аммо кўрингайдир асл,  
Ноаслни чунки тортар ноасл.

Зарра-зарра ҳар не шу арзу само,  
Жинс тортар жинсини чун қаҳрабо.

Меъда нонни тортадир, шул хоҳиши,  
Жазб этар сувни жигарнинг оташи.

Оҳу кўзлар жазб этурлар, кўр ани,  
Кўнгил истайдир гулистон сайрини.

2910 Ранг керак кўзларга чун ҳусни баҳор,  
Ҳам думоғларга ажаб атру уфोर.

Бизни жазб эт, эй Худойи роздон,  
Ўзга жазблардин вале бергил омон.

Ўзга жазблар сенга мағлубдир бари,  
Чорасизларни сотиб ол, муштари.

---

<sup>261</sup> Оллоҳдан ўзга барча нарса ботилдир.

Шоҳга ул юзланди чанқоқ, сийнасўз,  
Чун қадр шомида ойга тикди кўз.

Жонини тикмишди унга бир йўла,  
Инчунин сўз очди густоҳлик била.

2915 Дедиким, балчиққа ботганмиз, хароб,  
Тонгла машҳарда ўзингсен офтоб.

Подшоҳим интизор этдинг, етар,  
Энди соқолинг қимирлатсанг, нетар?

Бир ҳунар кўрсатди ҳар ким бесукун,  
Ки улардин бўлди бадбахтлик фузун.

Ул ҳунарлар бўйнимиздин бойлади,  
Пастга отди бизни, тубан айлади.

Не ҳунар, бўйнингда арқондир абад,  
Гар ўлим етса, улардин не мадад?

2920 Ўзгадир лекин у кимса, марди хос,  
Тун аро эрса кўзи султоншунос.

Шоҳдин огоҳлик - ҳунарнинг афзали,  
Ўзгасин қўй, роҳи шайтондир бари.

Улки тунда шоҳни кўрмишди кўзи,  
Энди ҳукм айларда шоҳ тортингуси.

Итки подшодин хабардор этди, ҳай,  
Каҳф ити деб қўйса отин, арзигаи.

Ул қулоқда хосият бордир магар,  
Ҳурса ит, топгай арслондин хабар.

2925 Итки тунда соқчидек уйғоқ эрур,  
Уйқусизлар ҳолини билмасму ул?

Сен ёмон отлиғ кишидин этма ор,  
Сўр, суриштир, балки бир асрори бор.

Улки бир бор эл аро бадном эмиш,  
Ном қозонмоқ истар эрса, хом эмиш.

Эй басо олтинки, сурмишлар қаро,  
Бир зиёне етмасин деб эл аро.

СУВ БУҚАСИНИНГ КЕЧАСИ ОҒЗИДА ГАВҲАРИ  
ШАБЧИРОҒ ИЛА ДЕНГИЗДАН ЧИҚИБ, УНИ СО-  
ҲИЛГА ҚЎЙИБ, СЎНГ ЎША ГАВҲАР ЁРУҒИДА  
ЎТЛАГАНИ, БУҚА ГАВҲАРДАН УЗОҚЛАШАР-  
КАН, САВДОГАР ПУСИБ КЕЛИБ, ГАВҲАРНИ  
ЛОЙ ИЛА ШУВАБ, ҚОРАЙТИРГАНИ ВА ЎЗИ ДА-  
РАХТГА ЧИҚҚАНИ ҲИКОЯТИ<sup>262</sup>

Сув буқа оғзида бир гавҳар ила,  
Талпиниб, соҳилга чиққай ҳар кеча.

2930 Ярқираб, гавҳар сочаркан шуъла нур,  
Сумбулу савсан егай соҳилда ул.

Озиқи наргиз ва нилуфар эди,  
Ахлати атрин эди, анбар эди.

Улки, унда қуввати нури жалол,  
Бўлмагайму оғзида сеҳри ҳалол?

Улки ул болдек ваҳийлар олди, бас,  
Уйи тўлмасму асалга ҳар нафас?

Чун буқа гавҳарни эш этгай эди,  
Гоҳи гавҳардин йироқ кетгай эди.

---

<sup>262</sup> Гавҳари шабчирог - кечаси нур таратувчи қимматбаҳо марва-  
рид. Сув буқаси - бегемот.

2935 Тожире бермай ўшал фурсатни бой,  
Ёндашиб, суркар эди гавҳарга лой.

Сўнг чиқар эрди дарахтнинг устига,  
Ул буқа излаб, тушарди қасдига.

Излар эди қайда деб ул душмани,  
Шохига илмоқни истарди ани.

Охир излашлар тегарди жонига,  
Қайтар эрди дуру гавҳар ёнига.

Чун кўраркан лойга булганмиш гуҳар,  
Ул қочарди худди Иблисдек бадар.

2940 Чун Билис лой кўрса, кўру кар эрур,  
Мол нечук билгайки ул гавҳар эрур.

Жонга “туш” деб берди амрин Ҳақ азиз,  
Чун намоздин маҳрум этмишди ҳайиз.

Эй биродарлар, қўйинг бу қилу қол,  
Инқуво инна-л-ҳаво ҳайзу ур-ражол.<sup>263</sup>

Амри Ҳақ-ла тушди жон, топди бадан,  
Чун қоришди лойга ул дурру Адан.

Савдогар билгай буни, гов билмагай,  
Аҳли дил билгай, у гилков билмагай.<sup>264</sup>

2945 Қайси бир тупроқда гавҳар бор эмиш,  
Ўзга тупроқдин анга асрор эмиш,

Улки ул Ҳақ нуридин бебаҳра, бас,  
Сўзласа гавҳарли тупроқ, англамас.

---

<sup>263</sup> Ҳирсу ҳавасга берилиш - эр кишининг ҳайз кўриши демакдир.

<sup>264</sup> Гилков - туроқ қазувчи.



Бул суханнинг сўнги йўқ, сичқон магар,  
Сув бўйида бизни пойлаб, кўз тутар.

ҚУРБАҚАНИ КЎРМОҚЧИ БЎЛИБ СУВ БЎЙИГА  
КЕЛГАН СИЧҚОН ҲИКОЯТИНИНГ ДАВОМИ. СИЧ-  
ҚОН ЎЗИНИНГ КЕЛГАНИДАН ХАБАР БЕРМОҚ  
УЧУН ҚУРБАҚА ОЁФИГА БОҒЛАНГАН ИПНИНГ  
БИР УЧИНИ ТОРТИБ, СИЛКИГАНИ

Васл умидида эди ул, найласин,  
Шул сабабдин чекди ишқ сарриштасин.

Кўнглида ҳар лаҳза айтарди ани,  
Қўлга олдим, деб магар, сарриштани.

2950 Жону дилдан ёрига толиб эди,  
Ипни тутдим, деб ўзи бир ип эди.

Бошига бир қарға келди ногаҳон,  
Тутди сичқонни, кўтарди шул замон.

Қурбақа боғлиқ эди сичқонга, бас,  
Чиқди ул сувдин саланглаб шул нафас.

Эрди сичқон қарганинг минқорида,  
Солланиб қурбақа чилвир-торида.

Халқ кўриб дерди: қаранг, вой, тушмагур,  
Сувдаги қурбақани овлабди ул.

2955 Сувда юргайку, нечук тутмиш ани,  
Қарға овларму магар қурбақани?

Қурбақа дерди: жазоси шул эмиш,  
Кимки бўлгай номуносиб бирла эш...

Эй фиғон ножинс дўстлардин, фиғон,  
Яхши дўст изланг, ёронлар, ҳар қачон.<sup>265</sup>

Ақлу идрок оҳ чекар нафсдинки, ул,  
Юздаги ифлос бурунга ўхшаюр.

Жинсиятни маъни ичра изла, бас,  
Жинсият ул сув ва балчиқ ичрамас.

2960 Боқма сен сувратга, суврат кўзлама,  
Жинсиятни суврат ичра излама.

Суврат ул жонсиз жисмдир, чун ҳажар,<sup>266</sup>  
Жинсият сирридин унда не хабар?

Жон-чумоли, тан чу буғдой донаси,  
Тортқилаб, ҳар дам унинг парвонаси.

Гар шу буғдойни тановул қилгуси,  
Жинсига киргай - чумоли билгуси.

Бир чумоли арпа судраб, йўлдадир,  
Бошқаси буғдойни судраб элтадир.

2965 Арпаку буғдойга бормас, тургуси,  
Лек чумолига чумоли боргуси.

Арпа гар буғдойга борса, тобе ул,  
Лек чумолига чумоли талпинур.

Арпа буғдой сори боргайдир, дема,  
Кўзни оч, кўнгил, не эрмиш ҳангама.

Боқ, қаро шол узра боргай ул ҳамон,  
Дона пайдову чумолидир ниҳон.

---

<sup>265</sup> “Ёлғизлик ёмон дўстан яхшидир, яхши дўст эса ёлғизликдан яхшидир” деган ҳадисга ишорат.

<sup>266</sup> Ҳажар - тош.

Ақлу ҳуш дер: кўзни оч, сувратни кеч,  
Дона шундоқ ўз-ўзи юргайму ҳеч?

2970 Келди ит асҳоби Қаҳфга ул сабаб,  
Дона-тан эрса, чумоли - унга қалб.

Ул сабаб бўлди Исо аҳли фалак,  
Гар қафаслар айру, жинси муштарак.

Бул қафас пайдову ул қушдир ниҳон,  
Беқафаскаш ул қафас юргай қачон?

Эй гўзал ул кўзки, пешвоси ақл,  
Оқибатбиндир, кўрар охирни ул.

Ақлу ҳуш яхши-ёмонни фарқлагай,  
Кўз нуқул оқу қаро деб сўйлагай.

2975 Кўзни алдар гоҳ яшиллик ёлқини,  
Ақлу ҳуш дер: ур маҳак тошга уни.

Келтирур кўз қушга офат, ком кўриб,  
Ақл уни қутқаргусидир, дом кўриб.

Бир тузоқ борким, ақлнинг кўрмаги  
Мушкул эрмиш, ул сабаб келди ваҳий.

Жинсу ножинсни таниб ол ақл ила,  
Учма сувратларга сен, сийрат тила.

Жинсият сувратга боғлиқмас, бўлак,  
Гар Исо инс эрди, лек жинси малак.

2980 Қарга юксалтган каби қурбақани,  
Кўк қуши кўкларга элтмишди ани.

АБДУЛГАВС ҚИССАСИ, УНИ ПАРИЛАР ОЛИБ  
ҚОЧГАНИ, НЕЧА ЙИЛЛАР ПАРИЛАР ОРАСИДА  
ЯШАБ, СЎНГ ЎЗ ШАҲРИ, ФАРЗАНДЛАРИ ЁНИГА  
ҚАЙТГАНИ, ФАҚАТ ПАРИЛАР ИЛА ҲАМЖИНС  
БЎЛГАНЛИГИ ТУФАЙЛИ САБРИ ЧИДАМАЙ, ЯНА  
ПАРИЛАР ҲУЗУРИГА КЕТГАНИ

Эрди Абдулгавс парилар жинсидин,  
Олди тўққиз йл парилар бирла тин.

Хотини эр қилди бошқа охири,  
Ўлди, деб узди умид фарзандлари.

Бўри ёрди ё қароқчи этди хун,  
Чоҳга тушди ё магар, бўлди забун..

Жумла фарзандларда эрди шу хаёл,  
Ўйлашарди унга етди деб завол.

2985 Келди тўққиз йил кейин ул ногаҳон,  
Бўлди пайдову яна бўлди ниҳон.

Уйида бир ойдан ортиқ тармади,  
Сўнгра бир кимса нишоне кўрмади.

Жинсият, кел деб чақирса, ул нетар?  
Найза заҳми бирла бўйла жон кетар.

Жаннатийким, жинси жаннат эрди, бас,  
Шул сабабдин бўлди ул Яздонпараст.

Мустафодандир бу сўзнинг баҳраси:  
Ҳимматинг - жаннат оғочи новдаси.

2990 Қайда меҳр эрса, меҳрнинг жинси ул,  
Қайда қаҳр эрса, қаҳрнинг жинси ул.

Лоуболи лоуболийдин келур,<sup>267</sup>  
Иккисининг жинси чунки бир эрур.

Эрди юлдуз жинсидин Идрис тамом,  
Турди саккиз йил Зуҳалда бардавом.<sup>268</sup>

Мағрибу машриқда юлдуз ёр эди,  
Ҳамҳадису маҳрами асрор эди.

Ул яшаб юлдузда, йиғди чун улум,  
Берди сўнг ер аҳлига дарси нужум.

2995 Жумла юлдузларга ул нозир эди,  
Дарсида юлдуз ҳама ҳозир эди.

Бирма-бир сафга тизарди ҳаммасин,  
Эл келиб, тингларди юлдузлар сасин.

Жазби жинсият уларни тортибон,  
Бўйлаким кўзларга айларди аён.

Ҳар бири сўйларди ўз аҳволини,  
Исмини, балки расадлик ҳолини.

Жинсият не эрмиш ул? Айру назар,  
Ул назар-ла ўзгани кўргай башар.

3000 Ул назар бирлан назар солган замон,  
Сен унинг жинсига киргайсен ҳамон.

---

<sup>267</sup> Бепарводан бепарволик келгай.

<sup>268</sup> Идрис пайгамбар - тириклигидаёқ кўкка кўтарилган пайгамбарлардан, инсонларга юлдуз илмидан дарс берган. Қадимий Мисрда роҳиблар орасида “ҳурмузлар” деган мазҳаб бўлган. Ҳурмузлар юлдузлар ҳаракатини кузатиб, ҳукмлар чиқаришган. Идрис пайгамбар ҳурмузлардан эди, деган ривоятлар бор. Шу ўринда зардуштийлар динида яхшилик фариштасининг номи ҳам Ҳурмуз (Аҳурамазда) деб аталишини эсга олинг.

Танни ҳар ёнга не тортгайдир? Назар,  
Беҳабарни жазб этарму боҳабар?

Эр кишига бўлса хотинлик ҳиси,  
Шубҳа йўқим, ул муҳаннас бўлгуси.

Гар аёлда бўлса эрлик, шубҳасиз,  
Суқланиб солгай у хотинларга кўз.

Жабраилдин берса сенга бир сифат,  
Қуш каби кўкларни кўзларсен фақат.

3005 Ҳар замон учмоққа этгайсен талаш,  
Кўкка ошиқ, ерга лек бегонаваш.

Гар эшакликдир насибинг, маълум ул,  
Учсангам, қўнган еринг охур бўлур.

Қаргага ов бўлса сичқон, не ажаб,  
Шаклимас, тубанлиги эрмиш сабаб.

Таъмажўву хоину зулматпараст,  
Мойу писта шиннидан масту аласт.

Кўрсалар, лочинда сичқон феъли бор,  
Бўйла лочиндин этарлар барча ор.

3010 Ҳоруту Морутга боққил, эй жигар,  
Тангри бермишди ажаб феъли башар.

Айнишиб, ул иккиси ҳам ютди хун,  
Чоҳи Бобулди бўлишди сарнигун.

Лавҳи маҳфуз кетди кўзлардин йироқ,  
Соҳиру масҳурда эрди иштиёқ.<sup>269</sup>

---

<sup>269</sup> Соҳир - сеҳр қилувчи; масҳур - сеҳрланган.

Иккисин бирдек агарчи жисми бор,  
Лек Мусо кўкда, Фиръавн ерда хор.

Яхши дўст бўл, яхшилар бирлан ўтир,  
Боқ, нечук гул мойида гул атридир.

3015 Чун ўликдин ҳам топура тупроқ шараф  
Эл келиб, сургай ўшал тупроққа каф.

Жисми пок бирлан ўшал тупроқ магар,  
Бўлгуси андоқ азизу мўътабар.

Ҳовлимас, қўшни олишни кўзлагил,  
Дил, кўнгил бор, энди дилдор излагил.

Хоки дилдор сийрати жон бўлгуси,  
Сурмаи чашми азизон бўлгуси.

Эй басо тупроқда ётмишлар бугун,  
Нафлари юз бир тирикдин ҳам фузун.

3020 Бошлар узра соя солмишлар баланд,  
Неча юз минглаб тириклар баҳраманд...

БИР КИШИ ТАБРИЗ МУҲТАСИБИДАН МАОШ  
ОЛАРДИ, АНА ШУ МАОШИГА СУЯНИБ, ҚАРЗ  
КЎТАРМИШДИ. МУҲТАСИБНИНГ ВАФОТ ЭТГАН  
НИДАН БЕХАБАР ЭДИ. ХУЛЛАС, УНИНГ ҚАРЗИ-  
НИ ҲЕЧ КИМСА ТЎЛАМАДИ, ЯНА ЎШАЛ МАРҲ-  
УМ МУҲТАСИБ ТЎЛАДИ, ДЕМИШЛАРКИМ:

Лайса ман мота фастароҳа бимайтин  
Иннамо ал-майту маййит ул-эҳё.<sup>270</sup>

---

<sup>270</sup> Айрим тадқиқотчилар томонидан Ҳақим Санойи қаламига мансуб деб тахмин этилган ушбу арабча байтнинг таржимаси шундай: Ўлиб, роҳатга етишган кимса ўлик эмас, ўлса ҳам яшашда давом этган кимса-ўликдир...

Бир фақир Табризга келди, хор эди,  
Бўйнида бир мунча қарзи бор эди.

Қарзи тўққиз минг динор эрди магар,  
Бор эди Табризда Бадриддин Умар.

Мўхтасиб эрди, сахий одам эди,  
Ҳар туки ўрнида бир Ҳотам эди

Кўрса гар Ҳотам, гадо бўлгай эди,  
Хоки пойига адо бўлгай эди.

3025 Ташнага берсайди гар баҳри зилол,  
Кам берибмен, деб чекар эрди малол.

Заррани машриқ этаркан ҳар сафар,  
Ҳимматига кам кўрингайди ўшал.

Ул берар эрди ғарибларга насиб,  
Келмиш эрди шу умид бирлан ғариб.

Эшигига ошино кўнгил эди,  
Қарз оларкан, эътимоди ул эди.

Неча бор тотмишди ошу нонини,  
Неча бор кўрмишди ул эҳсонини.

3030 Қўрқмас эрди қарзу қурз ғавғосидин,  
Баҳраманд эрди карам дарёсидин.

Қарзи борлар ўлтириб, нолон эди,  
Ул юриб, гулғунчадек хандон эди.

Нур тараркан баски хуршиди араб,<sup>271</sup>  
Не писанд мўминга ранжи Бу-Лаҳаб?

---

<sup>271</sup> Хуршиди араб, араб қуёши - Муҳаммад алайҳиссалом.



Улки топмишдир булутлар сори йўл,  
Сув, дебон чўзгайму ҳеч саққога қўл.<sup>272</sup>

Билди соҳирларки ул илки Худо,  
Боқмади қўлу оёқларга қиё.

3035 Тулки гар ортида арслон тургуси,  
Бир уриб, йўлбарсни ҳам ағдаргуси.

ЖАЪФАР РОЗИАЛЛОҲУ АНҲУ БИР ҚАЛЪАНИ  
ОЛИШ УЧУН ЯККА-ЁЛҒИЗ ОТ СУРГАНИ, ПОД-  
ШО УНИ ҲАЙДАМОҚЧИ БЎЛИБ ВАЗИРГА МАС-  
ЛАҲАТ СОЛГАНИ. ВАЗИР, БУ ЖАҲОЛАТГА БОРА  
КЎРМА, ҚАЛЪАНИ ТОПШИР, ТАНГРИ УНГА  
ҚУДРАТ АТО ЭТМИШ, ЖОНИДА ҲАҚ НАСИБ  
ЭТГАН АЗАМАТ ҚЎШИНИ БОР, ДЕГАНИ<sup>273</sup>

Юрди Жаъфар, борди сўйи қалъа ул,  
Қалъамас, наздида эрди қатра ул.

От суриб борди, оширди зарбасин,  
Ёпдилар чун қалъанинг дарвозасин.

Бир юрак йўқди чиқиб, этмоққа жанг,  
Жанг қилур ким сувда дуч келса наҳанг?

Юзланиб вазирга подшо, сўрди ул:  
Сўйла, бу мушкулга чора не бўлур?

3040 Деди: шоҳим, энди тарк эт кибру фан,  
Қўй унинг олдига шамширу кафан.

<sup>272</sup> Саққо - сув ташувчи, машкоб.

<sup>273</sup> Жаъфари Тайёр - Ҳазрат Алининг акаси, Муҳаммад алайҳис-саломга ўттиз иккинчи бўлиб имон келтирган кимса. Ҳазрат Пайгамбар томонидан “Мискинлар отаси” деб аталган. Кофирларга қарши жангда аввал икки қўлидан айрилиб, сўнг шаҳид бўлган. Муҳаммад алайҳиссалом, мен Жаъфарни жаннатда кўрдим, Оллоҳ унга икки қўл ўрнига икки қанот бермиш, у кўкларда парвоз этар, демишлар. Унинг Жаъфари Тайёр, яъни учувчи Жаъфар деб аталиши ҳам шундан.

Деди: ул майдонда ёлгиз, ўйлагил,  
Деди: ёлгиз эрса, ёлгиз кўрмагил.

Барча бирдек ваҳм ила қўрқусида,  
Қалъа титрайди унинг ўтрусида.

Боқ, бедов устида қандоқ ўлтирур,  
Мағрибу машриқ анга ҳамдаст эрур.

Неча ботирлар баса от сурдилар,  
Ҳам қилич сирмашга уннаб кўрдилар.

Ул чекиб гурзи вале жон қасдига,  
Ташлади отнинг оёғи остига.

Ҳақ ато этган азим қувват ила,  
Бир ўзи жанг айлагай уммат ила.

Чун кўзим кўрди нечук ул зўру мард,  
Мен унутдим не эмиш сону мадад.

Гар қуёш ул кўкда порлар бир ўзи,  
Не эмиш олдида юзлаб юлдузи?

Мингта сичқон тўпланиб, гавғо қилур,  
Йўлини тўсгай мушук, қўрқмайди ул.

3050 Бас, нечук сичқон мушук-ла жанг этар,  
Жонида йўқса жамиятдин асар?

Суврат ичра йўқ жамиятда бақо,  
Маъни ичра сўр уни, бергай Худо.

Ҳосил этгайму жамият кўп жисм,  
Ҳар жисм ел узра тургай чун исм.

Бўлса сичқонларда бирлик туйғуси,  
Тарқалиб турмас писиб, тўплангуси.

Бирлашиб тушсайди душман қасдига,  
Ёприлиб ғаддор мушукнинг устига.

3055 Тимдалаб кўзу қароғин қайбири,  
Қиймалар эрди қулоғин қай бири.

Бошқаси кўксидин очгайди тешик,  
Ул жамиятдин қутилмасди мушук.

Не қилур бирлик у сичқон жонида,  
Гар мушукдин титраса ҳар онида?

Биттамас, юз мингта сичқон бўлса ҳам,  
Бир мушук олдида ожиздир, адам.

Подадин қассобга етгайму малол?  
Уйқуни тўсгайму ҳеч ақлу хаёл?

3060 Моликул мулк чун жамият бергуси,  
Шер кийиклар устига ташлангуси.

Бўлса ҳамки юз туман шохдор кийик,  
Шер ҳужум этганда бас келгай нечук?

Моликул мулкдирки ул айлаб фусун,  
Юсуфи Каънонга бермишди ҳусн.

Айлагай бир чеҳрани гулчеҳра ул,  
Ул санамга шоҳ бўлур сўнг банда, қул.

Бошқага бергай ажаб нури назар,  
Тунда ҳам яхши, ёмонни ажратир.

3065 Юсуфу Мусога сочмиш эрди нур,  
Кўзу кўнгилларда эрди ул сурур.

Порлади Мусо юзида офтоб,  
Элга шафқат айлабон, тутди ниқоб.

Тўсди мардумдин қуёшдек юзини,  
Кўр қилур зумрад илоннинг кўзини.

Истади Ҳақдин ниқобе, бир тутиқ,  
Токи нурга парда бўлгай ул, тўсиқ.

Ҳақ деди: ол, сенга бергумдир гилам,<sup>274</sup>  
Бу либос орифга лойиқ чинданам.

3070 Сабру бардошлар ниҳондир борида,  
Нури жон ётгай унинг ҳар торида.

Ҳирқа ул, сенга муносибдир баса,  
Дош беролмас нурга андин ўзгаси.

Кўҳи Қофга тушса нур, йўқ шубҳа-шак,  
Парча-парча бўлгай ул Тур тоғидак.

Ҳақ эранлар жисмига этмиш карам,  
Нури бечунга ўшал бергай чидам.

Қудрати Ҳақдин чароғ ул, нурпош,  
Зарра нурига беролмас Тур дош.

3075 Ул чароғ бағрига то жо бўлди нур,  
Парчалангай энди андин Қофу Тур.

Тан-чароғдон, дил-чароғ эрмиш, жигар,  
Аршу афлок ул чароғдин шуълавар.

Нурига кўк нурлари ҳайрон эмиш,  
Келса дуч, юлдуз каби пинҳон эмиш.

Чун ҳикоят айламиш эрди Расул,  
Безавол шоҳ номидин айтмишди ул.

---

<sup>274</sup> Гилам - бе ерда сўфийлар кийими, жундан тўқилган ҳирқа кўзда тутилмоқда.

Ҳақ демишким, сигмадим кўкларга ман,  
Ақлу ҳушга сигмадим, нафсларга ҳам

3080 Сигдим ул мўмин дилига бир йўла,  
Бир мусофирдек, чу бечунлик била.

Бўйла кўнгил гар далолат этса нақд,  
Бахш этурмен бандаларга мулку бахт.

Бўлмасайди бўйла бир ойна гар,  
Бўлмас эрди ерда ҳуснимдин самар.

От суриб, икки жаҳонни шайладик,  
Бир кенгиш ойна пардоз айладик.

Ул туфайли ҳар нафас элликта тўй,  
Ҳозир эрмиш, бил ўзинг, шарҳини қўй...

3085 Ҳирқасин хуллас Мусо этди ниқоб,  
Билмиш эрди, не ёруғдир моҳтоб.

Ўзгамас, шу ҳирқа бергайдир чидам,  
Дош беролмас устма-уст тоғ бўлса ҳам.<sup>275</sup>

Гар темирдандир деворлар, нетгуси,  
Нури Ҳақ андин ҳамоно ўтгуси.

Бир замон киймишди бир ориф уни,  
Ҳирқага сингмишди тафти, жўшқини.

Чун куйиб, бўлмишди андоқ сўхта ул,  
Бўйлаким оташ ила омухта ул.

3090 Ул Сафуро ишқи нури Ҳақ учун,  
Икки кўзин елга бермишди бутун,<sup>276</sup>

<sup>275</sup> Қуръони карим, Хашр сураси, 21-оятга ишорат.

<sup>276</sup> Сафуро - Мусо алайҳиссаломнинг хотини, Шуайб алайҳиссаломнинг қизи.

Боқди бир кўз бирла, кўр бўлди кўзи,  
Чун қамаштирди ани Мусо юзи.

Боқди сўнг иккинчи кўз бирлан ҳамон,  
Кўз нурин ул ойга бахш этди тамом.

Бўйлаким марди мужоҳид нон берур,  
Урса тоат нури унга, жон берур.

Биттаси сўрдикки, чекмайсенму ғам,  
Кўзларингдин айрилиб қолдинг санам?

3095 Ғам чекардим, деди, бўлса юз-ҳазор,  
Кўзларим, гар этмасам унга нисор.

Кўз даричамдирки, қўнди ой анга,  
Ганж етиб, жо бўлди шул вайронага.

Ганжи маскан тутса гар вайронани,  
Кимса эсларму равоқу хонани?

Кўчадин ўтганда Юсуф ҳар кези,  
Дарчаларга шуъла солгайди юзи.

Уйларида ўлтириб мардум магар,  
Бул тарафга ўтди Юсуф, дердилар.

3100 Дарчаларга шуълалар тушгай эди,  
Шуълалардин кўча ёришгай эди.

Дарчаси очилган эрса ул тараф,  
Уйга тушгай эрди Юсуфдин шараф.

Дарча оч Юсуф томонга тинмайин,  
Кўз солиб кўргил томошани кейин.

Ишқ деган ул дарча очмоқдир, ўғил,  
Дўст жамоли урса, дил равшан бўлур.

Маъшуқа юзига ҳар дам сол назар,  
Бул сенинг илкингда эрмиш, эй жигар.

3105 Тут мудом кўнгилга кирмоқ пешасин,  
Сур нари ўзга хаёл, андишасин.

Кимиёнг бордир, давои пўст қил,  
Йўл топиб, душманларингни дўст қил.

Чун насиб этгай ўшал зебойи хос,  
Жонни бекасликдин ул айлар халос.

Бергуси жон гулшанига ул нажот,  
Фамдин ўлганларга дарёи ҳаёт.

Дема, ёлғиз давлати дун бергуси,  
Юз туман мулки гуногун бергуси.

3110 Боқ, нечук мулки жамолин берди Ҳақ,  
Тушни таъбирлашни бедарсу сабақ.<sup>277</sup>

Мулки ҳусни солди зиндонга ани,  
Мулки илми элтди Кайвонга ани.

Подшо қул бўлди унга, чўкди тиз,  
Мулки илми мулки ҳуснидин азиз.

### ҚАРЗГА БОТГАН КИМСА ҲИКОЯСИГА ҚАЙТИШ. УНИНГ МЎҲТАСИБГА УМИД БОҒЛАБ, ТАБРИЗГА КЕЛГАНИ

Қарзга ботган ул адову чорасиз,  
Йўл босиб, доруссаломга тутди юз.<sup>278</sup>

Етди Табризга, гулистон сўйига,  
Ул умидли боғу бўстон сўйига.

<sup>277</sup> Қуръони карим, Юсуф сураси, 6-оятга ишорат.

<sup>278</sup> Доруссалом - Тинчлик уйи, жаннат, лекин бу ерда Табриз шаҳри кўзда тутилмоқда.

3115 Шаҳри дорилмулк анга гулшан эди,  
Ул етиб, кўнгли бaсе равшaн эди.

Юсуфи мисрийдин эсмишди насим,  
Кўнгли хандон эрди гулдек, ўйлаким,

Деди: ё ҳоди аних ли ноқати  
Жоъа исъоди ва торат фоқати.

Убруки ё ноқати! То ал-умур,  
Инна Табризан муножот ус-судур.

Исраҳи ё ноқати! Ҳавл ар-риёз,  
Инна Табризан лано ним ал-муфоз.<sup>279</sup>

3120 Сорбон, бас, тевалардин юк тушир,  
Чунки Табриз боғу бўстон шаҳридир.

Файзи жаннат шу чаман, полиз аро,  
Шаъшайи Аршдир мудом Табриз аро.

Арши аълодин уриб бир нури жон,  
Табризийларга ёғилгай ҳар замон...

Муҳтасибни сўрди, ахтарди ғариб,  
Халқ деди: оламдин ўтди ул ҳабиб.

Шу алам дунёсини тарк этди ул,  
Ул сабабдин эл ҳама қайғудадир.

3125 Товуси Арш эрдиким, Арш сўйига,  
Кетди охир, етди ул Арш бўйига.

Соясин изларди ҳар дам кекса-ёш,  
Соясига етди, нур сочди қуёш.

---

<sup>279</sup> Эй насим, деди, юзларимга уфур, ёрим келди, йўқсуллимим битди. Эй давомли эсгувчи сабо, ишларим ўнгланди. Эй боди сабо, боғларга, бўстонларга тарал, илло Табриз биз учун файзу шукуҳ масканидир.



Кема ул соҳилни чун тарк айлади,  
Хўжа бул ғамхонадин тўймиш эди...

Чекди фарёд ул ғариб, солди фиғон,  
Ҳушдин айрилди, магарким берди жон.

Халқ йигилди, юзига сувлар уриб,  
Ҳолига ҳамроҳлари гирён бўлиб.

3130 Кечгача кўз очмади чун ҳоли танг,  
Ҳушга келди сўнгра, кўз очди аранг.

УЛ ҒАРИБНИНГ МЎҲТАСИБ ВАФОТИНИ ЭШИТ-  
ГАЧ, МАХЛУҚҚА ЭЪТИМОД ЭТИБ, МАХЛУҚ-  
НИНГ ЭҲСОНИГА СУЯНГАНИДАН ИСТИҒФОР  
АЙЛАГАНИ, ҲАҚ БЕРГАН НЕЪМАТЛАРНИ ЭСА  
ОЛГАНИ, ТАНГРИГА ЮЗ ТУТГАНИ, ГУНОҲИГА  
ТАВБАЛАР ҚИЛГАНИ, КОФИРЛАР ЭСА ШУНЧА  
НЕЪМАТЛАРНИ КЎРСАЛАР-ДА ЯНА ТАНГРИДАН  
ЮЗ ЎГУРУРЛАР<sup>280</sup>

Сўнг дедиким, эй Худойи меҳрибон,  
Халққа кўз тикдим умидлар айлабон.

Хўжа этган ул саховат кўп эрур,  
Лек сенинг лутфингга тенг келгайму ул?

Хўжа қалпоқ берди, сен бош бирла ўй,  
Хўжа тўн берди, сен эрсанг-қадду бўй.

Ул менга зар берди, билмоқликни-сен,  
Ул менга от берди, минмоқликни-сен.

3135 Хўжа шам берганда, кўз бердинг, азиз,  
Хўжа нон берганда, таъм бердинг, оғиз.

---

<sup>280</sup> Қуръони карим, Анъом сураси, I-оятга ишорат.

Ул вазифа берди, сен-умру ҳаёт,  
Андин олтин ваъда, сендин-таййибот.<sup>281</sup>

Ул менга уй берди, сен-осмону ер,  
Ердадирлар унга ўхшаш қанча эр.

Зар сенингдир, ул яратмишму уни?  
Нон сенингдир, суфрага термиш уни.

Унга чун раҳму саҳо берган ўзинг.  
Ҳам саҳо бирла севинтирган ўзинг.

3140 Мен уни билдим ўзимга қибладек,  
Четга сурдим қибласозимни ва лек.

Биз эдик қайларда, динга соҳиб ул  
Сув била балчиққа экканда ақл?

Тиклади гардунни, ул эрди адам,  
Ҳар тарафга ёйди тупроқдин гилам.

Кўкда юлдузларни қандил айлади,  
Таб аро қулфу калитлар шайлади.<sup>282</sup>

Сўнгра шул шифту саҳнда беадош,  
Этди бунёдлар баса пинҳону фош.

3145 Одам - устурлоби васфи зотидир,  
Васфи одам - мазҳари оётидир.<sup>283</sup>

Ҳар неким инсонда, андин акс этар,  
Бўйлаким ой сувда қалқиб, рақс этар.

---

<sup>281</sup> Таййибот - пок, ҳалол нарсалар, покиза ризқ. Қуръони карим, Бақара сураси, 172-оятга ишорат.

<sup>282</sup> Бу ерда таб - табиат таркиби, тўрт унсурдаги иссиқлик, совуқлик, ҳўллик, қуруқликка ишорат.

<sup>283</sup> Байтнинг мазмуни: инсон-юксак сифатлар устурлобидир, Ҳақнинг оятлари, далиллари мазҳаридир.

Ул сутурлоб узра нақши анкабут,  
Не эмиш васфи азал - этгай ўгит.<sup>284</sup>

Не эмишдир чарҳи гайб, хуршиди руҳ,  
Англаиб, сенга сабоқлар бергай у.

Анкабут ҳам ул сутурлоби рашод,  
Бемунажжим тушди халқ илкига бот.

3150 Анбиёга берди анжум билгисин,  
Гайбни кўрмоққа керакдир гайббин.  
Элки шул чоҳи жаҳонга келдилар,  
Кўз солиб, тубанда ўзни кўрдилар.

Не кўрингай чоҳда, суврат бил, ясан,  
Йўқса, тушгайсен қудуққа юз тубан.

Шерни бошлаб борди чоҳга чун қуён,  
Ул қудуқ остида деб шери жаён.

Ташла чоҳга ўзни, тинчин буз, деди,  
Сенки голибсен, чу бошин уз, деди.

3155 Шер муқаллид эрди, ҳаддин ошди ул,  
Ўз хаёлидин кўпирди, тошди ул.

Билмади сув узра суврат деб ани,  
Ки хаёлдир, менга кўрсатгай мени...

Сен-да душмандин ғазаб кўрсанг, касе,  
Олти ёнга ўзни ургайсен басе...

Ул адоватким рақибингдин етар,  
Тангрининг қаҳри сифотин акс этар.

---

<sup>284</sup> Анкабут - ўргимчак, устурлоб ўртасига бойланиб, бир учига мўжаз тош осилган ип. Мунажжимлар унинг воситасида юлдузлар ҳаракатини кузатиб, улар орасидаги масофаларни ўлчашган.

Ундаги айб сендаги айб бирла жўр,  
Сен уни ўз феълу атворингда кўр.

3160 Кўрдинг ўзни, бўлмади маъқул сенга,  
Бўйлаким ойина бўлди ул сенга.

Ўз ўзингга баски кўрсатди сени,  
Урмагил, синдирма ул ойинани.

Нурли юлдуз сувга солмиш шуъласин,  
Сочма тупроқ ул ёруғ юлдузга сен.

Наҳс юлдуз сувга тушмишдир бугун,  
Айлайн деб қутли юлдузни забун.

Сен уни юлдуз деб этгайсен гумон,  
Устига тупроқ сочарсен беомон.

3165 Оқибат юлдуз ўшал пинҳон бўлур,  
Қолмади, дерсан, магарким битди ул.

Лек ўшал юлдузга маскандир фалак,  
Ул тарафга юзни бурмоғинг керак.

Дилни ҳам берсанг у ёнга, яхшидир,  
Наҳсу офат-ул тарафнинг аксидир,

Сенга эҳсонинг фақат Ҳақ бергуси,  
Бешу олти берса, ул Ҳақ бергуси.<sup>285</sup>

Беҳисоб эҳсонни этса хору хас,  
Сен кетарсен, ул қолур ортингда, бас.

3170 Аксу суврат кўзда қолгайму магар,  
Сен аслни кўргил, эй қийшиқ назар.

---

<sup>285</sup> Бешу олти - беш туйғу, олти тараф дунё.

Ҳақ ато айлар эса, аҳли ниёз  
Топгай ул эҳсон ила умри дароз.

Унга бош ур, неъматни боқий эрур,  
Чун ўликларни тирилтиргувчи ул.

Ҳақ атоси бахш этур жонингга жон,  
Ул бўлиб сен, сен бўлурсен ул ҳамон.

Иштаҳанг тортмас эса гар нону сув,  
Нону сувсиз бергуси қувватни у.

3175 Ориғу озгин бўлиб қолсанг, не ғам,  
Ҳақ берур пинҳона семизликни ҳам.

Ҳар парига атру дармон бергуси,  
Ҳар малакка қуввати жон бергуси.

Жон не эрмишким, далил этдинг ани,  
Ишқи бирлан Ҳақ тирилтиргай сени.

Ишқ хаётин истагил, жон истама,  
Иста ул ризқингни сен, нон истама.

Халқни сув деб бил мусаффову зилол,  
Унда акс этгай сифоти Зулжалол.

3180 Илму дониш, адл ила эҳсонлари,  
Сувда акс этгувчи юлдуздир бари.

Акс этур шоҳларда Ҳақнинг шоҳлиги,  
Жумла фозилларда - Ҳақ огоҳлиги.

Не асрлар кечди, келди янги, бас,  
Ой ўшал ой, сув вале ул сув эмас.

Адл ўшал адл, фазл ўшал фазлу карам.  
Ўзгадир лекин замонлар бешу кам.

Кечдилар не-не замонлар, эй киром,  
Лек маъоний барқарору бардавом.

3185 Сойда сувлар алмашинди неча бор,  
Ой ила юлдузнинг акси барқарор.

Маскан ўлгайму магар обу равон.  
Маскан эрмишдир уларга осмон.

Бу сифатлар чун нужуми маънавий,  
Маънилар осмони ичра муставий.<sup>286</sup>

Лола юзлар-хублигинин бир нишон,  
Ишқлари-матлублигинин бир нишон.

Аслига қайтур бу ҳусну хатту хол,  
Кетмагай, сув узра қолгайму хаёл?

3190 Жумла сувратларки, сувда акс этур,  
Кўз очиб боқсанг, амалда ул эрур.

Деди ақли боз: тарк эт воҳмани,  
Сирка-шинни, шинни деб бил сиркани.

Хўжани сен ўзга деб билдинг магар,  
Эй ғилай, ғайратли подшоҳдин уял.

Хўжаким қўкдин баланд, билгаймусен?  
Сен уни сичқонга тенг қилгаймусен?

Жон дегил, жисми гарон деб ўйлама,  
Мағз деб бил, устухон деб ўйлама.

3195 Хўжага сен боқма шайтони лаин -  
Кўзи бирлан, айлама тупроққа тенг.

---

<sup>286</sup> Муставий - жойлашган, ўрнашган.

Офтоб ёнида тун мавжуд дема,  
Улки масжуддир, уни сожид дема.<sup>287</sup>

Акс дерсан, акс эмасдир, аксида,  
Ўзга эрмас, Ҳақ кўрингай аслида.

Офтоб кўрди, гумони қолмади,  
Унда жонсизлик нишони қолмади.

Чун мубаддал бўлдилар абдоли Ҳақ,<sup>288</sup>  
Йўқ, улар халқдин эмас, ағдар варақ.

3200 Қиблайи бирлик бўлурму икки, ҳай,  
Аҳли кўк тупроққа бош индирмагай.

Сув уза чун олма аксин кўрди мард,  
Қўйинини сўнг олмага тўлдирди мард.

Сув уза кўрмиш, нечук бўлгай хаёл?  
Олмага тўлдирди юз қоп-юз жувол.

Танни кўрма, Ҳақни айтса, тўймагил,  
Кўру кар, тилсиз, соқовдек юрмагил.

“Отмадинг” деб хўжага айтмиш ани,  
Кўргани эрди Худонинг кўргани.

3205 Унга хизмат - Ҳаққа хизматдир, ўғил,  
Кундузинг шу дарчадин воқе бўлур.

Ўз-ўзидин нур таратгай дарча, бас,  
Шуъласи офтобу Фарқаддин эмас.<sup>289</sup>

Дарчага ургай қуёшдин шуъла лек,  
Келмагай ул ошкоро шуъладек.

---

<sup>287</sup> Масжуд - сажда этилувчи, сожид - сажда этувчи.

<sup>288</sup> Абдоли Ҳақ - Худонинг хос бандалари, уларнинг сони етмишта эмиш.

<sup>289</sup> Фарқад - Дубби Асгар деб аталган икки юлдузнинг бири.

Дарчага равшан қуёшдин раҳ эрур,  
Ўзгалармас, ул ўзи оғаҳ эрур.

Гар булут тўсса қуёшни барчадин,  
Шуълалар тошгай ҳамоно дарчадин.

3210 Дарчадин йўл бор қуёшга бир неча,  
Шул ҳаво, олти жиҳатдин айрича.

Унга тасбиҳ айтганинг - тасбиҳи Ҳақ,  
Ўз-ўзидин мевага тўлгай табақ.

Бул саватда олмалар битгай нуқул,  
Номини айтсанг оғоч деб, жоиз ул.

Бул сават олма оғочидир ҳамон,  
Ўртада йўл бор вале кўздин ниҳон.

Бул оғочда мевадин не пишгуси,  
Ул муқаррарким саватга тушгуси.

3215 Бул оғочни бахт оғочи бил, холос,  
Соясида ўлтириб, кўнглингни ёз.

Нонки бундоқ юмшатиб қўйгай сени,  
Нон эмас, маҳмуда деб айтгил ани.<sup>290</sup>

Хоки роҳким кўзларинг равшан қилур,  
Хоки роҳмас, кўзларингга сурма ул.

Шул замин кўксида порлаб, туғса кун,  
Мен юзимни кўкка бургаймен нечун?

Ул фано топмиш тамом, эй чашми шўх,  
Сувга кирганлар қуруқ қолгайму, йўқ.

---

<sup>290</sup> Маҳмуда - ични юмшатувчи дори.



3220 Бул қуёш олдида не эрмиш ҳилол?  
Бўйла Рустам олдида не зўри Зол?

Толибу голибки ул Парвардигор,  
Барча борлиқларни йўқ этмоғи бор.

Икки деб билма, эмасдир икки ул,  
Хўжага сингиб, адо, мавҳ бўлди қул.

Хўжа ҳам Ҳақ нури ичра бардавом,  
Йўқ бўлиб кетмиш, кўмилмишдир тамом.

Тангридин гар айру тутсанг хўжани,  
Гум этарсен матн ила дебочани.

3225 Тикма тупроққа кўзингни, уз кунгил,  
Икки эрмас, қиблани бир дона бил.

Икки билсанг қиблани, гам бўлгуси,  
Ҳар оёқ боссанг, олов куйдиргуси.

ҚИБЛАНИ БИРМАС, ИККИ ДЕБ БИЛГУВЧИ КИМ-  
СА КОШОН ШАҲРИГА БОРИБ ҚОЛГАН ҒАРИБГА  
ЎХШАР. ЎНИНГ ИСМИ УМАР ЭДИ. У САБАВЛИ У  
ДЎКОНДАН БУ ДЎКОНГА СУРИБ, ОВОРА ҚИЛИ-  
ШАРДИ. БАРЧА ДЎКОНЛАРДА УМАР ДЕГАН КИМ-  
САГА НОН СОТИЛМАСЛИГИДАН БЕҲАБАР ЭДИ  
УЛ. БИР ЧОРАСИНИ ҚИЛАЙ, ЯНГЛИШ СЎЙЛА-  
ДИМ, ИСМИМ УМАРМАС, ДЕБ АЙТСА, ШАҲАР-  
НИНГ БАРЧА ДЎКОНЛАРИДАН НОН ОЛА ВИЛИ-  
ШИНИ ХАЁЛИГА ҲАМ КЕЛТИРМАСДИ. У ДЎКОН-  
ЛАРНИ БИР-БИРИДАН АЙРУ ДЕБ БИЛАРДИ

Гар сенинг исминг Умардир, шаҳри Кош,  
Ичра бир кимса сенга сотмас лавош.<sup>291</sup>

---

<sup>291</sup> Лавош - юпқа нон.

Бир дўконга борсангу, айланг карам,  
Мен Умардирмен, десанг, нон истарам.

Ул дегай, ўзга дўконга бор ҳамон,  
Тотлидир, юмшоқ, гўзалдир унда нон.

3230 Бўйлаким қийшиқ назарли эр эди,  
Йўқса, ул ўзга дўконни дермиди.

Бўлмасайди кимса ул Кош аҳвали,  
Ул Умар ҳам унга бўлгайди Али.

Чун дўкончи қичқирар қўшнисига,  
Ки Умар бормоқда, нон сотгил анга.

Қўшни ҳам шундоқ усулни қўллагай,  
Ул-да бир бошқа дўконга йўллагай.

Қичқирур ул ҳам Умар бормоқда деб,  
Аҳли Кошдин беҳабар бормоқда деб.

3235 Ўзгаси ҳам ўзгага овоз этар,  
Ҳай, Умар бормоқдадир, деб роз этар.

Гар Умарсен бир дўконда, бас сенга,  
Шаҳри Кошон ичра нон бўлмас сенга.

Гар Али дерсан ўзингни, жон бўлур,  
Учраган ҳар бир дўконда нон бўлур.

Бирни икки кўрган ул бундоқ эмиш,  
Бирни ўн кўргувчисен, эй танфуруш.

Гар шу Кош мулкида эрмассен Али,  
Юр Умардек тентираб, эй аҳвали.

3240 Кимки чун аҳвал, гилайкўз эрса, ул,  
Шул йиқиқ, вайронада сарсон бўлур.

Ҳақшунос эрсанг, кўрарсен бир йўла,  
Икки уйни битта дўст бирлан тўла.

Шул йиқик Кошонда юргайсен кейин,  
Хавф-хатар, таҳлика, қўрқув билмайин,

Сув уза гар ғунча кўргайсен, оғоч,  
Бир хаёлдир, деб чекинма, кўзни оч,

Аксу суврат, Ҳақки кўрсатгай ани,  
Оқибат мевафуруш этгай сени.

3245 Кўз боқиб сувларга чун ҳур бўлгуси,  
Мевалар бирлан саватлар тўлгуси.

Аслида бўстон эрур бул, сув дема,  
Ўзни сен Билқисга ўхшаб шайлама.<sup>292</sup>

Хилма-хил юк бор эшаклар узра, кўп,  
Сен уларни сурма ҳайдаб, урма чўп.

Қай бирида лаъл ила гавҳар эрур,  
Қай бирида тош ила мрамор эрур.

Ҳар ариққа берма ҳукмингни чунон,  
Ойдир ул, ой акси эрмас, эй фалон.

3250 Бул - Хизр суйи, тириклик улгуси,  
Не кўрингай сувда, ул Ҳақ бўлгуси.

Ой дегай сув остидин: оймен, маҳинг,  
Суврат эрмас, ҳамдамингмен, ҳамраҳинг.

Хоҳ қўлинг юксакка чўз, сув устига,  
Хоҳи ой аксига сун, сув остига.

---

<sup>292</sup> Сулаймон пайгамбар саройига келган Билқис биллур тўшамани сув деб ўйлаб, почаларини шимарган.

Бу зилолни одатий сув билмагин,  
Ой дегил ойчеҳра нури, партавин.

Бул сухан поёнсиз эрмиш, ул ғариб,  
Хўжа дарди бирла ёнди ўртаниб.

ТАБРИЗ ЖЎМАРДИ УЛ ҒАРИБНИНГ ҚАРЗИНИ  
ТАБРИЗ АҲЛИГА БЎЛИБ ТАШЛАГАНИ, ЛЕКИН  
ОЗ МИҚДОРДА АҚЧА ЙИҒИЛГАНИ, УЛ ҒАРИБ-  
НИНГ ЗИЁРАТ УЧУН МЎҲТАСИБ МОЗОРИГА  
БОРГАНИ, УНИНГ РУҲОНИЯТИГА ТАВАЖЖУҲ  
ЭТАРАК, КЎНГИЛ ДАРДИНИ ЁРГАНИ

3255 Бўлди машҳур ул ғариб зорлиғ била,  
Поймард чиқди мададкорлиғ била.<sup>293</sup>

Шаҳр аро сайри жадал айлар эди,  
Ул ғарибнинг ҳолини сўйлар эди.

Сўйлабон елди, югурди неча вақт,  
Юз динор маблағ йиғолди ул фақат.

Кўрди шўрлик, ўт туташди сабрига,  
Борди шунда мўҳтасибнинг қабрига.

Деди: чун тавфиқ етишса бандага,  
Неча кун меҳмон эса фархундага,

3260 Молини унга нисор этмасму ул?  
Жоҳини унга исор этмасму ул?

Унга шукр этмоқ - Худога этганинг,  
Унга боғлиқ бўлди чун ризқинг сенинг.

Этмасанг, ул тарки шукри Ҳақ эрур,  
Бергани ул Ҳақ ила мулҳақ эрур.<sup>294</sup>

---

<sup>293</sup> Поймард - жўмард, мададкор.

<sup>294</sup> Мулҳақ - туташган, пайваста.

Тангрига шукр айла, бас, кўрдинг карам,  
Айлагил сўнг шукру зикри хўжа ҳам.

Она меҳри гарчи ул лутфи Худо,  
Онага хизмат сенга фарзу сазо.

3265 Ул сабабдин Ҳақ демиш: сало алайҳ,  
Ки Муҳаммад эрди мўҳтало алайҳ.<sup>295</sup>

Ҳақ қиёматда савол этгай сенга;  
Шунчалар бердим, не келтирдинг менга?

Дерки, ё Раб, сенга этдим шукри жон,  
Чунки сен эрдинг менга бергувчи нон.

Ҳақ дегай: йўқ, менга сен шукр этмадинг,  
Чунки акромимга сен шукр этмадинг.

Ул каримга айладинг зулму ситам,  
Неъматим бердим бировнинг дастидан...

3270 Чун валийнеъмат бошига борди ул,  
Зору нолон ўлтириб, ёлворди ул.

Деди: эй пушти паноҳи ҳар набил,  
Мар тажи ва ғус абнаъа-асабил.<sup>296</sup>

Эйки тутмиш ризқимизни хотиранг,  
Лутфу эҳсонинг жаҳон ичра жаранг,

Эй фақирларга қариндош, волидайн,<sup>297</sup>  
Харжу қарз этганда имдод айлаган.

---

<sup>295</sup> Байтнинг мазмуни: шу сабабдан ҳам Ҳақ “Унга саловот айтинг” деб буюрди, чунки Муҳаммад мўминлар бош ургувчи зотдир... Қуръони карим Аҳзоб сураси, 56-оятга ишорат.

<sup>296</sup> Байтнинг мазмуни: эй ҳар йўқсилнинг суюнчиғи бўлмиш эр, эй йўлда қолганларга имдод этгувчи.

<sup>297</sup> Волидайн - ота-она.

Эйки сен, денгиз, яқинларга гуҳар,  
Ўзгаларга ёмғирин бергувчи баҳр.

3275 Эй ўзингсен елкамизда офтоб,  
Қаср топгай равнақин, ганжин хароб,

Эйки қошин чатмаган ҳеч, тоза мард,  
Ризқ берарда эй Микоилдек жўмард.

Эй дили дарёи ғайб бирлан туташ,  
Кўҳи Қоф, анқойи ғайб бирлан туташ.

Эй саховат шифти ҳеч дарз кетмаган,  
Эҳсон айларкан, тубига етмаган.

Неча йиллар мен каби юзларча жон,  
Сенга бўлмишдек чу аҳли хонадон.

3280 Нақдимиздинг, жонимиздинг, рахтимиз,  
Номимиздинг, фахримиздинг, бахтимиз.

Сен эмас, йўқ, нозимиз ўлди ўшал,  
Ризқимиз, эъзозимиз ўлди ўшал.

Жангу эҳсон бобида тенгсиз эдинг,  
Неча юз Ҳотам эдинг, денгиз эдинг.

Ҳотам ул берса, берарди битталаб,  
Мурдаларга неча ёнғоқни санаб.

Сен ҳаёт бергувчидирсен ҳар нафас,  
Тавсифни айтмоққа етмайдир нафас.

3285 Сен ҳаёт бахш айлагайсен пойдор,  
Зар берурсен бекасоду беканор.

Бўйла бир мардсенки, ворис йўқ сенга,  
Саждалар айлар баланддин кўк сенга.

Лутфинг элни асрагайдир ҳар замон,  
Чун Калимуллоҳ, чўпони меҳрибон.

Ул сурувдин қочди бир қўй, турмади,  
Ортидин қувди Мусо, тиндирмади.

Кечгача елди-югурди, қувди у,  
Кўзларидин ғойиб ўлмишди сурув.

3290 Охири қўй ҳорди, тўхтаркан, уни,  
Тутди аста, қоқди чангу чунгини.

Сўнг силаб-сийпаб, навозиш этди ул,  
Онадек меҳрин намойиш этди ул.

Йўқ эди зарра малоли шул нафас,  
Кўзларида раҳм эди, кўз ёши, бас.

Дедиким, майли, менга раҳм этмадинг,  
Нега жавр этдинг ўзингга, кутмадинг?

Ҳақ деди кўкда малакларга ҳамон:  
Лойиқ эрмасму набийликка фалон?

3295 Мустафо айтмишди: ёш эркан, сабий,  
Бўйлаким чўпон эмишди ҳар набий.

Токи чўпонлик-ла этмай имтиҳон,  
Айламас Ҳақ бўйла пешвои жаҳон.

Паҳлавондин сўрди соил бўйлаким,  
Деди: мен ҳам чўлда бир чўпон эдим.

Токи касб этсин виқору сабру шон,  
Деб набийлик олдидин айлар чўпон.

Ҳар амир ҳам элда чўпондир магар,  
Амри Ҳақни ўйласин, этсин амал.

3300 Ки Мусодек меҳрибонлик айласин,  
Ақл ила тадбирни тутсин, бойласин.

Даҳр аро бундоқ равишни тутса ул,  
Ҳақ анга ой узра чўпонлик берур.

Анбиёким бошда чўпон эрдилар,  
Асфиё аҳлига пешво бўлдилар.

Ҳой, хўжам, сен ҳам чўпон эрдинг, надим;  
Кўзи кўр бўлсин кўролмас бўлса ким.

Мен билурмен бўйла маҳбубсен анга,  
Унда ҳам бермиш у сарварлик сенга.

3305 Лутфу эҳсонингга кўнгил бойлабон,  
Бахши уммонингдин уммид айлабон,

Қарз олиб эрдим чу тўққиз минг динор,  
Қайдасен, то тарқасин дилдан ғубор.

Қайдасен, токи кулиб айтсанг ҳамон:  
Ол уни ўн карра ортиқ, эй фалон.

Қайдасен, то шоду хандон айласанг,  
Лутфу эҳсонингни чандон айласанг.

Қайдасен, элтсанг хазинангга бу дам,  
Қутқариб қарздин ва йўқсилликданам.

3310 Мен дегаймен: бас, етар, олдим фузун,  
Сен дегайсен: ол яна кўнглим учун.

Симу зар тупроққа тушгайму сира?  
Осмон ерга қоришгайму сира?

Ҳошалиллоҳ, сенга остиндир жаҳон,  
Ҳам тирик чоғингда, ҳамда бул замон.



Гайб ҳавоси ичра андоқ қуш учар,  
Соёси ерга, тубанларга тушар.

Тан-бу кунгил соёсининг соёси,  
Дилга ҳеч етгайму қурби пояси?

3315 Мардни кўр, кўрпа-тўшак узра шу тоб,  
Руҳи лек авжи фалакда офтоб.

Жон ниҳон авжи самовот устида,  
Тан вале қақшайди кўрпа остида.

Жон Худойим амрида, поёни йўқ,  
Неча айтсам, шарҳининг имкони йўқ.

Эй ажаб, лаъли шакарборинг қани?  
Ул жавоб айтарда асроринг қани?

Қайда лабларким, шакар сочгувчи ул?  
Мушкулотлар қулфини очгувчи ул?

3320 Қайда ул сўзларки, мисли зулфиқор,  
Айлагай ақлу хирадни беқарор?

Ошиёнин излаган бир қумри бу:  
Ку-ву ку-ву ку-ву ку-ву-ку-ву-ку.<sup>298</sup>

Қайдадир ул? Қайда раҳмат, ундадир,  
Қайда куч, қайда заковат, ундадир.

Қайдадир? Ул мисли арслон бешаси,<sup>299</sup>  
Ундадир ҳар дам кўнгил андишаси.

Ундадир ул, эл алам айёмида,  
Кўз тикар ҳар субҳи бирлан шомида.

---

<sup>298</sup> Мавлоно бу ерда сўз ўйини қияпти: ку-қаерда, маъносида ҳам мусичанинг сайрашига тақлид.

<sup>299</sup> Беша - ўрмон.

3325 Ундадирким, гар ёпишса иллате,  
Термулиб, андин тиларсен сиҳҳате.

Ул тарафдин ел кутарсен багри хун,  
Дон совурмоқ, кема юргизмоқ учун.

Ул тарафга дил ишорат айлагай,  
Тил ҳамон “ё ҳу” иборат айлагай.

Унда Оллоҳку, десайдик кошки биз,  
Ку демай, мо ку десайдик кошки биз.<sup>300</sup>

Ақлимиз қайда, кўролса ғарбу шарқ,  
Жонимизга юз тарафдин урса барқ.

3330 Тошди сув, соҳилни босди денгизи,  
Қайтди сув, соҳил уза қолди изи.

Хўжа, тўққиз мингчадир қарзим маним,  
Юз динордин ортиқ эрмас йиққанам.

Ҳақ сени чекди, аламларга тўлиб,  
Мен бугун кетмоқдамен новмид бўлиб.

Ҳиммат эт, бағримни ёқди ҳасратинг,  
Эй муборақдир қўлинг ҳам ҳимматинг.

Келган эрдим атри боғинг ҳидлабон,  
Кўрдим ул кавсар булогинг ичра қон.

3335 Кўк ўшал кўкдир, вале маҳтоб йўқ,  
Сой ўшал сой, унда сув йўқ, об йўқ.

Неча муҳсин бор, қани ул мустатоб?<sup>301</sup>  
Неча юлдуз бор, қани ул офтоб?

---

<sup>300</sup> Мавлоно яна сўз ўйини қияпти: мо ку - биз қаердамиз, қўшиб ўқилганда “моки” маъноси ҳам англашилади.

<sup>301</sup> Муҳсин - эҳсон этувчи, мустатоб - пок, покиза.

Қайтдинг ул даргоҳи Ҳаққа, муҳтарам,  
Мен-да ул даргоҳ сари қўйгум қадам.

Мажмаъ-у пои илм маъв ул-қурун  
Ҳаст Ҳақ Куллу ладаино муҳзарун.<sup>302</sup>

Нақшларким, беҳабардир, боҳабар,  
Қисмати наққошга боғлиқ ҳар маҳал.

3340 Саҳфа-маҳфа неча ёзгайдир ўшал,  
Гоҳ ёзиб, гоҳида чизгайдир ўшал.

Қаҳр келтиргай ризони йўқ қилиб,  
Бухл келтиргай сахони йўқ қилиб.

Ақлу фикри субҳу шомлар ҳар нафас,  
Шу қалам ҳукмида бўлгай, айрумас.

Кўзагар ишлаб, ясайдир кўзани,  
Кўзагарсиз кимса кўргайму ани?

Тахта-чўпларни дурадгор ишлагай,  
Устасиз ким ҳам уларни пешлагай?

3345 Тўн тикур дарзий, тикучи ҳар замон,  
Ўз-ўзича ҳеч тикилгайму чопон?

Машкини машқобчи сувга тўлдирур,  
Ўз-ўзича сувга ҳеч тўлгайму ул?

Сен-да тўлгайсен, бўшалгайсен ҳамон,  
Санъати ҳукмидадирсен ҳар қачон.

Кўзларингдин парда тушгай бир куни,  
Кўзларинг ўнгида кўргайсен уни.

---

<sup>302</sup> Юз йиллар давомида келиб кетганлар йиғиладиган жой - бай-роғинг остидадир. Тангри, ҳамма ҳузуримизда тўпланур, демиш... Қуръони карим, Ёсин сураси, 32-оятга ишорат.

Кўзларинг бор эрса, очгил, сол назар,  
Бўлма кўрмасларга ўхшиб бежабар.

3350 Гар қулоғинг борса, очгил, тинглагил,  
Кар, қулоқсизларга ўхшаб қолмагил.

Тақлид этмасдин боқишни пеша қил,  
Ўз тиниқ ақлинг билан андиша қил.

РАҲМАТЛИ ХОРАЗМШОҲ ЎЗ ҚЎШИНИ БИЛАН  
ЙЎЛ БОСАРКАН, БАНОГОҲ БИР ОТГА КЎЗИ ТУ-  
ШИБ, УНИ БЕҲАД ЁҚТИРИБ ҚОЛДИ. ОТНИНГ  
ГЎЗАЛЛИГИ, ЮГУРИКЛИГИ УНИ МАФТУН  
ЭТДИ.<sup>303</sup> ИМОДУЛМУЛК ШОҲНИНГ КЎНГЛИНИ  
ОТДАН СОВУТДИ. ПОДШО УНИНГ СЎЗИНИ  
ҚАБУЛ ЭТДИ. УНИНГ НАЗАРИНИ ЎЗ НАЗАРИ-  
ДАН УСТУН ҚЎЙДИ. ИНЧУНИН ҲАКИМ РАҲМА-  
ТУЛЛОҲИ АЛАЙҲ ЎЗ “ИЛОҲИЙНОМА”СИДА  
БУЮРМИШҚИМ:

*Қулфуручи ҳасадин гар кўролгайсен,  
Юсуфни бир қулоч бўзга олгайсен...*

ҚАНЧАЛАР ГЎЗАЛ БЎЛМАСИН ЮСУФ ОҒАЛАРИ-  
НИНГ ҲАСАДИ ТУФАЙЛИ МУШТАРИЙЛАРГА  
ХУНУК КЎРИНА БОШЛАДИ. “ЮСУФГА У ҚАДАР  
РАҒБАТЛАРИ ЙЎҚ ЭДИ”<sup>304</sup>

Бир амирнинг аргумоғи бор эди,  
Отлар ичра тенги йўқ тулпор эди.

Бир куни майдонда ёнди юлдузи,  
Тушди ногоҳ Хоразмшоҳнинг кўзи.

<sup>303</sup> Хоразмшоҳ - 1097-1127 йилларда ҳукмронлик қилган Қутбиддин Муҳаммад.

<sup>304</sup> Қуръони карим, Юсуф сураси, 20-оятга ишорат.

Рангию рафтори мафтун айлади,  
Неча фурсат боқди шоҳ, кўз олмади.

3355 Қайси бир узвига шоҳ этса назар,  
Ул кўрингай эрди беҳамто, гўзал.

Оҳудек учқур эмасди ул фақат,  
Ҳақ анга бермишди айру бир сифат.

Подшо ўйларга ғарқ бўлди чуқур:  
Не эмишдир бўйла ақлим олди ул?

Кўзларим тўқдир, бадавлатдир, гани,  
Икки юз офтобдан ортиқ равшани.

Бош эгар шоҳлар менинг олдимда, чун,  
Анчайин от олди ақлимни бутун.

3360 Жодугарлар жоду этмишлар биза,  
Отдин эрмасдир бу жазбу жозиба.

Шоҳ ўқиб Фотиҳа, ло ҳавл айлади,  
Дардини орттирди, баттар айлади.

Хайрга элтар, шаррни ҳайдар Фотиҳа,  
Ҳақ агар амр этса, найлар Фотиҳа?

Бир нима кўрсатса кўзга, хоҳиши,  
Бир нима беркитса кўздин, коҳиши.

Билдиким, ғойибдин армиш бул сабақ,  
Ҳар нафас бир имтиҳон айлайди Ҳақ.

3365 Тош ҳўкиз, тош отга этгай иқтидо,  
Эл бари, гар бўлса ул амри Худо.

Аҳли кофир наздида бут эрди тоқ,  
Ҳолбуки бир жазби йўқ, жондин йироқ.

Не эмишдир ул ниҳон ичра ниҳон?  
Шуъла ургай бул жаҳонга ул жаҳон.

Ақлим ожиз, мен кўролмасмен, жигар,  
Сен уни кўргил кучинг етса агар.

Подшо қайтди қасрга, ўйлади,  
Сиррини аҳли саройга сўйлади.

3370 Бўйлаким ошуфта эрди ул кўнгил,  
Келтиринглар отни, деб амр этди ул.

Чопдилар шотирлари фармонпазир,  
Бу хабар бирлан адо бўлди амир.

Дардига дармон тилар эрди баса,  
Йўқ эди Имодимулкдин ўзгаси.<sup>305</sup>

Ул Имодулмулк эди, пойи алам,  
Пойига келгайди ҳар мақтули ғам.<sup>306</sup>

Муҳтарам зот эрди ул, сарвар эди,  
Подшо наздида пайғамбар эди.

3375 Бетамаҳ эрди, асл ҳам порсо,  
Обиду зоҳид, ажаб баҳри сахо.

Бас, ҳумоюнрой эди, тадбир род,  
Эзгуликни доим этмишди мурод.

Мол берарда, жон берарда бемалол,  
Гайб қуёшини қуварди чун ҳилол.

Гар ғарибликда амир эрди мудом,  
Лек амирликда фақир эрди мудом.

---

<sup>305</sup> Имодимулк, Имодулмулк - давлат таянчи.

<sup>306</sup> Пойи алам - байроқ ости, мўътабар манзил. Мақтули ғам-ғам ила адо бўлганлар.

Барча муҳтожларга эрди чун падар,  
Даф этарди ҳар зиёну ҳар зарар.

3380 Кўрса айб, ёпгувчи марди Ҳув эди,  
Феъли халқнинг феълидин айру эди.

Неча бор тоғларга кетди бош олиб,  
Неча бор қайтарди подшо ёлвориб.

Жонига оро кирарди банданинг,  
Шоҳ ўтар эрди гуноҳидин анинг.

Борди ул Имодимулкнинг ёнига,  
Тиз чўкиб, сўнг урди бош остонига.

Деди: олсинлар бисотим бешу кам,  
Мен берай боримни ҳам, йўғимни ҳам.

3385 Лек ўлимдир менга отдин айрилиқ,  
Олсалар отимни, ўлгаймен аниқ.

Мен биларменким, қўлимдин кетса от,  
Қолмагай жисмимда, сўнгайдир ҳаёт.

Чун Худо бермиш сенга иззатни мўл,  
Эй Масиҳо, сур менинг бошимга қўл.

Кетса ёрим, сабр этармен ҳар қалай,  
Кетса от, сабру қарорим қолмагай.

Сўзларимга гар инонмассен, ҳамон  
Қил менинг дарди дилимни имтиҳон...

3390 Қўзларини тўлдириб кўз ёшига,  
Борди Мулк имоди подшо қошига.

Турди подшо олдида айлаб сабот,  
Бер мадад, деб, ё Худо, Раббул ибод.

Жим туриб, подшони тинглар эрди ул,  
Кўнглида андиша айлар эрди ул.

Дерди:гар йўлдин адашди, эй Худо,  
Сенга боргай ул, ўзингдирсен паноҳ.

Тангридирсен, чун гуноҳин этма ёд,  
Ҳар асир ул гар халос истар, нажот,

3395 Ҳаққа муҳтож, баски инсондир ҳама,  
Хоҳ гадодир, хоҳи султондир ҳама.<sup>307</sup>

Офтоби бошида ҳозир эса,  
Лек у шамдин раҳнамолик истаса.

Бошига равшан қуёши сочса нур,  
Кўзни лек маҳзун чироққа тикса ул,

Бегумон бу беадабликдир, Худо,  
Куфри неъматдир, магар феъли ҳаво.

Лек фикр этганда кўплаб ақлу ҳуш,  
Шабпарак янглиғ кўрар зулматни ҳуш.

3400 Шабпарак гар тунда овлар қуртчани,  
Жон қуёшидир етиштирган ани.

Шабпарак бир қуртча бирлан эрса маст,  
Қуртни қурт этгувчи офтоб эрди, бас.

Офтобким, нур сочиб, куйдиргуси,  
Душмани қорнини ҳам тўйдиргуси.

Лек у лочинким, анга кўкдин улуш,  
Кўзи равшан, тўғрини кўргувчи қуш.

---

<sup>307</sup> Қуръони карим, Фотир сураси, 15-оятга ишорат.



Шабпаракдек тунда излар бўлса қурт,  
Таъзирин бергай қуёш, этгай ўгит.

3405 Дерки, ул иллатли хуффошдир, анга,  
Қурт муносиб, лек ярашгайму сенга?

Бас, гуноҳ қилдингки, этгаймен итоб,  
Бурма юз, қаршингда бўлсин офтоб.

ОЛЛОҲ РАҲМАТ АЙЛАСИН ЮСУФИ СИДДИҚ-  
НИНГ ҲАҚ ТУРГАНДА ЎЗГАДИН МАДАД СУРА-  
ГАНИ, ПОДШОГА МЕНИ ЭСЛАТИБ ҚЎЙ, ДЕГА-  
НИ, ШУ ТУФАЙЛИ ЕТТИ ЙИЛ ЗИНДОНДА  
ҚОЛГАНИ<sup>308</sup>

Бўйлаким Юсуф ўшал зиндон аро,  
Шериги маҳбусга этди илтижо.

Истади имдод, деди: бўлсанг халос,  
Шоҳга бўлгайсен яна аъёни хос.

Шоҳга эслатгил, мени ёд айласин,  
Сўнгра шул зиндондин озод айласин.

3410 Улки бир зиндон аро маҳбус эрур,  
Ўзга бир маҳбусни қутқаргайму ул?

Аҳли дунё, боқки, маҳбусдир ҳама,  
Интизордирлар ўлимга ҳар дама.

Аксарий мардумки чун ҳижрондадир,  
Тан шу зиндон ичра, жон Кайвондадир.

Ўзгадин ёрдам ўтинди Юсуф ул,  
Шул сабаб зиндонда қолди етти йил.

---

<sup>308</sup> Қуръони карим, Юсуф сураси, 23-42-оятларга ишорат.

Айтмади ул кимса подшога ани,  
Ёдидин сурмишди шайтони дани.

3415 Ул гўзал атворли айлаб чун гуноҳ,  
Неча йил қолди яна зиндон аро.

Кўрмадингму, деди Ҳақ, талъатни сен,  
Шабпаракдек танладинг зулматни сен?

Айби не баҳру булутнинг, ул шу тоб,  
Кўргани саҳрода қумликдир, сароб.

Халқ деган хуффош табиатдир бари,  
Юсуфо, икки кўзинг бор кўргали.

Улки хуффошдир, қуёшни кўрмагай,  
Сенки лочинсен, не бўлди сенга, ҳай?

3420 Берди устози адаб дарси анго,  
Этмагил деб сен чирик чўпдин асо.

Сўнг Юсуфни ўзга машғул айлади,  
Чўкмасин кўнглига дард деб сийлади.

Бўйлаким кўнглига мастлик берди Ҳақ,  
Бўлдилар зиндону зулмат унга ғарқ.

Барча зиндон ичра зиндондир раҳим,<sup>309</sup>  
Қоп-қоронғудир, тўло хуну ваҳим.

Ҳақ ўзи ёққа дарича очса, бас,  
Тан униб, ўсмоққа бошлар ҳар нафас.

3425 Сўнгра ул зиндонга киргай ёғдулар,  
Гул очиб, жисмингда яшнар туйғулар.

---

<sup>309</sup> Раҳим - бу ерда она қорни, бачадон маъносида.

Ташқари чиқмоқлик эрмас сенга хуш,  
Ортга олмоқ ўзни келгай танга хуш.

Завқни дилдан изла, сиртдан излама,  
Бўлма нодон, қасру қўрғон кўзлама.

Ул бири масжидда ёлғиз, масту шод,  
Бул бири боғ ичра маъюс, бемурод.

Не эмиш кўшк, танни вайрон айлагил,  
Тан йиқиқ манзилда бўлгай, англагил.

3430 Кўрмадингму, тузсалар базми шароб,  
Май ичурлар этмагунча ул хароб.

Уй мунаққашдир, уни йиқ бир йўла,  
Қайта қургайсен топилган ганж ила.

Уй тўло чун нақшу тасвиру хаёл,  
Пардадирким, остида ганжи висол.

Партави ганждир бу сувратлар магар,  
Ки кўнгил ойинасида акс этар.

Ул тиниқ сувларки олмос қатрадир,  
Устида ҳардам кўпиклар пардадир.

3435 Жон кўпиргайдир, ажаб ҳусни чаман,  
Парда тортгайдир вале жон узра тан.

Бор масалким, эл аро шоён эрур,  
Ҳар неким биз бирла, ул биздан келур.

Ташналарким, эрдилар кўпикпараст,  
Қолдилар оби зилолдин айру, бас.

Офтобо, қибламиздирсен, имом,  
Шабпаракдек тунни излармиз мудом.

Шабпарақларким учар, эй чорасоз,  
Шабпарақликдин уларни эт халос.

3440 Бул йигит йўлдин адашди, эй гани,  
Менга келди гарчи, маъзур тут ани.

Шер эди вазир Имодулмулк магар,  
Кўнглида қайнарди шул андишалар.  
Гарчи шоҳ олдида эрди суврати,  
Гулшани ғайб ичра эрди сийрати.

Маскани кўйи малойикди, Аласт,  
Тоза майлардин ичиб, ҳар лаҳза маст.

Кўнгли шод, гарчи юзида ғам эди,  
Гўр каби жисмида хуш олам эди.

Ҳайрат ичра эрди ҳар дам интизор,  
Келтирур не мужда деб ғайбу сарор.<sup>310</sup>

Бул замон ул отни навқарлар жадал,  
Хоразмшоҳ олдига келтирдилар.

Суврати от эрди, асли чўғ эди,  
Чархи кўк остида тенги йўқ эди.

Неча кўзлар боқса, куйдирмишди ул,  
Мисли чақмоқ, балки ой туғмишди ул.

Йўл босар эрди Аторуд, Ой мисол,  
Арпамас, ем-озиғи эрди шамол.

3450 Ой кезар авжи фалакда ҳар кеча,  
Сайр этиб осмонни қайдин қайгача.

Ой кияр авжи фалакда тожни,  
Чин эмас дерсан нечун меърожни?

---

<sup>310</sup> Сарор - сирлар.

Юзта ойдек нурли гавҳар эрди, дур,  
Бир ишорат бирла бўлди ойни ул.

Ойни бўлмоқчи эмасди аслида,  
Этди бу ишни халойиқ наздида.

Кору бори анбиёи мурсалин -  
Келди ул авжи самолар устидин.

3455 Сен чиқиб, айланма осмонларни кўр,  
Ундаги аъмол ва имконларни кўр.

Хўжадирсен бир юмуртқа ичра, ҳай,  
Кўкда қушлар айтса, сенга етмагай.

Мўъжизотни шунда қолдир, ортга қайт,  
Хоразмшоҳ бирла от не бўлди, айт.

Лутфи Ҳақ офтоби урса, йўқ тараф,  
Итмидир ул, отмидир топгай шараф.

Лутфи Ҳақ бирдек эмасдир бегумон,  
Тошга ҳам, гавҳарга ҳам урмас ҳамон.

3460 Урса гавҳарга, этар ганжи абад,  
Тошга етгувчи ҳароратдир фақат.

Нурни гоҳ деворга ургай офтоб,  
Сувга урганда - бўлакча изтироб.

Отга ҳайронлиғ била термулди шоҳ,  
Сўнг Имодулмулкка юзни бурди шоҳ.

Деди: от ҳам шунча бўлгайму гўзал,  
Ердин эрмас ул, биҳиштдандир магар?

Лек Имодулмулк дедиким, эй Хидев,<sup>311</sup>  
Хур булур майлинг била шайтону дев.

3465 Отмисан отдир, мисоли охудек,  
Яхшироқ боққанда кўргайсен ва лек,

Мос эмас боши танига, тошидир,  
Боши отнингмас, ҳўкизнинг бошидир.

Бул сифат шоҳнинг кўзини бойлади,  
Наздида отни кўримсиз айлади.

Чун ғаразли бўлса даллол, восиф ул,  
Уч қулоч бўзга сотилгай Юсуф ул.

Улки ҳангоми фироқи жон бўлур,  
Дев талабгори дури иймон бўлур.

3470 Гўлу нодон дури иймонин шу тоб,  
Бир пиёла сувга сотгайдир шитоб.

Ул хаёлдир, бир пиёла сув эмас,  
Девга иймонинг керакдир, ўзгамас.

Бул замон соғсен, тетиксен, қадрасе,  
Лек хаёл деб чинни сотгайсен басе.

Бир гўдакдирсен, хаёл ичра эриб,  
Ёнгоқ олгайсен дуру гавҳар бериб.

Келса бошингга магар рўзи ажал,  
Не кечар ҳолинг чу бундоқдир амал?

3475 Унда келгайсен хаёл, сувратга дуч,  
Мисли ёнгоқдир ва лекин мағзи пуч.

---

<sup>311</sup> Хидев - подшо.

Бошда гар бұлгай тўлин ойдек хаёл,  
Лекин ул охирда кемтикдир, ҳилол.

Сен магар аввалда кўрсанг охирин,  
Четлаб ўтгайсен фирибу фотирин.

Бул чирик дунё эмасдир сенга хўп,  
Кўп синов этма, яқиндин боқма кўп...

Ҳол кўзи-ла отни кўрмиш эрди шоҳ,  
Мол кўзи бирлан Имод солди нигоҳ.

3480 Ул кўриб икки қулочни, олди кўз,  
Бул боқиб, эллик қулочга солди кўз.

Ул нечук бир сурмаким, Яздон чекар,  
Чин ҳақиқатга назарни жон чекар?

Кўзки охир-оқибатга эш эди,  
Кўрди дунёни, ўлакса, лош, деди.

Подшо вазир сўзини тинглабон,  
Отга бўлган меҳри сўнди шул замон.

Кўз дебон вазир кўзини сайлади,  
Ақлига вазир сўзини жойлади.

3485 Бу баҳона эрди, чунки Тангри, Ҳай,  
Шоҳ дилин отдан совутди ҳар қалай.

Кўрмасин, деб ёпди эшикни Худо,  
Ул сухан эрди эшикдин бир садо.

Шоҳ кўзига пардасин чекмишди ул,  
Ойни ҳам ҳатто қорайтирмишди ул.

Не ажиб меъморки, чун айлаб фусун,  
Олами ғайб ичра тиклар қалъасин.

Сўз-садодирким, таратгай қасри роз,  
Очилишдин, ёпилишдин бир овоз.

3490 Ул эшик ҳар гал гичирлар шул йўсин,  
Бонгини тинглаб, кўролмассен ўзин.

Янграса ҳикмат ила гар хушовоз,  
Ланг очилгай бир эшик жаннатда боз.

Тўлса гийбатга қулоқнинг тешиги,  
Ланг очилгайдир жаҳаннам эшиги.

Тингла бонгин, гар йироқдирсен бу дам,  
Бахтиёр улким, кўрар эшикни ҳам.

Яхшилик этсанг, келур навбат сенга,  
Юзланур юз ҳикмату роҳат сенга.

3495 Гар ёмонлик айласанг, фиқу фасод,  
Роҳатинг кетгай адамга шул заҳот.

Олма нокаслар нигоҳу наздини,  
Лошга судрайдир у калхатлар сени.

Кўз юмиб дерсан, ўзингсан тутганим,  
Тут асойимдан, кўзим кўрдир маним.

Ул асокаш раҳнамойинг гўр эмиш,  
Аслида сендан-да баттар кўр эмиш.

Ҳақ ипига қўлни чўзгил, ушлагил,  
Дилни сен амри наҳий-ла хушлагил.

3500 Борма ҳеч кибру ҳавонинг қошига,  
Ул ҳаво ёприлди Однинг бошига.

Ул ҳаводин халқ шу зиндон ичрадир,  
Қуш учолмас, чунки ул дом ичрадир.



Ул ҳаводин ўтда қоврилгай балиқ,  
Пардапўшларда надоматдир ёниқ.

Ул ҳаводин элда ҳоким шиддати,  
Эл аро чормих ила дор ҳайбати.

Кўрдинг ул тан ҳокимин, кўргил бу дам  
Жонга амр этгувчи ул Ҳокимни ҳам.

3505 Жонни кутгай гайб аро исканжа, ҳай,  
Токи сакраб чиқмагунча, кўрмагай.

Сакрабон чиқсанг, кўрарсен неки бор,  
Зид бўлур зид бирла ҳар дам ошкор.

Улки ул чоҳ ичра ўсмиш эрта-кеч,  
Лутфи дашт не, ранжи чоҳ, билгайму ҳеч?

Қўйсанг ул кибру ҳаво Ҳақ бимидин,  
Кўза етгай сенга Ҳақ Таснимидин.<sup>312</sup>

Ло тутарриқ фи ҳавока салсабил,  
Мин жанобиллоҳи навҳ ас-салсабил.

3510 Ло такун тавъ ал ҳаво мислол-ҳашиш,  
Инна зилл ал-арши авли мин ариш.<sup>313</sup>

Деди султон: отин ортга қайтаринг,  
Мени бул дарду балодин қутқаринг.

Демади султон дилида бул дама:  
Шерни ҳўкиз боши бирлан алдама.

---

<sup>312</sup> Бим - қўрқув, ваҳм. Тасним - жаннатда оқадиган бир чашма, уни Салсабил ҳам дейишади.

<sup>313</sup> Кибру ҳавога учма, тарк эт у йўлни, Тангри эшигига, Салсабилга кел. Кибру ҳавога учиб, ўт-ўлан каби шамолга бурканма, Арш сояси хас-хашакдан тикилган айвондан афзалдир.

Бердинг ул хўкиз оёғидин сабақ,  
Отга хўкиз шохини бергайму Ҳақ?

Санъати бордир нечук, кўрдинг уни,  
Отга қўндиргайму хўкиз узвини?

3515 Не ажаб жисму чиройлар тикламиш,  
Не гўзал кўшқу саройлар тикламиш.

Ўртада неча пешайвон ўрнатиб,  
Не ҳовузлар ҳам яна барпо этиб.

Ичда бир оламки кенг, бемунтаҳо,<sup>314</sup>  
Битта чодир ичра бундоқ бир фазо.

Ойни гоҳи девга монанд кўрсатур,  
Гоҳ қудуқ остида гулшан кўрсатур.

Дил кўзин очгай, бекитгай Зулжалол,  
Дамба-дам айлаб неча сеҳри ҳалол.

3520 Ул сабабдинким демишди Мустафо:  
Пастни пасту ҳақни ҳақ кўрсат, Худо.

То етиб охирга, ағдарсанг варақ,  
Етмагай афсус, надоматдин сабақ.

Ул Имодким макр бунёд айлади,  
Ҳақ уни айларга иршод айлади.

Макри Ҳақдир аслида сарчашма ул,  
Икки бармоғи аросинда кўнгил.

Ул билур макру қиёсин бешу кам,  
Хирқани ўтларда ёндирмоқни ҳам...

---

<sup>314</sup> Бемунтаҳо - поёнсиз.

УЛ ПОЙМАРД ВА УЛ ҚАРЗГА БОТГАН ҒАРИБ  
ҲИКОЯСИНИНГ ДАВОМИ, УЛАРНИНГ ХЎЖА  
МОЗОРИДАН ҚАЙТИШЛАРИ ВА ПОЙМАРД  
МЎҲТАСИБНИ ТУШИДА КЎРГАНИ

3525 Бул ҳикоят сўнгига етди қарийб,  
Қайтди ул муҳсин мазоридин ғариб.

Поймард меҳмонни уйга бошлади.  
Олдига ул юз динорни ташлади.

Нон-туз қўйди, ҳикоят айтди ул,  
Чун ғариб кўнглида уммид очди гул.

Етди енгиллик машаққатдин кейин,<sup>315</sup>  
Очилиб сўзларди мезбон тинмайин.

Тун ярим бўлди ҳикоятлар била,  
Уйқу элтди сўнг уларни бир йўла.

3530 Мўҳтасибни кўрди мард уйқусида,  
Каттакон уй ичра, ўз ўтрусида.

Хўжа унга дедиким, эй беназир,  
Ҳар неким айтдинг, эшитдик бирма-бир.

Лек жавоб бермоққа фармон йўқ эди,  
Лаб очиб, сўзлашга имкон йўқ эди.

Сир-синоат не, хабардормиз магар,  
Ул сабабдин лабга тамго урдилар.

Бўлмагай то ғайбнинг асрори фош,  
Бўлмагай то мунҳадим айшу маош.<sup>316</sup>

---

<sup>315</sup> Қуръони карим, Шарҳ сураси, 5-6-оятга ишорат.

<sup>316</sup> Мунҳадим - йиқилган, хароб.

3535 Токи гафлат пардаси йиртилмагай,  
То қозон ўтсиз, оловсиз қолмагай.

Биз қўлоқсиз ҳам эшитгаймиз абад,  
Биз тамом сўзмиз, вале хомуш фақат.

Неки бердик, чун аён бўлди ҳамон,  
Бул жаҳонинг-парда, чиндир ул жаҳон.

Умри инсон-кўзни очмоқ онидир,  
Ҳам уруғни ерга сочмоқ онидир.

Вақт ўтиб, ҳосилни ўргайсен кейин,  
Бир йўла хирмон кўтаргайсен кейин.

МУҲТАСИБНИНГ ТУШДА ПОЙМАРДГА ҚАРЗГА  
БОТГАН ДЎСТИНИНГ ҚАРЗИНИ ТЎЛАШ ЙЎЛИ-  
НИ ЎРГАТГАНИ, КУМУШ ХАЗИНА КЎМИЛГАН  
ЖОЙНИ АЙТИБ БЕРГАНИ, ҚАРЗДОР ХАЗИНА-  
ДАН ИСТАГАНИЧА ОЛСИН, ВОРИСЛАРИМ  
ҚЎЙИБ БЕРСИНЛАР, УЛАРИНГ КЎЗИГА КЎП  
КЎРИНМАСИН, ҚАЙТАРИБ ОЛМАСИНЛАР, ҲАТ-  
ТО БИР ҚИСМИНИ ҚАЙТАРСА ҲАМ, ҚАБУЛ  
ЭТМАСИНЛАР, ЗЕРО, МЕН ВА МЕНИНГ ЯҚИНЛА-  
РИМ ХАЗИНАДАН БИР ЗАРРА ҲАМ ОЛМАГАЙ-  
МИЗ. УНИ БУС-БУТУН ТАНГРИГА АТАГАНМАН,  
ДЕБ ХАБАР БЕРГАНИ

3540 Энди тингла янги меҳмон ҳолини,  
Чунки мен кўрган эдим иқболини.

Қарзга ботмиш деб менга етмиш хабар,  
Шул сабабдин ҳозир этмишдим гуҳар.

Қарзини узмоққа етгайдир, яно,  
Ортадир ҳам, бўлмасин кўнгли яро.

Қарзи тўққиз минг динордир, нетгуси,  
Бир улуш унга кифоят этгуси.

Қолганин ҳам олсин ул, харж айласин,  
Ҳар дуо этса, мени дарж айласин.

3545 Ўз қўлим-ла истадим бермоқни мен,  
Балки ёзмишдим буни дафтарга ҳам.

Бермади ҳуки ажал муҳлат манго,  
То ўзим дурри Адан берсам анго.

Лаълию ёқутни тугдим, бойладим,  
Исмини ёздим, муайян айладим.

Сўнгра кўмдим, ўрни айвону равоқ,  
Дўст гамин бундоқ емишдим бошданоқ.

Биргина шоҳлар билурлар сарфасин,  
Айтгил, огоҳ бўлсин ул, алданмасин.

3550 Алданиб қолмай деса, шошмай ҳамон,  
Пулласин уч кун таҳаммул айлабон.<sup>317</sup>

Қўрқмасин ҳеч, қиймати ўксилмагай,  
Қадри юксакдир, чу арзон бўлмагай.

Сен яна ворисларимга айт салом,  
Неки амр этдим, адо этсин тамом.

Симу зарни ҳеч бири қизғанмасин,  
Айласин меҳмонга тортиқ ҳаммасин.

Деса гар: кўпдир, керакмас афзуни,  
Истаган бир кимсага берсин уни.

3555 Берганин бер, деб киши айтарму ҳеч?  
Сут оқаркан маммадин, қайтарму ҳеч?

---

<sup>317</sup> Бу ерда машҳур ҳадис, Пайгамбар алайҳиссалом сўзига ишорат этилмоқда.

Кимки олса берганин, деди Расул,  
Қусқисин боз оғзига олгувчи ул.

Истамам, деб эшигни ёпса, ҳамон,  
Эшиги олдига тўксинлар тамом.

Майлига, олсин уни ўткинчилар,  
Қайтариб олмоқ эмас бизнинг ҳунар.

Унга деб ганжи ниҳоний шайладим,  
Зулжалолим номига назр айладим.

3560 Кимки андин олса мисқол, бегумон,  
Бир эмас, юз карра кўргайдир зиён.

Кимки бизга ранжу озор этгуси,  
Тонг эмас, дарду аламга етгуси.

Мен Худойимдин этармен илтижо:  
Мустаҳақни Ҳаққа етказ, эй Худо.<sup>318</sup>

Икки сўз айтди яна, икки паём,  
Лаб очиб мен сўйламоқни истамам.

Токи қолгай икки сўз ул сирру роз,  
Маснавий то тортмагай чандин дарвоз.

3565 Поймард уйғонди сармаст, хушкўнгил,  
Гоҳи куйлаб, гоҳи йиғлар эрди ул.

Ҳайрат ичра боқди ул меҳмон анга,  
Сўрди: юзланди нечук савдо сенга?

Не ажаб туш кўрдинг, айтгил, муҳтарам,  
Уйга сизмассен,магар саҳрога ҳам.

---

<sup>318</sup> Мустаҳақ - муҳтож, фақир.

Тушда Хиндистонни кўрмушму филинг,  
Ип узиб, қочмоқни истайдир қулинг?

Деди ул: уйқумда туш кўрдим ажаб,  
Кирди кўнглимга қуёшим ярқираб.

3570 Хўжайи бедорни кўрдим тушда мен,  
Ташнайи дийдорни кўрдим тушда мен.

Чорлаганда йўл босиб елгувчини,  
Минг киши ўрнида зуд келгувчини...

Бўйла мастлик бирла ул этди давом,  
Ақлу ҳушдин сўнгра айрилди тамом.

Мўк тушиб, уй ичра ётди, қошига,  
Келди барча, халқ йигилди бошига.

Ҳушга келгач, дедилар: эй баҳри хуш,  
Эй сенинг беҳушлигинда ақлу ҳуш.

3575 Уйқуда топдинг чу бедорликни сен,  
Балки бедорликда дилдорликни сен.

Молу давлат берди йўқсиллик сенга,  
Молу давлат залвари - қуллик сенга.

Зидни зид ичра ниҳон кўргувчи сен,  
Сувга оташ тафтини ургувчи сен.

Равза Намруд ўти ичра тургуси,  
Хайру эҳсон давлатинг ундиргуси.

Ул сабабдин ҳам демишлар Мустафо  
Ал-самоҳу ё улиннуъмо рабоҳ.

3580 Мо нақас молу мин ас-садқати қат,  
Иннатал-хайроту ниъм ал-муртабат.<sup>319</sup>

Олтининг бўлгай зиёд берсанг закот,  
Фаҳшу мункирликка қалқондир салот.

Гар закотингдир пудингга посбон,  
Ул намозинг - бўри ҳайдовчи чўпон.

Мева пинҳон новдаю барг остида,  
Чун ҳаёти жовидон марг остида.

Гўнг егай, озуқа тупроқ тинмайин,  
Ер ўшандин мева бергайдир кейин.

3585 Йўқлик ичра барча мавжуддир ниҳон,  
Сажда ичра жумла сожиддир ниҳон.

Тош, темир сиртдан агарчи тийрадир,  
Шаъми нур бағри ниҳони ичрадир.

Қўрқув ичра неча эминлик ётар,  
Кўз қароғи ичра равшанлик ётар.

Тан-хўкиз ичра ётар шаҳзода ҳам,  
Ганжни ул вайронга кўмдинг, хўжам.

Қари ул эшакка не, дерсан, нафис,  
Шоҳнимас, ҳўкизни кўрсин ул Билис.

---

<sup>319</sup> Ул сабабдин нажот шоҳи Мустафо демишким, жумардлик-мардликдир, давлатдир. Молу давлат садақа бермоқ ила камаймас, хайру садақа-молу давлатинг посбонидир.



БИР ПОДШО ҲИКОЯТИ, УНИНГ САФАРГА ШАЙ-  
ЛАНГАН УЧ ЎҒЛИГА, МАМЛАКАТНИНГ ФАЛОН  
ЕРИДА УНДОҚ ТАРТИБ ЎРНАТИНГ, ФАЛОН  
ЖОЙЛАРГА БУНДОҚ НОИБЛАР ТАЙИНЛАНГ,  
ЛЕКИН ХУДО КЎРСАТМАСИН, ЗИНҲОР-ЗИНҲОР  
ФАЛОН ҚАЛЪАГА КИРА КЎРМАНГ, УНИНГ АТ-  
РОФИДА ЎРАЛАШМАНГ, ДЕБ ВАСИЯТ ЭТГАНИ

3590 Учта ўғли бор эди шоҳнинг магар,  
Эрдилар соҳиб ақл, соҳиб назар.

Ҳар бири танги, жўмард, дуркун эди,  
Ул биридан бул бири устун эди.

Учта шаҳзода мисоли учта шамъ,  
Бўлдилар ул подшо олдида жамъ.

Ўғлининг кўзу қароғидин ниҳон  
Сув ичар ота дарахти ҳар замон.

Чашмадир, мавжида ҳар дам офтоб,  
Ота-она боғига оққай шитоб.

3595 Ота-она боғи андин яшнар ул,  
Кўзлари ҳам шу булоқдин ёшланур.

Ул булоққа етса бир иллат, ҳамон  
Новда, япроқлар қуриб, бўлгай хазон.

Қовжираб, асрорин ошкор этгай у,  
Дерки, йўқ фарзандларимдин менга сув.

Эй басо коризи пинҳон ҳамчунин,  
Жонингизга боғлидир, ё гофилин.<sup>320</sup>

Эй симирдинг еру кўкдин айрича,  
Шул йўсин жисмингни тўлдирдинг неча.

---

<sup>320</sup> Гофилин - гофиллар.

3600 Чун йигиб дунёнинг узви-узвидан,  
Парча-парча тўпладинг, этдинг бадан.

Тўпладинг жону танингга қанчалар,  
Еру кўклардин, қуёшдин парчалар.

Уйла лекин, сенга бергайму текин,  
Берганин ул қайтариб олмасмикин?

Ўғриким чалди, матоҳи бир куни  
Дор оғочи остига элтар уни.

Не омонатдир, уни кўрмоқ керак,  
Неки олдинг, қайтариб бермоқ керак.

3605 Тандамас боқий тириклик руҳдадир,  
Руҳни бергил, бошқаси беҳудадир.

Жонга нисбат сўйладим беҳудани,  
Ҳаққа нисбат лекин айтмасмен уни.

ОРИФНИНГ АБАДИЙ ҲАЁТ САРЧАШМАСИДАН  
МАДАД ИСТАГАНИ, ВАФОСИЗ СУВЛАРГА ЭЪТИ-  
МОД ЭТМАГАНИ, БУНИНГ БЕЛГИСИ ЎЛАРОҚ,  
ШУ ЁЛҒОНЧИ ДУНЁ- ДОРУЛ ҒУРУРДАН КЎНГИЛ  
УЗГАНИ, ЧУНКИ ИНСОН МАЗКУР ЧАШМАЛАР  
ЁРДАМИГА КЎЗ ТИКАРКАН, АБАДИЙ БУЛОҚ-  
ЛАР ИСТАГИ УНДА СУСТЛАШИБ ҚОЛГАЙ

*Бир илга кириш-да, айла жон бирла жадал,  
Ҳай, йўқса, омонатлар эшик очмаслар.  
Уй ичра кумушланиб кўпирган чашма  
Уйдин нарида оққан ариқдин афзал...<sup>321</sup>*

Ҳар аслнинг асли қандоқ яхшидир,  
Этмаса мавжига чанқоқ, яхшидир.

---

<sup>321</sup> Ушбу рубой Мавлоно қаламига мансуб.

Юз булоқдин сув ичарсен жонга тенг,  
Кам эса юздан, камайгай шодлигинг.

Гар булоқ кўнглингда кўз очса, гани,  
Қутқарар ўзга булоқлардин сени.

3610 Баски балчиқдин эмишдир кўзда нур,  
Дилда дардинг борки, нур андин келур.

Қалъага сувлар йироқдин келгуси,  
Сув эмас, амну омонлик бўлгуси.

Лек босиб душман, ўрайдир қалъани,  
Тиг чекиб, қонларга чўктиргай ани.

Сув йўлин ҳам тезда кесгайдир сипоҳ,  
Аҳли қалъа топмасин, дейди, паноҳ.

Унда шаҳр ичра қудуқким, шўртаъм,  
Тотли бўлгайдир магар Жайхунданам.

3615 Изғирин қишдек ўлим лашкарлари,  
Новда, япроқларга ёпирилгай бари.

Ул замон этмас мададкорлиғ баҳор,  
Лек мадад бергай баҳордек рўйи ёр.

Бўлди тупроқ номи чун дорул гурур,  
Баски йўқликдин оёгин чекди ул.

Бундан олдин ул югургувчи эди,  
Дардинг олгум, деб кўпургувчи эди.

Ки бўлурсен дарду ғамлардин йироқ  
Дарду ғам бирлан арода неча тоғ.

3620 Дарду ғам босганда лек ютгай нафас,  
Жим турар ул, мен сени кўрдим, демас.

Ҳақ демиш: шайтон хаёлинг олгуси,  
Ҳийлалар айлаб, савашга солгуси.

Дер: мададкорманки, ҳар онингдамен,  
Хавф-хатарлар онда ёнингдамен.

Душманинг ўқ отса, қалқонинг ўзим,  
Танг эса ҳолинг, нигаҳбонинг ўзим.

Жон фидо айлаб сенга, олдинда йўл,  
Рустами шерсан магар, мардона бўл.

3625 Макру ҳийла халтаси, дерлар, ани,  
Бўйла кофирликка бошлайдир сени.

Лек сени қай дам чуқурда кўргуси,  
Кўз солиб ҳолингга, қаҳ-қаҳ ургуси.

Сен дегайсен: чўз қўлингни, улфатим,  
Ул дегай: кўрмоққа борму тоқатим?

Кўрқмадинг чун адли Ҳақдин зарра сен,  
Торт қўлингни, чўзма менга, қўрқамен.

Ҳақ дегайким, улки маҳрум бир йўла,  
Сен қутилгайсен нечук бу макр ила?

2630 Рўзи машҳарда ҳисоби Ҳақ аро,  
Ул қаро юздирки, сен ҳам юз қаро

Йўлтўсарлар ҳам, йўлтўсилган ҳам асир,  
Ул жаҳаннам ичра, ул чўнқирдадир.<sup>322</sup>

Йўлдан озган йўлдан оздирган-да чун,  
Ноумиддирлар, аламдин бағри хун,

---

<sup>322</sup> Қуръони карим, Бақара сураси, 206-оятга ишорат.

Ҳам эшак, ҳамда суворий лойдадир,  
Бунда гофил, унда оҳу войдадир.

Тавба қилганлар қутилгайлар ва лек,  
Куз кетиб, келгувчи кўклам фаслидек.

3635 Тавба қилгайлар, Худо этгай пазир,  
Амрин этгайлар, Худо - наъм ул-амир.<sup>323</sup>

Йиғлагайлар чун пушаймонлик била,  
Ларза тушгай Аршга ул фарёд ила.

Бўйлаким Арш она янглиғ инграгай,  
Қўл чўзиб, ҳар дам баландга ундагай.

Дерки, Ҳақ сизни гурурдин асради,  
Айбингиз ёпди, тараҳҳум айлади.

Энди сизга ризқи рўзи барча ул,  
Мурдадин эрмас, Худованддин келур.

3640 Тошди денгиз чун босолмай рашкни,  
Ташна тарк этди балиқдек машкни.

**ШАҲЗОДАЛАР ОТАЛАРИ БИЛАН ХАЙРЛАШИБ,  
МАМЛАКАТ БҲЙЛАБ САФАРГА ЧИҚИШГАНИ,  
ПОДШО ҲЗ ВАСИЯТИНИ ЯНА ТАҚРОР ЭТГАНИ**

Хуллас ул шаҳзодаларким уч нафар,  
Мамлакат бўйлаб сафарга чиқдилар.

Мақсад улдирким, сафар бўйлаб тутош,  
Этсалар тадбири девону маош.

Ўпдилар шоҳнинг қўлин айтиб видо,  
Сўнги бор деди уларга подшо:

---

<sup>323</sup> Наъм ул-амир - гўзал буйруқлар бергувчи.

Қайга кўнгил тортса, беармон боринг,  
Ҳақ паноҳи остида хандон боринг.

3645 Ёлғиз ул бир қаъадирким, Ҳушрабо,<sup>324</sup>  
Унга борманг, сизга тор келгай қабо.

Оллоҳ, Оллоҳ, қалъаким Зот ус-сувар,<sup>325</sup>  
Унга ёндашманг, баса хавфу хатар.

Орқа - олди, саҳну девор, шифту том,  
Жумла тимсол бирла сувратдир тамом.

Чун Зулайҳо ҳужраси ҳам пурсувар<sup>326</sup>  
Эрди, то Юсуф анга солгай назар.

Бир қиё боқмас эди Юсуф анга,  
Уйни тўлдирмишди чун ўз расмига.

3650 Қай тараф кўз солмасин ул хушузор,  
Унга дуч келсин, дебон, беихтиёр.

Кўзи равшанларга ул Ҳаққи жалил,  
Олти ёқни айлади кони далил.

Юзни ул қайси тарафга бургуси,  
Гулшани Ҳақдин чечаклар тергуси.

Ул сабабдин ҳам сенга амр этди у:  
Ҳайсу валятум фасуми важҳу.<sup>327</sup>

Сув ичар бўлса магарким ташна ул,  
Сув ичинда Ҳақни кўргайдир нуқул.

3655 Улки ошиқ эрмас, ул этгай ғалат,  
Сув ичаркан, ўзни кўргайдир фақат.

<sup>324</sup> Ҳушрабо - ақлу ҳушни олувчи.

<sup>325</sup> Зот ус-сувар - сувратлар билан зийнатланган.

<sup>326</sup> Пурсувар - сувратлар билан тўла.

<sup>327</sup> Қаёққа юз бурманг, у ерда Ҳақ юзи, Ҳақ сифати бор.

Улки фоний бұлди Ҳақ зотида, бил,  
Кимни кўрғай сувда, бир фикр айлагил.

Ҳусни Ҳақ эрмиш санамларда жамол,  
Сувда акс айлаб кўринган ой мисол.

Ошиқу содиққа Тангри рашк этур,  
Рашк этарму деву шайтонларга ул?

Дев-да ошиқ эрса, не ҳайронлиги,  
Жабраил бўлғай, ўлиб шайтонлиги.

3660 “Асламул шайтон” магар бўлғай падид,<sup>328</sup>  
Бир Язид бўлғай карамдин Боязид.

Бул сухан поёнсиз эрмиш, эй гуруҳ,  
Юзни бурманг қалъага, этманг ружу.

Гар ҳавас йўлдин адаштирса, ёмон,  
Сиз шақоват ичра қолгайсиз тамом.

Тинглангиз мендин бу панди бегараз,  
Хавф-хатарлардин тийилмоқ сизга фарз.

Ҳам нажот изларда лозим иштиёқ,  
Яхшидир юрсанг балолардин йироқ.

3665 Этмасайди ота бу панд-ҳикматин,  
Алҳазар, деб айтмасайди қалъадин,

Қалъа у эсларга ҳеч тушмас эди.  
Ўй-хаёллар ул сари учмас эди.

Чунки ул машҳур эмас, овлоқ эди,  
Ул тараф элтгувчи йўл камроқ эди.

---

<sup>328</sup> “Шайтон мусулмон бўлди” деган сўзнинг маъноси аён бўлди. Бу ерда “Ҳар инсоннинг бир шайтони бор. Оллоҳ мадад берди, шайтоним мусулмон бўлди” деган ҳадисга ишорат этилмоқда.

Ота сўз очди, гаразни қўзгади.  
Манъ этиб, орзу-ҳавасни қўзгади.

Ортди рағбат, дедилар: бормоқ керак,  
Сирри не эрмиш, уни кўрмоқ керак.

3670 Манъ этилса, бас, анга дучдир киши,  
Манъ этилган нарсага ўчдир киши.

Аҳли тақвога дейилса, бас, наҳий,  
Лекин ул аҳли ҳаво билмас наҳий.<sup>329</sup>

Йўлдан озганлар бу сўздин анча мўл,  
Кўнгли огоҳлар топарлар тўғри йўл.

Кўр кабутарни, қамишдин қочмагай,  
Бошқаси четлар уни, ёндошмагай.

Дедилар шаҳзодалар: хизматдамиз,  
Амринг этгаймиз адо албатта биз.

3675 Баски вожибдир ҳама фармонларинг,  
Куфр бўлгай билмасак эҳсонларинг...

Лекин истиснову тасбиҳи Худо,  
Сўйламай, чун этдилар кибру ҳаво.

Не карам бор иншооллох тошида,  
Сўйламишдик Маснавийнинг бошида.

Юз китобдин муддао бир боб эрур,  
Юз жиҳатдин мақсад ул меҳроб эрур.

Неча йўллардин мурод бир хонадир,  
Минг бошоқнинг илдизи бир донадир.

---

<sup>329</sup> Наҳий - манъ этмоқ.



3680 Турфа-турфа нозу неъматларки бор,  
Аслида бир наrsa, этсанг эътибор.

Биттаси бирлан магар тўйсанг тамом,  
Тортмагай, бўлса яна эллик таом.

Оч қолиб, кўзи гилай эрдинг ўзинг,  
Бирни чун юз мингта кўрмишди кўзинг.

Сўйламишдик бир канизак ҳолини,  
Ҳам табибларнинг аянч аҳволини.

Бежилов отларга ўхшарди улар,  
Ким суворий эрди, андин беҳабар.

3685 Лаблари қон эрди сувлиқдин, қаро  
Кўп юришлардин туёқларда яро.

Ўйламасди лек улар, кимдир дебон,  
Бизни сургувчи суворий, устамон?

Бизни қистаб ҳайдаган эрмас лижом,  
Бир чавандоздир у, бундоқ дўстком.

Бир неча гулшанга бордик гул учун,  
Гул кўринганлар тикон эрмиш бутун.

Сўрмади андиша айлаб бир улар:  
Кимдир ул бизнинг томоққа тепкилар?

3690 Қул эмишдирлар сабабга шунчалик,  
Қолди Ҳақ макри уларга пардалик.

Гар хўкиз боғлаб огилга бир кези.  
Ўрнида эшшакни кўрсанг эртаси,

Ғафлатинг эшшакданам ортиқ бўлур,  
Сўрмасанг гар: бу ҳунар кимдан келур?

Кимса ул пайдо эмас,эрмиш ниҳон,  
Ё магар тушмиш фалақдин ногаҳон?

Ўнг тарафда эрди мўлжал этганинг,  
Сўл тарафга кетди лекин отганинг.

3695 Оҳу деб отингни сурдинг беаёв,  
Оҳу эрмас, сенга тўнғиз бўлди ов.

Фойда деб елдинг, югурдинг сен фақат,  
Ўзни зиндон ичра кўрдинг оқибат.

Чоҳлар қаздинг бировларга, қудуқ,  
Лек ўзинг тушдинг қудуққа, эй қуруқ.

Гар сабаб бирлан муродга етмадинг,  
Лек сабаб узра гумоне этмадинг.

Касб, ҳунар айлаб биров ҳоқон эрур,  
Лек биров касб айласа, урэн эрур,<sup>330</sup>

3700 Ул биров хотин бўлиб, Қорун эмиш,  
Қарзга ботган бул биров дилхун эмиш.

Бас, сабаб ўйнайди чун эшшак думи,  
Яхшидир, кўздин йироқ тутсанг уни.

Сен сабабларга ёпишма, эй фалон,  
Остида бор неча офатлар ниҳон.

Иншоолоҳ сирру бу, жазму ҳазар,  
Чун қазо эшшакни эчки кўрсатар.

Бойласа кўзни қазо, йўқ унга шак,  
Кўзга эшшак ҳам кўрингай эчкидак.

---

<sup>330</sup> Урэн - яланғоч.

3705 Кўзни айлантирган ул Хақнинг кучи,  
Ким эрур кўнгилни айлантиргучи?

Чоҳни бўйла хона кўргайсен, латиф,  
Домни бўйла дона кўргайсен, зариф.

Шубҳа эрмасдир, Худонинг амри бул,  
Кўрсатур, ҳар нав ҳақиқат қайда ул.

Улки инкори ҳақойиқ айлагай,  
Ўзни ҳар лаҳза хаёлга шайлагай.

Сўрмагай лекин: хаёлда не хаёл?  
Кўз очиб боққим, нечук эрмиш бу ҳол.

ШАҲЗОДАЛАРНИНГ “ИНСОН МАНЪ ЭТИЛГАН  
НАРСАГА ЎЧ БЎЛУР” ҚАБИЛАДА ИШ  
ТУТИШГАНИ.

*Биз қуллигимиз неча аён айладик, аммо,  
Шум феълу хўйинг билмади қул сайлаб олишни.*<sup>331</sup>

ОТАЛАРИНИНГ БАРЧА ВАСИЯТЛАРИ, ЎГИТЛА-  
РИНИ ОЁҚОСТИ ҚИЛИБ, МАНЪ ЭТИЛГАН ҚАЛЪ-  
АГА БОРИШГАНИ ВА БАЛО ЧОҲИГА ТУШИШГА-  
НИ. НАФСИ ЛАВВОМАЛАРИ УЛАРДАН “СИЗГА  
БИР ҚЎРҚИТУВЧИ КЕЛМАДИМИ?” ДЕБ СЎРАГА-  
НИ, УЛАР “БИЛСАЙДИК ЁҲУД АҚЛНИ ИШЛАТ-  
САЙДИК, ЖАҲАННАМГА ТУШМАСДИК” ДЕБ  
ЖАВОБ БЕРИШГАНИ.<sup>332</sup>

3710 Бул сухан сўнгсиз эмиш, шаҳзодалар,  
Манъ этилган қалъа сори юрдилар.

<sup>331</sup> Бу байт Ҳаким Саной қаламига мансуб.

<sup>332</sup> Нафси лаввоми - ўзни ўта қийновчи нафс.

Ўйлаким бугдойга кўзни тикдилар,  
Яхшиларнинг даврасин тарк этдилар.

Манъ этишлар қўзгади ҳирсу ҳавас,  
Этдилар ул қалъани кўрмоққа қасд.

Бормангиз, деб гарчи айтмиш эрди шоҳ,  
Тортди кўнгилларни лекин Ҳушрабо.

Юрмайн идрок, ақлнинг амрига,  
Кунни ташлаб, кирдилар тун қаърига.

3715 Қалъада дарвозалар эрди ҳамон,  
Беши денгиз, бештаси саҳро томон,

Рангу бўй ҳиссига эрди бештаси,  
Ботиний туйғуни дерди бештаси.

Неча минглаб суврату нақшу нигор,  
Кўрдилар чун сайр этиб хуш, беқарор.

Ичма суврат жомини, ҳай, бўлма маст,  
Бўлмагил то буттарошу бутпараст.

Кеч ўшал суврат қадаҳдин, эй ўгил,  
Бода жомданмас, магар жом ичра ул.

3720 Бодабахшга тут оғизни дамба-дам,  
Бода бўлса, бас, топилгай жоми ҳам.

Одамо, маънийи дилбандимни сўр,  
Қобигу сувратни қўй, ул не эрур?

Баски қум бўлди Халилуллоҳга ун,  
Эй азиз, бугдой не ҳожат сен учун?

Суврат ул олгай бесувратдин вужуд,  
Мисли оташдин келур дунёга дуд.

Айби бор хислатли сувратнинг хиёл,  
Бетиним кўрмоқ уни келгай малол.

3725 Ҳайратинг ошгай бесувратлик била,  
Неча юз олат беолатлик била.

Қирқилиб қўллар тўқийдир, йўқ ками.  
Жони жон эрса яратгай одамий.

Кўнгил ичра бўйлаким ҳажру висол,  
Турфа-турфа туйғу қўзғотгай хаёл.

Ҳеч муассир бир асарга ўхшамас,  
Оҳу фарёд бир зарарга ўхшамас.

Навҳада суврат, зарарда йўқ чунон,<sup>333</sup>  
Унда қўл бор, бунда қўлдин не нишон.

3730 Бу мисол ўткирмас унча, мусдалил,<sup>334</sup>  
Топганим шу бўлди аммо, англагил.

Санъати бесуврат эккай сувратинг,  
Танда юз очгай ҳавосу олатинг,<sup>335</sup>

Ул нечук суврат экарса, этгуси,  
Жисмаро яхши-ёмонлар битгуси

Суврати неъмат эса, шокир бўлур,  
Суврати муҳлат эса, собир бўлур.

Суврати шафқат эса, болон бўлур,  
Суврати заҳмат эса, нолон бўлур.

3735 Суврати қўргон эса, этгай сафар,  
Суврати пайкон эса, тутгай сипар.

---

<sup>333</sup> Навҳа - йиғи, фарёд.

<sup>334</sup> Мусдадил - далил истовчи.

<sup>335</sup> Ҳавос - ҳислар.

Суврати хубон эса, ишрат этар,  
Суврати ғайби эса, хилват этар.

Суврати муҳтожлик истар кору касб,  
Суврати қувват тилайдир ҳарбу зарб.

Ишга ундовчи хаёлларким, талай,  
Рангба-ранг, ҳадду ҳисобга сиғмагай.

Бениҳоятдир ҳунарлар пояси,  
Барчаси андишаларнинг сояси.

3740 Ўлтирурлар бир гуруҳ том бошида,  
Соялар ер узра, том ёнбошида.

Фикр - сувратдир, баландда ўлтирур,  
Соя-ишдирким, амал, тубанда ул.

Гар бири ошкор, бири пинҳон сифат,  
Таъсиру вуслатда лекин ҳамжиҳат.

Суврати жом эрса, базми ҳуш эрур,  
Ҳосили улким, ҳама беҳуш эрур.

Эр-хотинлик суврати этгай жимо,  
Маҳсули - беҳушлик эрмиш васл аро.

3745 Нону тузнинг суврати неъмат сенга,  
Фойдаси улким, етар қувват сенга.

Жанг аро суврат у шамширу сипар,  
Фойдаси - майдонда устунлик, зафар.

Мадраса сувратда гарчи боғлагай,  
Таҳсил олгач, ул боғичлар қолмагай.

Қул эрур суврат у бесувратга чун,  
Бас, валийнматни рад этгай нечук?

Жумла топмишлар бесувратдин вужуд,  
Ўзни этгайлар не боисдан жуҳуд?

3750 Андин эрмишдир бунинг инкори ҳам,  
Андин эрмиш ҳар не этган кори ҳам.

Суврати девору шифти ҳар макон,  
Сояйи андиши меъмордир ҳамон.

Гарчи фикр айларда ҳар гал бор-бор,  
Тошу тахта, ғишт эмасдир ошкор.

Фоили мутлақ чу бесуврат эрур,  
Илкида суврат фақат олат эрур.

Гоҳида бесуврат ул сургай адам,  
Неча суврат кўрсатур айлаб карам.

3755 Бахш этар сувратга гал ҳимматин,  
Ҳам камолу ҳам жамолу қудратин.

Лек у бесуврат яширса, ёпса юз,  
Рангу рўй бирлан қолурлар юзма-юз.

Суврат ул гар ўзга сувратдин камол  
Излар эрса, бу қабоҳатдир, залол.

Бас, нечун арз айлагайсен, эй фалон,  
Эҳтиёжинг ўзга муҳтожга чунон?

Қул эрур Яздонга суврат, сўзлама,  
Ҳақни суврат билма, ташбиҳ излама.

3760 Тавба қил, ўзни фано кўйига сур,  
Чун тафаккурдин фақат суврат келур.

Сенга ул суврат-жаҳоннинг нақшидир,  
Суврат ул сенсиз туғилса, яхшидир.

Сен кетарсен бир шаҳарни кўргани,  
Завқи бесуврат етаклайдир сени.

Маъни ичра то борарсен ломакон,  
Билмагай хушлик макон бирлан замон.

Суврати дўст сори боргайсен ҳали,  
Азбаройи унга ҳамдам бўлгали.

3765 Сўйи бесувратга боргайсен магар,  
Гарчи мақсад не эди, сен беҳабар.

Ҳақни топгайдир киши, топғони ул,  
Завқига, босган йўлига мос бўлур.

Баъзилар бош ўрнига дум сайламиш,  
Бош аслдир, лек уни гум айламиш.

Бош йўқолмишдир уларнинг ўнгидин,  
Бош этар имдод у қуйруқ йўлидин.

Унга бош ёрдамчи, бунга дум магар,  
Ўзгаларга қўл-оёқ ҳам гум магар.

3770 Жумлани гум айлаган топгусидир,  
Қуллга йўқлик соридин чопгусидир.

ШАҲЗОДАЛАРНИНГ ЗОТ УС-СУВАР ҚАЛЪАСИ-  
ДАГИ САРОЙДА ЧИН ПОДШОСИ ҚИЗИНИНГ СУВ-  
РАТИНИ КЎРИШГАНИ, ЭС-ҲУШДАН АЙРИЛИШ-  
ГАНИ ВА, БУ КИМНИНГ СУВРАТИ, ДЕБ  
СЎРАШГАНИ

Бул сухан поёнсиз армиш, ул гуруҳ,  
Кўрдилар сувратки, ҳусн эрди, шукуҳ.

Ўзгалардек гарчи бир қиз эрди ул,  
Чўкдилар денгизга, тубсиз эрди ул.



Косада афюн сунилди ул замон,  
Коса ошкор эрди, лек афюн ниҳон.

Қилганин қилди бу янглиғ Хушрабо,  
Домига тортди тугал чоҳи бало.

3775 Тири ноз санчилди дилга бекамон,  
Альомону альомон, эй беомон.

Ёқди давронларни бундоқ тош санам,  
Қилди кул динларни, кўнгилларни ҳам.

Жони гар бўлганда не бўлгай эди,  
Ҳар нафас савдоси ўзгаргай эди.

Суврат ишқига магар йўқ эрди чек,  
Ботди кўнгилларга худди найзадек.

Тўкди кўз ёшларни селдек заҳми тиг,  
Қўлларин чайнаб дейишди: во дариг!

3780 Биздин олдин шоҳ буни кўргон экан,  
Ул сабаб бизга ўгит бергон экан.

Анбиёнинг ҳаққи мўлдир, эй азиз,  
Сўйламишлар не эрур поёнимиз.

Ҳар не эксанг, ул тикон бўлгай сенга,  
Бул тараф юрма, зиён бўлгай сенга.

Мендин олсанг, ҳосилин бергай уруғ,  
Сен қанотим ол, қадалгай унга ўқ.

Сен унинг вожиблигининг беҳабар,  
Оқибат дерсан вале, вожиб магар.

3785 Ул ўзингдирсен, вале айтмиш ани,  
Ўзлингнинг тарк айлабон кетгай сени.

Сўнги ўзлик аввалини излагай,  
Соғиниб келгай, висолин кўзлагай.

Сенда сендин ўзга сенлик бор, қўзим,  
Ўзлигин билганга ман қурбон ўзим.

Ёш магар кўзгуда кўрса нарсани,  
Кекса чол гишт узра кўргайдир ани.

Подшомиз амрини хор айладик,  
Отамиз лутф этди, инкор айладик.

3790 Бизга не эрмиш, дедик, ул қавли шоҳ,  
Ул иноятларки, ул беиштибоҳ.

Сўнг тушиб чўнқирга, жойландик хама,  
Бўйлаким ўлдик ҳама бемалҳама.<sup>336</sup>

Айладик ақлу ҳунарни раҳнамун,  
Бу бало келди, ёпишди бизга чун.

Сил киши соғмен дегандек беадоқ,  
Ўзни билдик хасталиклардин йироқ.

Хасталиклар ошкор бўлди кейин,  
Жисмимиз унга шикор бўлди кейин.

3795 Сояйи пир Хақни эслашдин азиз,  
Бир қаноат юз табақ ошдин азиз.

Бир кўрар кўз юз асодин яхшидир,  
Тош ила гавҳарин чунки ажратур.

Сўрдилар шаҳзодалар излаб хамон,  
Бул ажиб сувратда ул кимдир, дебон.

---

<sup>336</sup> Бемалҳама - жангсиз.

Кўп сўровлардин кейин очилди сир,  
Очди сирни бир буюк шайхи басир.<sup>337</sup>

Сўз била эрмас, ваҳий бирлан деди,  
Чунки сирру роз анга ошкор эди.

3800 Деди: бу, Хулкардин ортиқ талъати,  
Мулки Чин шоҳи қизининг суврати.

Мисли авлод жонидек жон ичрадир,  
Парда ичра, кўшку айвон ичрадир.

На анга эр ёндашур, на бир аёл,  
Шоҳ уни асрар баданда жон мисол.

Журъат айлаб, кимса айтмас номини,  
Қуш учаркан, сайр этолмас томини.

Вой ўшал кўнгилки, васлин истагай,  
Кимсага бу телба савдо тушмагай.

3805 Тингламас жоҳилга эрмиш бу жазо,  
Бехабар, гофилга эрмиш бул сазо.

Дерки, мен ишга ўзимни шайлагум,  
Ақлу идроким-ла тадбир айлагум.

Ҳолбуки етса иноят зарра ул,  
Тадбирингдан юз карат авло бўлур.

Айла тарк макру ҳунарни, тоза эр,  
Бор иноят олдиға, жонингни бер.

Ҳийла бирлан ҳосили мақсуд эмас,  
Қўй уни, то ўлмагунча суд эмас.

---

<sup>337</sup> Шайхи басир - гайбни кўргувчи шайх.

БУХОРОЛИК САДРИ ЖАҲОН ҲИКОЯТИ, УНИНГ  
ОВОЗ ҚҶЙИБ САДАҚА СҶРАГАННИ САДАҚА-  
ДАН МАҲРУМ ЭТГАНИ, БИР ДОНИШМАНД ДАР-  
ВЕШ БУНИ УНУТИБ, ҲИРС ВА ХОВЛИҚМАЛИК  
ИЛА ОҒИЗ ОЧИБ, УНДАН САДАҚА СҶРАГАНИ,  
САДРИ ЖАҲОН ЭЛ ОРАСИДА УНДАН ЮЗ ҶГИР-  
ГАНИ, ДАРВЕШ ҲАР КУНИ БИР ҲИЙЛА ҚУРГА-  
НИ, ГОҲ ЧОДИР ЁПИНИБ, ХОТИН СУВРАТИГА  
КИРГАНИ, ГОҲ ҶЗИНИ КҶР ҚИЁФАСИГА СОЛГА-  
НИ, ЮЗИНИ, КҶЗИНИ БЕКИТГАНИ, САДРИ  
ЖАҲОН ҲАР ГАЛ ФАҲМУ ФАРОСАТ ИЛА УНИ  
ТАНИГАНИ

3810 Ул Бухоро ичра бир соҳибназар,  
Аҳли ҳожатмандга эрди хуш амал.

Хайру эҳсон бешумор айлар эди,  
Ҳар куни олтин нисор айлар эди.

Зар берар эрди этиб қоғозга жо,  
Бор вужуди бирла айларди саҳо.

Мисли офтоб, мисли ойдек покбоз,  
Ҳар не олмиш шуъласин бергайди боз.

Ким берур тупроққа зар? Офтоби нур,  
Зар дўконда, ганж харобот ичра ул.

3815 Ҳар сабоқ бергайди йўқсилларга ош,  
Қолмас эрди кимса маъюс, бамаош.

Мубтало дилпораларга - бир куни,  
Беваю бечораларга - бир куни.

Эртаси мискин алавийларга гал,  
Баҳраманд эрди фақиру камбагал.

Ерда ётганларга навбат эрди сўнг,  
Қарзга ботганларга ҳиммат эрди сўнг.

Шарти улким, кимса матлаб очмагай,  
Менга зар бергил, дебон лаб очмагай.

3820 Йўли узра барча муфлислар туташ,  
Жим турарди саф чекиб, деворваш.

Кимса лаб очса, сўрар бўлса савол,  
Тегмас эрди кафтига бир зарра мол.

Кимки жим тургай, қутилгай-ёсаси,<sup>338</sup>  
Жумла жим турганга эрди косаси.

Бир куни бир кекса юзланди анга,  
Дедиким, очмен, закотим бер менга.

Дедилар, ҳой, жим, вале жим бўлмади,  
Сўйлади, танбиҳга таслим бўлмади.

3825 Шайх деди: пирсен, уялмассен магар?  
Чол дедиким, мен уялмам, сен уял.

Еб битирдинг шу жаҳонни бешу кам,  
Таъмагирсен энди ул дунёданам.

Кулди ул Садри жаҳон, берди ато,  
Барча бахшойишни олди ул гадо.

Қўл чўзиб сўнг қанчаси бош эгмади,  
Ҳеч бирига зарра олтин тегмади.

Гал фақиҳларга етишди бир замон,  
Ҳирсга тушди бир фақиҳ, чекди фиғон.

3830 Зорланиб этди тавалло қанчалар,  
Бўлмади фарёдидин суду самар.

---

<sup>338</sup> Кимки жим тургай, қутилгай (Ҳадис). Ёса - қонун, қоида.

Эртаси кун ул оёгин бойлади,  
Мубталолар ичра ўзни жойлади.

Чаппа-рост айлаб оёққа тахталар,  
Бойлаб олди ул, шикаст етмиш магар.

Шайх таниб, унга вақое бермади,  
Эртаси ул ёпди юзни, чирмади.

Бермади ҳеч нарса боз Садри судур,  
Лаб очиб сўзга, гуноҳкор эрди ул.

3835 Неча юз макру ҳунар этди тагин,  
Бошига ёпди хотинлар чодрасин.

Бевалар ичра ўтирди дам ютиб,  
Бош эгиб, икки қўлин пинҳон этиб.

Ўтди-кетди шайх яна бермай вақо,  
Ул фақир ўртанди йўқсиллик аро.

Эртаси борди кафанчи қошига,  
Деди: чирмаб, қўй мени йўл бошига.

Сўзга лаб очма, зиён етгай магар,  
Тур кутиб, Садри жаҳон ўтгай магар.

3840 Мурда деб балки мени ўйлайди ул,  
Бу-кафанликка, дебон ташлайди пул.

Ҳар не берса, ярмини бергум сенга,  
Ул кафанчи кўнди, эш бўлди анга.

Йўл уза қўйди наmatпеч айлабон,<sup>339</sup>  
Бир маҳал етди ўшал Садри жаҳон.

---

<sup>339</sup> Наматпеч айлабон - наmatга ўраб.

Тангалар отди наMAT устига ул,  
Бенаво йўқсил ҳамоно чўзди қўл.

Олмагай, деди, кафанчи ногахон,  
Тангаларни этмагай кўздин ниҳон.

3845 Пулни олгач ул наMATнинг устидин,  
Судралиб чиқди наMATнинг остидин.

Деди: эй Садри жаҳон, ҳолинг нечук?  
Хайру эҳсонингни олдим ҳар нечук...

Деди: не макру ҳунарлар этмадинг,  
Ўлмагунча бир вақога етмадинг.

“Ўлмасингдин олдин ўл”нинг сирри бул,  
Чун ўлимдин сўнг ганиMATлар келур.

Бас, ўлимдин ўзга ҳар неки ҳунар  
Зоедир Ҳақ олдида, эй ҳийлагар

3850 Бир иноятча эмас юз ижтиҳод,  
Чунки жаҳд ёнида тургай юз фасод.

Ул иноят шарти эрмиш тарки жон,  
Не эранлар айламишлар имтиҳон.

Бас, ўлим ҳам беиноят бўлмагай,  
Қолма гофил, беиноят бўлма, ҳай.

Ул магар зумрад, бу қартайган илон,  
Йўқса гар зумрад, у кўр бўлгай қачон?

БИРИ КЎСА БИРИ ЎСПИРИН АКА-УКАЛАР  
ҲИКОЯТИ, УЛАРНИНГ БИР КЕЧА БЎЙДОҚЛАР  
УЙИДА ТУНАШГАНИ, ЎСПИРИН ЎЗ ЁНИГА БИР  
НЕЧА ҒИШТ ҒАМЛАБ ҚЎЙГАНИ, БИР МАҲАЛ  
БИР БЎЙДОҚ СЕКИН КЕЛИБ, У ҒИШТЛАРНИ  
БИРИН-КЕТИН БИР ЁҚҚА ТАШИГАНИ, ЎСПИ-  
РИН УЙҒОНИБ, ҒИШТЛАРНИ НЕГА ОЛАСАН,  
УЛАРНИ ҚАЁҚҚА ЭЛТДИНГ, ДЕБ ЖАНЖАЛ  
КЎТАРГАНИ, БЎЙДОҚ УНДАН, ҒИШТЛАРНИ  
НЕГА ТЎПЛАДИНГ, ДЕБ СЎРАГАНИ

Кўса бирлан ўспиринким эрдилар,  
Йўл босиб, бир анжуманга келдилар.

3855 Бўлдилар суҳбат ила машғул тамом,  
Кечди кундуз, қош қорайди, чўкди шом.

Тунги миршаб қўрқуви бўлди сабаб,  
Иккиси қолди шу даргоҳда тунаб.

Кўса энгогида уч-тўрт тук эди,  
Лек тўлишган ой каби кўҳлик эди.

Ўспирин эрди кўримсиз бир ўғил,  
Ёнига йиғди йигирма ғиштни ул.

Бор эди шилқим, бадахлоқ, орзиқиб,  
Келди секин, олди ғиштларни йиғиб.

3860 Ўспиринга сўнгра қўлни чўзди, бас,  
Ўспирин қичқирди: кимсан, сагпарасат?

Ғиштларимни қайга элтдинг, жамладинг?  
Сўрди шилқим: не учун ғишт ғамладинг?

Ўспирин деди: заифмен, хаста чун,  
Айлаб эрдим эҳтиётнинг чорасин.



Сўрди: нечун хасталикдин ҳормадинг,  
Не учун дорушшифога бормадинг?

Ё табибга этмадинг арзи ниёз?  
Хасталикдин унда топгайдинг халос.

3865 Ўспирин дедики, билгаймен йўлим,  
Қайга борсам, унда бордир мушкулим.

Сен каби зиндиқ, палидлар, ҳирсга дўст,  
Худди ҳайвондек тикарлар менга кўз.

Хонаҳоқ энг яхши осойиш макон,  
Шунда ҳам йўқ менга шумликдин омон.

Суқланурлар мен тарафга ўнгу сўл,  
Кўзларидин ҳирс оқиб, олатда қўл.

Қўймагайлар ул хунук одатларин,  
Сирли кўз ташлаб, силаб олатларин.

3870 Хонаҳоқ чун эрса, халқ бозори не?  
Улки эшшак подадир, озори не?

Қайда эшшак, қайда ул шарму ҳаё?  
Қайданам билсин ўшал хавфу рижо?

Айлагил бирдек адолат, дер ақл,  
Эр билан хотинга, аммо қайда ул?

Гар қочиб борсам хотинларга томон,  
Худди Юсуфдек қилурлар имтиҳон.

Тушди ул Юсуф чу зиндон пастига,  
Мен вале боргум баланд дор остига.

3875 Ташланур устимга хотинлар тайин,  
Қасд этар жонимга эркаклар кейин.

Хушламас эрлар, аёллар сийламас,  
Мен уларданмас, булардан ҳам эмас.

Сўнгра боқди кўсага ул, деди: ҳай,  
Икки тола мўйи бор, ғам билмагай.

Ўйламас ғиштни ва ғишт ғавғосини,  
Сен каби шармандалар савдосини.

Энгагингга неча бир тук битса, боқ,  
Бул ўшал ўттизта ғиштдин яхшироқ.

3880 Етмагай, қилча иноятдек эмас,  
Минг жадал этсин ўшал тоатпараст.

Қўймагай шайтон у тоат ғиштини,  
Балки юздир, битталаб олгай уни.

Сен йиғиб эрдинг у ғиштни қўйма-қўй,  
Ул тарафдандир вале бир тола мўй.

Ул тарафдин тола, мўй ҳам тоғ эрур,  
Чунки шоҳлар шоҳининг эҳсони ул.

Юзта қулф ургай эшикка ғайратинг,  
Биттаси очгай, ўмаргай давлатинг.

3885 Лек эшикка урса миршаб муҳрини,  
Паҳлавонлар ҳам келиб, очмас уни.

Мисли тоғ бил ул иноятнинг қилин,  
Тоғ бўлиб тўсгай ёмонликнинг йўлин.

Ғишт йиғиб, ғамлашга шошма, эй санам,  
Беҳабар қолма вале шайтонданам.

Ул карамдин қилча келса, кам дема,  
Роҳат айлаб ухла сўнгра, ғам ема.

Яхшидир тоатдин олим уйқуси,  
Чунки бедорликни билгай билгиси.<sup>340</sup>

3890 Сувда тек тургай сузувчи беадоқ,  
Сувда сузмас силкитур қўлу оёқ.

Силкитиб қўлу оёгин, ғарқ бўлур,  
Тикка сузгайдир сузувчи, чўкмас ул.

Илму фан-денгиз, кўринмас унга ҳад,  
Толиби илм унда ғаввосдир абад.

Умри минг йилларга етсин, қўймагай,  
Жустужў этгай, илмга тўймагай.

Чун Расули Хақ, буни этмиш баён,  
Яъни манҳумон ҳумоло яшбаён.<sup>341</sup>

МУСТАФО САЛОВОТИ АЛЛОҲ АЛАЙҲИ БУЮР-  
МИШЛАРКИМ, ИККИ ҲАРИС БОР, ҲЕЧ ҚАЧОН  
ТЎЙМАС: БИРИ ТОЛИБИ ИЛМ, БИРИ ТОЛИБИ  
ДУНЁ... БУ ЕРДА ДУНЁ ИЛМИ НАЗАРДА ТУТИЛ-  
МАЯПТИ. ЗЕРО, ДУНЁ ИЛМИ ҲАМ - ДУНЁДИР.  
АГАР ДУНЁ ИЛМИ НАЗАРДА ТУТИЛГАНДА,  
ҲАДИСДА ТОЛИБИ ДУНЁ, ТОЛИБИ ДУНЁ ДЕБ  
ТАКРОРЛАНИБ КЕЛАР ВА ОРАДАГИ ТАФОВУТ  
КЎЗГА ТАШЛАНМАСДИ

3895 Толиб уд-дунё ва тавфиротиҳо,  
Толиб ул-илм ва тадбиротиҳо.<sup>342</sup>

Сен тафовутга назар сол, эй ўғил,  
Йўқ, бу дунё илми эрмас, бошқа ул.

---

<sup>340</sup> Билимли бўлиб ухламоқ билимсиз бўлиб ибодат этмоқдин аф-  
залдир, деган ҳадисга ишорат.

<sup>341</sup> Икки ҳарис (очқўз) борким, ҳеч қачон тўймас...

<sup>342</sup> Дунё тилаган зийнат излар, илм истаган - тадбир.

Не эмиш дунёдин ўзга? Охират,  
Охират илми сенга - илму хирад.

### ШАҲЗОДАЛАР МАЗКУР ВОҚЕА ТАДБИРИНИ ТОПИШ УСТИДА БАҲС ЭТИШГАНИ

Бас, учов юзлашдилар, уч орзуманд,  
Бир эди дилларда ранж, дарду ҳазан.

Ҳар учовнинг фикри бир, савдоси бир,  
Бошига тушган алам дунёси бир.

3900 Ўйлаганда бир эди хавфу хатар,  
Сўйлаганда битта ҳужжат, бир хабар.

Бир замонда йиглашиб, ёш тўқдилар,  
Бир мусибат суфрасига чўқдилар.

Бир алам ичра ёниб оташда, бас  
Урдилар оҳ, чекдилар ўтлиг нафас.

### КАТТА АҚАНИНГ АЙТГАНИЛАРИ

Эй биродарлар, деди, эр ўғлидек,  
Ўзгаларга биз ўгит этмасмидик:

Бошига тушса бировнинг бир йўла,  
Не балло-офат, фақирлик, зилзила,

3905 Дер эдик, ул арзин изҳор айлагач:  
Сабр қил, ассабру мифтоҳул фараж.<sup>343</sup>

Ул калит қайда, топилмай қолдим?  
Ёки ул қонун бугун ўзгардим?

Дер эдик: мардона бўлган яхшидир,  
Зар каби оташда қулган яхшидир.

---

<sup>343</sup> Сабр - саодатнинг калитидир.

Жангда танг келганда аҳвол, ҳар қалай,  
Дер эдик лашкарга доим: қўқма, ҳай!

Тиғу пайконлар учиб жон қасдига,  
Каллалар тушса туёқлар остига,

3910 Ҳой-ҳуй бирлан қўшинни бошлабон,  
Дер эдик: шамшир уринг, санчинг синон.<sup>344</sup>

Жумла оламга тилар эрдик сабр,  
Чунки сабр этмак - чароғу шуъладир.

Келди навбат бизга, ул сўздин тониб,  
Худди хотинлардек олдик бурканиб.

Ўзгага бердинг ҳарорат, эй кўнгил,  
Энди иссиқни ўзингга айлагил.

Эйки тил, бердинг бировларга ўгит,  
Энди не бўлди бу этмоғинг сукут?

3915 Эй ақл, рой эрди ул ройинг сенинг,  
Қайда қолди турфа ҳой-ҳойинг сенинг?

Эйки ташвишни қувардинг ҳар маҳал,  
Энди ўйнатгил соқолинг, келди гал.

Гар уни ўйнатмасанг, юлгувчисен,  
Ўз соқолингга ўзинг кулгувчисен.

Ўзгаларга панд ўқирсен: ҳой-ҳой,  
Гамга ботганда хотиндек: вой-вой.

Ўзгалар дардига дармондинг ўзинг,  
Дард сенга меҳмонга келди, йўқ сўзинг.

---

<sup>344</sup> Синон - найза.

3920 Ҳайқирар эрдинг сипоҳга дамба-дам,  
Нега жимдирсен, бақиргил энди ҳам.

Тўқидинг йиллар матойинг бемалол,  
Тўн тикиб энди уни елкангга сол.

Дўстларинг шод эрди сен чекканда ун,  
Қўл чўзиб, чўзгил қулоғингни бугун.

Бош эдинг-ку, ўзни чун дум айлама,  
Қўл-оёғинг, мўйлабинг гум айлама.

Гал сенингдир, бир ўйин бунёд қил,  
Ҳуш ўйин бирлан кўнгилни шод қил.

БИР ПОДШО БИР ДОНИШМАНДНИ ЗЎРЛАБ ЗИЁ-  
ФАТ МАЖЛИСИГА КЕЛТИРДИ, ЎТИРТИБ, УНГА  
ШАРОБ ТУТДИ, ДОНИШМАНД АФТИНИ БУЖ-  
МАЙТИРИБ, ЮЗИНИ ЧЕТГА ЎГИРДИ. ШОҲ СО-  
ҚИЙГА, УНИ ХУРСАНД ҚИЛ, ДЕБ БУЮРДИ СО-  
ҚИЙ ДОНИШМАНДНИНГ БОШИГА УРИБ, УНГА  
ШАРОБ ИЧИРДИ

3925 Подшо базм ичра маст эрди дағи,  
Эшиги олдидан ўтди бир фақих.

Шоҳ буюрди: доҳили мажлис этинг,  
Ичсин ул, илкига жоми май тутинг.

Зўр ила келтирдилар, беихтиёр,  
Келди, ўлтирди, мисоли заҳри мор.

Сўндилар май, чекди ул ранжу алам,  
Юз ўгирди шоҳданам, соқийданам.

Ичмадим, деди, мен умримда шароб,  
Яхши бўлгай гар заҳар берсанг шу тоб.

2930 Май эмас, менга заҳар қуй, илтимос,  
То бўлай ўздин халос, сиздин халос.

Қайнади, тошди, кўпирди бўйла мард,  
Мажлис аҳли бошига ул бўлди дард.

Бўйладир гар аҳли нафсу оби гил,  
Ёнида ўлтирса ул асҳоби дил.

Тангри ҳам хос бандасига ҳар сафар,  
Сирли оламнинг шаробидин тутар.

Ул тутар сўнг ўзгаларга бўйла жом,  
Жомни кўрмасалар, эшитгайлар калом.

3935 Баски кўрмасалар, кечиб имдодидин,  
Юз ўгиргайлар сўзи, иршодидин.

Гар қулоқлардин томоққа бўлса йўл,  
Дилга тушгай эрди сирри ҳикмат ул.

Жонлари ўтдирки, асло нур эмас,  
Пўсту қобиқ ёнгуси оташда, бас,

Мағзи кетса, кетгуси сўз қобиғи,  
Меъдага етгайму қобиқ иссиғи?

Ёндирур қобиқни дўзах оташи,  
Мағз ила оташ, оловнинг не иши?

3940 Ўт магар мағз устига ёпирилса, бот,  
Ёндириш эрмас, пиширмоқдир мурод.

Ҳақ ҳақимдирким, бу тартиб, қоида,  
Устувор тургай мудом ўз жойида.

Мағзи қобиқларни мағфур айламиш,<sup>345</sup>  
Мағзи ёндиргайму гар нур айламиш?

Гар иноят этса, урса бошига,  
Иштаҳо келгай шароби нўшига.

Урмаса, ўлтиргуси оғзин юмиб,  
Ул фақиҳдек базми жамшидда жимиб.

3945 Шоҳ деди соқийга: жомни шайлагил,  
Нега хомушсен, уни шод айлагил.

Ҳар ақлнинг бор ниҳон бир қозиси,  
Макр ила бошларни айлантиргуси.

Шарқ қуёши ҳам асирдир сеҳрига,  
Бир асирдек боғлидир занжирига.

Гар ярим афсун ўқирса, бўлди, бас,  
Айланур чархи фалаклар, тўхтамас.

Ул берур устун ақлни, ул фақат,  
Муҳрани андин олур устои мард.

3950 Мушт туширди бошига соқий ани,  
Сўнг лабо-лаб жом узатди: ич буни!

Ичди қўрқувдин, ичиб, маст бўлди ул,  
Кулди хандон, айлади ҳазлу ҳузул.

Қарс уриб, бойланди боз паймонага,  
Заҳри қистаб, борди ҳожатхонага.

Учради йўл узра бир қиз мисли ой,  
Шоҳ канизи эрди, зебо, гулчирой.

---

<sup>345</sup> Мағфур - кечирилган, авф этилган.



Кўрди, термулди анга ҳайрон бўлиб,  
Дил кетиб, тан ўртада сарсон бўлиб.

3955 Бир умр муштоқ эди, ошуфта, маст,  
Шул замон қиз устига ташланди, бас.

Юлқиниб, бўш келмади, дод солди қиз,  
Лек анинг дод-войи эрди фойдасиз.

Эр қўлига тушса хотин, бўйладир,  
Ўйлаким новвой қўлида бир хамир.

Гоҳи юмшоқ, гоҳи муштлаб қоргуси,  
Зарбидин “шап-шап” садо тарқалгуси.

Гоҳи тахта устига ёзгай уни,  
Гоҳ гижимлаб, гоҳида чўзгай уни.

3960 Сув сепар гоҳида, гоҳи туз-намак,  
Тандиру ўт ичра ургайдир маҳак.

Шул йўсин матлубу толиб ўйнашур,  
Шул йўсин мағлубу голиб ўйнашур.

Дема ёлғиз эркагу хотинга хос,  
Бул ўйин ҳар ошиғу маъшуққа мос.

Бўйла қучгайдир араз ҳам жавҳарин,<sup>346</sup>  
Бўйла қучгай Вислу Ромин бир-бирин.

Ҳар бирида услубу ранг ўзгача,  
Ҳар бирида феълу фарҳанг ўзгача.

3965 Эр-хотинни бунда келтирдик далил,  
Сен аёлни ҳеч қачон камситмагил.

---

<sup>346</sup> Араз - ашъёнинг ташқи аломати, масалан, матонинг ранги.

Ул кеча янганг келиннинг кафтини  
Тутди, кафтинг устига қўйди ани.

Бул демакдир: ҳар на этгайсен анга,  
Этганингни Тангри қайтаргай сенга.

Бўйла юз берди фақиҳ беҳудлиги,  
На уят қолди ва на зоҳидлиги.

Ташланиб ҳурзодага, солди човут,  
Пахтага гўёки бирдан кетди ўт.

3970 Жонга жон пайвасту тан беҳуш эди,  
Иккиси - боши кесилган қуш эди.

Қолмади соқию шоҳу арслон,  
На ҳаё, дин қолди, на-да хавфи жон.

Кўзлари кўрмасди, ботил эрди айн,  
На Ҳасан кўзга кўринди, на Ҳусайн...

Чун фақиҳ қолди ҳаяллаб, подшо,  
Деди: не жин урди мунча, не бало?

Ортидин борди шу ҳайронлик била.  
Кўрди унда бир қиёмат зилзила.

3975 Сакради, қочди фақиҳ қўрқиб тамом,  
Келди мажлисга, қўлига олди жом.

Подшо чун ўтли дўзахдай эди,  
Иккисин қонин тўкишга шай эди.

Чун фақиҳ кўрдик шоҳда бўйла тур,  
Заҳру қон бирлан тўло жом эрди ул.

Қичқириб, соқий, қадаҳ юргиз, деди,  
Подшонинг кайфини тиргуз, деди.

Кулди шоҳ, дедики кайфни ўнгладинг,  
Этдим эҳсон, ул канизакдир сенинг..

3980 Подшоҳ мен,чин адолатдир ишим,  
Севгилим не берса, улдир ичмишим.

Улки ул жонимга эрмасдир сучук,  
Ич, дебон ёримга тутгаймен нечук?

Ҳар неким суфрамга қўйгум ҳар қуни,  
Қулларимга мен раво кўргум уни.

Қулларимга ҳар қуни бергум таом,  
Улки мени ерман, пишиқдир ёки хом.

Шоҳи, атласларки кийгумдир неча,  
Қулларим кийган кийим ҳам бўйлача.

3985 Чун демишди ул Набийи бокарам;  
Не киярсиз, кийдиринг қулларга ҳам.

Мустафодандир васият инчунин:  
Атғим ул-азноба миммо таъкулун.<sup>347</sup>

Ўзгаларни шоду ҳуррам айлангиз,  
Ҳар нафас сабру чидамга ундангиз.

Доимо хурсандлик айла пешани,  
Пешво қил ақли сабрандишани.

Сабру бардош эрса сарбонинг сенинг,  
Аршу Курсига етар жонинг сенинг.

3990 Мустафога сабри бўлмишди буроқ,  
Юксалиб, кўк тоқига қўйди оёқ...

---

<sup>347</sup> Ҳар неким ерсиз, қўл остингиздаги кишиларга ҳам ўшани едиринг.

ШАҲЗОДАЛАР БАҲСУ МУНОЗАРА СЎНГГИДА  
МАЪШУҚАГА МУМКИН ҚАДАР ЯҚИНЛАШМОҚ  
УЧУН ЧИН ВИЛОЯТИГА ТОМОН ЙЎЛ ОЛИШГАНИ.  
ВИСОЛ ЙЎЛИ ЁПИҚ ЭКАН, ИМКОН ҚАДАР УНГА  
ЯҚИНЛАШМОҚ ҲАМ ГЎЗАЛ БИР ИШДИР

Сўйлашиб, сўнг бўлдилар йўлга равон,  
Ҳар не бўлса, булди, ёрим, ул замон.

Бўйлаким сабру чидамга тўлдилар,  
Озими ул давлати Чин бўлдилар.

Ота-она, ўлкани тарк этдилар,  
Маъшуқи жононага йўл тутдилар.

Ишқлари Иброҳим Адҳамдек тақир,  
Қўл-оёқсиз айлади, зору фақир.

3995 Ёхуд ул Иброҳими мурсалсимон,  
Отдилар оташга ўзни беомон.

Ёки Исмоилга ўхшаб куйдилар,  
Ишқу ханжар олдига бош қўйдилар.

АМИРУЛ-ҚАЙС ҲИКОЯТИ, УЛ АРАБ ПОДШОСИ,  
БЕҚИЁС ҲУСНУ ЖАМОЛ ЭГАСИ, ЗАМОНАСИНИНГ  
ЮСУФИ ЯҚТОСИ ЭДИ, АРАБ ХОТИНЛАРИ УНИ  
ДЕБ ЗУЛАЙҲО ЯНГЛИҒ ЖОН БЕРИШГА ҲОЗИР  
ЭДИЛАР. АМИРУЛ-ҚАЙС ШОИРТАЪБ КИШИ ЭДИ.  
КЕЛ, ЭЙ, ЙИҒЛАБ, ШУ ЛАҲЗА ЁД ЭТАЙЛИК ЁРИ  
МАҲБУБНИ - ДЕБ БОШЛАНУВЧИ ҒАЗАЛ УНИНГ  
ҚАЛАМИГА МАНСУБ. ХОТИНЛАР ЖОНУ ДИЛ ИЛА  
УНИНГ ВИСОЛИНИ ИЗЛАШАРДИ. УНИНГ ҒАЗА-  
ЛИ КИМГА АТАЛГАН ВА НЕ САБАБДИН У ФАРЁД  
ЧЕКАР, БУНИ БИР КИМСА БИЛМАСДИ. ОХИР-  
ОҚИБАТ БУ НАРСАЛАРНИНГ ҲАММАСИ ТУП-  
РОҚҚА ЧИЗИЛГАН СУВРАТ ЭКАНЛИГИНИ ТУ-  
ШУНДИ ШЕКИЛЛИ, КУТИЛМАГАНДА БИР КЕЧА  
ҲИРҚАГА БУРКАНИБ, БОЛА-ЧАҚАСИНИ ТАРК  
ЭТИБ, БОШҚА БИР УЛКАГА КЕТДИ, ОЛЛОҲ  
РАҲМАТИНИ ЎЗИ ИСТАГАН КИМСАГА МУЯССАР  
АЙЛАР<sup>348</sup>

Амирул-Қайс эрди подшоҳи араб,  
Ишқ уни олди арабдин тортқилаб.

Ул Табукда гишт қуйиб, топди самар,  
Мамлакат шоҳига етди бу хабар.

Амирул-Қайским ўшал, юртин қўйиб,  
Ўлжа бўлмиш ишққа, юргай гишт қуйиб.

4000 Бир кеча қошига келди подшо,  
Дедиким, эй шоҳи хушрўй, дилрабо.

Юсуфи даврон ўзингсен, эй жамол,  
Шаҳру кўйлар сенда кўргайлар камол.

Эйки, шамширингга эркаклар адо,  
Ой юзинг кўрмоққа хотинлар гадо.

---

<sup>348</sup> Қуръони карим, Бақара сураси, 105-оятга ишорат.

Ҳамдам эрсанг, бахтимиз чандон бўлур,  
Жонимиз васлинг-ла юз бир жон бўлур.

Молимиз ҳам, жонимиз ҳам сенга тан,  
Эйки мулки давлатин тарк айлаган..

4005 Фалсафа сўйларди, меҳмон эрди жим,  
Ногаҳон ул очди асрор пардасин.

Энгашиб, айтди қулоққа ишқу дард,  
Боши айланди, анингдек бўлди мард.

Илкини тутди, анга ёр бўлди шоҳ,  
Тожу тахтдин кечди, безор бўлди шоҳ.

Иккиси олис диёрга кетдилар,  
Ишқ учун эрмасди бул илкин самар.

Ишқ-улуғларга асал, ёшларга-сут,  
Кемага энг сўнгги ортилгувчи юк.<sup>349</sup>

4010 Ишқ туфайли қанча султон, қанча шоҳ,  
Бўлдилар чун мулку давлатдин жудо.

Уч биродар Чинга гиргиттон бўлиб,  
Юрдилар қушлар каби дон ахтариб.

Сирни бой бермасди лек ҳеч бирлари,  
Чун буюк эрди, хатарли сирлари.

Ҳеч эди бошнинг баҳоси ул замон,  
Ишқ газаблар ичра чекмишди камон.

Дема, ишқ хушнудлар айлаб, кулдирар,  
Истаса, хушнудлик ичра ўлдирар.

---

<sup>349</sup> Ишқ-борлиқ кемасини йўқлик денгизига фарқ этгувчи энг сўнгги юкдир (Мавлоно ҳикмати).

4015 Баски хушнудликда ўлгайдир киши,  
Ишқ ғазаб этганда не бўлгай иши?

Майлига, жонлар тасаддуқ шерига,  
Тан фидо бўлсин унинг шамширига.

Минг тирикликдин азиз ўлдиргани,  
Салтанатдин яхшидир қул қилгани.

Сирларин, қўрқиб, шивирлаб ҳар маҳал,  
Не киноятлар ила сўйлардилар.

Бир Худодин ўзга маҳрам йўқ эди,  
Осмондин ўзга ҳамдам йўқ эди.

4020 Сирру асрор сўйлаганда восита,  
Истилоҳот мавжуд эрди ўртада.

Қуш тилин баъзи авом ўргандилар,  
Элга сарварликни даъво қилдилар.

Сийрат эрмас, суврат эрди ул калом,  
Не билур қушлар хаёлин марди хом?

Қуш тилин билган Сулаймон қайдадир,  
Шоҳ аталмиш деу шайтон қайдадир?

Ўзни ўхшатмиш Сулаймонга тўлиқ,  
Макри бордир, лек илоҳий илми йўқ.

4025 Ҳақ Сулаймонга илм этмиш ато,  
Қуш тилин ҳам унга ўргатмиш Худо.

Истасанг Ҳақ қушларин билмоқ бир оз,  
Кўкдаги қушларга термул, эт қиёс.

Жумла семурғларга маскан Кўҳи Қоф,  
Ҳар хаёл ҳам лек боролмас сўйи Қоф.

Ул хаёл боргай, гар этгай иттифоқ,  
Лек арога айрилиқ тушгай, фироқ.

Айламас айру арога тушса-да,  
Айрилиқлардин баланд ул мартаба.

4030 Рухга мансуб танни рад айлаб магар,  
Офтоб ҳар лаҳза андин юз бурар.

Сен алардин иста жонингга салоҳ,  
Истама билмоқни ҳарфи истилоҳ.

Ул Зулайҳо дерди «Юсуф» дамба-дам,  
Унга Юсуф эрди исроқдони ҳам.

Жойламишди барча номларга уни,  
Сўйламишди жумла жонларга уни,

Десаким гар, мум оловдин юмшади,  
Ёридин бул меҳр кўргони эди.

4035 Деса гар, юз очди мовий кўкда ой,  
Деса гар, дуркун теракларда чирой,

Деса, баргларнинг аломат рақси бор,  
Деса, исриқдин таралгай хуш уфор,

Деса, булбул ўлтирур гулноз ила,  
Десаким, шоҳ сирлашур шаҳноз ила,

Деса гар, бахтим баҳори лолагун,  
Деса гар, силкинг гиламларни бугун,

Деса гар, келтирди машкоб оби ноб,  
Деса гар, тонг отди, чиқди офтоб,

4040 Десаким гар, кеча тортилган таом,  
Тотли эрди, этди кўнгилларни ром.



Десаким, нонларда туз йўқ, бенамак,  
Десаким, вой, чаппа айланди фалак.

Ё магар бошим тўла оғриқ, деса,  
Ё магар бошимда оғриқ йўқ, деса,

Мақтаса бир ишни, боис ул эди,  
Нолиса, боис-да ёлғиз ул эди.

Келтираркан тилга юзмингларча ном,  
Мақсуди Юсуф эди, Юсуф тамом.

4045 Оч қолиб, ҳар гал тўярди номидин,  
Маст бўлур эрди лабо-лаб жомидин.

Чанқаса, эслаб уни, сокин эди,  
Исми унга шарбати ботин эди.

Учраса бир дардга, бермас бўлса тин,  
Исмин айтиб, фориг эрди дардидин.

Қаҳратон қишларда ул пўстин эди,  
Ишқ аро унга суянч, устун эди.

Ўзгалар ҳам ёд этурлар исмини,  
Бесамак, чун ишқсиз айтурлар ани.

4050 Ҳар не Исо айлади илҳомидин,  
Бўлди пайдо барчаси Ҳу номидин.

Жон етишса Ҳаққа бўлса маштарак,  
Ул демак булдирки, булдир ул демак.

Ўзни қўймиш, тўлмиш ул ёр ишқига,  
Кўзада не эрса, сизгай сиртига.

Кулгуда васлу висолдин гул уфор,  
Гиряда ҳижрон пиёзин бўйи бор.

Халқда ҳар кўнгилда бирмас, юз мурод,  
Бўйла эрмак мазҳаби ишқу вадод.

4055 Кундузи ошиққа ёрдир офтоб,  
Офтоб ёр чеҳрасига бир ниқоб.

Билмаса юз не, ниқоб не, баски ул,  
Ўтпарастдир, боқма унга, уз кўнгил.

Ёр анга кундир ва ризқу рўзи ҳам,  
Дил ҳам ул ёрнинг ўзи, дилсўзи ҳам.

Чун балиқларнинг ҳаёти сув эрур,  
Сув уларга нону тўн, уйқу эрур.

Сут эмар ошиқ гўдакдек, кўр ани,  
Икки олам ичра сутдир билгани.

4060 Ёш бола билгай-да сутни, билмагай,  
Ул тарафга роҳи тадбир бўлмагай.

Этди бу «Гирднома» ахмоқ руҳни,  
Топди то фотиҳ ила мафтуҳни.<sup>350</sup>

Бўйла бўлмасди магар йўқ бўлса ул,  
Йўқ бўларкан, ул буюк дарё бўлур.

Етса дарёга, чўкиб гум бўлгуси,  
Гарқайи ул баҳри Қулзум бўлгуси.

Ҳосил унгай, тушса гар тупроққа дон,  
Ўлмагунча зарга етмоғинг гумон.

---

<sup>350</sup> Байтнинг мазмуни: ушбу «Гирднома» очганни ҳам топиб руҳни ахмоқ бир аҳволга солди. «Гирднома» - эгасининг уйдан қочган қул ёки чўри қайтиб келсин учун ёзилажак дуо ... Мавлоно ошиқни севимли қули уйдан қочиб, «Гиртнома» ёзса ҳам қайтмаган, алал-оқибатда ўзи ахмоқ бўлиб қолган кимсага ўхшатмоқда.

ШАҲЗОДАЛАРНИНГ ЧИН ПОЙТАХТИГА ЕТИБ, У  
ЕРДА ЯШИРИНЧА МАКОН ТЎТИШГАНИ, КҮНЛАР  
ЎТИБ, КАТТА АҚАНИНГ САВРУ БАРДОШИ БИ-  
ТИБ, УКАЛАРИГА, АЛВИДО, МЕН ЎЗИМНИ  
ПОДШОГА ТАНИТАМАН, ДЕГАНИ

*Иммо қадами тунилуни мақсуди,  
Ав улқия раъси куфуоди самма.<sup>351</sup>*

*Ё манзили мақсад сари босгаймен оёқ,  
Ё унда кўнгил бирла қўярмен бошим.<sup>352</sup>*

УКАЛАРНИНГ ЎГИТ, НАСИҲАТЛАРИ УНГА КОР  
ЭТМАГАНИ

*Ё озил ал-ошиқина даъфиатан,  
Азаллаҳо аллоҳу кайфа туршидиҳо.<sup>353</sup>*

4065 Каттаси деди: эй аҳвоним менинг,  
Келди оғзимга магар жоним менинг.

Лоуболиймен, қарорим қолмади,  
Қолмади оташки, сабрим солмади.

Сабр этиб ҳам тоқатим тоқ бўлди чун,  
Бул ишим ишқ аҳлига ибрат бугун.

Жон керакмас, жонга тўйдирди фироқ,  
Гар фироқ ичра тирикмен, бу нифоқ.

Ўлдирар бўлса, мени ўлдирсин ишқ,  
Кес бошимни, янги бошим берсин ишқ.

---

<sup>351</sup> Оёгим мени ё мақсадга етиштирар, ёхуд кўнглимни қўшиб,  
бош қўярмен у ерга.

<sup>352</sup> Мавлоно қаламига мансуб бир рубоийнинг сўнги байти.

<sup>353</sup> Эй ошиқларни қийнаган, қўй бу ҳунарингни, Оллоҳ адаштир-  
ган кимсага бандаси нечук йўл кўрсата олур?

4070 Ишқ аро топсам ҳаёт, басдир менга,  
Бош ила жоним керакмасдир менга.

Тиг чу ошиқ жонидан сургай ғубор,  
Айлагай шамшир гуноҳни тору мор.

Тан ғубори тарқаса, ойим менинг,  
Ярқираб бўлгай дилафзойим менинг.

Табли ишқингда умрларким, санам,  
«Инна фи мавти ҳаёт» чалмоқдаман.<sup>354</sup>

Сув қушимен деб даъво айлайди жон,  
Баски, туфон босса этгайму фиғон?

4075 Ботса кема, не эмиш ўрдакка гам?  
Талпиниб, сув узра ташлайдир қадам.

Баски бу даъво била жоним тирик,  
Мен уни қўйгум, кўнгил узгум нечук?

Туш кўрармен, кўзларим пурхоб эмас,  
Муддайдирмен, вале каззоб эмас.

Майлига, бошимни кессинлар маним,  
Шам каби бўлгай зиёда равшаним.

Ўт тушиб хирмонга, чулғайдир ани,  
Йўлчиларга яхшидир ой хирмани.

4080 Оғалар Юсуфни пинҳон этдилар,  
Отадин бу сирни пинҳон тутдилар.

Мушкул эрди сирнинг ошкор ўлмаги,  
Сирни ошкор этди лекин қўйлаги.

---

<sup>354</sup> Ҳаётим ўлимимдадир ... (Мансур Ҳаллож сўзи).

Иккиси унга ўгит айлардилар,  
Бўлмагил гофил, дебон сўйлардилар.

Шул яромуз узра сен туз сепмагил,  
Ичма бу огуни, шубҳа этмагил.

Жон кўзинг кўргайму, шайх тадбир сенга  
Этмаса, келмасму йўл оғир сенга?

4085 Вой, ўшал қушким, қанотсиз учгуси,  
Талпиниб хавфу хатарга тушгуси.

Ақлу идрокдир сенга болу паринг,  
Йўқса ақлинг, изла оқил раҳбаринг.

Ё зафар қуч,ё музаффар излагил,  
Ё назар бўл, ё назарвар излагил.

Сен калитсиз ҳам эшик очгум, дема,  
Кибр ила мақсадга ёндошгум, дема.

Боқ, ҳаво бирлан не бўлмишдир жаҳон,  
Ул жароҳатларга чулганмиш чунон.

4090 Тикка тургайдир илон ҳам мисли марг,  
Оғзида ов овламоқ-чун сабза барг.

Ўтлар ичра ўтга ўхшар говдаси,  
Қушга ул-дуркун ўсимлик новдаси.

Қуш боқиб, тўймайди япроқ рақсига,  
Талпиниб, тушгай илоннинг оғзига.

Боқ, ётур оғзин ичиб тимсоҳ атай,  
Қуртлари тишлар аросинда талай.

Ҳар неким тутмиш, емиш, қолдиқлари  
Қуртланиб, қолмиш кавакларда бари.

4095 Қушчалар гужгон у қуртларни кўриб,  
Ризқ билурлар, бирма-бир ерлар териб.

Оғзи қушга тўлса, тимсоҳ ногаҳон,  
Оғзини юмгай-да, ютгайдир ҳамон.

Сен жаҳоннинг ҳолига солгин назар,  
Оғзини очган буюк тимсоҳ магар.

Ризқу рўзинг ахтариб даргоҳидин,  
Сен қутилмассен унинг тимсоҳидин.

Тулки ётгайдир пусиб қум остида,  
Неча бир қурту қумурсқа устида.

4100 Қарға қуртга тумшуғин чўзган замон,  
Қўзғолиб, тутгай оёғидин ҳамон.

Баски ҳайвонларда алдов шунчадир,  
Ўйла, инсонларда алдов қанчадир?

Қўлда Мусҳаф, мисли Зайнулобидин,  
Ханжари лек енги ичра ёширин.

Эй хўжам, дер, юзда хандон кулгуси,  
Қўнгли ичра фитна, Бобул жодуси.

Заҳри қотилдир, асалга ўхшагай,  
Бормагил, шайхи хабирни тингламай.<sup>355</sup>

4105 Жумла лаззат остида макру ҳавас,  
Худди чақмоқдек чарақлар бир нафас.

Ярқ этиб, зулматга ботгай тумтароқ,  
Сенга лекин йўл узун, манзил йироқ.

---

<sup>355</sup> Шайхи хабир - хабардор, огоҳ шайх.

Нурида бир хатни қўрмоғинг маҳол,  
От миниб, манзилга сурмоғинг маҳол.

Лек чақинни хушласанг, ол деб сабақ,  
Юз бурар сендин ўшал анвори шарқ.

Раҳнамойинг йўқлигинг билса дани,  
Макр этиб, тун қаърига бошлар сени.

4110 Тоғни кўзлаб, жарга тушгайсен ҳамон,  
Гоҳ у ёнга бош урарсен, гоҳ бу ён.

Сен дегайсен, баски йўл босдим талай,  
Не сабабдин ул мени гумроҳ дегай?

Сўзига кирсам, мени айлар ҳалак,  
Қайта бошдин йўлга тушмоғим керак.

Мен бу йўлга тикдим умримни гаров,  
Юр, хўжам, не бўлса бўлди, турма, ҳов.

4115 Тутганинг йўл шубҳали чақмоқ йўли,  
Жоиз эрди шарқнинг порлоқ йўли.

Шубҳа ҳақ ўрнига ўтмайди, демиш,<sup>356</sup>  
Нури шарқдин кечганинг ул не эмиш?

Эй паришон, бизга ташриф айлагил,  
Ёки кеманг кемамизга бойлагил.

Дерки, кўрдек ўзни хор этгайму мен?  
Буйруғингга бош эгиб, кетгайму мен?

Юрса кўр ёлғиз, фалокат бўлгуси,  
Юрса раҳбар-ла, не офат бўлгуси?

---

<sup>356</sup> Қуръони карим, Ва-н-нажм сураси, 28-оятга ишорат.

4120 Пашшадин қочдинг, чаёнга учрадинг,  
Томчидинг қочдинг, бўронга учрадинг.

Кочдинг ул отанг жафосидин магар,  
Бўлди ҳамроҳинг адабсиз, шўру шар.

Гар Юсуфдек бошда ўйнарсен ўйин,  
Оқибат лек чоҳга тушмоғинг тайин.

Ул қудуққа тушди, ёрдам ўлгуси,  
Унга келди, сенга қайдин келгуси?

Бўлмасайди отадин изну қабул,  
То қиёмат чоҳда қолгай эрди ул.

4125 Отаси кўнглига боқди, деди: бор,  
Сайри боғ этмоқни этдинг ихтиёр..

Гар Масиҳдин юзни бургай кўр киши,  
Бир жуҳуддек эгрилик бўлгай иши.

Очилур бир кун даводин кўрлиги,  
Бўлмаса кибру ҳаводин кўрлиги.

Деди Исо: қўлларингни сур, аё,  
Мендадир ул кўзларингга тўтиё.

Менга боғлиқ кўзларинг очилмаги,  
Кўйлагинг бўлгай Юсуфнинг кўйлаги.

4130 Ҳар синиқликдин кейин давлат келур,  
Очилур ул бахту иқболингга йўл.

Бош-оёқсиз давлатинг тарк айлабон,  
Пир топиб олгин ўзингга, пири жон.

Пирдин ўзга бўлмагай устоди дод,  
Кекса пир эрмас, вале пири рашод.



Ул замонким пирга таслим бўлди, бас,  
Йўлда равшанлик кўрар зулматпараст.

Шарти-таслим бўлмоғидир, тут йўриғ,  
Бул залолатда юришдин фойда йўқ.

4135 Ўзга бир йўл изламасмен, ўзга сир,  
Мен фақат пир излагаймен, пир, пир.

Пир эмишдир нардбони осмон,  
Ўқни юксакларга ким отгай? Камон,

Улки Намруд ўт-аламларда ёниб,  
Кўкка чиқмиш эрди бир калхат миниб.

Гар ҳавода қанча жавлон этмагай,  
Ҳеч қачон калхат самога етмагай.

Деди Иброҳим: аё марди ғани,  
Яхши бўлгай айласанг калхат мени.

4140 Ё мени этсанг фалакка нардбон,  
Учмайин ҳам кўкни айлардинг макон.

Бўйлаким кўнгил мисоли ўтли барқ,  
Лаҳза-да учгай-да, етгай ғарбу шарқ.

Бўйлаким мардум ётаркан ҳар кеча,  
Ҳислари кезгай шаҳарларни неча.

Бўйлаким ориф назар ташлаб ниҳон,  
Ўлтириб хуш, сайр этар юз бир жаҳон.

Этмаса сайру саёҳатларни ул,  
Кимдин эрмиш бу хабарларким келур?

4145 Бу хабарлар, бу ривоятларда, боқ,  
Неча юз минг пир эрурлар иттифоқ.

Зиддият бор илми зуннунда талай,  
Бу билимлар ичра лекин бўлмагай.

Унда тундир, қибла изларсен нуқул,  
Бунда кундуз, Каъба кўз ўнгингда ул.

Бор, қанот изла эранлардин ҳамон,  
Сенга калхатлар бўлолмас нардобон.

Калхат эрмиш ақлу идрокинг магар,  
Лош ебон, андин чиқармиш болу пар.

4150 Парри Жибрил бил шу абдол ақлини,<sup>357</sup>  
Сидранинг даргоҳига элтгай сени.

Подшонинг бозимен, қутлуғ қадам,  
Калхат эрмасмен, ўлимтик истамам.<sup>358</sup>

Калхатинг қўй, сенга жоним бехшидир,  
Бир пириим юз калхатингдан яхшидир.

От суриб чун ўзни айларсен ҳалак,  
Ишни силжитмоққа чин усто керак.

Шаҳри Чинда ўзни расво айлама,  
Ўзни бир оқилдин айро айлама.

4155 Неки амр этса замон Афлотуни,  
Қўй ҳавойингни, адо этгил уни.

Мулки Чинда барча бирдек бегалат  
Дейдиларким, подшомиз лам ялад.<sup>359</sup>

---

<sup>357</sup> Абдол - Худонинг хос бандаси, уларнинг сони етмиш нафар эмиш.

<sup>358</sup> Ушбу байт Султонул Уламо қабри ёнбошидаги мрамар тахтага уйиб ёзилган.

<sup>359</sup> Лам ялад - онадан туғилмаган.

Кўнглига фарзанд хаёли тушмамиш,  
Унга бир хотин ҳали ёндашмамиш.

Кимки подшо бўйла деб айтмас буни,  
Тиғи шамшир остига олгай уни.

Шоҳ дерким, баски айтдинг бу мақол,  
Айла исбот, менда чун аҳли аёл.

4160 Айлагил исбот қизимнинг борлигин,  
Йўқса, билгайсен тигим хунхорлигин.

Йўқса, шул бошингни олгаймен сенинг,  
Ларзалар жонингга солгаймен сенинг.

Лоф урарсен, эйки ёлгон сўйлабон,  
Шу ширин жонингга етгайму омон?

Эйки ёлгон сўйлагувчи ҳар маҳал,  
Бош тўла хандаққа солгин бир назар.

Бўйла бир хандақки, кўргил, лиқ тўла,  
Лофу ёлгон сўйлаган бошлар била.

4165 Жумла ул ёлгонни даъво этдилар,  
Оқибат шамширга ўзни тутдилар.

Сен-да ибрат ол-да, даъво этмагил,  
Тилни бу даъвога ҳеч ўргатмагил.

Баски бу даъвога тушдинг, эй жигар,  
Урмимизга оғу солгайсен магар.

Улки юз йил йўл босар, огоҳ эмас,  
Юргани ҳаргиз ҳисоби роҳ эмас.

Тузма майдонда ярқсиз маърака,  
Ҳовлиқиб, жонингга солма таҳлика...

- 4170 Айтдилар ҳар неча, лекин сарбасар.  
Деди: бу сўзлар гашимни келтирар.
- Кўксим ул - оташ тўла манқал демак,  
Пишди ҳосил, бас, йиғиб олмоқ керак.
- Кечди сабрим ҳам баса сабр айлашим,  
Келди ишқим, урди дилга оташин.
- Ишқ туғилган онда сабр ўлди ҳамон,  
Энди сизнинг бошингиз бўлеин омон.
- Эй муқаддис, этма кўп сўзу хитоб,  
Бир йўла кечдим улардин мен шу тоб.
- 4171 Сарнигунмен, еч оёгимдин тугун,  
Тингламас сўз жумла аъзойим бугун.
- Тевадирмен, юк ташиб боргум магар,  
Гар йиқилсам, розимен, ўлдирсалар.
- Гар кесик бошлар тўла хандақ эрур,  
Дардим олдида не эрмиш, кулгу ул.
- Энди қўрқувларда юрмасмен сўниб,  
Наъра чекмасмен гиламга бурканиб.
- Мен чиқиб, майдонда жавлон айларам,  
Ё ўлармен, ё насиб этгай санам.
- 4180 Ул бўғизким, маҳрами эрмас шароб,  
Тиғи шамширдин анга келсин жавоб.
- Дийдаким, ёр васлидин равшан эмас,  
Ул оқарсин, лойиқи гулшан эмас.
- Гар қулоқ ёр розига эрмас сазо,  
Уз, улоқтир, унга лойиқ шул жазо.

Қўлки, ҳаргиз қучмамиш ёр бўйнини,  
Арзига қассобга топширсанг уни.

Қул бўлиб, эргашмаса рафторига,  
Жонни пайванд этмаса гулзорига,

4185 Ул оёқни қуй, кишанга тушсин ул,  
Оқибат бошингга оғриқ, дард бўлур.

УЛ КИШИ БАЁНИДАКИМ, ТАНГРИ ЭҲСОНИ БО-  
ШҚА БИР ЁҚДАН, БОШҚА БИР САБАБ ИЛА КЕ-  
ЛАЖАГИНИ, БУ ХУСУСДА ҚЎРҚУВ-ХАВОТИРГА  
ЎРИН ЙУҚЛИГИНИ БИЛАР, ЛЕКИН ШУНДОҚ  
БЎЛСА ҲАМ, ЖАҲДУ ЖАДАЛ АЙЛАР, БУТУН  
УМИДИ, ВАҲМУ ХАВОТИРИНИ БИР ЭШИККА  
ТИКАР, РИЗҚИНИ ШУ ЭШИКДАН КУТАР... ЎШАЛ  
ЭШИКНИ ҚОҚАРКАН, ТАНГРИ ТАОЛО УНГА  
РИЗҚИНИ У ХАЁЛИГА ҲЕЧ КЕЛТИРМАГАН БО-  
ШҚА ЭШИКДАН БЕРАР. «ТАНГРИ УНИ ЎЗИ  
ЎЙЛАМАГАН ТОМОНДАН РИЗҚЛАНТИРАР», ҚУЛ  
ТАДБИР АЙЛАР, ТАНГРИ ТАҚДИР АЙЛАР. ҚУЛ  
ҚУЛЛИГИ ТУФАЙЛИ ВАҲИМАГА ТУШИБ, МЕН  
БУ ЭШИКНИ ҚОҚАЯПМАН, ЭҲТИМОЛКИ РИЗҚ-  
ИМ БОШҚА ЭШИКДАН ЧИҚАР, ДЕГАН ХАЁЛГА  
ҲАМ БОРАР. ТАНГРИ ТАОЛО УНГА БУ ЭШИКДАН  
ҲАМ, ЎЗГАСИДАН ҲАМ РИЗҚ АТО ЭТСА, НЕ  
АЖАБ. ЗОТАН УЛАРНИНГ БАРИ - БИТТА САРОЙ-  
НИНГ ЭШИКЛАРИДИР<sup>360</sup>

Ё бу йўлда етгамен комимга мен,  
Ёки лочиндек ватанга қайтамен.

Ё сафар айлаб борурмен ул томон,  
Ё кетиб, бир жойга тутгаймен макон.

Унчалар ёримни излай, унча, бас,  
Токи англай, изламоқ даркор эмас.

<sup>360</sup> Қуръони карим, Талоқ сураси 3-оятга ишорат.

Биргалик не эрканин билгайму ман,  
То замон атрофидин айланмасам.

4190 Ошкор бўлгайму менга сирру роз,  
Ошмасам тоғ, юрмасам йўллар дароз?

Биргадирмен, деди Ҳақ, муҳр айлади,  
Ул буюк асрорни дилга жойлади.

Не сафарлар айлаб инсон босди йўл,  
Дилдаги муҳри Худони очди ул.

Биргаликни дилда чун кашф айлагай,  
Қўш хатодин сўнгра равшан англагай.<sup>361</sup>

Англагач дер: йўл босиб, бўзлармидим,  
Билсам эрди, шунчалар излармидим?

4195 Англамоққа лозим ўлгайдир сафар,  
Илму дониш, ақлу идрок бесамар.

Бўйлаким шайх қарзи нечоғлик эди,  
Бир бола кўзёшига боғлиқ эди.<sup>362</sup>

Йиғлабон ҳалвочи унда зор-зор,  
Қарзидин бўлди халос шайхи кибор.

Эрди ул бир достони маънавий,  
Сўйланиб эрди ёзарда Маснавий.

Гоҳида қўрқув тушар кўнглиннга, ҳай,  
Кутганинг келгайму ёки келмагай.

---

<sup>361</sup> Мавлоно ҳақиқат йўлчси ўзини борлиқ деб билгани ва Ҳаққа етишмоқ учун маънавий сафарга чиққанини икки янглиш, қўш хато деб ҳисоблайди. Йўлчи охир-оқибат ўз борлигининг йўқ бўлганини англаб, ана шу фонийликда излагани Худони топади, яъни, икки янглиш, қўш хато воситасида Ҳаққа етишади.

<sup>362</sup> Бу ерда “Маснавий”нинг иккинчи китобидан ўрин олган шайх Аҳмад Хидравайҳ ҳикоятига ишорат этилмоқда.

4200 Бул тамаҳдин сенга фойда бўлгуси,  
Кутганинг ул бошқа ёқдин келгуси.

Эй тамаҳни битта жойга бойлаган,  
Бир оғочдан мева уммид айлаган,

Ул тарафдин кутмагил меҳру вафо,  
Ўзга ёқдин сенга етгайдир ато.

Ул тарафдин этмас эрса марҳама,  
Бас, нечун кўнглингга солди бул тамаҳ?

Токи кўрсатсам, деди, санъат сенга,  
Токи юзлансин, деди, ҳайрат сенга.

4205 Токи қолгайсен баса ҳайрону дод,  
Қай тарафдин менга етгай деб мурод.

Токи ўз ожизлигингни бил яна,  
Ғайбга ихлос айла, бовар қил яна.

Гоҳи ҳайронликда юргайсен фақат,  
Не келур деб бу умиддин оқибат.

Сен демишдинг тарзиликни сайлагум,  
Тарзилик бирлан маишат айлагум.<sup>363</sup>

Сўнгра заргарликни этдинг машғулот,  
Топдинг андин ризқу рўзингни зиёд.

4210 Бас, умидинг тарзиликдин не эди?  
Лек насибанг ул тарафдин келмади.

Бу ўшал Ҳақ ҳикматидин бир сабақ,  
Бўйладир, деб ҳукмини ёзмишди Ҳақ.

---

<sup>363</sup> Тарзи - тикувчи.

Токи ҳайратларда қолгайсен бaсе,  
Балки ҳайратларга толгайсен бaсе.

Саъйу азм айлаб етармен васлига,  
Ўзга бир йўл балки элтгай аслига.

Мен демасмен, шул тарийқ етгай мурод,  
Жаҳд этармен, то ечилгай мушкулот.

4215 Бошини кесганда қуш ҳам чирпинар,  
Чирпинар то жони чиққунга қадар.

Ё муродим ҳосил этгай бул хуруж,  
Ёки топгумдир фалақдин ўзга бурж.

БИР ОДАМ УЙҚУСИДА ТУШ КЎРДИ, БИРОВИ  
УНГА МИСР ЎЛКАСИДА, ФАЛОН МАҲАЛЛА,  
ФАЛОН УЙДА ХАЗИНА КЎМИЛГАН, ДЕДИ. ОДАМ  
МИСРГА БОРДИ, УНГА БИТТАСИ УЧРАБ, ТУ-  
ШИМДА АЁН БЎЛДИ, БАҒДОДДА, ФАЛОН МА-  
ҲАЛЛА, ФАЛОН УЙДА ДАФИНА БОР, ДЕДИ, УЙ  
ЭГАСИНИНГ ИСМИНИ АЙТДИ. ШУНДА ҲАЛИГИ  
КИШИ ГАПНИНГ ТАГИГА ЕТДИ. ЯЪНИ, ХАЗИНА-  
НИ ЎЗ УЙИНГДАН ИЗЛА, МИСРГА БОРИБ, ДА-  
ФИНА ТОПМОҒИНГ МАҲОЛ.

Бир кишига тегди мерос, молу бор,  
Еб битирди, қолди боз муҳтожу зор.

Кутма мерос молидин меҳру вафо,  
Чунки ул бир кимсадин бўлмиш жудо.

Билмагай ворис-да молнинг қадрини,  
Чунки заҳмат чекмайин топмиш ани.

4220 Билмагайсен қадри жонинг, эй фалон,  
Чунки Ҳақ бермиш сенга лутф айлабон.



Нақди кетди, мулки кетди, хоналар,  
Қолди бойқушдек кезиб вайроналар.

Деди: ё Раб, мол берувдинг, кетди мол,  
Қайтариб бер молни, ё жонимни ол.

Эсга олди Ҳақни, оғоз айлади,  
“Ё Рабу ё Раб”ни чун соз айлади.<sup>364</sup>

Деди: мўмин удга ўхшайдир магар,  
Гар ичи бўш эрса, айлар нолалар.<sup>365</sup>

4225 Тўлса, чалғувчи ҳамон отгай ани,  
Тўлма, бўм-бўш бўл, мудом чалсин сени.

Ҳақ сени чалганда хуш бўл ҳар замон,  
Ломакон жоми-ла сархушдир макон.

Кечди тугён, йиглаб ул ёҳулади,  
Дин экинзорини ёши сувлади.

### МЎМИН ДУОСИНИНГ КЕЧИКИБ ИЖОВАТ БЎЛИШИГА САБАБ

Эй басо мухлиски, айларкан дуо,  
Дуди оҳим, дер, етишсин то само.

Ҳам гуноҳкорларнинг оҳу ноласи,  
Юксалиб, кўк тоқига етгай басе.

4230 Бас, малаклар ҳам Ҳодога ёлборур:  
Эй дуолар этса, этгувчи қабул!

Бандаи мўмин тилар лутфинг сенинг,  
Сендин ўзга кимсаси йўқдир анинг.

---

<sup>364</sup> Қуръони карим, Зумар сураси, 8-оятга ишорат.

<sup>365</sup> Ҳадис, Пайгамбар алайҳиссалом сўзи.

Сендин ул бегоналар ҳам баҳраманд,  
Кўз тикурлар барча сенга, орзуманд.

Ҳақ буюргай: истамам хорлик анга,  
Айлагум ёрлик, мадаккорлик анга.

Эҳтиёж сўйимга келтирди уни,  
Судрабон, кўйимга келтирди уни.

4235 Ҳожатин этсам раво, кетгай яна,  
Ўзни савдоларга гарқ этгай яна.

Гарчи йиглаб дер, аё Парвардигор,  
Дил шикаста, сийна хаста, зор-зор.

Хуш кўрармен, хуш унинг овозини,  
Эй Худойим, деб ялинса, розини.

Можаросин гарчи сўйлар ёлвориб,  
Ишни биткизгач, яна бергай фириб.

Тўтию булбулга боқим, хуш саси,  
Шул сабабдин ҳам қафасга тушгуси.

4240 Қузғуну бойқушга не эрмиш қафас,  
Ул касофатлар қачон кўрмиш қафас?

Келса шоҳидбоз қошига икки таң,<sup>366</sup>  
Ул бири кампир, бириси гулбадан,

Иккиси ул кимсадин гар сўрса нон,  
Кимса ул кампирга нон бергай ҳамон.

Лек ўшал гулюзга дерким, кут бир оз,  
Кел, ўтир, дам ол пича, кўнглингни ёз.

---

<sup>366</sup> Шоҳидбоз - гўзаллар юзига боқишни хуш кўрувчи.

Уйда, дер, пишмоқда иссиқ нон, чурак,  
Бир нафас сабр айламоқ, кутмоқ керак.

Бир нафас сабр айламоқ лозим бўлур,  
Сенга иссиқ нон била ҳалво келур.

Куттириб, чун интизор айлар ани,  
Бўйла пинҳон йўл била бойлар ани.

Дерки, сен бирлан ишим бор бир замон,  
Шошмагил, бир лаҳза кут, эй гулжаҳон.

Аҳли мўмин гар паришон қолгуси,  
Сен яқин билгилки, булдир боиси.

МИСРДА ДАФИНА БОР, ДЕБ ХАВАР ОЛГАН КИМ-  
СА ҲИКОЯСИНИНГ ДАВОМИ, УНИНГ ҲАЗРАТИ  
ҲАҚҚА ЯЛИНИБ ЁЛБОРГАНИ

Олди мерос, еб битирди тап-тақир,  
Йиғлабон, ё Раб, деди зору ҳақир.

4250 Жумла раҳмат эшиги-ул, ким қоқар,  
Унга юз очмасу юзлаб гулбаҳор?

Ухлади, туш кўрди, ҳотиф айтдиким,  
Бор, ўшал мулки Мисрда давлатинг.

Сен Миср бор, унда коринг ўнганур,  
Ҳақ қабул этди, қабул этгувчи ул.

Ҳув, фалон манзилда мадфун симу зар,  
Лозим ўлгайдир фақат азму сафар.

Айт видо Бағдодга, Бағдод кўйига,  
Бор Мисрга, шаккаристон сўйига.

4255 Этди тарк Бағдодни ул, кетди Миср,  
Кўнгли равшан тортди, чун етди Миср.

Бунда хотиф ваъда этмиш эрди ганж,  
Ганж топарсен ҳам этарсен дафъи ранж.

Ҳув, фалон кўча, фалон мавзуда ул,  
Бир буюк сарват, ётар осуда ул.

Еб-ичарга ҳеч вақоси қолмади,  
Чун гадолик айламоқни ўйлади.

Ҳиммати йўл бермади, тортиб алам,  
Дедиким, лозим сенга сабру чидам.

4260 Нафс лек қийноққа олди ҳар нафас,  
Чораси ёлғиз гадолик эрди, бас.

Дедиким, тунда гадолик айлагум,  
Зулмат ичра кимса билмас кимлигим.

Тун қуши янглиғ урармен зикру бонг,  
Балки тушгайдир қўлимга неча донг.<sup>367</sup>

Кезди шу андиша бирлан кўча-кўй,  
Юрди шу ўй бирла тентиб сўйма-сўй.

Гоҳ уят, номус, йўлингни бур, деди,  
Гоҳида очлик, уялма, сўр, деди.

4265 Тун ярим бўлди, у эрса хушклар,<sup>368</sup>  
Тентирарди ул тарафдин бул тараф...

---

<sup>367</sup> Донг - сариқ чақа.

<sup>368</sup> Хушклар - лаблари қовжираган.

МИСРГА КЕЛГАН ОДАМ КЕЧАСИ ТИЛАНЧИЛИК  
ҚИЛИШ УЧУН КЎЧАГА ЧИҚИБ, МИРШАБДАН  
КАЛТАК ЕГАНИ. ЯНА ЎША МИРШАБ САБАБЧИ  
БЎЛИБ, МУРОДИГА ЕТГАНИ. “НЕЧА БИР ИШЛАР  
БОРКИМ, УЛАРНИ ЁҚТИРМАССИЗ, ЛЕКИН УЛАР  
СИЗ УЧУН ХАЙРЛИДИР” ЯНА ТАНГРИ ТАОЛО  
ДЕМИШКИМ, ТАНГЛИҚ-КАМБАҒАЛЛИҚДАН  
КЕЙИН ЕНГИЛЛИК-БОЙЛИКНИ ҲАМ ПАЙДО  
ҚИЛУР ОЛЛОҲ... ЧИНДАН ҲАМ МЕҲНАТ-МА-  
ШАҚҚАТДАН Кейин РОҲАТ-ФАРОҒАТ КЕЛУР.  
ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМ “ТУГУНЛАН,  
ЕЧИЛАРСЕН” ДЕБ АМР ЭТМИШ. ҚУРЪОНДА  
ҲАМ, ЎЗГА ИЛОҲИЙ КИТОБЛАРДА ҲАМ ШУН-  
ДОҚ ДЕЙИЛМИШ

Ногаҳоний келди миршаб дуч анга,  
Урди калтак, сўнг туширди мушт анга.

Ул қаро тунларда мардум ул маҳал  
Ўғрилардин кўрмиш эрди кўп зарар.

Тун қорунғу эрди, қўрқинч эрди, бас,  
Ўғри излар эрди ҳар миршаб, асас.

Амр этмишди халифа ул замон,  
Тунда юрганларга берманг деб омон.

4270 Таҳдид этмиш эрди миршабларга чун,  
Ўғриларга шафқат этгайсиз нечун?

Сўзларига бовар этгайсиз нега?  
Пора олгайсиз, жўнатгайсиз нега?

Ўғрию хунхораларга раҳм ул -  
Ожизу бечораларга зулм эрур.

Чекмасин заҳмат, дебон раҳм айламанг,  
Ўзгаларнинг заҳматин кам ўйламанг.

Кес чирик бармоқни, айла дафъи шарр,  
Кесмасанг умрингга ул зомин бўлар.

4275 Иттифоқан, элга ул айём келиб,  
Хому пухта ўғри тарқалмишди кўп.

Кўрди ул шўрликни миршаб тун аро,  
Урди калтак, жисмига солди яро.

Чекди фарёд ул ғариб, солди овоз:  
Урма, ҳай, ҳолимни айтгум рўй-рост.

Деди миршаб: майлига, муҳлат сенга,  
Тунда юрмоғинг нечун, англаат менга.

Бир ғарибдирсен, бу ерликмас магар,  
Хотирингда бор нечук макру ҳунар?

4280 Аҳли девон бизни койирлар бугун:  
Юртимизда ўғрилар кўпдир нечун?

Бул сену сендек маразлар касрати,  
Айт менга, шерикларинг ул ким эди?

Айтмасанг гар, сендин олгумдир алам,  
Токи тинч ётсинлар аҳли муҳташам.

Устма-уст ичди қасамлар, деди ул:  
Ўғримасмен, томтешар ё киссавур.

На фирибгар, на бўлак бедодлимен,  
Мен Мисрда бир ғариб Бағдодлимен.

“ЁЛҒОН ИНСОНДА ШУБҲА УЙҒОТАДИ, ҲАҚИҚАТ  
ЭСА - ИШОНЧ” ҲАДИСИ БАЁНИДА

4285 Қиссайи уйқу ва зарни сўйлади,  
Тинглади миршаб ва бовар айлади.

Сидқин айтарди қасамёд айлаши,  
Оҳидин маълум эди дил оташи.

Сув ичиб тинчийди ташна, ўйлагил,  
Тўғри сўзни тингласа, яйрайди дил.

Ажратолмас ул кўнгилким, бўлса кўр,  
Ким Набийдир, ким ўшал нодону гўр.

Йўқса ул пайғомки келмиш эрди, бас,  
Кўкка айтса, ойга ҳам солгайди дарз.

4290 Лек қаро кўнгилга таъсир этмади,  
Чунки маҳбуб эрмас ул, мардуд эди.

Тинглади, ёш оқди миршаб кўзидин,  
Ул қуруқ сўздин эмас, дил сўзидин.

Гоҳ жаҳаннам қаъридин келгай сўзинг,  
Гоҳида жон шаҳридан келгай сўзинг.

Баҳри жонафзою баҳри пуржафо,  
Лаб тўсиқдир икки шул денгиз аро.

Тил, дудоқ қишлоқиларга ўхшагай,  
Ки шаҳар бозорига келмиш атай.

4295 Ўтмасак, сарқит матоҳ ҳам шундадир,  
Кўп асл, қимматбаҳо ҳам шундадир.

Суду савдо кимники, билганники,  
Улки билгай не асл, не қалбаки.

Қай бирига фойда келгайдир, самар,  
Қай бирига - кони ташвишу зарар.

Узви олам гўлу нодонга-тугун,  
Кашфиётдир ул асл устод учун.

Ул бирига қанд, бирига оғудир,  
Ул бирига лутф, бирига қайгудир.

4300 Сўйласа тошлар, эшитгай анбиё,  
Ҳожиларга Каъба эрмишдир гувоҳ.

Масжид ўлгайдир намозхон шоҳиди,  
Дер: йироқ йўллар босиб келгай эди.

Гар Ҳалилulloҳга оташ эрди гул,  
Лек ҳалокат эрди намрудийга ул.

Неча бор айтдик буларни, эй Ҳасан,<sup>369</sup>  
Не қилай айтмоқдин асло тўймасам?

Неча карра нон егайсен, неча, ҳай,  
Нон ҳамон нондир, медангга тегмагай.

4305 Еб тўярсен, ичганинг сингар шу дам,  
Очлигу тўқлик эмишдир дамба-дам.

Гар очиқсанг, жисму жонинг нон тилар,  
Узву жузвинг сустлашиб, дармон тилар.

Ҳар гал очликдин эмишдир лаззат ул,  
Оч қолиб е, арпа нонинг тотлидир.

Бор малолат келди тўқликдин тамом,  
Лек малол келгайму такрори калом?

Бас дўконларда фирибу қилу қол  
Этганинг ул сенга эрмасму малол?

4310 Етди чун олтмишга умри муҳлатинг,  
Айт, малол келмасму эмди ғийбатинг?

---

<sup>369</sup> Ҳасан - Ҳусомиддин Чалабий.



Бир хотинга не хушомадлар этиб,  
Суйканарсен, майлу рағбатлар кутиб.

Илк хушомад гарчи эрмасди суюқ,  
Сўнггиси аввалгисидин ҳам қуюқ.

Янгилайдир дард касалнинг дорусин,  
Дард қуритгайдир малолат новдасин.

Янгиловчи кимиё бил дардни, ҳай,  
Қайда дард эрса, малолат бўлмагай.

4315 Сен малолат бирла чекма оҳи сард,<sup>370</sup>  
Дард изла, дард изла, дард, дард.

Сохта дармонларга учма, эй фалон,  
Йўл тўсиб, пора олурлар бож дебон.

Босмагай чанқовни шўр сув, эй ўғил,  
Гарчи ичган чоғда хушдир сенга ул.

Алдагай, алдовга умринг тўлгуси,  
Не ширин сувларга монe бўлгуси.

Бор асл тилло, табиатдин ўсиқ,  
Қалбаки олтин анга бўлгай тўсиқ.

4320 Ол мени, дейди, муродингмен, башар,  
Қўл-оёғингни, қанотингни кесар.

Дардинг олгум, дейди, лек дарддир ўзи,  
Мен асл мард, дейди, номарддир ўзи.

Қоч ўшал алдоқчи дармондин мудом,  
Токи дардинг офият топсин тамом.

---

<sup>370</sup> Оҳи сард - совуқ оҳ

Деди миршаб: ўғримассен, эгри қўл,  
Яхши одамсен, вале нодону гўл.

Тушни деб не шунча йўллар босганинг,  
Бормидир, ҳой, зарра ақли равшанинг?

4325 Неча карра мен-да туш кўрдим, жигар,  
Дедилар: Бағдоддин изла симу зар.

Айтди миршаб сўнгра мавзу, сўйини,  
Ул мусофирнинг маҳалла, кўйини.

Ганж кўмилган гўша деб манзил-ўйин,  
Ул гарибнинг исмини айтди кейин.

Дедиким, кўрдим бу тушни неча бор,  
Дедилар: Бағдодга бор, Бағдодга бор.

Туш дедим, бас, бормадим Бағдодга мен,  
Сен эсанг шу тушни деб оворасен.

4330 Бўлгай ул нодон туши нодонга мос,  
Сийқадир, ҳеч бир балога арзимас.

Эр тушидек бўлмагай хотин туши,  
Жонига мосдир унинг ақлу ҳуши.

Гўлу нодонлар тушин туш билма то,  
Не келур ноқис ақлдин? Ҳеч вақо.

Деди шўрлик: ганж эрур хонамда чун,  
Мен фақирмен, йўқсилу зормен нечун?

Бўйла бир йўқсил гадо ганж узрамен,  
Чунки зулмат ичра, гафлат ичрамен.

4335 Бўлди сархуш бу хабардин, кетди дард,  
Тангрига тилсиз, дудоқсиз айтди ҳамд.

Деди: шу калтак менга нуқлу навог,  
Чун дўконим ичрадир оби ҳаёт.

Бир буюк ризққа етишдим бўйлаким,  
Кўрлигимдин ваҳм аро муфлис эдим.

Хоҳ мени нодон деб айтгил, хоҳи паст,  
Соҳиби ганж мен эрурмен, ўзгамас.

Мен муродимга етишдим бегумон,  
Ҳар не истарсен, сўзингни айт ҳамон.

4340 Сен мени бахтсиз дегил, эй аржуманд,  
Сенга бахтсиз, лек ўзимга бахтлиман.

Вой, бунинг гар акси бўлса, билмасам,  
Сенга гулзору ўзимга хор эсам...

#### МАСАЛ

Деди бир дарвешга даврон пасткаши:  
Кимлигингни бунда билмас бир киши.

Мен ғарибни, деди, билгайлар қаён?  
Кимлигим лекин ўзимга кўп аён.

Акси бўлса, не бўлурди, ўйла сан,  
Ўзгалар кўрса мени, мен кўрмасам.

4345 Майли, нодонмен, ва лекин бахтиёр,  
Қайси оқилнинг бу янглиғ бахти бор?

Сўйладим сўзни гумонинг-чун фақат,  
Ақлим олгайдир шу бахтимдин мадад.

УЛ ОДАМНИНГ СЕВИНА-СЕВИНА МУРОДИГА  
ЕТИБ, ТАНГРИГА ШУКРОНАЛАР АЙТИБ, САЖ-  
ДАЛАР ЭТИБ, ҲАҚНИНГ АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБ  
ИШЛАРИГА ВА БУ ИШЛАРНИНГ АҚЛ БОВАР  
ҚИЛМАЙДИГАН БИР ҲОЛАТЛАРДА ЗОҲИР  
БЎЛИШИГА ҲАЙРОНЛАР ҚОЛИБ, ЎЗ ЮРТИГА  
ҚАЙТГАНИ

Ул Мисрдин қайтди - то Бағдод қадар,  
Саждалар айлаб, этиб шукроналар.

Йўл бўйи ҳайрону лол эрди тамом,  
Ризқ йўли касб этди деб бундоқ маром,

Ризқи рўз деб тикмадим қайларга кўз?  
Этди қайлардин ва лекин ризқи рўз.

4350 Ўз уйим эрмиш чу манзили мурод,  
Йўлга тушдим тарк этиб, гумроҳу шод.

Мен залолатга шитоб этдим, бироқ,  
Матлабимдин ҳар нафас кетдим йироқ.

Лек залолатга сафосин урди Ҳақ,  
Ҳиммат айлаб, тўғри йўлга бурди Ҳақ.

Бўйла ул минҳожии йимон айлағай,  
Тўғрилиқни элга эҳсон айлағай.

Токи ҳар муҳсинда бўлғай бир важо,  
Токи ҳар хоинда бўлғай бир рижо.<sup>371</sup>

4355 Оғуға тарёқни жо этмиш дағи,  
Ул сабабдир исми - Зулутф ул-ҳақи.<sup>372</sup>

<sup>371</sup> Важо - дард, алам. Рижо - умид.

<sup>372</sup> Яширин лутфлар эгаси.

Лутфи ҳар дамда намоз ичра кечар,  
Мағфират айлаб, гуноҳга тўн бичар.

Қасди иймон этди мункирлар кушод,  
Ҳақ жавоб айлаб, кўринди мўъжизот.

Этдилар чун динни чўқтирмоққа қасд,  
Лек Расулларнинг қўли юксалди, бас.

Бўлмасайди гар ёмонлар иллоти,  
Бўйла бурҳон, мўъжизот бўлгаймиди?

4360 Аҳли мункир сўрмаса исботни то,  
Қайданам қози чақиргайди гувоҳ?

Мўъжизот ҳар дафъа кўрсатди аниқ,  
Муддаийнинг сўзи равшандир, тиниқ.

Таъналар остида қолди анбиё,  
Ҳақ уларга мўъжиза этди ато.

Фиръавннинг макри уч юз қат эди,  
Борини ишлатди, аммо панд еди.

Йиғди соҳирларни ҳар ёқдин жадал,  
То Мусо мўъжизасин этгай бадар.

4365 То асони хору расво айлагай,  
Эътиборин элдин айро айлагай.

Оят этди бул макрни ҳам Мусо,  
Эътибори ошди, юксалди асо.

Нил бўйига йиғди лашкар ул ҳамон,  
Йўлни тўсмоқ бўлди чун макр айлабон.

Ўтди Мусо қавми сувдин нарига,  
Кирди Фиръавн қаро ер қаърига.

Нил бўйига келмасайди бўйлаким,  
Тарқамас, қолгайди сибтийда ваҳим.<sup>373</sup>

4370 Келди ул, сибтийга ташланди ёмон,  
Чун хатар ичра омонликдир ниҳон.

Нури Ҳақ келса, кўринмасдин келур,  
Ўт эрур наздингда, аммо асли нур.

Махфий ўлмас келса тақвога савоб,  
Боқки, соҳирларга бўлди не жавоб.

Этдилар Ҳақ йўлида жаҳду жидол,  
Келди соҳирларга ул васлу висол.

Гар оёқ бирлан юрилгай ҳар маҳал,  
Ул сеҳргарлар оёқсиз юрдилар.

4375 Кўр омонлик ичра орифлар юзин,  
Чунки кечмишлар юзиб, қон денгизин.

Ул омонлик айни қўрқувдин келур,  
Дамба-дам ортиб, яна афзун бўлур.

Хавф аро кўрдинг омонлик, муҳтарам,  
Кўр умидлар ичра ул қўрқувни ҳам.

Ул амир Исога макр этди расо,  
Ул маҳал уйда бекинмишди Исо.

Уйга кирди бўлмоқ истаб тождор,  
Лек ўзи тортилди, бўлди тожи дор.

4380 Менга тегманг, мен амирмен, дерди ул,  
Мен Исо эрмас, дея қичқирди ул.

---

<sup>373</sup> Сибтий - яҳудий, бани Исроил.

Дедилар: тезроқ осинг, щулдир Исо,  
Алдамоққа бўйла қобилдир Исо.<sup>374</sup>

Неча лашкар мол дебон барҳам бўлур,  
Молу мулки ўзгаларга ем бўлур.

Неча тожир фойда деб кетгай йироқ,  
Ўзни оташ ичра кўргайдир бироқ.

Неча ишлар борки олам ичра чун,  
Оғу дерлар, лек асалдир, ангубин.

4385 Гоҳ сипоҳ жондин умид узгай тамом,  
Лек зафар қучгай, зафарлар бардавом.

Абраҳа келмишди неча фил миниб,  
Ҳақ уйин вайрон этишга шайланиб.

Каъбани вайрон этишни истади,  
Элни саргардон этишни истади.

Тиклади ул ҳам ўзича каъбасин,  
Деди: халқ келсин, зиёрат айласин.

Ул арабга солмоқ истарди човут,  
Не сабабдин урди деб каъбамга ўт.

4390 Бул ҳадафдин Каъба юксалди яна,  
Топди эъзоз, мўътабар бўлди яна.

Маккавийлар устувор бўлди тамом,  
То қиёмат бўйла этгайдир давом.

Кирди тупроққа ўзи ҳам каъбаси,  
Не сабаб? Лутфи Худодир ҳаммаси.

---

<sup>374</sup> Бу ерда ҳаворийлардан бўлмиш Яҳудонинг сотқинлиги устида сўз боради. Ривоятга кўра, у Исо пайғамбарни тутиб бермоқчи бўлган. Лекин Исо душманлари уни Исо билан адаштириб, ўзини дорга осишган.

Абраҳа аҳволи бундоқ бўлди вой,  
Молидин йўқсил араблар бўлди бой.

Келди қўшин бирла, тушди лаққа ул,  
Симу зар келтирди Байтулҳаққа ул.

4395 Ул ғариб йўлда шуларни ўйлади.  
Эслади, сайру томоша айлади,

Уйга қайтди, топди ганж шодон бўлиб,  
Турмуши Ҳақ лутфидин бўстон бўлиб.

УКАЛАРНИНГ ЎЗ АКАЛАРИГА ТАКРОР-ТАКРОР  
НАСИҲАТ ЭТИШГАНИ. ЛЕКИН У НАСИҲАТЛАР-  
ГА ҚУЛОҚ ОСМАГАНИ. БИР ДАЛИ-ДЕВОҲА ЯНГ-  
ЛИҒ ЎЗИНИ УЛАРДАН ОЛИБ ҚОЧГАНИ. ИЗН-  
ИЖОЗАТ СЎРАМАЙ, ПОДШОНИНГ ҲУЗУРИГА  
БОСТИРИБ БОРГАНИ. АММО БУ ГУСТОҲЛИҚ,  
КАЛТАБИНЛИҚ ОҚИВАТИ ЭМАС, БАЛКИ ИШҚУ  
МУҲАББАТ ТОШҚИНИ ТУФАЙЛИ ЭДИ

Дедиларким, жонимиз ичра, жигар,  
Панд-ўғит бор, кўкда юлдузлар қадар.

Айтмасак, бизга азобдир беадад,  
Сўйласак, солгай сенинг кўнглигга дард.

Сувдаги қурбақа янглиғ биз ҳамон,  
Жим турар бўлсак, бўғилгаймиз ёмон.

4400 Айтмасак, сулҳу сукутда нур йўқ.  
Сўйламоққа ҳам изн, дастур йўқ.

Сакрабон турди, деди ул: алвидо,  
Чинданам дунё - кераксиз бир матоҳ.

Ташқари чиқди отилган ўқсимон,  
Сўзга ҳожат қолмамишди ул замон.



Шоҳи Чин олдига борди телба эр,  
Масту мастона эгилди, ўпди ер.

Шоҳга маълум эрди лекин ҳоллари,  
Аввалу охир бутун аҳволлари.

4405 Қўй сурув ўтлоқда яйраб ўтлаюр,  
Ҳолидан чўпон унинг огоҳ эрур,

Қўйки бор, чўпонга маълумдир сири,  
Қай бири ўтлайди, ўйнар қай бири.

Гарчи сувратда сурувдин ул йироқ,  
Худди дафдек даврада эрди бироқ.<sup>375</sup>

Воқиф эрди гар, хабардор кимсадек,  
Лозим эрди индамай турмоғи лек.

Жонлари ичра эди ул шоҳ магар,  
Ўзни тутмишди атайлаб беҳабар.

4410 Суврат ичра ўт қозоннинг ёнида,  
Аслида оташ қозоннинг жонида.

Суврат ошкор, маъниси пинҳон эди,  
Маъшуқи жони томирда қон эди...

Тиз чўкиб, шаҳзода бош эгди ҳамон,  
Ўн муарриф этдилар ҳолин баён.<sup>376</sup>

Гарчи шоҳ билгувчи эрди ич-тишин,  
Лек муарриф ҳам этарди ўз ишин.

Бўлса орифдин дилинга зарра нур,  
Юз муарриф сўзидин авло эрур.

---

<sup>375</sup> Даф - дойра, чилдирма.

<sup>376</sup> Муарриф - подшо ҳузурига кирганларни унга таништирувчи.

4415 Гар муаррифга қулоқ тутсанг, рафиқ,  
Пардалар ортида қолмоғинг аниқ.

Улки, равшандир унинг кўнгили кўзи,  
Боқса, ҳар ашени кўргайдир ўзи.

Гарчи пайдар-пай эмасдир жон анга,  
Дил кўзидин етгуси ийқон анга.<sup>377</sup>

Бас, муарриф ул буюк, шоҳи ажаб,  
Олдида ҳоли ғарибдин очди лаб.

Деди: шоҳим, бўлмиш эҳсонингга ов,  
Подшолик айла, эрмас ул биров.

4420 Давлатингга қўл узатмиш бир йўла,  
Бўйла сармастдирки, сен бошин сила.

Шоҳ дедиким, не тилайдир, айт менга  
Ҳар не мансаб, мулк деса, бергум анга.

Бахш этай мулким йигирма ҳиссасин,  
Майлига, бундан-да ортиқ истасин.

Деди: ишқ экмиш анга подшолигинг,  
Жазб этар лутфинг сенинг, дарёлигинг.

Қуллигингга бўйла қўймиш иштиёқ,  
Кўнгли тушмиш подшоликдин йироқ.

4425 Шоҳлигу шаҳзодаликни ҳам тикиб,  
Келмиш ул лутфингни излаб, бош эғиб.

Сўфидирким, важду ҳол айлаб нуқул,  
Ҳирқасин отмиш, яна олгайму ул?

---

<sup>377</sup> Ийқон - ишонч.

Олса такрор, ул паришондир демак,  
Алданиб бундоқ, пушаймондир демак.

Бер, деса ҳирқамни ул афтодаҳол,  
Ҳирқага урмабди зарра важду ҳол.

Бўйла фикри борму ошиқ кимсанинг?  
Бўлса гар, бошига тупроқдир анинг.

4430 Не эмиш ишқ олдида тан хирқаси,  
Тан аро ҳиссу хирад ҳам ўзгаси?

Не эмиш шул мулки дунё хирқаси  
Неча кунлик мастлигу бош оғриси.

Мулки дунё танпарастларга ҳалол,  
Бизга мулкдир-мулки ишқи безавол.

Омили ишқдир у, маъзул айлама,<sup>378</sup>  
Ишқдин ўзга ишга машғул айлама.

Мансабинг эрмиш юзингга парда ул,  
Асли маъзул, номига мансаб эрур.

4435 Ҳой, кечикдинг, деб хижил этма ани,  
Истеъдоди йўқ, заиф эрди тани.

Истеъдодсиз конга борсанг, эй фалон,  
Эплабон бир зарра олмогинг гумон.

Бокира бир қизни олгайсен магар,  
Эрлигинг йўқ эрса, андин не самар.

Гар чироқда бўлмаса мою пилик,  
Нур таратмас ул, қаро шамдир, сўник.

---

<sup>378</sup> Маъзул - мансабдан азл этилган, туширилган.

Бурни ҳид билмас на билсин қадрини,  
Бог кезиб, сезмайди райҳон атрини.

4440 Не эмиш жонона бир ғар олдида,  
Чангу барбат чалма ул кар олдида.

Ер қуши денгизга тушса, не бўлур,  
Ул сузолмайди, муқаррарким ўлур.

Ғалласиз тушса тегирмонга киши,  
Соч-соқолини оқартмоқдир иши.

Чарх тегирмонига донсиз тушма, ҳой,  
Соч-соқолинг оқ этар, қаддингни ёй.

Дони борларни тегирмон сийлагай,  
Молу мулк бергай, мукаррам айлагай.

4445 Аввал истеъдод керак жаннатга ул,  
Сўнгра жаннат ичра давронингни сур.

Ёш гўдакка не шаробдир, не кабоб,  
Сўйлама беҳудадир шарҳу хитоб.

Сўнгги йўқ сўздир бу, санжоб айлагил,  
Касби истеъдод этишни ўйлагил.

Бул йигит ҳам кутди истеъдодини,  
Шавқи ортди, этмади ҳосил ани.

Деди: истеъдод подшодин келур,  
Бўйла бир жонсиз жасадда не қилур?

4450 Қувди ғам-қайғусини шоҳнинг ўзи,  
Овламоқчи эрди, ов бўлди ўзи.

Ким сени чун овламоққа шайланур,  
Бойламасдин овни, овга бойланур.

Ҳар киши шоҳлик, амирлик истагай,  
Аввало қуллик, асирлик истагай.

Тескари англа жаҳон дебочасин,  
Банда бил, қул бил жаҳоннинг хожасин.

Эй вужуд, қинғир ниятли, тошбағир,  
Неча юз минг жонни этмишсен асир.

4455 Қўй шу макру ҳийлани, жавлон уриб,  
Ҳур яша бир дам ажал келмай туриб.

Эрсанг эшшакдек у ҳурликдин йироқ,  
Бир челақдирсен қудуқда, тумтароқ.

Кел-да, бир дам тарки жоним айлагил,  
Сен ўзинга ўзга улфат сайлагил.

Навбатим етди, мени озод қил,  
Мендин ўзга кимсани домод қил.<sup>379</sup>

Эй тани садқора, тарк этгил мени,<sup>380</sup>  
Айладинг умрим адо, топ ўзгани.

ҚОЗИНИНГ ЖУҲИ ХОТИНИГА ОШИҚ БЎЛИБ,  
САНДИҚҚА ТУШГАНИ. ҚОЗИ НОИБИ У САНДИҚ-  
НИ СОТИБ ОЛГАНИ. БИР ЙИЛ ЎТГАЧ, ХОТИН  
БУЛТУРГИ ЎЙИН УМИДИ ИЛА ЯНА ҚОЗИ ҲУЗУ-  
РИГА БОРГАНИ. ҚОЗИ УНГА, МЕНИ ЭНДИ ТИНЧ  
ҚЎЙ, БОШҚА БИРОВНИ ИЗЛА, ДЕГАНИ

4460 Йўқчиликдин ҳар йили тортиб алам,  
Жуҳи дерди хотинига: эй санам,

Сен бировни айла доминг тутқуни,  
Ўлжа ол, токи шилайлик биз уни.

---

<sup>379</sup> Домод - куёв.

<sup>380</sup> Тани садқора - кўп қилғиликлар қилган, устамон вужуд.

У камон қошлар, у киприкларки чун,  
Не учун бермиш Худо? Овлаш учун.

Бир кибор қушга тузоқ қўй, турмагил,  
Донни кўрсатгил ва лекин бермагил.

Сен умидвор айла, эргашсин магар,  
Домга тушгач, донга солгайму назар?

4465 Эртаси қозига борди ул пари,  
Эридин арзу шикоят этгали.

Қисқаси, юз очган эрди ул нигор,  
Бир боқишда қози ов бўлди, шикор.

Деди: кўп шовқин-сурондир маҳкама,  
Арзу дод этмоқни истайдир ҳама.

Хилват айлаб, кел бирор осуда пайт,  
Шум эрингдин не шикоят бўлса, айт.

Дедиким, бўлмас уйингда хилват ул,  
Ёприлиб, яхши-ёмон келгай нуқул.

4470 Бош - уйинг ҳам бўйла банд савдо била,  
Касридин кўнгил тўла ғавго била.

Ўзга аъзолар эса осудадир,  
Ўртаниб, кўнгил мудом қайғудадир.

Бор, Худо қўрқинчи сори ўзни ур,  
Қўйма, бултурги хазонларни супур.

Янги гулларга бўлур моне улар,  
Дил оғочи янгиларни орзулар.

Ухлагил, уйқуда ҳушёрлик била,  
Бош кўтаргил сўнгра бедорлик била.

4475 Эй хўжа, Асҳоби Қаҳфдек бурканиб,  
Уйқуга солгин ўзинг, уйғоқ бўлиб.

Сўрди қози: не қилурмиз, эй санам?  
Дедиким, келгин уйимга, муҳтарам.

Кетди қишлоққа эрим, йўқ посбон,  
Чун уйимдир бизга хилват бир макон.

Бўлса имконинг бу оқшом, кел, аё,  
Тун иши битгай макрсиз, бериё,

Жумла жосуслар чўкар тун қўйнига,  
Тун ўзи ургай уларнинг бўйнига.

4480 Бас шакарлаб очди чун афсунга лаб,  
Айлади ул сеҳру афсунлар, ажаб.

Неча бор Одамни Иблис авради,  
Лек Ҳаво, ол, деб буюрмишди, еди.

Аввалин борким жаҳон саҳнида хун  
Тўкди Қобил, эрди ул хотин учун.

Нуҳ қизартиб това, ҳозирларди ош,  
Воҳила ҳар гал анга ташларди тош.<sup>381</sup>

Бўлди хотин макри унга дардисар,  
Булғади оби зилолин ҳар маҳал.

4485 Бўйла гумроҳлардин огоҳ айлабон,  
Қавмига пайгом юборгайди ниҳон.

---

<sup>381</sup> Воҳила - Нуҳ пайгамбарнинг хотини.

ҚОЗИ ХОТИННИНГ УЙИГА БОРГАНИ, ЖУҲИ  
ЖАҲЛ ИЛА ЭШИКНИ ҚОҚҚАНИ, ҚОЗИ ҚОЧИБ,  
САНДИҚ ИЧИГА КИРИБ, ЯШИРИНГАНИ

Йўқ хотин макрига поён, келди тун,  
Борди қози айши гул раъно учун.

Ёқди хотин икки шам, деди кейин:  
Биз ҳалитдан маст шу сувни ичмайин.

Жуҳи эшик қоқди, қози хезлади,  
Ўзни гум этмоққа бир жой излади.

Топмади сандиқдин ўзга ошиён,  
Тушди қўрқув ичра сандиққа ҳамон.

4490 Ичкари кирди Жуҳу, чекди нидо:  
Эй менинг жонимга битган юз бало!

Ҳар не боримни фидо этдим сенга,  
Сен отарсен таъна тошингни менга.

Бир ғарибдирмен, оғиз очдингни, бас,  
Гоҳи муфлис деб атарсен, гоҳи паст.

Икки иллат эрса шул жоним аро,  
Биттаси сендан, бири лутфи Худо.

Бор бисотим сандигимдир, боис ул,  
Гоҳи тухмат, гоҳ гумонлар ёғилур.

4495 Халқ гумон айларки, унда зар ниҳон,  
Ул сабабдин тош отурлар ҳар замон,

Гарчи сандиқ сирти кўзни олгудак,  
Ичда лек олтин, кумушдин йўқ дарак.



Бўйладир ул жисми зарроқ жилваси,<sup>382</sup>  
Ул саватда йўқ илондин ўзгаси...

Эртага чорсуга элтагаймен уни,  
Ёндириб, оташга ўртгаймен уни.

Токи кўрсин мўмину габру жуҳуд,  
Унда йўқ лаънатдин ўзга бир вужуд.

4500 Бўйла этма, деб хотин ёлборди бот,  
Бўйла этгумдир, деди эр, ичди онт.

Эртаси турди саҳарлаб, зудлади,  
Келтириб ҳаммол, у юкни юклади.

Йўлда сандиқ ичра қози ишқибоз,  
Нола айлаб, чекди “ҳаммол” деб овоз.

Солди ҳаммолни баса ҳайратга бул,  
Деди: бул мискин овоз қайдин келур?

Балки ҳотифдин етишгай бул, ажаб,  
Ёки пир пинҳона айларму талаб?

4505 Ул овоз келди паёпай, келди, бас,  
Дедиким, йўқ, ўзга бу, ҳотиф эмас.

Билди, сандиқдин келарди бу фиғон,  
Сандиқ ичра эрди кимдир ул ниҳон.

Ошиқ эрмиш, талпиниб маъшуққа ул,  
Сўнгра беркинмиш магар сандиққа ул.

Умрини сандиқда ўтказгай абад,  
Бул жаҳонда кўрганим сандиқ фақат.

---

<sup>382</sup> Жисми зарроқ - маккор, риёкор тан.

Авжи кўкка боши етмас эрса то,  
Умри ўтгайдир нуқул сандиқ аро.

4510 Чиқса тан сандигидин ул гоҳида,  
Кўрлиги боис борур кўр олдиға.

Қисқаси, қичқирди қози ончунон,  
Ҳойки, ҳаммол, ҳойки, сандиқкаш, дебон,

Маҳкама аҳлиға етказгил хабар,  
Ноибимга айт, етиб келсин жадал.

Зар бериб сандиқни олсин ул, кейин,  
Зуд уйимга элтсин оғзин очмайин...

Эй Худо, раҳм эт, юборгил қавми дин,  
Бизни қутқарсин бадан сандигидин.

4515 Халқки сеҳр сандиги ичра банди ул,  
Авлиёдин ўзга ким ҳам қутқарур?

Минглар ичра битта бил ҳушёрни  
Ул билур сандиқда ҳар не борни.

Бул жаҳонким унга ошкордир, аён,  
Худди кафтдек унга маълум ул жаҳон.

Илм - мўминнинг йўқотган молидир,  
Яхши билгай ул нечук аҳволидир.

Умрида улким ёруғ кун кўрмамиш,  
Унга бул жабру жафолар не эмиш?

4520 Ё гўдакликдин яшар тутқун бўлиб,  
Ёки келмишдир жаҳонга қул бўлиб.

Бўлмамиш ҳурлик сурури жон анга,  
Сандиқи суврат эмиш майдон анга.

Ақли суврат ичра маҳбус ҳар маҳал,  
Ул қафасдин бул қафас этгай гузар.

Ул боқиб юксакка, кўкни кўзламас,  
Юрса ҳам, юргай қафаслар ичра, бас.

Қурбингиз етса, ўтингиз, деди ул,  
Инсу жинга бул Худованддин келур.<sup>383</sup>

4525 Лек ўшал кўкдин ошарсиз бегумон,  
Гар ваҳий йўллаб, чақирса осмон.

Ўтса сандиқдин магар сандиққа ул,  
Йўқ, самовиймас, у сандуқий эрур.

Бор магар туйнукда ҳам жон наъшаси,  
Англамас бу ҳолни сандиқ бандаси.

Бермаса сандиққа ул жону дилин,  
Қозидек ўйлар қутилмоқнинг йўлин.

Ошино эрса билимга бешу кам,  
Айламас фарёд ва қўрқмас зарра ҳам.

4530 Қозидек титрар-да, аммо дам ютар,  
Қайда ул ороми жоним, деб кутар.

### ҚОЗИ НОИБНИНГ БОЗОРГА КЕЛГАНИ ВА САН- ДИҚНИ ЖУҲИДАН СОТИБ ОЛГАНИ

Келди ноиб, сўрди: сандиқ неча пул?  
Деди: тўққиз юзга савдо бўлди ул.

---

<sup>383</sup> Қуръони карим, Раҳмон сураси, 33-оятга ишорат. Унда шундай дейилади: “Эй жин ва инс жамоаси! Агар сиз (Оллоҳнинг жазосидан қочиб) осмонлар ва ер чегараларидан ўтиб кетишга қодир бўлсангиз, у ҳолда ўтиб кетаверинглар... Лекин у Кунда сизларда ҳеч қандай куч-қудрат бўлмас”.

Минг динордин камга бермасмен ва лек,  
Ҳафсаланг бўлса, қани ҳамённи чек.

Деди ноиб: ҳой, уял, жулдур чопон,  
Не эмиш сандиқ баҳоси, бул аён.

Деди Жухи: яхши билмай, кўрмайин,  
Нарсага қиймат чиқармоғинг қийин.

4535 Кел, очайлик, ёқмаса гар, олмагил,  
Ўзни беҳуда зиёнга солмагил.

Деди: эй саттор, сабр қил, очма сир,  
Очмайин олгум уни мен, гапга кир.

Парда бўлсанг, парда бўлгайлар сенга,  
Сенга кулгайлар, магар кулсанг анга.

Неча бирлар сандиқ ичра қолдилар,  
Ўзни чун ранжу балога солдилар.

Улки сенга орзу эрмишдир, самар,  
Ўзгаларга ул-азиятдир, зарар.

4540 Йўқ, фақат Маҳшарда эрмасдир жазо,  
Ундан олдинроқ келур дарду бало.

Аршу аъзам осмонлар устида,  
Тахти доди жумла жонлар устида.<sup>384</sup>

Бир учи Аршнинг сенга пайваста ул,  
Дину додсиз урма сен бир ишга қўл.

Ҳолатинг тутгил мудом кўз ўнгида,  
Не келур адлинг ва зулминг сўнгида?

---

<sup>384</sup> Тахти дод - адолат тахти.

Деди Жуҳи: қилмишим - зулму ситам,  
Илк ситам этган ёмондир менданам.

4545 Деди ноиб: барчамиз бирдек ёмон,  
Юз қаролик бирла шодмиз ҳар қачон.

Занжидек шодмиз, юраркан эрта-кеч,  
Ўзгалар кўргай, у кўрмас ўзни ҳеч.

Баҳси савдо охири ҳаддин ўтиб,  
Юз динорга олди сандиқни сотиб.

Сен-да сандиқ ичрадирсен, бил ани,  
Ҳотифу гайбинг сотиб олгай сени...

МУСТАФО САЛАВОТУЛЛОҲИ АЛАЙҲИ БУЮРДИ-  
ЛАРКИМ, МЕН КИМНИНГ МАВЛОСИ ЭСАМ, АЛИ  
ҲАМ УНИНГ МАВЛОСИДИР... БАЪЗИ МУНОФИҚ-  
ЛАР, БИЗ УНГА ИТОАТ ЭТДИК, ТАЪЗИМ БАЖО  
АЙЛАДИК, ШУ ЎЗИ ЕТМАСМИ, ҲАЛИ ВАЛОҒАТ-  
ГА ЕТМАГАН ЎСПИРИНГА ҚУЛ БЎЛИШИМИЗ  
ҲАМ БОРМИДИ, ДЕБ ОҒРИНИБ, ТАЪНАЛАР  
ОТДИЛАР. АНА ШУ ҲАДИС БАЁНИДА

Чун Набий асҳоб-ла ҳамсуҳбат эди,  
Сизга мен мавло, Али мавло, деди.

4550 Ким боқаркан дўсту мавло деб менга,  
Бас, Али ҳам дўсту мавлодир анга.

Улки мавлойинг, сени озод қилур,  
Ҳам оёгингдин ечар бандингни ул.

Чун нубувват ҳоди бўлгай, раҳбари,  
Бошлагай мўминни озодлик сари.

Эйки мўминлар, юрингиз шод бўлиб,  
Савру савсандек басе озод бўлиб.

Лек чаман боғларга ўхшаб ҳаммангиз,  
Шарқироқ сувларга шукрон айлангиз.

4555 Ун чиқазмай сарв ила райҳоналар,  
Сувга дер, кўкламга ҳам шукроналар.

Гул либосларда, этакни судрабон,  
Масту раққосу хушу анбарфишон,

Жузву жузвларда баҳордин ҳомила,  
Жисму жонлар мевалар бирлан тўла.

Бўйла топмишлар бу Марямлар Масиҳ,  
Сўйлагайлар барча хомушу фасиҳ.

Ойимиз порлар, сочлар оламга нур,  
Ҳар забон сўзлашни биздан ўрганур.

4560 Нутқи Исо меҳри Марямдин эди,  
Нутқи Одам партави дамдин эди.

Тангрига шукроналар айтинг, аё,  
Ҳар гиёҳ зимнида бордир бир гиёҳ.

Бунда сен сабру қаноат айлама,  
Юксалур ул, баски этгайдир тамаҳ.<sup>385</sup>

Бўлма тутқун, берма нафсинга ривож,  
Бор харидоринг сенинг ҳам, кўзни оч.

**КЕЛГУСИ ЙИЛ ЖУҲИНИНГ ХОТИНИ ПУЛ УНДИ-  
РИШ УМИДИДА ЯНА МАҲКАМАГА БОРГАНИ,  
ҚОЗИ ЖУҲИНИ ТАНИГАНИ**

Кечди бир йил, қийналиб Жуҳи фақир,  
Хотинига дедиким, эй беназир,

---

<sup>385</sup> Бу ерда гап Оллоҳдан этиладиган тилак устида бормоқда.

4565 Бор-да, бир такрор ҳикоят айлагил,  
Қозига мендин шикоят айлагил.

Ўзга хотинлар била борди жувон,  
Ўзига айлаб бировни таржимон.

То уни курганда қози билмагай,  
Можарони ёдига келтирмагай,

Қўзгалур фитна хотин ғаммозидин,  
Бир эса, юз бир бўлур овозидин.

Қўйса овозин, қўпоргай фитналар,  
Якка бир ғаммоз ила бўлмас самар.

4570 Деди: қози: майли, келсин жабркор,  
Тинглабон эрингни, этгаймиз қарор.

Келди Жуҳи, боқди қози, билмади,  
Кўрмамишди, чунки сандиқда эди.

Чорсуда лек англамишди розини,  
Тингламиш эрди унинг овозини.

Сўрди қози: нега этгайсен жабр?  
Деди Жуҳи: бенаводирмен, фақир.

Гар ўлар бўлсам, кафансизмен ҳамон,  
Олти-беш ўйнаб, ютилдим мен тамом.

4575 Бу овоз қозига эрди ошино,  
Ёдига тушди у кечмиш можаро.

Деди: олти-бешки ул сен ўйнадинг,  
Мен, рақбингни базе мот айладинг.

Навбатим ўтди, бу йил мот этгани  
Ўзга бир даргоҳга боргил, қўй мени...

Олтию бешдин эрур ориф халос,  
Олтию бешдин баланд турмоғи рост.<sup>386</sup>

Олтию бешинг писанд эрмас анга,  
Истасанг, шарҳу изоҳ бергай сенга.

4580 Ул ишорат этса, бул-сирри азал,  
Ваҳми йўқ, бир четда сокин ўлтирар.

Бўлмасайди гар қудуқдин хориж ул,  
Бас, нетиб чўзгай эди Юсуфга қўл?

Руҳи чарх узра, ўшал кўкларга хос,  
Жисми чоҳ ичра, челақдек чорасоз.

Неча Юсуфлар челақка тирмашиб,  
Шоҳи мисрий бўлдилар чоҳдин чиқиб.

Ўзгалар солса челақ, сув келтирур,  
Бул челақнинг истаги асҳоб эрур.

4585 Ўзгалар излар қудуқдин қўру қут,  
Бу челақ-қувват, ҳаёти жони қут.<sup>387</sup>

Ул челақлар чархга боғлиқ аслида,  
Бул челақ ул икки бармоқ измида.

Ҳой, челақ, арқону чархинг не демак?  
Бу мисол сустдир, заифдир, эй амак.

Топганим шу, яхшисин қайдан топай,  
Гар мисоли келмамишдир, келмагай.

Неча минглаб мард ниҳон бир кимсада,  
Неча юзлаб ўқ ниҳон бир найзада.

---

<sup>386</sup> Олтию беш - олти томон, беш туйғу.

<sup>387</sup> Қут - балиқ.



4590 Мо рамайта из рамайти - фитнадир,  
Неча хирмон бир ҳовуч дон ичрадир.<sup>388</sup>

Зарра ичра офтоб эрмиш ниҳон,  
Ногаҳон ул зарра очгайдир даҳон.

Ул қуёш тафтига бардош этмайин,  
Зарра-зарра бўлгуси чарху замин.

Бўйла бир жон танга жо бўлгаймикан?  
Юв қўлингни бўйла жондин, эй бадан.

Эй вужуд, шу жонга уй бўлдинг, етар,  
Машк нетиб денгизни ўзга жо этар?

4595 Эй башар, қўнглингда минглаб Жабраил,  
Эй Масиҳлар, ўрнингиз эшшак сабил.

Эй калисо ичра пинҳон каъбалар,  
Ифрити Иблисга тушган ларзалар.

Эй маконда саждагоҳи ломакон,  
Сен сабаб Иблисда бузғундир дўкон.

Дер: нечун тупроққа қуллуқ айлайн?  
Шул қуруқ сувратни дин деб ўйлайн?

Суврат эрмас, кўзни оч, эй безавол,  
То кўрарсен шаъшайи нури жалол.

**ЯНА ШАҲЗОДА ҲИКОЯСИГА ҚАЙТИШ, ШАҲЗО-  
ДАНИНГ ҲАЗРАТИ ШОҲ ҲУЗУРИДА ҚОЛГАНИ**<sup>389</sup>

4600 Кўрди шоҳни, бўлди ҳайрону адо,  
Етти кўк эрди ҳовуч тупроққа жо.

<sup>388</sup> “Отдинг, аммо сен отмадинг” ояти сенга синовдир.

<sup>389</sup> Мавлоно бу ўринда тасарруф ва иршод соҳиби бўлмиш комил инсонни Чин подшоси тимсолида, иродасини унга таслим этган солик - йўлчини шаҳзода қиёфасида тасвирлайди.

Йўқди имкон лаб очиб, сўз айтгали,  
Жон била жон суҳбат айларди вале.

Хотирига келди андоқ бир фикр:  
Бул ҳама маъни, вале суврат надир?

Суврати сувратни безор айлагай,  
Уйқуси ухлоқни бедор айлагай.

Сўзга йўл бермас ширингуфторлиги,  
Хасталикларни қувар беморлиги.

4605 Ранжи ишқдир бу, магар жон роҳати,  
Жонга дармондир малолу заҳмати.

Эй вужуд, кел, бўйла жондин юз ўгир,  
Ё ўзингга ўзга бир жон излагил.

Хуллас ул подшо навозиш айлади,  
Ул қуёш ўтрусида ой яйради.

Яйраса ошиқ, чиройин чорлагай,  
Чун тўлин ойдек тўлишгай, порлагай.

Барча беморлар сиҳат айлар умид,  
Бул дегай: беморлигимни афзун эт.

4610 Бул заҳардек борму бир шарбат менга?  
Бул мараздек борму бир сиҳат менга?

Бул гуноҳим аслида тоат эрур,  
Йилларим чун лаҳзаи соат эрур.

Қолди подшо хизматида бир замон,  
Дил кабоб, жони табақда армуғон.

Дерди: халқ бош берса, бергай биргина,  
Шоҳга мен ҳар лаҳза қурбонмен яна.

Мен фақирда симу зар не қилгуси?  
Кетса бир, минг битта бошим келгуси.

4615 Қўш оёқ бирлан юрилмас ишққа ҳеч,  
Битта бош бирлан борилмас ишққа ҳеч.

Ҳар кишида қўш оёқ, бир бош эрур,  
Минг оёқ, минг бошли одам қайда ул?

Ул сабабдин барча савдолар унут,  
Лек бу савдо олгуси ҳар лаҳза ўт.

Ломакон қўйнида ёнгайдир бутун,  
Етти дўзах ул оловлардин - тутун...

УЛ ҲАҚДАКИМ, УСТИГА СИРОТ КЎПРИГИ  
ҚУРИЛГАН ЖАҲАННАМ ДЕРКИМ, ЭЙ МЎМИН,  
ЮГУР, ТЕЗРОҚ ЎТ, ЙЎҚСА, НУРИНГ ТАЪЛАТИ  
ОЛОВИМНИ СЎНДИРАР

Урса гар ошиқ ўти, эй соф киши,  
Милтираб, сўнгай жаҳаннам оташи.

4620 Ул сабаб дерким, югур, эй муҳташам,  
Йўқса, айрилгум тамом оташданам.

Куфру кофирлик - жаҳаннам кибри, бас,  
Ул сўнар гар етса ошиқдин нафас.

Бор-да, ул савдога кибринг эт нисор,  
Урмагай сенга на дўзах, на шарор.

Ул биҳишт ҳам дерки, тезроқ ўт, шитоб,  
Бору йўғим йўқса этгайсен хароб.

Менда дондир, сенда хирмон, ўйлагин,  
Мен-ёғоч бут, сен-муаззам мулки Чин.

4625 Ҳам жаҳаннам титрагайдир, ҳам жинон,  
Унга бўлмас, бунга ҳам йўқдир омон.

Келди-кетди, умри мисли ўқ эди,  
Сабри сўнг, жонида тоқат йўқ эди.

Тишни тишга босди, лек дош этмади,  
Етмади мақсадга умри, етмади.

Суврати маъшуқ йўқолди, не эмиш,  
Маънийи маъшуққа борди, бўлди эш.

Кийгани бўздирму ё шустар эрур,<sup>390</sup>  
Белибос қучсанг санамни яхши ул.

4630 Мен кечиб тандин, у тарк айлаб хаёл,  
Талпинармен унга, топгаймен висол.<sup>391</sup>

Бул мубоҳис шунгача айтилгуси,  
Не келур кўнгилга сўнгра, қолгуси.

Сўйламоқ истаб уринсанг юз ҳазор,  
Барчаси беҳуда, бўлмас ошкор.

От керак денгизга етгунча, ўгил,  
Минганинг сўнг тахтадин, чўбин бўлур.

Чубин от юрмас қуруқда ҳеч маҳал.  
Денгиз аҳлига вале раҳбар ўшал.

4635 Бу сукут ҳам маркаби чўбин эрур,  
Денгиз аҳлига сукут талқин эрур.

Ғар сукутлардин малол етгай сенга,  
Ишқи жон бу, наъралар этгай сенга.

<sup>390</sup> Шустар - Эроннинг Форс қўрфазида жойлашган шаҳар, нафис матолари ила машҳур бўлган.

<sup>391</sup> Бу сатрлар Мавлононинг отаси Султонул Уламо қабри сандуқасининг олд қисмига уйиб ёзилган.

Сен десанг: оғзи, дудоғи қайдадир?  
Ул бaсе дерким, қулоғи қайдадир?

Наърадин мен кар бўлиб, ул беҳабар,  
Наърайи ишққа қулоқлар мунча кар?

Гар бири уйқуда шовқин айлағай,  
Неча минглаб баҳсу талқин айлағай.

4640 Ўзга кимса ўлтирур ўтрусида,  
Шўру шардин беҳабар, уйқусида.

Улки чубин оти топмишдир шикаст,  
Сувга гарқ бўлди, балиққа дўнди, бас.

На сукут айлар ва на сўйлар калом,  
Сўз-иборат ичра йўқдир унга ном.

На уёқлик, на буёқликдир, ажаб,  
Шарҳини айтмоқ бўлур тарки адаб.

Бу мисол гар бўлмади бурро, аниқ,  
Маънини англашда бундан яхши йўқ.

КАТТА ШАҲЗОДАНИНГ ВАФОТ ЭТГАНИ, КЕН-  
ЖАСИ ХАСТАЛАНИБ ҚОЛГАНИ ТУФАЙЛИ ЁЛҒ-  
ИЗ ЎРТАНЧА ШАҲЗОДАНИНГ КЕЛГАНИ, ПОДШО  
УНГА НАВОЗИШ КЎРСАТГАНИ, ШАҲЗОДА ПОД-  
ШОГА МАФТУН БЎЛИБ, УНИНГ ҲУЗУРИДА ҚОЛ-  
ГАНИ ҲАМДА КЎРИНАР ВА КЎРИНМАС НЕ-НЕ  
ДАВЛАТЛАРГА МУЯССАР БЎЛГАНИ

4645 Хасталанди, бас, келолмай кенжаси,  
Келди ёлғиз ул сабаб ўртанчаси.

Шоҳ кўриб, кимдир бу, деб этди дақиқ:  
Бул ҳам ул денгиздану бул ҳам балиқ.

Бас, муарриф дедиким, бул ҳам ўшал,  
Ота ўгли, марҳум ўғлонга жигар.

Шоҳ деди: сен бизга андин ёдгор,  
Бул навозиш бирла этди ул шикор.

Баски ҳижронларда куймишди кўнгил,  
Кўрди чун жонига пайваст жонни ул.

4650 Кўнгли ичра тушди андоқ гулгула,  
Сўфи етмас унга юз тоат ила.

Кўзлари ўнгида девор, тоғу тош,  
Яшнади, ҳусну латофат этди фош.

Зарралар гумбазлар эрди муҳташам,  
Очилур эрди эшиклар дамба-дам.

Гоҳ эшик, гоҳида ёғду эрдилар,  
Гоҳи бугдой, гоҳ тарозу эрдилар.

Ул фалакким ўзгаларга эски, бас,  
Кўзларига янги эрди ҳар нафас.

4655 Чиқса тандин руҳи зебо, нетгуси,  
Айрича кўзлар қазодин етгуси.

Неча минглаб ғайбу асрор очди гул,  
Неки маҳрамлар кўрарса, кўрди ул.

Не китобларда дейилмишди давом,  
Кўзлари ўнгида жонланди тамом.

Нарра шер даргоҳи гарди ишқ аро,  
Кўзларга сурма бўлди, тўтиё.

Бўйла бир гулзорда эрди, сайр этиб,  
Жузву жузви бонг урарди “борму?” деб.

4660 Гулшани гул мавсуми бир дам эрур,  
Гулшани дил то абад ҳуррам эрур.

Гулшани гул очилиб, бўлгай хазон,  
Гулшани дил яшнагайдир беҳазон.

Илмимизким, унга жонлар бастадир,  
Ул чамандин икки-уч гулдастадир.

Икки-уч гулдаста ўзга шайладик,  
Ўзга гулшанларга йўлни бойладик.

Гар эшикларнинг калити қўлдадир,  
Нон учун қўлдин тушар ул, йўлдадир.

4665 Нонга етдинг, бўлди савдойинг бўлак,  
Энди хотинларни деб жонинг ҳалак.

Иштаҳанг қўймайди, бўлсайди қани,  
Бир шаҳарнинг нони бирлан хотини.

Бир илон эрдинг, бу ишратлар аро,  
Бўлдинг охир икки бошли аждаҳо.

Етти бошли аждаҳо-дўзахга боқ,  
Ем эрур ҳирсинг, жаҳаннамдир тузоқ.

Тўр-тузоқни уз-да, ёндир донани,  
Оч эшик, нурларга тўлдир хонани.

4670 Ошиқ эрмассен, биларсенму, гадо,  
Худди тоғдек беҳабар бергунг садо.

Ўз-ўзича тоғ сира бергайму сас?  
Ул фақат акси садодир, ўзгамас.

Сўзларинг акси садодир, эй ғулом,  
Жумла аҳволинг-да тақлиддир тамом.

Қаҳру завқинг ҳам бировнинг маҳридир,  
Чун амалдор завқи, хотин қаҳридир.

Ул амалдорга не қилди ул заиф,  
Бўйла қийноқларга солгайдир ҳа деб?

4675 Тобакай акси хаёл бўлгай сўзинг,  
Жаҳд қил, то мулки борлиқ бўл ўзинг.

Сўзларинг ҳолингни этсинлар баён,  
Ўз қанотинг бирла учгил ҳар замон.

Ўз қаноти бирла етмас овга ўқ,  
Шул сабабли унга овдан ўлжа йўқ.

Ов қилур тоғларда лочин жаҳд ила,  
Подшо сийлар уни каклик била.

Чун ваҳийдан айру сўздир беқарор,  
Ул-ҳавога ўрлаган чангу ғубор.

4680 Гар туюлса сўзларим сенга ғалат,  
Ўқи “Ва-н-нажм” сурасидин неча хат.

Йўқ Муҳаммадда ҳавоий бир калом,  
Ул ваҳий бирлан анга келгай мудом.<sup>392</sup>

Аҳмадо, кўнглинг ваҳийдин сарфароз,  
Қўй бадан аҳлига таҳлилу қиёс.

Лош ҳалол бўлгай зарурат паллада,  
Чунки Каъба изламаслар Каъбада.

Тўғри йўлни изламай, этса ҳаво,  
Эгри йўлга юрса, бўлса бедаво,

---

<sup>392</sup> Қуръони карим, Ва-н-нажм сураси, 3-4-оятларга ишорат.



4685 Ел унинг тупроққа қоргай бахтини,  
Ул Сулаймонмас, кўтарса тахтини.

Ел-буюк ҳаммол эди, мардона зот,  
Измида чун қўзи эрди аҳли Од.

Худди фарзанддек кўтарди қўзини,  
Аслида қассобга элтарди уни.

Аҳли Одким аҳли истикбор эди,<sup>393</sup>  
Ёр демишди елни, ул агёр эди.

Ногаҳон ел кийди тўнни тескари,  
Кирди тупроққа такабурлар бари.

4690 Аҳли Оддек бўлма, қўй кибру ҳаво,  
Йўқса, дардинга тополмассен даво.

Худ ўгит айлаб, дедиким, эй кибор,  
Илжингиздин ел олур, ҳар неки бор.

Лашкари Ҳақдир у, этмай бир нифоқ,  
Неча кун сиз бирла айлар иттифоқ.

Ҳаққа боғлиқ, Ҳақ унинг билгай йўлин,  
Лек ажал етганда чўзгайдир қўлин.

Елни кўр, оғзинга киргай ҳар нафас,  
Ҳам чиқиб, юзни ўгиргай ҳар нафас.

4695 Тишларинг оғзингда тургайлар омон,  
Лек буюрса Ҳақ, уларни ур, дебон,

Тошга айлангай ҳамон ел зарраси,  
Қақшатар жисмингни оғриқ зарбаси.

---

<sup>393</sup> Истикбор - кибру ҳаво.

Ул ўшал елдирки, ҳар дам айланур,  
Эмди ул ороми жонмас, жон олуру.

Меҳрибоним, деб ўпарсен қўлни гар,  
Қаҳр этаркан, бошда чўқморинг бўлар.

“Ё Рабу ё Раб!” дегайсен ҳар замон,  
Елни тинчит, бер азоблардин омон.

4700 Эй оғиз, эрдинг бу елдин беҳабар,  
Тишни тишга бос-да, этгил тавбалар.

Бўйла кўзлар ёшини сел айлагай,  
Аҳли мункир дардини мўл айлагай.

Мард сўзин рад айладинг айтганда мард,  
Ҳақ сўзин этгил қабул етганда дард.

Ел дегайким, йўллагай шоҳи башар,  
Кимга шодлик, кимга қайғу, шўру шарр.

Мен - амал этгувчи, фармон - шоҳдин,  
Сен каби гофил эмасмен шоҳдин.

4705 Гар Сулаймондек буюрса ҳол сенга,  
Мен Сулаймондек бўлай ҳаммол сенга.

Топширармен сенга шу боримни ҳам,  
Ҳам очармен неча асроримни ҳам.

Сен - рақибим, мен бўлиб измингда чун,  
Икки-уч кун хизматингни айлағум.

Од каби сўнг сарнигун этгум сени,  
Ёв бўлиб, тарк айлабон кетгум сени.

Райбга иймонинг магар маҳкам бўлур,  
Гар ўшал иймон замири ғам бўлур.

4710 Жумла эл мўмин бўлурлар ул замон,  
Бош эгурлар барча бебошлар ҳамон.

Ёлборурлар унда йиглаб зор-зор,  
Ўғридек бош узра тиккайганда дор.

Олами гайбига келтирсанг имон,  
Икки дунё сенга бўлгай бегумон.

Бўлмагай ул икки-уч кун савлатинг,  
Доимий бўлгай, умрбод давлатинг.

Шоҳ ўзингсен, йўл топиб югувчи сен,  
Ўз ногорангни ўзинг ургувчисен.

4715 Ўхшагай тор бир бўғизга шу жаҳон,  
Кош эди тупроқ еса бўғзу даҳон.

Бул даҳон тупроқ егайдир беркитиб,  
Ки егай тупроқни ул рангин этиб.

Бул каобу бул шаробу бул шакар,  
Аслида тупроқ эмишдир, эй жигар.

Чун едингму гўшту пўст бўлгай сенга,  
Ҳам бўянгай гўшту пўстинг рангига.

Ҳақ неча сувратга солгай, ранглагай,  
Лек яна охирда тупроқ айлагай.

4720 Ҳиндию қипчоғу румию ҳабаш,  
Қабр аро ҳамранг эрурлар, хокваш.

Лек шуни билгил, ҳама рангу нигор,  
Пардадир, макро ниқобдир, беқарор.

Ранги боқий-сибгатуллоҳдирки, бас,  
Ўзгаси чун қўнғироқдир, ўзгамас.<sup>394</sup>

Ранги сидқу ранги тақвою яқин,  
Соҳиби бўлгай ҳамиша обидин.

Ранги шакку ранги куфрону нифоқ,  
Соҳиби бўлгай ҳамиша жони оқ.<sup>395</sup>

4725 Чун қароюз Фиръавн янглиғ даго,  
Ранги қолмиш, жисми бўлмишдир адо.

Танлари фоний агарчи, содиқин  
Юзлари нури қолур то явми дин.

Яхшидир яхши, ёмондир ул ёмон,  
Бул маломат ичраву ул беомон.

Ҳақ берур тупроққа тошнинг рангини,  
Ақли ноқисларга жанжал, жангини.

Гоҳ хамирдин шер пиширгайлар, туя,  
Боқ, гўдаклар қўл чўзурлар, бер, дея.

4730 Шер, туя оғизда нон бўлгай ҳамон,  
Англамаслар шарҳини этсанг баён.

Гар гўдакларда жаҳолат, шак эрур,  
Лек уларнинг кучлари андак эрур.

Ҳар гўдакнинг қаҳри бордир, офати,  
Минг шукурким, макри йўқдир, қуввати.

Вой вале кекса гўдаклар дастидин,  
Ёғдирурлар бошга ҳар дам қаҳру кин.

---

<sup>394</sup> Сибгатуллоҳ - Оллоҳнинг ранги боқийдир, бошқаси худди бўйин-га осилган қўнғироқдек вақтинчалик бир нарса, яъни, омонат.

<sup>395</sup> Оқ - ота-онаси томонидан оқ қилинган кимса.

Бирлашар бўлса жаҳл бирлан салоҳ,  
Юртга юз очгай Фиръавндек бало.

4735 Марди дарвеш, айрудирсен ушбу дам  
Ул куфрдан ҳам, фиръавнликданам.

Шукр қил, сендин йироқдир фитналар,  
Золим эрмас, мазлум эрмишсен магар.

Оч қорин Оллоҳ лофин урмагай,  
Оташи пастдир, ўтин ёндирмагай.

Оч қорин-шайтону дев зиндонидир,  
Нон ғами макрига доим монедир.

Тўқ қорин эрмиш вале бозори дев,  
Деву шайтон унда солгайлар ғирев.

4740 Унда барча тожиру лошифуруш<sup>396</sup>  
Бонг урарлар тийра айлаб ақлу ҳуш.

Хумни мингайлар у ерда от этиб,  
Ой нурин кўзларга шоҳи кўрсатиб.

Қумни атласдек ўраб, очгай улар,  
Кўргувчи кўзларга қум сочгай улар.

Чўпда сандал рангини пайдо қилиб,  
Тош-кесаклардин ҳасад барпо қилиб.

Тангридир тупроққа андоқ ранг берар,  
Биз, гўдакларга низову жанг берар.

4745 Қум тўлатганмиз этакларга бутун,  
Қум эмас, олтин эрур ул биз учун.

---

<sup>396</sup> Лошифуруш - ўлакса сотувчи.

Эр киши қайда, гўдаклар қайда ул,  
Ҳақ қачон эрни гўдакка тенг қилур?

Мева эски бўлсаю гар бўлса хом,  
Ким пишиқ дер, гўра бўлгай унга ном.

Ёши юзга етсаю хом бўлса, гўр,  
Бир етук олдида ул нодону кўр.

Чун оқарган сочу соқоли ила,  
Чол эмас ул, аграйиб боққан бола.

4750 Дер: баоғатга етраманму манам?  
Менга ҳам етгайму Ҳақдин бир карам?

Ёки гўрлик ичра қолгаймен ўзим,  
Ё етишгаймен ва бўлгаймен узум.

Йўқ умидим, сен-да кўнглим бузмагил,  
Лек карам дерким, умидинг узмагил.

Ҳар нафас ҳоқонимиз, фарзона эр,  
Сен умидвор бўл, умидсиз бўлма, дер.<sup>397</sup>

Ноумидликдин чуқурда барчамиз,  
Гар чақирса, талпиниб боргувчимиз.

4755 Ул яшил яйловга учгаймиз ҳамон,  
Ел қанотли, аргумоқ отларсимон.

Гом урармиз, лекин унда гом йўқ,  
Жом сунармиз, лекин унда жом йўқ.

Жумла ашъё унда жон савгонидир,  
Маъни ичра, маъни ичра маънидир.

---

<sup>397</sup> Қуръони карим, Зумар сураси, 53-оятга ишорат.

Соя суврат эрса, маъни-офтоб,  
Соясиз нурни харобот ичра топ.

Чунки унда гишт уза гишт қолмамиш,  
Ой боқаркан, соядин ҳеч қолмамиш.

4760 Гишт ўшал зар бўлсаям, отмоқ керак,  
Ўрнига чун шуъла сочгайдир фалак.

Сояни даф айламоқчи бўлди-да,  
Парча-парча бўлди тоғ нур олдида.

Сиртига урмишди ул нури самад,  
Чатнади, бағримга кирсин деб аҳад.

Оч киши илкига берсанг бурда нон.  
Ул ҳавасдин кўз юмиб, очгай даҳон.

Бир эмас, минг пора бўлсанг, арзигаЙ,  
Эй Замин, осмонга моне бўлма, ҳай.

4765 Нури чархдин соялар бўлсин адо,  
Тун сенинг соянг эмишдир, эй қаро.

Ер гўдакларга магар бешиксимон,  
Лек етукларга бўлолмас ошиён,

Ерни мурғакларга бешик сайлади,  
Ичгали сут ҳам муҳайё айлади.

Чун бешиклардин торайди уй бу дам,  
Сен гўдакларга балоғат бер, хўжам.

Эй бешиклар, уйни этманг тангу тор,  
То гўдаклар айласинлар интишор.<sup>398</sup>

---

<sup>398</sup> Интишор - ёйилмоқ, ёйилиб юрмоқ.

ПОДШО ТУФАЙЛИ ШАҲЗОДА КЎНГЛИДА АСРОР  
ЮЗ ОЧГАНИ. АММО У ИСТИГНО ЭТИБ, НОШУ-  
КУРЛИК ВА САРКАШЛИК ВАСВАСАСИГА ТУШ-  
ГАНИ. ПОДШО ИЛҲОМ ВА СИРҲАБАР ВОСИТАСИ  
ИЛА БУНДАН ВОҶИФ БЎЛГАНИ, КЎНГЛИ ОҒРИ-  
ГАНИ. ШОҲНИНГ ЎЗИ БИЛМАЙ ТУРИБ, УНИНГ  
РУҲИ ШАҲЗОДАНИ ЯРАЛАГАНИ

4770 Неча кун шоҳ бирла бўлди биргаси,  
Урди шоҳнинг неча файзу шуъласи.

Нур олурди жони шоҳнинг жонидин,  
Ойи шоҳнинг хуршиди тобонидин.

Ул буюк шоҳ жонидин лутфу карам,  
Меҳру эҳсонлар етарди дамба-дам.

Дема ул тарсову мушрик нўш этар,  
Улки, кўкларда малоик нўш этар.

Кўнглида юз очди истигно, ажаб,  
Тушди тугёнга у истигно сабаб.

4775 Деди: шоҳдурмен, яна шаҳзодамен,  
Бас, нечун шоҳ измига омодамен?

Ой тўлиб, бошимда порлайдир бугун,  
Бошни бу тупроққа индиргум нечун?

Сув менинг сойимда, этмай зарра ноз,  
Ўзгалар нозин чекармен бениёз?

Бош нечун боғлайки, дардим қолмади,  
Кўзда ёшим, юзда зардим қолмади.

Лабларим шаккар, юзим ойдир, малак,  
Ўзга бир дўконни очмоғим керак.



4780 Бўйла ул беҳуда ўйлай бошлади,  
Беҳуда сўзларни сўйлай бошлади.

Лек йироқ эрди ҳали ҳирсу ҳасад,  
Ўртада юзлаб биёбон эрди, сад.

Шоҳ-ку денгиз, пишқириб селлар магар,  
Оқсалар, денгиз қолурму беҳабар?

Шоҳ дилин оғритди бундоқ шеvasи,  
Лутф этаркан, ношукурлик этмаси.

Шулмидир, деди жавобинг, беадаб,  
Беҳисоб эҳсонларимга, во ажаб.

4785 Сенга нелар бермадим, ганжи нафис,  
Менга не бердинг жавобан, эй хасис?

Сенга эҳсон эттигим ой ўзгача,  
Ботмагай ул, порлагай маҳшаргача.

Ул мусаффо нур мукофотига сан,  
Кўзларимга қум сочиб, санчдинг тикан.

Сен учун қўйдим фалакка нардбон,  
Сен қўлингга найза, ўқ олдинг, камон.

Подшо кўксида қўзғолди алам,  
Бул аламнинг акси урди унга ҳам.

4790 Чун питирлаб қолди ул давлат қуши,  
Аслига қайтди яна ақлу ҳуши.

Қилмишин жабрини чекди ул ўғил,  
Кўнглида гарду губорлар кўрди ул.

Подшодин лутфу неъмат кам эди,  
Ул севинч ўрнида энди ғам эди.

Мастлиги тарқалди, чўкди бир губор,  
Чулғамишди бошини кайфу хумор.

Тўн ечиб бугдой емишди ул фақир,  
Энди жаннат унга чўл эрди, тақир.

4795 Ичгани шарбат уни бемор этиб,  
Заҳри манманлик кўнгилга кор этиб,

Жониким, сайрон эди гулхонада,  
Чугздек қолмишди бир вайронада.

Мисли Одам жаннатин тарк айлади,  
Сўнг экин экмоқ учун ер ҳайдади.

Йиғлабон дердики, ҳой не айладинг?  
Шерни бир ҳўкиз думига бойладинг.

Сен ўзинг не айладинг, эй бевафо,  
Меҳрибон шоҳингга этдинг иштибоҳ.

4800 Домга тушгонинг аён бўлди сенга,  
Дона бугдойинг чаён бўлди сенга.

Чулғади бошинг ҳавойи ман-ман,  
Энди кўргил ўз оёгингда кишан.

Навҳалар айлаб, чекар эрди фиғон,  
Нега султонимга зид бордим, дебон.

Эс-ҳушин сўнг йиғди, тавба айлади,  
Бошқа бир савдоси борди, бойлади.

Дардким чун ваҳшати иймон эрур,  
Раҳм қил, ул дарди бедармон эрур.

4805 Бўлмасин инсонда янги жома, бас,  
Тўрга ўтгайдир ҳамон, сабр айламас.

Бўлмасин инсонда тирноқ, панжа, ҳай,  
Не эмиш инсоф, диёнат, билмагай.

Одамий юрсин балолар ичра ул,  
Нафси кофирнеъмату гумроҳ эрур.

ТАНГРИ ТАОЛО АЗРОИЛДАН, БАНДАЛАРНИНГ  
ЖОНИНИ ОЛАРКАНСАН, КЎПРОҚ КИМГА ЖО-  
НИНГ АЧИЙДИ, ДЕБ СЎРАГАНИ, АЗРОИЛНИНГ  
ҲАЗРАТИ ҲАҚҚА ЖАВОБ БЕРГАНИ

Сўрди Азроилдан ул Ҳаққи кабир:  
Кимга бағринг ўртаниб, жонинг ачир?

Ҳаммага жоним ачир, деди, вале,  
Қўрқамен амрингни эҳмол этгали.<sup>399</sup>

4810 Кош мени, дерман, Худойим сийласа,  
Шу йигит ўрнига қурбон айласа.

Сўрди такрор: жон олурда бандадин,  
Кимга кўп жонинг ачийди ҳаммадин?

Дедиким, денгизда кўрдим кемани,  
Бўлди буйруқ: парча-парча қил ани.

Барчанинг жонини олгайсен ҳамон,  
Бир ано бирлан бола қолсин омон.

Қолдилар бир парча тахта устида,  
Беқарор денгиз уларнинг остида.

4815 Бўлди амринг: ол анонинг жонини,  
Бир гўдак қолсин, аносиз қил ани.

Мен уни уздим, айирдим онадин,  
Шунга кўп жоним ачишди ҳаммадин.

---

<sup>399</sup> Эҳмол - сусткашлик, орқага суриш.

Қолди жоним баски мотамлар аро,  
Ул гўдак деб бўлди осмоним қаро.

Ҳақ дедиким, фазлу эҳсоним билан,  
Мавж уни ўрмонга элтди дафъатан.

Ҳар тарафда савсану райҳону гул,  
Мевазор, ораста ўрмон эрди ул.

4820 Чашмаларким, сувлари шаффоф, кумуш,  
Унда мен бердим гўдакка парвариш.

Неча минглаб қушки, мутриб, хушсадо,  
Сайрашиб, юз нагма айларди, наво.

Настариндин кўрпа солдим остига,  
Ёсуман гулларни эгдим устига.

Кунга амр этдим: йироқ, сайрона кез,  
Елга амр этдим: ювош, оҳиста эс.

Ҳай, булут, сен ёмғиринг урма, дедим,  
Ҳай, чақин, кўзин қамаштирма, дедим.

4825 Қишга амр этдим: чаманни чулғама,  
Езга амр этдим: оловлар пуркама.

## ШАЙБОНИ РОЪБИЙ ҚУДСИ АЛЛОҲ РУҲАУЛ АЗИЗ КАРОМАТЛАРИ

Улки Шайбон, келмасин қашқир, дея,  
Қўйлари дохил, чизарди доира.

Қўй чиқолмасди чизиқдин ташқари,  
Бўри ҳам кирмас чизиқдин ичкари.

Бўйла бир доира чизмиш эрди Ҳуд,  
Унда жамлаб аҳли, аҳбобларни зуд.

Деди: саккиз кун шу ерда ўлтиринг,  
Не кечар нарёқда савдо, бир кўринг.

4830 Чизгидин нарёқда ел қамчи эди,  
Кўкка судраб, тошга ургувчи эди.

Бир гуруҳни чирпирак айлаб бўрон,  
Сочилур эрди ҳаводин устухон.

Осмон ожизди елнинг қаҳрига,  
“Маснавий” ожиз изоҳу шарҳига.

Эй шамол қудратлисен, кўрдик сани,  
Бу чизиқдин ичкари киргил қани.

Эй табиий, кур муаззам сафни сен,<sup>400</sup>  
Йўқса, йўқ эт ояти Мусҳафни сен.

4835 Қўймагил Қуръон ўқишга, чора бер,  
Сен муаллимларга пул бер, пора бер.

Ожизу зорсен, недан ноқислигинг?  
Ул қиёматдин эрур ожизлигинг.

Ҳар ниҳонни ошкор этгувчи ул,  
Сен боқиб, ожиз. . . Қиёмат сенга шул.

Хуррам улким, ожизу ҳайратдадир,  
Сояйи Ҳақ остида роҳатдадир.

Бошданоқ ажзига иқрор айлади,  
Ўлди, ожизлар динини сайлади.

4840 Чун Зулайҳо, нур олиб Юсуфдин ул,  
Топди кексайганда чун ёшликка йўл.<sup>401</sup>

<sup>400</sup> Табиий - бу ерда, табиатчи, табиатга сизинувчи, маъносида.

<sup>401</sup> Ривоятга кўра, Тангри таоло Зулайҳонинг чексиз муҳаббати ҳаққи ҳурмати учун уни қариганда қайта яшартириб, Юсуфга муяссар этган.

Бас, тириклик ўлмагу меҳнатдадир,  
Оби ҳайвон изласанг, зулматдадир.

## ТАНГРИ ТАОЛО НАМРУДНИ ОНАСИЗ, ДОЯСИЗ ПАРВАРИШ ЭТГАНИ ҚИССАСИГА ҚАЙТИШ

Ул чаман эрди чу боғи орифон,<sup>402</sup>  
Сарсари еллар, қуюнлардин омон.

Янги туққан битта қоплон бор эди,  
Унга амр этдим эмиз деб, хўп деди.

Сут бериб боқди ва этди тарбият,  
Чун гўдак ўсди, етишди шермард.

4845 Сутдин айрилгач, буюрдим, бир пари,  
Унга ўргатди нутқ ҳам довари.<sup>403</sup>

Парвариш этдим чаманда ончунон,  
Таърифин айлашга ожиздир баён.

Мен Аюбга бердим ул меҳри падар,  
Айлади қуртларни эъзоз онқадар.<sup>404</sup>

Бердим ул севгини мен қуртларга ҳам,  
Ки Аюб бўлди уларга муҳтарам.

Оналарга она меҳрин жойладим,  
Лутф этиб, андоқ мунаввар айладим.

4850 Юз иноят айладим, юз робита,  
Токи лутфим кўрсин ул бевосита.

То сабаб деб иштибоҳга тушмасин,  
Ҳар не истар эрса, мендан истасин.

<sup>402</sup> Боғи орифон - орифлар боғи.

<sup>403</sup> Довари - буйруқ бериб, ҳукм юритиш санъати.

<sup>404</sup> Ривоятда айтилишича, ҳазрат Аюб пайгамбар ярасига тушган қуртларни ҳам аяган, уларга озор етказмаган.

То таянч деб бир узрни тутмагай,  
Бир ёмон дўстдин шикоят этмагай.

Бўйлаким кўрди ўзи юз робита,  
Парвариш этдим уни бевосита.

Шукри шул бўлдики, эй дўсти жалил,  
Бўлди ул Намруду сўнг ёқди Халил.

4855 Бўйлаким шаҳзода этмай шукри шоҳ,  
Этди шаккоклик анга, кибру ҳаво.

Ўзгаларга мен нечук тобе бўлай?  
Чун ўзимда мулку иқболим талай.

Кўргани ул лутфу эҳсонлар унут  
Бўлди, чун кўнглини босмишди булут.

Бўйлаким Намруд-да Яздон лутфини,  
Топтамишди, таҳқир этмишди уни.

Кофир эрмишди хатолик айлабон,  
Кибру даъвойи худолик айлабон.

4860 Минди уч калхатга, уч, деб қистади,  
Мен била жанг айламоқни истади.

Маъсум Иброҳимни ўлдирмоқ учун  
Беғуноҳ юз минг гўдакни этди хун.<sup>405</sup>

Чун мунажжимлар хабардор эрдилар,  
Душманинг топгай таваллуд, дердилар.

Айлагил даф айламоқнинг чорасин,  
Қирди ул бечораларнинг барчасин.

---

<sup>405</sup> Ривоят этилишича, мунажжимлар ҳазрат Иброҳимнинг туғилишини башорат этишгач, Намруд барча туғилажак ўғил болаларни ўлдиришга фармон берган.

Бир гўдак қолди аноси қўйнида,  
Ўзгалар қони ёвузнинг бўйнида.

4865 Отадин қолмишму эрди мулк, ажаб,  
Этса бу янглиғ ҳаво, кибри насаб?

Ўзгаларга отаси бўлгай ҳижоб,  
Биз туфайли унда гавҳар, дурри ноб.

Бўридир ул аслида нафси бузуқ,  
Ўзгаларга баски тўнкайдир ёзиқ.

Ул залолат ичра юз калга кулоҳ,  
Бўйладир ул бедаво, нафси бало.

Ул сабабдин сенга дерман, эй фақир,  
Бойла ит нафсингга занжир, узмагил.

4870 Ит ҳамиша ит бўлиб қолгуси, бас,  
Не учунким асли тубан, зоти паст.

Сен Суҳайл атрофида парвонасен,  
Мисли Тоиф чармидек товлонасен.

То Суҳайлинг айлагай чармингни пок,  
Дўст оёгига этик бўлсанг, не бок.

Жумла Қуръон - шарҳи сирри нафс эрур,  
Боқ ўзинг Мусҳафга, гар кўз бўлса ул.

Англатур Қуръон у кофирларни ҳам,  
Қилни қирқ ёрган балоҳўрларни ҳам.

4875 Ҳар замонда қўзғалиб ул аҳли дов,  
Ногаҳон дунёга ургайлар олов.



ШАҲЗОДАНИНГ ЎЗ ҚИЛМИШИ ТУФАЙЛИ ПОД-  
ШО РУҲИДАН ЯРАЛАНИБ, СЎНГ ҲЕЧ НАРСАГА  
ЭРИШОЛМАЙ, ДУНЁДАН КЎЗ ЮМГАНИ

Мухтасар қил қиссани, нафси гаюр  
Йил ўтиб, шаҳзодани ўлдирди ул.

Подшо борлиқ сари азм айлабон,  
Бўйлаким Миррих кўзи тўкмишди қон.

Кўз солиб ўқдонга шоҳи беназир,  
Кўрдиким ул битта ўқи етмаюр.

Қайда ўқ, деб сўрди, ахтарди уни,  
Ҳақ дедиким, тешди марҳум бўғзини.

4880 Шоҳ ҳамон авф айлади марҳумни, оҳ,  
Ўқи тегмишди нишонга бехато.

Ўлдирилди, деди подшо, йиғлади,  
Ўлган ул, ўлдиргувчи ҳам ул эди.

Бўлмаса гар иккиси, Кулл бўлмагай,  
Ўлдириб, сўнг расми мотам айлагай.

Шукр этарди ул шаҳид ҳам бул нафас,  
Тегди ўқ жисмимга деб, руҳимгамас.

Жисми зоҳир кетгусидир оқибат,  
Маъни қолгайдир жаҳонда то абад.

4885 Дарду озор боргуси пўст ёнига,  
Дўсти беозор- ўшал дўст ёнига.

Гарчи шоҳ таркини аввал ўйлади,  
Эсни йиғди, тўғри йўлни танлади.

Кенжаси гар эрди танбал бир ўғил,  
Суврати маънини маҳкам тутди ул.

БИР ОДАМНИНГ, ЎЛИМИМДАН СЎНГ УЧ ЎФ-  
ЛИМНИНГ ҚАЙ БИРИ ЭНГ ТАНБАЛ БЎЛСА,  
МОЛУ МУЛКИМНИ ЎША ОЛСИН, ДЕБ ВАСИЯТ  
ЭТГАНИ

Бир киши вақти ажални англади,  
Сўнги дам андоқ васият айлади.

Учта ўғли бор эди, сарви равон,  
Садқа этмишди севиб, жони равон.

4890 Дедиким, сийму заримни уч ўғил,  
Қай бири танбалроқ эрса, олсин ул.

Қозига сўйлаб, насиҳатлар ила  
Ичди сўнг жоми ажални бир йўла.

Қозига деди ўғиллар: эй карим,  
Бош эгурмиз амрига биз уч етим.

Тингладик амрин, итоат айладик,  
Ҳар не истар ул, юракка жойладик.

Биз чу Исмоил, у Иброҳим магар,  
Розимиз қурбон бўлишга ҳар маҳал.

4895 Деди қози: бир ҳикоят сўйлабон,  
Ҳар киши танбаллигин этсин аён.

Унчадир танбаллиги ё мунчадир,  
Сўйласин, айтсин,билайлик бирма-бир.

Энг буюк танбал у орифлар эмиш,<sup>406</sup>  
Икки дунёни улар тарк айламиш.

---

<sup>406</sup> Одатда орифлар икки дунёдан кечиб, ирода ва ихтиёрларини Ҳаққа топширган кишилардир. Уларнинг ҳолати кемага тушган йўловчиларнинг ҳолатига ўхшар. Уларнинг танбаллиги ҳам ана шу ҳолатлари ила изоҳланади, у одатий танбаллик эмас.

Баски танбалликни этмишлар далил,  
Ишларин этгай адо Ҳаққи жалил.

Воҳки, Яздон ишларин кўрмас авом,  
Ул сабаб ташвишдадирлар субҳу шом.

4900 Қанчалар танбал эрурсиз, сўйлангиз,  
Бизни ул асрордин огоҳ айлангиз.

Тил- кўнгил узра чекилган парда ул,  
Силкинаркан парда, асрор очилур.

Пардадир бир бурда қоврилган кабоб,  
Касри-ла кўздин тўсилгай офтоб.

Тингласанг, сўзни, бировнинг нутқини,  
Ростму ёлғон, атри билдиргай уни.

Ул насими субҳми, гулшандин келур?  
Ё самуми ўтми, гулхандин келур?

4905 Чинму ёлғондир, нафас сўйлайди рост,  
Сўйлагандек розини мушқу пиёз.

Ёрда ўн кўнгил эса, сен биргина  
Сезмасанг, этгил думоғингдин гина.

Тулки чийиллаб, магар ҳайқирса шер,  
Эр киму урғочи ким, маълум бўлур.

Тил- қозон устида қопқоқдир мудом,  
Ўйнаса қопқоқ, билингайдир таом.

Ҳиди ошкор айлагай пинҳонлигин,  
Ул таомнинг ширину нордонлигин.

4910 Кўзани чертиб кўрарлар не учун?  
Билмоқ истарлар, синиқми ё бутун?

Бир ўгил деди: сўзи бергай хабар,  
Сўзлатармен, сўзламас бўлса магар.

Қози сўрди: унда айтгил не бўлур,  
Билса гар макрингнию жим турса ул?

### МАСАЛ

Бир ано фарзандига дерди: аё,  
Гар хаёл бошинга келса тун аро,

4920 Ёки қабристон тарфдин бир замон,  
Бир қаро сенга йўлиқса ногаҳон,

Қўрқмагил сен, бостириб бор устига,  
Ул қочар, тушсанг бу янглиғ қасдига.

Қўрқмасанг, қошинга келмоғи маҳол,  
Қувласанг, қочгай у шайтоний хаёл.

Боласи дедики: ул шайтонга ҳам  
Онаси гар берган эрса бўйла панд,

Шубҳасиз, устимга ул ҳам ташланур,  
Не қилурмен унда, кўзлар ёшланур?

4920 Қўрқма, деб таълим берарсен ҳар маҳал,  
Шум хаёлга ҳам мураббий бор магар.

Деву инсонга мураббий Ул ўзи,  
Қўлласа, йўқсил чиқиб, шоҳ бўлгуси.

Қай тарафни қўллар эрса ул Ҳалим,  
Оллоҳ- Оллоҳ,ул тарафни қўллагин.

Қози сўрди: кимса макринг англаса,  
Жим туриб қаршингда, оғзин очмаса,

Билмайин сиррин, нетарсен унда сен?  
Деди: жим тургум унинг олдида мен.

4925 Сабру бардошимни нарвон айлагач,  
Кўкка етгум, сабр- мифтоҳул фараж.<sup>407</sup>

Келса кўнглимга у фурсатда ҳамон  
Бул севинчу ғамдин ўзга бир калом,

Мен билармен, қай тарафдин келмиш ул,  
Ул Суҳайл янглиғ юракдин муждадир.

4928 Келмиш ул қутлуғ тарафдин шуълавор,  
Чунки кўнгилдин кўнгилга дарча бор...

*“Маснавий” оқими шу ерга етганда кесилади, Мавлононинг аввал хасталиги, кейин вафоти туфайли воқеа баёни адосига етмай, чала қолади. Мавлоно олтмиш олти ёшида дунёдан кўз юмади, ўлими олдидан ўғли Султон Валадга васият қилиб, уч шаҳзода қиссасини охирга етказишни тайинлайди. Аммо Султон Валад негадир мазкур ривоятга қўл урмайди, “Маснавий” га хотима ёзиш билан чекланади, холос.*

*Уч шаҳзода ҳақидаги ривоятнинг давоми шундай: икки акаси шаҳид бўлгач, майдонга учинчи, кенжа шаҳзода тушади. У ёғочдан от ясашиб, унинг ичига беркиниб, шу йўл билан шоҳ қизининг кўшикка киришга ва унинг васлига етишга муваффақ бўлади. Сўнг шоҳ ҳузурига келиб, унинг қизи билан дийдорлашганини айтиб, бунга далиллар кўрсатади (эҳтимол узукдир, билакузукдир). Шоҳ шу ондаёқ жон бериб, оламдан ўтади. Шаҳзода унинг тахтига ўлтириб, салтанат соҳиби бўлиб, мурод- мақсадига етади...*

---

<sup>407</sup> Сабр- саодатнинг калитидир

## СУЛТОН ВАЛАД ХОТИМАСИ

“Маснавий” отамга ўхшаб бир замон,  
Қолди хомуш, мен дедим: эй жонга жон,

Нега жимсен, сўзламайдирсен нечун?  
Ёпдинг эшик, қайда ул илми ладун?

Битмади шаҳзодларнинг қиссаси,  
Не эмишди кенжа ўғлон қиссаси?

Деди: нутқим тева янглиғ уфлади,  
То қиёмат сўзламас ул, ухлади.

5 Ул ривоятким, кўнгилда, ичкари,  
Бойланиб қолди, чиқолмас ташқари.

Чўкди чун нутқу забоним тевадек,  
Сўйласин ул, мен тилим тийдим ва лек.

Етди сувдин сакрамоқнинг палласи,  
Барча бўлгайлар ҳалок, у қолгуси.<sup>408</sup>

Бошқа не сўз борки, етгай безабон  
Ҳар кўнгилга, бўлса унда зинда жон.

Битди гап-сўз, битди банда умри ҳам,  
Мужда келди, қолмагай деб дарду гам.

10 Энди жон дунёсида жавлон қилай,  
Масканимни нам эмас, уммон қилай.

Боқки, намлик бирла олам хуш эрур,  
Олмиш ул намликни бир денгиздан ул.

Чунки жон тупроғу нам-ла зиндадир,  
Етса денгизга, фароғат ундадир.

---

<sup>408</sup> Қуръони карим, Қасас сураси, 88-оятга ишорат.

Денгиз ул шаҳр, нам анга дарвозадек,  
Қатрадир нам, йўқ магар денгизга чек.

Жон каби намликни қўй, тарк айла то,  
Баҳри жонон ичра топгайсен бақо.

- 15 Чунки намни йўлламишдир ул тараф,  
Жон йўлинда изла сен ҳам бул шараф.

Сен у ёқдин изла, денгиз ундадир,  
Бунда денгиз изламоқ беҳудадир.

Зарра қум бархонга элтгайдир сени,  
Баҳри жон жононга элтгайдир сени.

Баски жондин васли жонон қил талаб,  
Белабу беком дегил ул номи Раб.

Чиқ шу фоний кулбадин, тарк эт жаҳон,  
Ул жаҳони жон аро қол жовидон.

- 20 Сен уруғни экма шу тупроққа, хок  
Шўрланиб, этгай ниҳолингни ҳалок.

Бўйлаким умри азизни кунма-кун,  
Беэваз, елларга сочгайсен нечун?

Бул сенга заҳму зиён эрмасмикан,  
Гул бериб, ўрнига олгайсен тикан?

Сарфланиб дунёга, умринг қолмамиш,  
Ҳуррам улдирким, Худойи чорламиш.<sup>409</sup>

Икки-уч кун муҳлатинг, мўъжаз умр,  
Ҳақ йўлига сарфланиб, сўнгсиз бўлур.

---

<sup>409</sup> Қуръони карим, Вал-фажр сураси, 27-30-оятларга ишорат.

- 25 Беҳисоб, беҳад бўлур ул бир йўла,  
Ўтса тоат ичра гар, тақво била.
- Кел, шу бозорда тижорат айлагил,  
Бир тикандин ҳосил эт минг битта гул.<sup>410</sup>
- Бир данак эксанг, кўкарсин юз ҳазор,  
Фазлини берсин анга Парвардигор.
- Сон-ҳисоб бор жойда охир ҳам бўлур,  
Сон-ҳисоб йўқ жойда поён қайда ул?<sup>411</sup>
- Кулл сари тилпин, аё жузви жудо,  
Ўзлигингдин кеч-да, бор сўйи Худо.
- 30 Кўзадек тан ичра сувдирсен зилол,  
Деди-қўйди, сулҳу жанг кўпик мисол.
- Бўйла кўпикдир улар, эй покиза,  
Нақшу сувратким чизилгай сув уза.
- Бир теран сув узра кўпикдир бари,  
Ичдаги асрори чиқмиш ташқари.
- Тафту кўпик бирла учгайдир ҳовур,  
Тандир ичра не эмиш, маълум бўлур.
- Ул ширинму ёки нордондир ҳамон,  
Кексаю ёш барчага бўлгай аён.
- 35 Сўзу иш бирлан тугар тилсимлиги,  
Маълум ўлгай ҳар кишининг кимлиги.
- Жони не манзилга етмиш, не ҳали,  
Кимдир ул, мўминми, кофир ё вали?

<sup>410</sup> Қуръони карим, Бақара сураси, 261-оятга ишорат.

<sup>411</sup> Қуръони карим, Иброҳим сураси, 34-оятга ишорат.



Сувни доим кўза ичра тутма, ҳай,  
Токи ул айнаб, ичимсиз бўлмагай.

Оқмаган сув оқибат нохуш бўлур,  
Рангу бўю тоту таъмдин айрилур.

Деди: кимда икки кун бирдак эмиш,  
Алданибдир, мубталойи шак эмиш.<sup>412</sup>

40 Айрилиб Ҳақдин, жаҳолатда яшар,  
Одам эрмас, ел тўла мешдир ўшал.

Саф-қатордин ортда қолгайдир нуқул,  
Сувлари кўпикка ботган, тийрадир.

Ранжи ҳам ҳар лаҳза баттар бўлгуси,  
Дамба-дам расвою абтар бўлгуси.<sup>413</sup>

Юз буриб Ҳақдин, жаҳаннам боргай ул,  
Сувгамас, оташга ўзни қоргай ул.

Бас, ишинг бул интиҳога етмайин,  
Ҳар даминг гафлатда орқа кетмайин,

45 Сен-да кел, аслинга қайтгил, эй Халил,  
Қолсин ул юлдуз, ўшал чархи алил.

Кел, оёгингни қуёшга, моҳга қўй,  
Бошинг ул айвону ул даргоҳга қўй.

Ўзлигингни Тангрига харж айла, то,  
Бўлма Иблисдек Худойингдин жудо.

Жон сувинг жон баҳрига қўш, эй фалон,  
Сен-да денгиз бўл, адоқсиз, бекарон...

---

<sup>412</sup> Ҳадисга ишорат. Яъни, ҳар кимсанинг бу куни кечаги кунидан афзал, устун бўлмаса, у киши алданибди демак.

<sup>413</sup> Абтар - паришон.

Ҳақ мадад айлаб, иноят этди чун,  
Топди шу олтинчи дафтар ҳам якун.

- 50 Чўзма ортиқ, юзга мен чекдим ниқоб,  
Гап тамом, валлоҳу аълам биссабоб.

Бул китоб поёнга етди оқибат,  
Нақд бўлиб, унвонга етди оқибат.

Осмонга нардбондир бу калом,  
Тирмашиб чиққан кўрар том узра том.

Ул оёқ қўймас фақат кўк жомига,  
Ул чиқар ундан баландроқ томига.

- 54 Кўкка етгайдир ўшал ёқдин наво,  
Чарх мудом айланса, боис ул ҳаво...

*“Маснавийи маънавий”нинг  
олтинчи китоби тугади.*

МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ  
ҶАБРИ БОШИДА

Келибман бош уриб шу ётганинг  
мақбарга, Мавлоно,  
Қўяй бошимни қабринг тошига,  
мармарга, Мавлоно.

Мунаввар бир жаҳонсан,  
дахр аро тўлқинли уммонсан,  
Иноят эт, карам қил мен каби  
мустарга, Мавлоно.

Жаҳоннинг макрига тўйдим,  
қамишдек ўртаниб, куйдим,  
Кўзим ёшли, дилим ташна  
суйи кавсарга, Мавлоно.

Қизил гул васл эмиш хандон,  
гули сафсар эмиш ҳижрон,  
Нечун мен банда бўлдим шул  
гули сафсарга, Мавлоно?

Аламлар шарҳини ёздим,  
неча дафтарни тўлгаздим,  
Нетай мен изтиробим сизмаса  
дафтарга, Мавлоно?

Кечирган кунларимни эсга олсам,  
қалтирар қалбим,  
Мисоли қарга-қузгун ёприлур  
каптарга, Мавлоно.

Нечун инсон бўлибман бу жаҳонда,  
бўлмасам комил.  
Қўлим етгайму бир кун  
шамси-ул-анварга, Мавлоно?



“МИЛЛАТИ ИШҚ БАРЧА ДИНЛАРДИН ЖУДО...”  
(Сўнги сўз ўрнида)

*“Маснавий” шавқини кўкларга чиқармиш наймиз,  
То абад ҳамнафаси ҳазрати Мавлономиз...*

Яҳё Камол

Ҳақиқий буюк шоир халқ ва миллат қалбининг ҳукрони бўлур. Бунга қандай эришилади? Фақат ва фақат эл-юртнинг кўнглини, руҳини билиш, унинг қайғу ва қувончларига шерик бўлиш, маънавий талабларига жавоб бера олиш билан эришилади. Ана шундагина шоир не деса, халқ унга ишонади, нима ёзса, кўзига суртиб ўқийди. Одамларнинг дарду ғами, ҳасрат ва орзуларини мукаммал ифодалай олмаган ижодкорнинг сўзини ҳам, фикру хулосаларини ҳам юқори баҳолаш мумкин эмасдир. Шеър мавзуси ҳаётий ва ҳаққоний, энг пешқадам, энг илғор кишиларнинг руҳониятига уйғун бўлсагина шеърнинг умри узоқ бўлади, маълум бир юрт, миллат, дин ёки дунёқараш сарҳадларини босиб ўтиб, унуминсоният мулкига айланади. Мавлоно Жалололдин Румий худди ана шундай шеърлар муаллифи ва башариятнинг ўлмас санъаткоридир. Румийнинг шеърияти наинки Кўҳна Шарқ, балки Жаҳон бадий тафаккурининг бебаҳо дурдоналаридан ҳисобланади ва мана неча асрлардан буён эъзозланиб келинади. Шеъриятда Мавлоно амалга оширган иш - бу жасорат, қаҳрамонлик иши эди. Тарихдан маълумки, Жалололдин Румий яшаб, ижод этган давр - ер юзининг анча катта қисмини аёвсиз мўғул тўфони қуршаб олган, кўп халқларнинг қалбида қўрқув ва таҳликалар кучайган бир давр эди. Румийшунос олимлардан бири Ҳасан ан-Надовийнинг қайд этишича, Мавлоно Румий инсоннинг инсонлигини рад қилган ва бу оламдаги кадрқийматини таҳқирлаган замон фарзанди ўлароқ майдонга чиққан. Ва бу буюк санъаткор ўзининг оламшумул шеърияти билан умидсиз адабиёт харобалари ичида қолган, таназулга юз тутган шеър ила кўмилган

инсон руҳониятини ҳаракатлантира олганди. У ёзади: “Мавлоно порлоқ ва бетакрор тил билан, имон ва ба-логат билан инсоннинг куч-қудратини, инсонлик фази-латини улуглади. Ниҳоят, жамиятда жонланиш бош-ланди. Инсон ўзининг шарафи ва қадр-қийматини чу-қур англаш йўлига тушди. Ана шу жозибали қувват ва улугворлик ислом адабиётининг тараққиётига улкан таъсир ўтказди”.

Дарҳақиқат, Румий инсоният тафаккури ва руҳи та-рихида янги, бениҳоя юксак босқич яратган, шеърият-да ўзига хос гўзаллик оламини кашф айлаган доҳий санъ-аткордир. Румийнинг нуқтаи назарида ҳақиқат олами - тириклик ва инсонлик олами. Ўлим ҳақ: эртадир, кеч-дир одам бу фоний дунёни тарк қилади. Бироқ бу фо-ний дунёда одамлар бир-бирига жон бўлмоғи, бир-би-рининг ишқи билан ўлиши лозим.

Инсон - илоҳ маҳзари. Ундан ташқарида илоҳий исм ҳам, калом ҳам йўқ. Жибрилу амин, набию расул ҳам инсони комилнинг ўзи.

Онҳо, ки талабгори Худоед, Худоед,  
Берун зи шумо нест, шумоед, шумоед.  
Чизе ки накардед чун, аз баҳри чи жўед,  
В-андар талаби гумшуда аз баҳри чароед?  
Исмеду ҳуруфеду каломеду китобед,  
Жибирили аминеду расулон шумоед.

Инсон моҳиятида яширин бундай илоҳий фазилат ва хислатларни, мушоҳаде айлашга чорлаш Румий “Маснавий”сининг бош гоёсидир.

\* \* \*

Турк олими Абулбоқий Гулпинарлининг эътирофи бўйича: “Мавлононинг тасаввуфи мистик бир тасаввуф эмас, балки реалистик ва динамик бир тасаввуфдир. Мавлоно ҳатто мистик сўфийларга ва уларнинг тасав-вуфий инончларига қаршидир”. Шу боисдан ҳам Мав-лоно асмога асосланган, қуруқ зуҳд, риёзат ҳамда зик-

рга юз бурган сўфийларга ўзини маънан ва руҳан яқин кўрмаган. Мавлоно тасаввуф қомуси сифатида ўқиб-ўрганилган ва қадрланган ўзининг “Маснавий”сида тақдиму талқин қилган руҳоний сайри халқдан Ҳаққа, Ҳақдан яна халққа томон йуналган саёҳат эрур. Румий энг аввало ҳаёт ва завқ муҳиби эди. Унинг риёзати кўнгил поклиги, руҳ қувончи, бошдан-охир бир меҳр ва мурувватдир. Ҳазалларидан бирида Мавлоно бунни алоҳида таъкидлаб шундай дейди:

Риёзат нест пеши мо ҳама лутфасту бахшойиш,  
Ҳама меҳрасту дилдори, ҳама айшасту осойиш...

Яъни: бизнинг ёнимизда риёзат йўқдур, барчаси лутфдир, бахшойишдир. Бизнинг тариқимизда барчаси меҳр, дилдорлик, нашъа ва осойишдир. “Маснавий” том бир завқ, кўнгул муруввати ила яратилганлиги учун унда тасвирланган ва бадиий талқинлари берилган тасаввуфий ҳақиқатлар одамни ҳаётдан йироқлаштирмайди, бездирмайди, дунё муаммоларини худди шу дунёда яшаб ҳал қилишга ундайди, шахс камолотида ишқ мислсиз аҳамият касб этишига ўқувчини тўла ишонтиради. Шунингдек, “Маснавий” инсон зиммасига олам ва одам тақдирини Гўзаллик нигоҳи ила кўриш, Гўзалликни севиш мажбуриятини юклайди. Зеро, борлиқ - олам мутлақ гўзаллик соҳиби бўлмиш Оллоҳ камоли ва жамолининг маълум бир шаклдаги тажаллисидан иборатдир. Шу учун ҳар ҳар қанақа гўзаллик Ундан бир нишона. Гўзалликни фарқлаш, у ёки бу тарзда уни акс эттириш барча гўзалликнинг тамали мутлақ жамолни танишнинг бир йўли, холос. Гўзалликни севиш-софликни, шаффофликни севиш демак. Гўзалликнинг туб моҳияти ва завқини англаш иккинчи маънавий туғилиш, яъни ишқдан дунёга келишнинг айнан ўзидир. Мавлоно:

Миллати ишқ барча динлардан жудо,  
Аҳли ишққа миллату мазҳаб - Худо,

деганда худди шу ҳақиқатни эътиборда тутгандир. Чиндан ҳам Мавлоно учун ва Мавлононинг бадиий талқинларида “Ишқ-устурлоби асрори Худо” эди. Маълумки, Румий ижодиёти Юнон, Эрон, Миср, Ҳинд мифологияси ва фалсафаси билан алоқада бўлган. Араб, юнон адабиёти тажрибалари билан боғланган. Исломи дини, айниқса, Қуръони карим ва ҳадислар унинг шаклланишида ҳам, ривожланишида ҳам зўр таъсир кўрсатган. Форсий адабиёт намуналаридан Мавлоно бир умр илҳомланганлиги ҳам исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдирки, буларни инобатга олмай туриб, “Маснавий” оламига ишонч ила кириб бориб бўлмайди. Аммо мен бу ўринда “Маснавий”ни ўқиш жараёнида алоҳида диққат этилиши зарур бўлган ҳақиқатлардан фақат биттаси хусусида икки оғиз сўз айтмоқчиман.

Мавлоно бир рубоийсида ёзади:

Ман як жонам, ки сад ҳазор аст танам,  
Лекин чи кунам, чу банд дорад даҳанам?  
Дидам ду ҳазор халқ, к-он ман будам,  
З-он жумла надидам якери, ки манам...

Мазмуни: Мен биргина жонман, аммо таним юз мингтадир. Лекин не қилайки, оғзим боғлиқ - банд бор'унда. Икки минг халқни кўрдим - у мен эдим. Фақат улар орасида битта ҳам менга ўхшайдиганини кўрмадим...

Бундоқ қаралганда, ушбу фикр-сирли, англаниши қийин, жумбоқли фикр. Чунончи: бир жон қандоқ қилиб юз мингта танга соҳиб бўлиши мумкин? Нечун “икки минг халқ” бир киши бўладию, улар орасидан шеър қаҳрамонига монанд бирорта ҳам одам топилмайди?

Камолат йўли - нафси тарбиялаш ва поклаш йўли. Нафс софлигига эришиш эса моддий талаб ва боғлиқликлардан халос бўлиш, мавжудотга нисбатан илоҳий истиғнодурки, иккинчи туғилиш маъносини акс эттирадиган мазкур ҳолатни орифлар “қиёмати суғро” деганлар. Бунда инсон ўзи, олам, оламларнинг яратувчиси ҳақида бутунлай янги бир тушунча, мушоҳада ва билимга эга бўлади. Шунда тасаввур ва тахайюлда эв-



рилиш юзага келади: кўз аввалигига нисбатан бошқа тарзда кўради, фикр ўзгача зайлда ҳаракат қилади, қалбда мутлақо бошқа кайфият, бошқа ҳол ва завқ ҳоқим бўлади. Шунинг учун ҳам орифлар олдинги умрларини беҳуда ва бефойда ўтган умр дея афсус чекадилар, пушаймонликларини изҳор қилишдан мароқланадилар. Чунки олдинги ҳаёт замони ва маънисини интиқолдан - руҳ, кўнгулга кўчишдан аввалги ҳаётдир. Бир шахснинг иккинчи туғилишдан олдинги ҳаёти, ундан кейинги ҳаётидан тамоман фарқланади. Энди ухлаш ва туриш ҳам, ейиш-ичиш, ҳузур-ҳаловат ҳам - хуллас барча-барчаси тубдан ўзгача шаклга эга бўлади. Сирли илтижо ва ёлворишлар, ёниб-куйиш ва ишқий саргузашт, телбалик тугёнлари, ирфоний завқ, Оллоҳдан мадад тилаш ва муножотлар худди шу даврдан бошланади. Ҳамма нарса гўзаллик ва сир пардасига бурканади. “Маснавий”да бу ҳолат тадрижи ва маъно сирлари бутун нозиклиги, бутун миқёси билан тасвирлаб берилган. Энг муҳими, ундан Сиз комил инсон назариясидан кўра, амалиёти - тажрибаси хусусида кўпроқ нарсага эришасиз. Борлиқнинг маҳдудлиги ёки маҳдуд борлиқдан қутулмоқ, фардий эҳтиросларга берилмаслик, ҳаёт ва инсонга чегарасиз ишқ, хайрга, гўзаллик ва яхшиликка эътиқод кабилар умрнинг асосий мазмунига айланиб қолади. Шунда ҳеч иккиланмасдан иқдор бўлиш мумкинлиги, чиндан ҳам:

Зоти инсон Аршданама юксак эрур,  
Бўйла юксакдирки, сизмас сўзга ул...

Абдулла Хароботий демиш:

“Маснавий”ким бодаи ваҳдат эрур,  
Лаззати ҳам ишрати раҳмат эрур...  
“Маснавий” ҳам жон, ҳам жонон эрур,  
“Маснавий” ҳам дард, ҳам дармон эрур...

Олти жилддан таркиб топган “Маснавийи маънавий”  
ёзилган кунидан шу кунларга қадар мутолаа қилиб

келинаётган, дунёдаги турли халқларнинг фикр ҳаётига буюк таъсир ўтказган муҳташам китобдир. “Маснавий” жаҳоннинг бир қанча тилларига таржима қилинган. Шарқ халқлари орасида Маснавийхонлик анъанаси қарор топган. Муҳаммад Иқболга ўхшаш шоирлар умр бўйи “Маснавий”га ошиқу шайдо бўлиб қалам тебратишган. “Маснавий”ни пухта англаш, унинг маъно ва санъат сирларини халққа очиб бериш масаласида жуда кўп шарҳ китоблари ёзилган. Мана ниҳоят ўзбек халқи ҳам Гомернинг “Илиадаси”, Дантенинг “Илоҳий комедияси”, Гётенинг “Фаусти”га ўхшаш улуг китоблар қатори Румийнинг олти жилдлик “Маснавий”сини ўз она тилида ўқиш имконига эришди. Бу машаққатли, аммо гоёта шарафли иш Ўзбекистон халқ шоири, моҳир таржимон Жамол Камол томонидан адо этилди. Инсоф билан айтганда, Жамол Камол шавқ ва гайратла амалга оширган ушбу ижодий меҳнат ҳар қандай таъриф ва мақтовдан баланддир.

“Маснавий”ни сидқидилдан ўқиган, ўқиб англай билган ҳар бир киши буни албатта билади. Айни пайтда мазкур таржима маданий ҳаётимиздаги улкан ва такрорланмас ҳодиса эканлигига ҳам тўла тан беради.

**Иброҳим Ҳаққул,**  
филология фанлари доктори, профессор

## МУНДАРИЖА

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм	5
Дебоча	6
Бир кимсанинг воиздан, шаҳар яқинида, баланд оғочда ўлтирган қушнинг боши фозилроқ, азизроқ, улугроқми ёки думими, деб сўрагани	17
Имон завқини тотмаган, сидқи заифликка далил бўлган, юз мингларча аблаҳлар ҳар куни йўлини тўсган, номуси чирик, ифлосларга таъна-дашномлар ёғдириш	22
Майлу ихтиёр фитнасидан, майлу ихтиёр сабаблари фитнасидан ўзинг асрагил, деб Тангрига ёлбориш	25
Бир ҳинду қул хўжасининг қизини яширинча севиб қолгани	28
Хўжа қизнинг онасига, сабр қил, қулга озор берма, мен чорасини қиламан, дегани	31
Ул ҳақдаким, бу алданиш ёлғиз у ҳиндуда эмас, ҳар кимсанинг бошида бордир	34
“Ҳар гал уруш оловини ёқсалар, Оллоҳ уни ўчиргай” оятининг ҳаммага тегишлиги хусусида	37
Шу мазмунда бир ҳикоят	38
Подшо Аёзнинг фазилат ва мартаба бобида ҳаммадан устунлигини умарога тушунтириб бергани	40
Умаро бу далилни шубҳа остига олишгани	41
Қушларни алдаш учун ўт-ўланга бурканиб, бошига гуллар, лолалар тақиб олган овчи ҳикояти	45
Ўғрилар бировнинг қўчқорини ўғирлаб, кийимларини ҳам ўмаришгани	48
Қуш ила овчи мунозараси	49
Ўғрилар карвонни талаганда жим туриб, сўнгра дод-вой кўтарган посбон ҳикояти	54
Қуш зоҳидга, сенинг макринг туфайли тузоққа тушдим, дегани	55

Ошиқ ваъдалашган жойга келиб, маъшуқасини кутиб, ухлаб қолгани	58
Ширакайф турк амирининг субҳидамда чалғувчи чақиргани	63
Мустафо алайҳиссалом уйига кўр кишининг келгани	66
Мустафо алайҳиссалом Ойша розиаллоҳу анҳуни имтиҳон этгани	67
Мутрибнинг турқ амири базмида ўлтириб, ашула айтгани	69
Пайгамбар алайҳиссалом, ўлмасингиздан олдин ўлинг, демишди	71
Бир ғариб шоирнинг Ҳалаб шиаларидан савол сўрагани	75
Шоирнинг бир неча нозик гаплар айтгани	77
Ҳақнинг раззоқлигини пайқамаган одам	78
Бирови бир уйнинг олдига келиб, саҳарлик учун ногора чалгани	82
Қалби Мустафо алайҳиссалом ишқи ила тўлган Билол қиссаси	86
Сиддиқ разиаллоҳу анҳу Билол қиссасини Мустафо алайҳиссаломга сўйлагани	91
Мустафо алайҳиссалом Сиддиқ разиаллоҳу анҳуга, савобга мени ҳам шерик қил, дегани	95
Бу савдода Сиддиқ ютқазди, деб жухуднинг қаҳ-қаҳ уриб кулгани	98
Мустафо алайҳиссалом, нега тўловни ёлғиз ўзинг тўладинг, деб Сиддиқдан ранжигани	102
Ҳилол қиссаси	105
Ҳилолнинг хасталаниб, ётиб қолгани	109
Мустафо алайҳиссалом Ҳилол розиаллоҳу анҳунинг ҳолини сўрагани	111

Мустафо алайҳиссалом Исо алайҳиссаломнинг сув устида юрганини эшитиб, дегани	112
Бир кампир буришган юзига оро бергани	115
Бир дарвеш достони	116
Ул кампирнинг сифатлари	117
Бир уйдан ҳамиша “йўқ” жавобини олган дарвеш қиссаси	117
Кампир ҳикоясига қайтиш	118
Султон Маҳмуд ва ҳинду қул ҳикояти	128
Марҳумларда ўлим қайғуси бўлмас	134
Яна бир карра суфий ва қози ҳикоятига қайтиш	137
Қозининг жаҳли чиққани	144
Қозининг сўфийга жавоб бергани	144
Сўфийнинг қозидан савол сўрагани	147
Сўфий яна қозидан савол сўрагани	150
Турк ила тикувчи ҳикояти	151
Пайғамбар алайҳиссалом демишким	151
Турк баҳсга киришиб, отини гаровга қўйгани	153
Тикувчи кулгули сўзлар айтиб, туркни кулдиргани	155
Тикувчи, ҳой, турк, кўп ҳам кулаверма, дегани	157
Латифа излаган бекорчилар ўшал туркка ўхшар, дунё устамон тикувчига	157
Масал	158
Сўфийнинг яна савол сўрагани	159
Қозининг сўфийга жавоб бергани	159

Ранжу машаққатларга сабру бардош қаёқдаю ёр фироқид ёниб, ўртаниш қайда	160
Масал	162
Меҳнат-машаққатсиз ризқ сўраган кимса ҳикоясининг даво- ми	167
Ганжнома қиссаси	172
Қиссанинг охири, ул фақир хазина кўмилган жойни излага- ни	176
Кўмилган хазина хабари подшонинг қулоғига етгани	176
Подшонинг ҳафсаласи пир бўлиб, хазина топишдан умидини узгани	177
Подшо кўмилган хазина ҳақидаги қоғозни йўқсилга бергани	179
Шайх Ҳарраконий қоддасалоҳу сирраҳу муридининг ҳикоя- ти	184
Дарвеш шайхнинг хотинидан, шайх қаерда, деб сўрагани	185
Мурид хотинни койигани	187
Мурид одамлардан шайхни суриштиргани	191
Мурид муродига етгани, шайхни учратиб, у билан суҳбат қургани	192
“Мен ер юзида бир халифа яратмоқчиман” сўзининг ҳикма- ти	194
Бало ёпирилганда Ҳуд алайҳиссалом мўъжиза кўрсатгани	197
Кўмилган хазина ҳикоятига қайтиш	203
Хазина излаган фақирнинг кўп заҳматлар сўнггида Тангри Таолога ёлборгани	205
Ҳотифнинг хазина асроридан огоҳ этгани	210
Бир мусулмон, бир насора, бир яҳудий йўлда йўлдош бўлиш- гани	213

Туя, ҳўкиз, ва қўчқор йўлда бир чимдим кўкатга дуч келишгани	220
Масал	220
Мусулмон кўрган тушини сўйлагани	222
Термиз подшоси Саид шаҳарга жарчи қўйгани	224
Сичқоннинг қурбақа ила дўст тутингани	234
Сичқон қурбақага маслаҳат солгани	237
Сичқоннинг қурбақага ялиниб ёлборгани	239
Бугунги ишни эртага қўйма	242
Султон Маҳмуднинг бир кеча ўғрилар орасига киргани	250
Сув буқасининг кечаси гавҳари шабчироқ ёруғида соҳилда ўтлагани	259
Сув бўйига келган сичқон ҳикоятининг давоми	261
Абдулғавс қиссаси, уни парилар олиб қочгани	264
Бир киши Табриз муҳтасибидин маош оларди	267
Жаъфар розиаллоҳу анҳу бир қалъани олиш учун якка-ёлғиз от сургани	269
Қарзга ботган кимса ҳикоясига қайтиш	275
Ул ғарибнинг Тангрига тавбалар қилгани	277
Қиблани бирмас, икки деб билувчи кимса	285
Ул ғарибнинг зиёрат учун муҳтасиб мазорига боргани	288
Хоразмшоҳ бир отни ёқтириб қолгани	296
Юсуфи Сиддиқнинг Ҳақ турганда ўзгдан мадад сўрагани	301
Ул поймард ва ул қарзга ботган ғариб ҳикоясининг давоми	311
Муҳтасиб тушда поймардга кумуш хазина кўмилган жойни айтиб бергани	312

Бир подшо ҳикояти, унинг сафарга шайланган уч ўғлига васияти	317
Орифнинг абадий ҳаёт сарчашмасидан мадад истагани	318
Шаҳзодалар оталари билан хайрлашиб, мамлакат бўйлаб сафарга чиқишгани	321
Шаҳзодаларнинг “Инсон манъ этилган нарсага ўч бўлур” қаби-лида иш тутишгани	326
Шаҳзодаларнинг Зот ус-сувар қалъасидаги саройда Чин под-шоси қизининг сувратини кўришгани	332
Бухоролик Садри жаҳон ҳикояти	336
Бири кўса, бири ўспирин ака-укалар ҳикояти	340
Мустафо саловати аллоҳ алайҳи буюрмишларким, икки ҳарис бор, ҳеч қачон тўймас: бири толиби илм, бири толиби дунё.	343
Шаҳзодалар мазкур воқеа тадбирини топиш устида баҳс этишгани	344
Катта аканинг айтганлари	344
Бир подшо бир донишмандга зўрлаб шароб ичиргани	346
Шаҳзодалар баҳсу мунозара сўнгида маъшуқага мумкин қадар яқинлашмоқ учун Чин вилоятига томон йўл олишгани	352
Амриул Қайс ҳикояти	353
Шаҳзодаларнинг Чин пойтахтига етиб, у ерда яширинча ма-кон тутишгани	359
Ул киши баёнидаким, Тангри эҳсони бошқа бир ёқдан кели-шини билса ҳам умид кўзини бир эшикка тикар	369
Бир одам уйқусида туш кўрди, бирови унга Миср ўлкасида, фалон маҳалла, фалон уйда хазина кўмилган, деди	373
Мўмин дуосининг кечикиб ижобат бўлишига сабаб	373
Мисрда дафина бор, деб хабар олган кимса ҳикоясининг да-воми	375



Мисрга келган одам кечаси тиланчилик қилиш учун кўчага чиқиб, миршабдан калтак егани	377
“Ёлгон инсонда шубҳа уйғотади, ҳақиқат эса - ишонч” ҳадиси баёнида	378
Масал	383
Ул одамнинг севина-севина муродига етиб, ўз юртига қайтгани	384
Укаларининг ўз акаларига такрор-такрор насиҳат этишгани	388
Қозининг Жўҳи хотинига ошиқ бўлиб, сандиққа тушгани	393
Қози хотининг уйига боргани	396
Қози ноибининг бозорга келгани ва сандиқни Жўҳидан сотиб олгани	399
Мустафо саловоти аллоҳ алайҳи буюрдиларким, мен кимнинг мавлоси эсам, Али ҳам унинг мавлосидир	401
Келгуси йил Жўҳининг хотини пул ундириш умидида яна маҳкамага боргани	402
Яна шаҳзода ҳикоясига қайтиш	405
Устига Сирот кўприги қурилган жаҳаннам дерким, эй мўмин, югур, тезроқ ўт, йўқса, нуринг талъати оловимни сўндирар	407
Катта шаҳзоданинг вафот этгани, жанозага ёлғиз ўртанча шаҳзоданинг келгани	409
Подшо туфайли шаҳзода кўнгилида асрор юз очгани	420
Тангри Таоло Азроилдан, бандаларнинг жонини оларкансан, кўпроқ кимга жонинг ачийди, деб сўрагани	423
Шайбони Роъий қудси аллоҳ руҳаҳул азиз кароматлари	424
Тангри Таоло Намрудни онасиз, доясиз парвариш этгани қиссасига қайтиш	426
Шаҳзоданинг ўз қилмиши туфайли подшо руҳидан яраланиб, дунёдан кўз юмгани	429

Бир одамнинг, ўлимидан сўнг уч ўғлимнинг қай бири энг танбал бўлса, молу мулкимни ўша олсин, деб васият этгани	430
Масал	432
Султон Валад хотимаси	434
Жамол Камол, Мавлоно Жалолиддин Румий қабри бошида	439
Иброҳим Ҳаққул, “Миллати ишқ барча динлардин жудо...”	441

**МАСЪУЛ МУҲАРРИР:  
ЖАЪФАР МУҲАММАД**

**МУҲАРРИР:  
ВОҲИДА ҲАМИДОВА**

**РАССОМ:  
ТЕМУР САЪДУЛЛАЕВ**

